

САДРИДДИН
АЙНИЙ

ЭСКИ МАКТАБ



К и с с а л а р

Тошкент
«ЮЛДУЗЧА»
1988

Т ў п л о в ч и МАЖИД ҲАСАНОВ.

Хурматли ёш китобхон!

Қўлингиздаги китобга машҳур совет ёзувчиси, ўзбек ва тоҷик тилларида кўплаб шеърлар, қиссалар ва романлар яратган Садриддин Айнийнинг турли даврларда ёзилган «Одина», «Эски мактаб» ва «Етим» қиссалари жамланди. Қиссаларда ота-боболаримизнинг оғир ва аянчли аҳволи Одина, Сангин, Етим, Шариф, Гулбиби, Сора каби образлар орқали жонли гавдалантирилади. Ўмрини бойлар зулми остида ўтказган бу камбагаллар ўз ҳукмдорларига қарши курашга отланадилар ва ниҳоят озодлик нуридан баҳраманд бўладилар.

A 4803010101-10
360 (04) 88

ISBN 5-8250-0002-X

© «Юлдузча» нашриёти, 1988, безаклар.

ОДИНА

ёки бир камбағал тожикнинг саргузаштлари

(Истиббод хотираларидан)



ЁЗУВЧИДАН


Бу ҳикоя 1924—25 йилда «Овози тожик» газетасида қисқача босилиб, 1927 йилда Тожик Давлат нашриётининг хоҳиши бўйича ёзувчи томонидан кенгайтирилиб, мазкур нашриёт томонидан китоб шаклида босилган эди.

Тожик янги адабиётининг «эрта пишар» меваси бўлганидан бўлса керак, ўқувчиларнинг диққатини ўзига тортди. Рус тилида икки дафъя таржима бўлиб, уч бор босилди. Рус матбуоти буни танқидга лойиқ топиб, асосий камчиликларни кўрсатиб, яхши баҳо берди.

Бу ҳикояни Ўзбек Давлат нашриёти таржима қилдирмоқчи бўлгандা, ўзбекчам заиф бўлса ҳам, таржимани ўз бўйнимга олдим, таржима вақтида қайтадан ишлаб, имкон борича шўро матбуоти ва ўқувчилар оммаси томонидан кўрсатилган камчиликларни тузатмоқча уриндим, тузатиш чогида эса ҳикоянинг аслига ва тарихий ҳусусиятига халал келтираси даражада ўзгартиш киритмадим.

Шундай қилиб, бу ҳикояни муҳтарам ўзбек ўқувчиларига тожик янги адабиётининг мукаммал намунаси деб эмас, балки бундан уч-тўрт йил бурун тартиб қилиниб, тожик ишчи-дехқонининг Бухоро инқилоби арафасидаги ҳолини тасвир қиладиган «эрта пишар» бир меваси деб тортиқ қиласман.

*Самарқанд, 1929 йил 29 сентябрь.
С. АЙНИЙ*



I

ОДИНА

Одина ўн икки яшарлигидан ота-онасидан айрилиб, етим қолган эди. Одинанинг отаси камбағал бир киши бўлиб, ўлар чоғида бир ёш сигиридан бўлак ҳеч бир мерос қолдирмаган эди. Одина нинг отаси ўлгандан кейин унинг уйига Қоратегин вилоятининг қозиси мулозим ва муфти юбориб, унинг молини тарака¹ эттиргди. Қозининг тарака пулиси, муфти ва мулозимнинг хизмат ҳақлари учун сигирни сотиб сарф қилувдан бошқа, яна тагин сағир Одина қишлоқ арбоби² Қамолдан ўн танга қарздор бўлди. Одинани ўз тарбиясига олган катта онаси тиlidan бу қарз учун қўйидаги мазмунда хат олинди:

«Мен Ойшабиби Шоҳмурод қизи, ўз набирам сағир Одина номидан отасининг ўлимни ҳаражати учун Арбоб Қамолдан василик сифати билан ўн танга қарздор бўлдим, шу шарт биланки, Одина улгайиб, қўлидан иш келадиган бўлганда, уни мазкур Арбоб Қамол қўлига топшираман; у шу ақча бадалига мазкур арбобга хизмат қиладир».

* * *

Ойшабиби Одинани уч-тўрт йил тарбия қилиб, ўн беш ёш бўлганида, Арбоб Қамол қўлига топширди. Арбоб Одинага эллик бош қўй, эчки ва бир эшак топшириб, уни чўпонлик ва ўтин ташув ишига қўшди.

¹ Тарака — мерос молини чамалаб бўлиш.

² А р б о б — оқсоқол.

Одина ҳар кун эрталаб хўжайинининг молларини далага ҳайдарди. Рамазни ўтлатаркан, ўтин терар, кунбўйи йиғиштирган ўтинини кечқурун эшакка ортган ҳолда молларни ҳайдаб хўжайини уйига қайтар эди.

Одина шу йўсинда икки йил ишлаб ўн етти ёшга тўлди, лекин шу муддатда қорни ошга тўймади, усти кийим-бошга ёлчимади: ташландиқ эски-туски латталарни бир-бировига ямаб, кийим ўрнида кияр, чириган кўнларни ип билан ямаб, чориқ ўрнида оёғига боғлар, хўжайин «давлат хонаси»дан бериладиган оз-моз могоргланган талқон ва қурт боғсан қурутни тог ўсимликлари билан қўшиб эрта, туш ва кечки овқат ўрнида ошар эди. Шунча қийинчиликлар устига хўжайндан сира яхши сўз эшитмас; очиқ чехра кўрмас, балки бўлар-бўлмас сабаблар билан яккаш қаргиш-сўкиш эшитар эди. Ҳатто, Арбоб Камол бошқа бирон сабаб билан қайғуга тушган бўлса ҳам ўчини Одинадан олар эди. Масалан, бирорта қарздор пулини ваъда қилган вақтда бермаса, Одина сўкиш эшитар, Самарқанд йўли боғланиб. Қоратегинда қўй нархи пасайиб қолса, тагин Одина таҳқирланар эди. Агарда Одинадан бирор камчилик сезилса, камчилик унинг ихтиёрисиз бўлган бўлса ҳам, унинг бошида ёнғоқ чақилар, унинг кўзида ёруг кун қора тунга айлантирилар эди.

II

ЖАЗО

Баҳор шамоли хилпиллаб эсади, кўклам ўсимлиги визиллаб, ўсади, тог этагидаги яшилликлар юмшоқ ел билан силкиниб енгил тўлқинли дарё каби қўзларни қамаштиради, сабза тўлқинигоҳ у томонга, гоҳ бу томонга сурилиб, томоша дарёсига гарқ бўлган назарларни адаштиради, бу сабзалар тўлқинининг йўлини унда бунида бош кўтариб турган харсанглар тўсиб турсалар ҳам, ёғиш таъсири билан шафақланган бу тошлар қовоқ устига қўндирилган ясама қошлиардек чирой устига чирой қўшар эдилар.

Одина шундай бир баҳор кунида рамасини суреб, эшагини олдай солиб тог этагига келди, молларни ўтлоқда ҳайдаб, ўзи ўтин термоққа киришди. Қуннинг туш пайтида ўтлаб, тўйган молларни соялатиб, ўзи ҳам бир харсанг устига ёнбошлади, умр бўйи Арбоб Камолнинг қиши кечаларидек совуқ ва қоронғи юзидан бўлак нарсани кўрмаган қўзлари кўклам гўзаликларига томон санчилди-да, турмушдаги ҳамма қайгули манзаралардан узилди.

Одина бу вақтда томошадан маст бўлиб ўзидан кетган ва бошидан ўтаётган ҳар бир қийинчиликни унугтан эди, уни гоҳ-гоҳ тог бошида какирлаб сайраб юрган какликларнинг «как-как-как»лари томоша оламининг мастилигидан бир оз ўзига келтирса-да, бу ҳолнинг ўзи ҳам бошқа бир томоша олами эди. Дуруст, баъзи бир вақтда қора булут нарчалари Арбоб Камолнинг солиниб турган

қовоқлари ва буришган юзларидек кўриниб, дунёни Одина кўзига қоронгилатар эди, лекин бир оз вақт ўтар-ўтмас тагин офтоб қора пардалар остидан қутулган шарқ қизидек қора булутларни йиртиб чиқар ва Одинанинг қайгули юзига ўзининг қувончли нурини сепар эди.

Одина томоша мастилиги билан тош тахти устида гоҳ у ёни, гоҳ бу ёни билан ва гоҳ чалқамча чўзилиб, энг охирда ўйқуга толди-да, ундан кейин сурининг қаёққа кетганидан, эшакнинг нима қилганидан, ўтиннинг нима бўлганидан хабарсиз қолди.

Қўй, эчкилар ўз қўриқчиларининг дам олиш чоғида унинг теварагида ҳалқа уриб ётиб, эртадан бери ҳайвонлик ҳирси билан чайнамасдан юта бошлаган ўтларни қайтадан оғизларига чиқариб кавш қайтармоқда эдилар, қоринлари бўшаб, бир оз тинчлангандан кейин туёқлари учи билан бўйинларини, қулоқларини қаший бошладилар. Бу иш битди, қўнгиллари тагин овқат тилай бошлади, тагин янги қўкатлар топиш пайига тушиб, атрофга тарқалдилар.

Ўтлоқнинг бир томони тог бўлиб, иккинчи томони узун ва чуқур бир жарликка ёндошар эди, жарлик тикка тортилган силлиқ бир девордек бўлиб, унда-бунда чиқиб турган тошлар силлиқликни бир оз бузар эдилар. Лекин осилгандек бўлиб турган бу саргимтири-қизғиш ва зангори тошларнинг тагларидан ўсган яшил ўсимликлар бу деворга бошқача гўзаллик, бошқача кўриниш берар эдилар. Бу ўсимликлардан бири бир қўйни орқасидан эргаштириб жар бўйига келган бир эчкининг оч кўзини ўз томонига тортди, эчки жинсдошлиарида бўлгандек маҳорат билан ўзини ўсимлик томонга отди ва темирчиларнинг қисқичига ўхшаган туёқларини тош остига қистириб, ҳилпиллаб турган ўсимликни арасимон тицлари билан гирч-гирч кесиб, чайнамасдан юта берди.

Эчкига тақлид қилишдан бошқа ҳунари бўлмаган бечора қўй ҳам ўйламасдан ўзини унинг орқасидан отди. Лекин қўй бу тақлидда ёлгиз эчки бориб турган жойгачагина эмас, балки оёғи бирор жойга илинмасдан сойга юмалаб кетди. Юмалаган қўйнинг залвари билан ўз еридан қўпорилган тошлар яна бошқа тошларга тегиб, уларни ерларидан қўзғатар эдилар. Шундай бўлиб, бир тош бир неча тошни, бир неча тош бир неча ўн тошни ўз ўрнидан иргитиб, тог ва сой орасини тошбўрон ҳолга келтирди. Тошларнинг бир-бирларига тегиниларидан пайдо бўлган шарақ-шуруқларнинг тог томондан юзларча бўлиб чиқдан акси садолари ўтлоқнинг ҳар томонига ўтламоқ учун тарқалган қўйларни ҳуркитиб, узоқ ерларга тўзгитиб юборди.

Бу гулгула билан ширини уйқудан уйғонган Одина кўзларини уқалаб, ҳодисани англамоқ истар эди. Бу пайтда тош товушлари кесилган бўлса ҳам қўйларнинг ҳуркиб қочишлари ҳануз давом қилмоқда эди. Одина сурига бўри учрагандир, деб ўйлади, юмшоқ-

¹ Сурув демоқчи.

лик ва секинлик билан «ба қурай-ба қурай» деб уларни бир оралиқ-қа түплаб, бир-бир қўздан кечириди.

«Бир қўй билан бир эчки орада йўқми?»

Ўзи ўзига берган бу сўрого Одина учун жуда даҳшатли эди. Қўйлар титраб, ҳуркиб сой томонга қарамоқда эдилар. Одина бу ҳолдан, ҳа, ўша томонда бир иш бўлса керак, деб ўйлади ва текшироқ учун сой бўйига бориб, пастга кўз ташлади: эчки эса жар ён бағрида дунёда ҳеч бир воқеа бўлмагандек, тинчгина, ўсимликларни гирчиллатиб узиб емоқда эди. Одина эчкининг топилувидан қўйнинг ҳам топилувига умидвор бўлиб, ундан-да пастроқка кўз солди. Қўй бўлса сой тагида сув ичидан узангани ҳолда бошини юқори кўтариб қимирламоқда эди.

Одина ёмон туш кўриб, қора босган кишилар уйқудан уйғонгандаридек бир оз тинч туриб, қўйнинг йўқолишидан ўзида юз берган даҳшатни бартараф қилди. Сўнгра жарликнинг бир томонидан қулайроқ йўл топиб пастга тушиб, қўй ағанаб ётган ерга борди. Унинг думбаси ёрилган, икки оёғи синган, гавдасининг бошқа ерлари ҳам шикастланган эди.

Бу манзара, ёруг кун Одинанинг қўзига қоронги тунга айланди, қўйнинг топилуви билан юз берган қувончли дақиқа киш кунларининг офтобидек, қалин ва қора қайгу булутлари остига кириб йўқолди: Одина бу ҳолнинг натижасида Арбоб Камол томонидан ўз бошига нималар келажагини ўйлаб чуқур қайтуга чўмди. Хайриятки, қўй ийқилган чоғда тошқинга тўғри келмаган ҳам сойнинг қумлик бир ерига ийқилган эди, бўлмаса қўйни ё сув оқизиб кетар ёки ўз залвари билан сой ёқасидаги тошларга урилиб, суякларигача эзилиб кетар эди.

Одина бир оз даҳшат ва хайратлар орасида тургандан кейин хушини бошига тўплади. Қўйнинг тамом йўқолиб кетганидан кўра майиб бўлса ҳам топилишини ғанимат билиб, оёғидан ушлаганча судради ва бояги тушган йўли билан юқорига тортиб чиқарди.

Одина сира тинчлана олмас ва Арбоб Камол бу ишни оддий сўкишлар билан кечирмас, деб ўйлар эди.

«Майиб бўлган қўйнинг ўчини олмоқ учун менинг қўл, оёқларимни синдирамикан ёки баданимни пичоқ билан тилиб туз тиқармикан ва ё бошқа йўл билан жазо берармикан?..— деб ўз-ўзига кетма-кет сўроқлар берар ва қўрқар эди.

Одина шунақа ўйлашлар орасида ўзини йўқотган эди. Совлиқ қўйлар маърашиб, қўзиларини эслаб қишлоққа томон юз ўғиришларидан ўзига келган Одина қайтиш чори етганини билди. Энди хўжайиннинг уйига бориб ҳар бир кўргиликни кўришдан бўлак иложи йўқ эди.

Эрта билан териб қўйган ўтиналарини икки боф қилиб эшакка ортди, юқорига қўйиладиган учинчи боф ўтин ўрнига майиб бўлган қўйни ортиб, устидан арқон тортиб, эшакни олдига солиб, подани ҳайдаб уйга жўнади. Уйга яқинлашган сари унинг юрагининг уриши, вужудининг титраши ортар эди.

«Арбоб Камол ҳар нима қилганида ҳам ўлдиришдан ортиқ иш қўйидан келмайди-ку, мен учун шу тирикликтан кўра ўлмоқ



минг қатла яхшироқдир, шундай бўла туриб, нима учун қўрқаман, нима учун ўлимни шодлик билан қарши олмайман?» — деб ўз-ўзини юпатди ва бу муҳокаманинг натижасида қўл-оёғи мадорланди. Бу вақтда хўжайнинг дарвозаси олдига келиб етган эди.

* * *

Одина эшак устидан аввал майиб бўлган қўйни авайлаб тушириб девор тагига қўйди, ундан сўнг ўтинни агдариб, подани ҳам қўрага киргизди.

Арбоб Камол эшакнинг ҳанграши ва қўйларнинг маърашини эшитгач, еб турган ошини чала қолдириб, ташқарига чиқди, кундалик одати бўйича, молларни бирма-бир қўздан кечиргандан кейин бирдан:

— Одина, қора шишаки қаерда?! — деб бақирди.

— Мана бундә, — деб девор тагини кўрсатди Одина.

Арбоб:

— Падар наълати, бу ҳаромзодаликни кимдан ўргандинг, бу қўйни ўғирламоқчи бўлиб қўрага киргизмадингми, сени бир урайинки, ўттиз икки тишинг· синиб, ҳалқумингга тиқилсин, — деб девор тагида ётган қўйнинг олдига борди ва унинг майиб бўлганини кўриб, қайнар қозондек тошди:

— Бу қандай ҳол?! — деб Одинага қараб бақирди, оғзига келган сўз билан уни сўка бошлади.

Одина воқеани ҳикоя қилиб бермоқчи бўлиб:

— Мен ў-ў-ўтиң, тे-теришга, — деб тутила-тутила сўз бошлигандан, Арбоб Камол сўзламоққа эрк бермай, гадойча қараб ҳурған итдек, унга томон югурди ва оёғига илашган бир тошни ердан кўтариб Одинага қаратиб отди, тошнинг зарбидан Одинанинг бони ёрилиб, ўзи ерга йиқилди. Арбоб Камолнинг газаб ўти бу билангина сўнмади: ерга ағанаганча қонга бўялиб ётган Одинани оёғи билан тепар ва товушининг борича бақириб сўкар эди.

Одина бошлаб жон аччиғида:

— Вой, ўлдим, тавба қилдим, — деб додласа ҳам, кейиндан бутунлай ҳолдан кетди, Арбобнинг оёғи остида жонсиз тулумдек ётиб, у ён-бу ён юмаловдан бўлак ҳаёт асари кўрсата олмас эди. Аммо Арбоб ҳамон бақирап, сўкар ва урар эди.

Бу вақтда мачит олдига хуфтон намози учун йиғилган «катталар» Арбоб Камол уйидан сўкиш, қарғиши ва уриш товушларини эшитиб, имом-домла бошлиқ у ерга келдилар.

Уриш ва бақиришдан чарчаган Арбоб, катталар келиши билан Одинани ўз ҳолича қолдириб, улар сўз очмасдан бурун воқеани баёнламоққа киришид:

— Бу она талоқ, кўрнамакни қаранг, — деди Арбоб, — нима қилган? Менинг ош-нонимни еди, кийимимни кийди, отасининг ўлигини бўлса мен кўмдим, шунча яхшиликларим бадалига буқун подани ўз бошига қўйиб, ўзи ухлаган ёки ўйин билан овора бўлган, натижада бу шишаки қўй жарга йиқилиб, шу ҳолга тушган. Бу жувонмаргни ҳали ҳам урмоққа ҳаққим йўқми?.. Урмоқ нари

турсин, ўлдирмоққа ҳам ҳаққим бор. Бир қўй бундақа гўдакнинг юзтасидан яхшироқ. Сизлар келмагандан, ҳалигача буни ўлдирап эдим. Энди бу ишнинг чорасини сиз қишлоқ катталари кўрарсиз.

«Катталар» бундай воқеаларда рамузфаҳм¹ бўлмасларми?.. Улар ҳам Арбоб Қамолнинг газаби қаерга борганилигини сезиб, Одинанинг бошига келдилар, унинг яраларини кўрган бир мўйсафид:

— Зарари йўқ, зарари йўқ, ямоги ўзидан, бир парча кигиз куйдирилиб босилса, сен кўрдинг, мен кўрмадим бўлиб кетади,— деб Одинани юпатмоқчи бўлди.

Иккинчи мўйсафид масалага яқинлашмоқчи бўлиб:

— Сен болалик ва нодонлик қилгансан, Арбобнинг бу қизиши ва сени уриб-сўкиши сенга жонкуярлигидан келади. Сени ҳушёр бўлсин ва одам бўлсин дейди.

Қишлоқ имоми мулла Хакираҳ Арбобнинг асли мақсадининг юзини очиб:

— «Моли мўмин, хуни мўмин», деганлар. Сен Арбобнинг молилини ўлдириб, гўёки унинг қонини тўкансан, Арбоб тўғри гапиради, бу гуноҳинг учун сени уриб ўлдирмоққа ҳам унинг ҳаққи бор эди.

— Хайриятки, иш устига биз етиб келдик, бўлмаса сенинг юз жонингдан бир жонинг қутулмас эди,— деб биринчи мўйсафид Одинани ўзларидан миннатдор қилди.

Мулла Хакираҳ:

— Сенга бизнинг оталик насиҳатимиз шу: ишларингга пишиқ бўл, Арбобнинг молини ўзингникидек асра, отанг йўқ, Арбоб сен учун ҳам ота, ҳам она,— деб Одинанинг миннатдорлигини Арбоб томонига бурди. Биринчи мўйсафид Арбобга юз ўгириб:

— Одина ақдисизлик қилган бўлса ҳам кечир!² Кичиклардан гуноҳ, катталардан кечиришдир,— деб Одина томонидан афв сўради.

— Нобуд бўлган қўй учун ғам ема,— деб мулла Хакираҳ иш битиришга киришди.— Одинанинг сендан қарздорлиги,— деди мулла Хакираҳ,— бизнинг ҳаммамизга маълумдир. Бу тўғрида сенинг қўлингда хужжат ҳам бор. Нобуд бўлган қўйни нархлаб, уни ҳам ўша хужжатнинг тагига ёзиб қўямиз. Одинанинг умри вафо қиласа, хизматингда ўз қарзидан қутулиб, сени рози қилар.

Мулла Хакираҳ юзини Однага ўгириб:

— Шундай эмасми, болам?— деб ундан иқрорлик сўради.

Одинанинг бош қимирлатиш ишораси билан «ховва» дейишидан бошқа чораси йўқ эди. Ҳатто, бу таҳлика шундай осонлик билан ўтди, деб ичидан қувонар эди.

«Катталар» майиб бўлган қўйни ўн танга нархладилар.

Арбоб Қамол:

— «Нонни тандирнинг қизигида ёпгил», деганлар, мен эски

¹ Рамузфаҳм — фаросатли.

² Тот тожикларида катта ва кичикни сансираш одат.

хужжатни топиб чиқарайин, шу мажлиснинг ўзида бу пул ҳам унинг тагига ёзилсин,— деб ичкари ҳовлига кириб, эски ҳужжатни топиб чиқди. Мулла Ҳакираҳ ҳужжатни Арбобнинг қўлидан олиб, хижжалаб ўқиб, мазмунини Одинага тушунтирди. Сўнгра ҳужжатни бувлаб, қўйнига солди-да:

— Ҳужрада қалам, сиёҳни яхшилаб, бу ўн тангани ҳам ёзаман. Лекин Арбобнинг ёғлиқ паловини емасдан ҳужжатни унга топширмайман,— деб кулди-да, фотиҳага қўлини кўтарди.

Бошқалар ҳам:

— Омин оллоҳу акбар,— деб қўлларини бетларига сийпаб, мачит томонга жўнадилар.

Арбоб эса майиб қўйни ўша куннинг эртасига қассобга саккиз тангага сотган бўлса, Одина ундан роппа-роса ўн танга қарздор бўлиб қолди.

III

ХИСОБ

Гулбиби ўз отаси Султонмуроддан бир яшарлик чогида етим қолган эди, саккиз яшарлигигача Одинанинг холаси бўлган ўз онаси Раҳимабегимнинг қўлида тарбияланди. Раҳимабегимнинг бирдан-бир мақсади Гулбибини бўйига етказиб, ўз синглиснинг ўгли Одинага хотинликка бермоқ ва бу восита билан ўзининг ва синглиснинг чирогини ёндириб қолдирмоқ эди.

Рахимабегим бу истагига етиша олмади ва ўлар чогида Гулбибини ҳам Одина қаторида тарбия қилиб, бу тилагини амалга оширишни онаси Ойшабибига топширди. Албатта Ойшабиби қизининг бу васиятини унутмади, кеча-кундуз Одинанинг тезроқ ўсибулғайишни, Арбоб Камол қўлидан қутулишини, тўй кам-кўстини тайёрлаб, ўз омонати Гулбибини унинг (Ойшабибининг) қўлидан олишини тилар эди.

Ойлар, йиллар шундай ширин хаёллар билан ўтди. Одина Арбоб қўлида икки йил ишлади, ўн етти ёнга тўлди. Ойшабиби ўз муродига етишув чоги яқинлашганини билиб, бир кун Одинани ўз олдига чақириб:

— Онанг айлансин, болам,— деди,— худога шукр, бўйга етган бир йигит бўлиб қолдинг, Арбобнинг ҳаққи-ҳисоби ҳам туга ёзган бўлса керак. Энди ўз хўжайинингдан фотиҳа олиб, бошқа бирорта ишнинг пайига туш, беш-ён танга орттириб, онангнинг эшигини оч, отангнинг чироғини ёқкин...

Одина ҳам кўпдан бери шу хаёлда эди, у ҳам тезроқ Арбоб Камол қўлидан қутулмоқни, бошқа ватандошларидек Фаргона томонларга бормоқни, унда ҳаммоллик, муздуруллик¹ қилиб беш-ён танга пул орттиримоқни, сўнгра ўз ватанига қайтиб, холаваччаси бўлган Гулбибига уйланмоқни орзу қиласар эди. Аммо қандай ва

¹ Муздуруллик — мардикорлик.

қайси йўл билан Арбоб қўлидан қутулоқни билмас ва бу боши берк кўчадан чиқмоққа йўл тополмас эди. Чунки Арбобнинг сўзишлари, шапалоқлари унинг юрагини шу қадар олган эдикни, ундан ҳисоб-китоб ва жавоб сўраш нари турсин, бош кўтариб, унинг юзига қараашга ҳам юраги дов бермас эди. Лекин бувисининг топшириги билан бир оз дадилланди. Бир кун фурсат топиб, ўз муддаосини Арбобга айтди.

Арбоб бу гапни эшитиши билан йиртқич ҳайвондек бўкирди:

— Жавоб... ҳисоб... бу нима деган сўз... бу валади зинонинг қорни тўйган шекилли!..

Сўнгра ғазаб билан машъалдек ёнган қўзларини Одинага қаратди:

— Гадойбачча! Сен нималар дейсан? Бирор хотинталоқ йўлдан оздирганга ўхшайди!.. Сен шуни билгинки, ўлганингдан кейин сенинг суюкларингни менинг қўлимидан қутула оладир. Ўшанда ҳам сен мендан бўлган қарзингдан қутула олмассан. Бор! Додингни худога айт... — деди.

Одина одоб билан бўйин эгиб, қўлидаги чўпон таёғига суюниб, қўзини оёқлари устига тиккани ҳолда:

— Бувим айтадирки... — деди.

Арбоб Одинага ўз сўзини битирмак учун эрк бермай, унга қараб югарди ва қўлидаги таёқни тортиб олиб, Одинанинг бошига солиб юборди. Одина ерга йиқилди, унинг ёрилган бошидан қумғон жўмрагидан келадиган сувдек қон оқа бошлади. Бу билан ҳам Арбобнинг ғазаб ўти сўнмади. Кетма-кет бошига, орқасига ва биқинларига таёқ билан тағин бир неча бор туширди. Одина жон талvasаси билан дод деганча, ёрдамга одам чақирди. Аммо бирорта қутқарувчидан асар йўқ...

Арбоб, тўсатдан бирорта иш эсига келгандек, таёқни бир томонга улоқтириб, кўча бошига югуриб чиқди ва бир неча мўйсафидларни топиб:

«Келинг, бу ҳолни қўринг», — деб уларни бошлаб келди. Улар ҳали воқеадан хабарсиз эдилар. Арбобдан:

— Нима гап, нима воқеа бўлди? — деб сўрадилар.

— Келинг қўрасиз, ўзингиз қилган ишни ўзингиз тузатарсиз, — дегандан бошقا жавоб эшита олмадилар. Аммо Арбобнинг уйига келгандан кейин воқеани англаб, қонга бўялиб ётган Одинанинг бошига уймалашиб, унга насиҳат қила бошладилар.

Мўйсафидлардан бири деди:

— Сени ҳали нодон бир боласан, дунёнинг иссиқ-совуғини тотиб кўрмагансан, сен ҳали пулнинг қандай топилишини, қайси йўл билан қўлга киришини билмайсан. Буни билиб қўйгинки, дунёда бекор пул йўқдир. Бир кишига узоқ муддатли, қарзи ҳасана¹ берадиган одам ҳам йўқ. Сенинг отангиниг ўлигига сарф бўлган Арбобнинг ўн тангаси ҳар ойда бир тангага фойда туради.

Мулла Хакираҳ мўйсафиднинг сўзини кесиб:

¹ Қарзи ҳасана — процентсиз қарз.

— Фойда дема,— деди.— Фойданинг маъниси, масалан, рибо¹ бўладики, бу шариатда ҳаромдир, танзил де, танзил!²

Арбоб гапга қўшилиб:

— Агар бўйин товламасдан ишимни қила берса, менга на фойда керак, на танзил, умр бўйича ҳам пулимни қарзи ҳасана қўйишга розиман,— деди.

Мулла Ҳакираҳ Арбобга қараб:

— Ҳимматингга салламно, Арбоб, мусулмон киши шундай бўлмоги керак,— деди.

— Хўп,— деди мўйсафид,— домулла-имомча қилиб айтсак, ўн танганинг ҳар ойда бир танга танзили бор. Отангнинг ўлиминг бешинчи йили бўлган. Бу йилда фойда хисобидан...

Мулла Ҳакираҳ:

— Бир дафъа сенга фойда дема, танзил дегил, дедим. Қулогинг борми?

Бошқа бир мўйсафид:

— Ўзинг танзил деб еб юравер, домулла,— деди.— Арбоб бўлса фойда деб айтишдан ҳам юз ўгирмас, ота-бобомиздан эшитилмаган беҳуда «танзил» сўзининг нима кераги бор. Фойда бўлсин, танзил бўлсин, мақсад пул устида, пул орттиришdir. «Чучварадан мақсад гўшт емакдир», деганлар ўтган азизлар.

— Бухоройи шариф тақвodorлари,— деди мулла Ҳакираҳ,— судхўрлик қилганда танзил деб атайдилар.

— Хали биз бу бухороликлардек тақводор бўлмаганмиз,— деди мўйсафид.

— Шариат ишига қатниацишга сенинг ҳаққинг йўқ,— деб домулла қизишганда Арбоб орага кириб:

— Мадраса мунозараларининг бу ерда кераги йўқ. Домулла, қўйинг, ишнинг ижросини кўрсиллар,— деб мулла Ҳакираҳни жеркиб ташлади. Домулла қўлини кўкрагига қўйиб:

— Хўп, хўп!— дегандан кейин жим турди.

Биринчи мўйсафид яна Одинага қараб гапира бошлади.

— Сўзнинг қисқаси, шу беш йил орасида отангнинг ўлимига сарф бўлган пулнинг тани ва фойдаси тўғрисида Арбобдан етмиш танга қарздор бўлгансан. Бултур майиб бўлган қўй тўғрисидаги ўн танга қарзинг ҳам фойдаси билан йигирма тангадан ошади. Агар Арбоб хисоб қилиб, ҳар йилги фойданни ҳам тан пулга қўшиб, ундан ҳам фойда туғдирса, сенинг қарзинг ўз хун баҳонгдан ҳам ортиб кетадир. Пуч ҳаёллар орқасидан юрма, дўст-душман сўзига алданма, сочи узун, ақли қисқа бувингнинг гапларига қулоқ солма. Ёш бошингни таҳлиқага қўйма. Арбобнинг бир парча ионига шукр, деб жон-дил билан унинг хизматини қилавер. Бўш сўзлар, келишмаган ҳаракатлар билан иссиқ ўрнингни совутма! Бизнинг сенга берадиган оталик насиҳатимиз шу.

Одина бу воқеа ва «насиҳатлар»дан кейин бу тузоқдан осон-

¹ Р и б о — процент, фойда.

² Т а н з и л — худо ҳақи, танганинг марҳамати.

лик билан қутула олмаслигини, беҳуда уринишлар ҳолининг янада оғирланмоғига сабаб бўлувини англади. Шунинг учун бирор фурсат топилгунча тишни тишга қўймоқни лозим топди.

I

ФУРСАТ

Одина тағин бир йил бу бало зинданнада, яъни Арбоб Қамол хизматида ҳар қандай қийинчиликлар билан бўлса ҳам чидади. Бу муддатда қутулмоқ учун бирор йўл топилмади. Бу орада бир воқеа юз бердики, шунинг орқасида Қоратегин вилояти остин-устун бўлган бўлса, Одина учун қочиш йўли очилди.

Бухоро— Термиз темир йўли ширкатининг катта саҳимдорларидан¹ бири Бухоро амири Олимхон эди. Ширкат арzon ишчи топиш пайига тушиб, бу тўғрида амирдан ёрдам ва маслаҳат сўради. Амир иқтисодий жиҳатдан энг кейинда қолган Қоратегин вилояти аҳолисидан бу тўғрида фойдаланмоқчи бўлиб, бу борада у ернинг ҳокими Ибодуллабекка хат ёзиб, у ердан бир қанча ишчи тўплаб юбормоққа буюрди.

Ҳоким ўзига ақча тўпламоқ учун бу фурсатдан фойдаланмоқчи бўлди, ишнинг тагидан ҳеч хабари бўлмаган ҳалқни ёппасига Бухорога узатмоқчи бўлди.

Умр бўйи ишсиз юрган, унмас овқат, чиқмас жон учун бойлар эшигига қул бўлган ва кўпинча Фарғонага бориб ишлаб кун кечирмакка мажбур бўлган ҳалқ, бу оқибати номаълум ва нима учун юборилуви билинмаган сафардан қўрқди ва ҳар нима билан бўлса бўлсин, қутулиш пайига тушди. Одат бўйича бундай ҳодисалардан қутулмоқнинг бирдан-бир йўли пора эди. Бирор нарсага эга бўлган кимсалар бор-йўқларини ҳокимга бериб, ўзларини қутқаздилар. Бирор нарсаси бўлмаса ҳам, ишламакка кучи борлар ўзларини бойларга умрлик қулликка солиб, ҳоким ва унинг одамларига пора бердилар. Баъзилар ёш ўғил қизларини, ҳатто хотинларини сотмоққа мажбур бўлдилар. Оёги остидаги ер, боши устидаги осмондан бошқа нарсаси, танидаги иссиқ жонидан бўлак кучи бўлмаганлар эса ўлимга рози бўлиб, бу сафарга борувга мажбур бўлдилар.

Арбоб Қамол ҳам ўз навбатида бу воқеадан фойдаланмоқчи бўлиб, қишлоқ «катталари» олдида Одинага:

— Сени бу балодан қутқазмоқ учун ҳокимга юз танга пора бердим, энди уруғ-авлодинг билан менга ва менинг авлодимга умр бўйи хизмат қилсанглар ҳам қарздан қутула олмайсанлар,— деб унинг бўйнидаги эски сиртмоқлар устига тағин бир сиртмоқ солиб қўйди.

Ҳақиқатда эса Арбобнинг бу сўзи гирт ёлғон эди. Дуруст, у Ҳокимга юз танга пора берган эди. Лекин бу пора Одинани

¹ Саҳимдор — пайчи, ҳиссадор.

қутқазмоқ учун бўлмасдан, Ибод деган йигирма икки яшар ўз ўғлини қутқазмоқ учун эди.

Одина ўтган воқеалардан яхшигина хушёр бўлган ва Арбобнинг аҳволини роса билиб олган эди, шунинг учун ўз кўнглидан:

«Мени қутқармоқ учун бўш ерга пора бериб заҳмат чекма, мени ўз ҳолимга қўйиб бергил, мен боратурғанлар билан кетаман, агар борадиган ер ва қиласидиган иш гўр азоби бўлса ҳам, сенинг ишингдан минг қатла яхшироқдир», дер эди.

Лекин Одина кўнглидан ўтган бу сўзларни Арбобга билдирамади, балки ясама равишда Арбобнинг бу «яхшилиги»дан ўзини жуда курсанд ва миннатдор қилиб кўрсатди.

Аммо яширип суратда Одина ҳам бу фурсатдан фойдаланиш пайига тушиб, ўзини қутқармоқ учун режа тузар эди.

Одина қаттиқ касал бўлиб, ўлим тўшагига йиқилган эди. Арбоб эрта-индин Одина ўлиб қолар, деб қўрқди. Шунинг учун Ибодни чақириб:

— Ўғлим,— деди,— бир-икки одам топиб дардисарни (Одина-ни) ўз ўйига элтиб ташла, агар бу ерда ўлиб қолса унинг гўру кафсан харажати ҳам бизнинг бўйнимизга тушиб, ўлик устига юз таёқ¹ бўлар.

Ибод дарров отасининг буйругини ўрнига келтирди: қишлоқдан икки одамни чақириб, бир замбил топтириди: Одинани унга ётқизиб, Ойшабибининг ўйига олиб бориб ташладилар.

Одина ҳушсиз эди, ўзининг бирдан-бир кўнгил таянчи бўлган Одинани бу ҳолда кўрган Ойшабиби ҳам хушидан кетаёзди, тентаклардек юз ва сочини юлиб ерга йиқилди. Лекин унинг бу ҳолати кўп узаймади.

Однанинг:

— Қўрқма, онажон, менга ҳеч нарса бўлгани йўқ,— деб юпатиши уни бир оз тинчлантириди. Лекин бу қаттиқ касалликдан шундай енгиллик билан қутулишининг сири, сабаби ҳали Ойшабибига маълум эмас эди.

Одина сирни очди:

— Онажон,— деди,— ўзингни бекорга қайфуга солма, мен касал эмасман. Лекин бу жаллоднинг (Арбоб Камолнинг) қўлидан қутулмоқ учун бир чора ўйлаб, ўзимни касалликка солганман.

Одина бир оз жим ётгандан кейин давом этди:

— Чора шуки, мен бу кеча юртдан бош олиб кетаман, сен бир ҳафтагача сирни яширип сақла, мени ким сўраса, қаттиқ касал дегин. Бир ҳафтадан кейин сўровчиларга букун соғайиб хўжайнинкига кетди,— деб жавоб бер.

Ойшабиби тагин тентакланди. Однанинг бу тадбири амалга ошса, ўзининг бирдан-бир кўз нуридан тириклайн айрилиш билан битар эди. Ойшабиби:

— Мен ўламан, мени ўлдиру сўнгра кет,— деб бир неча дақиқа додлагандан кейин бир оз юмшади:

¹ Тожикларнинг «Болои мурдан сад чўб» мақолининг таржимаси.

— Сенинг кетишинг менинг ўлимимдир, жон болам, ўз қўлинг билан мени ўлдирма, менга раҳм қил,— деб ёлвормоққа тушди.

Одина ёлвориш ва юмпоқлик билан уни юпатиб деди:

— Онажон, ҳеч гам ема, агар мен тириклай бу юртдан кета олсам, бошқа ватандошларимиздек Фарғона томонларида ишлаб, мол ва пул топиб, тез вақтда қайтиб келарман, у вақтда Гулбиби билан менинг тўйимишини қилиб, муродингга етасан, қўзинг очиғлигида ўлган қизларингнинг чироғлари ёниб, эшиклари очилганини кўрасан. Агар сабрсизлик ва тадбирсизлик билан бундай доду фарёд қила берсанг, менинг сирим очилиб, яна душман қўлига тушувим ҳам ажаб эмас. У ҳолда бу ифлос (Арбоб Камол) мени дунёда тирик қолдирмас. Майиб бўлган қўй ва менинг жавоб-сўровим воқеаларини эсдан чиқарган бўлмасанг керак. У ҳодисалардан бу жаллод олдида одам ўлдиришнинг қўй сўйишдан ҳам осон эканлиги яхшигина билинган эди. Агар сирим очилиб, бу одамнинг қўлига тушиб нобуд бўлсам, мендан абадий ажраласан, у вақтда пушаймон қилув ёрдам бермас. Вақтинча ажралишга чидаш маслаҳатдир,— деди.

Арбоб Камолнинг қилиғидан бир оз хабари бўлган Ойшабиби неварасининг катталарча гапирган бу сўзларидан ҳушёр тортди, умрлик бирлашиш умиди билан бир неча кунлик айрилиш азоби чекишини бўйнига олди.

Одина йиртиқ чоригини кийди. Бир халтага бир оз қурт ва талқон солди. Шу билан унинг сафар ҳозирлиги битган эди. Кеча қоронғилаши билан тўрвасини орқасига осиб, бир таёқни қўлига олиб, Ойшабибининг товушсиз йигилари остида йўлга чиқди.

Ярим кечада Бухоро сафари учун йўлга чиқарилган ишчилар карвонига етишди. Карвон бир тоғ этагида кўнган, теваракни ҳокимнинг навкарлари қўримоқда эдилар. Мажбурий суратда йўлга чиқарилган бу мусофиirlар қаторига Одина ҳам ўз ихтиёри билан бориб қўшилди.

Тонг отар-отмас навкарлар уйқудан туриб, нон ва яхна билан қорин тўйғаздилар. Очликдан қоринларини тошга суркаб ётган мардикорларни қўй подасидек олдиларига солиб, йўлга чиқдилар. Қариликдан, очликдан ёки касалликдан йўл юрмакка бўшлиқ қилганларнинг бошларида навкарларнинг қамчилари, таёклари йўнар эди. Ҳақиқатан бу мардикорлар гуруҳи қўй подаси каби ҳайдалмоқда эдилар. Фарқ ёлғиз шунда эдики, қўй подасини тўхталиб, ўтлатиб ҳайдасалар, буларни очлик ва кучсизликларига қарамасдан зўрлаб қувар эдилар. Қўй подасининг касаллари эшакларга ортилиб олиб борилган ҳолда, буларнинг ўлим ҳолига тушган касаллари йиртқич ҳайвонлар «ҳимоясига» ташланар эди.

Мардикорларнинг бир қисми йўлда қирилди, бир қисми ўлим ҳолатида йўлда қолдирилди. Қолган бир қисми Фарғона водийисига етишди.¹ Кучли, ёш ҳамда ўлмас овқат, чиқмас жон бўларлик қурт ва талқони бўлган Одина эса ҳеч бир оғатга йўлиқмас-

¹ Бу воқеа санаи ҳижраниянинг 1333 йилларида юз берган эди.

дан ўзини бу фалокат дарёсидан саломат қирғогига чиқара олди.

Одина бир неча кун Андижонда ҳаммоллик, саройбонлик! ва мардиорлик қилиб юрган ўз ватандошларига мөхмон бўлди. Кейин улардан бирининг далолати билан у ердаги пахта заводларининг бирига ишчи бўлиб кирди.

V

ХИЖРОН

Одина бувисини бир қадар юпатиб, сафарга чиқиб кетган эди. Ҳақиқатан ҳам Ойшабибини юпангандир, деб ўйламоқ хато бўлар эди. Чунки у сира ҳам юпанмаган эди. Етмиш яшар бир кампир кўзининг оқу қорасидан айрилгач, қандай ҳам юпансин, қарилик чогида ўзига қаращадиган, ўлар чогида оғзига сув томизадиган, ўлгандан кейин гўру кафан қилиб кўмадиган кишиси қолмаган бир кампир қандай тинчлана олар эди. Дуруст, Одина кетар чогида тезлик билан қайтиб келмакка ваъда берган эди. Ким билсин, эҳтимол мусофири юртида ўлиб кетар, тирик қолган тақдирда ҳам эҳтимол қайтмоққа йўл харажати топа олмас, қайтиш харажати тонилганда ҳам бу нарса бир неча йилсиз мұяссар бўлмас. У вақтгача бир оёғи гўрда турган бу кампир ўлиб қолса ажаб ҳам эмас, у ҳолда бу кампир дунёдан армон билан кетар...

Бу ўйлашлар Ойшабибининг тўзим хирмонини ел йўлига қўяр, унинг умид ўчоғига сув қуяр эди. Ойшабиби тоғларга, тошларга бош уриб йиғлаб, кенг саҳроларда овозининг борича дод-фарёд қилиб, сиқилган юрагини бир оз бўшатмоқни истар эди. Лекин бу мумкин эмас эди. Чунки бундай ҳаракатлар Одинанинг қўлга олинмоғига сабаб бўлар эди. Шунинг учун нағасини ичига ютиб, сукут сақламоққа мажбур эди. Аммо қандай сукут сақласин? Юраги айрилиқ ва ҳижрон ўти билан кўмирчилар кўрасидек ёнадир. Алангасини ташқарига чиқара олмайдир. Дуруст, иккى кўзидан оқадиган қонли ёшлар бу ўтни сўндириш, бу куйишни пасайтиришда эдилар. Лекин бу кўз ёшлари чўян эритадиган дошларга томган томчилардек асарсиз кётар эди.

Ойшабиби бир ҳафтагача ўтга тушган қилдек куйиш аломати кўрсатмасдан ўз-ўзидан буралар, остига ўт тушган сомон тўдасидек очиқ аланга чиқармасдан ич-ичидан ёнар эди.

Одинанинг касал бўлувидан бир ҳафта ўтди. Ҳали ҳам унинг ўлиқ-тиригидан дарак йўқ. Арбоб Қамол: «Софайиб қолган бўлса ҳам ажаб эмас, чунки «Дард, бошқа, ажал бошқа», деганлар, деб ўйлади. Ўғли Ибодни чақириб:

— Одинанинг уйига бориб хабар ол,— деди.— Агарда тузалиб қолган бўлса келиб қўйларга қарасин, агарда ҳали-бери согаядиган бўлмаса бошқа бирон кипи топмоқ керак,— деди.

Ибод Ойшабибининг уйига бориб, Одинанинг ҳолини сўради. Ойшабиби Одина ўргатган гапларни эслаб:

Кейинги кунларда бир оз тузалиб, бошини ёстиқдан кўтарган

эди, ўтган кун сизнинг уйингизга кетган эди, сенинг сўровингдан, Одина сизларницида йўқقا ўхшайди, у бормадими? — деди.

— Мен,— деди Ибод ажабланиб,— ҳозир отамнинг буйруги билан Одинадан хабар олгани келдим. Келтириб сенга топширгани миздан бери Одина бизникига қайтгани йўқ, қаерга кетди экан? Жуда қизиқ бу!

Ойшабиби ўз вазифасини адо қилиб, ўз ролини муваффакият билан ўйнаган, яъни неварасининг сирини шу кунгача яшириб, жавобини ҳам усталик билан бера олган эди. Энди очиқдан очиқ дод демоққа ва йигламоққа тўсцинлик йўқ эди. Фақат хайқириб йиглаш, бир ҳафтадан бери сиқилиб ётган юрагини бир оз бўшатмоқ учун ёлғиз бир баҳона керак эди. Буни ҳам Ибоднинг келуви ва юқорида ёзилган савол-жавоб муюссар этди. Ойшабиби ўзининг Ибодга гўё ҳалигача Одинани уларнинг уйларида деб биладигандек қилиб кўрсатди ва боласининг йўқолувидан кўркувли хабар тоғган оналардек тинчсизланиб:

— Менинг бошимга қандай мусибат келди, боламнинг бошига нималар тушди экан? Сизнинг уйингизга бормаганда бу ерга қайтиб келмоги керак эди ёки ҳолсизланиб, сойга юмалаб, сувга оқдими, бўриларга йўлиқдими, ёки уни девлар уриб кетдимикан?.. Вой болам Вой жоним болам! Вой кўзимнинг оқу қораси,— деб йиглай бошлади.

Ойшабиби бугун ўз боласини йўқотган эди, бу кампирнинг мусибат тарихи бундан бир ҳафта бурун бошланган бўлса ҳам, юқорида айтилганидек, бу кунгача додламоққа имкон йўқ эди. Бугун кўнгли бўшалгунча соч юлмоққа, юзини тирнамоқ ва ёқасини йиртмоққа йўл очилди. Овозининг борича йиглар, тупроқларни чанглаб бошига сочар, марсиялар ўқир эди.

Ибод бу кутилмаган азахонани ҳайрон-ҳайрон бир нафас томоша қилгандан кейин бориб отасига бу воқеани гапириб берди.

Кўпни кўрган, эллик йиллик умрида бир неча Одина каби фақирларни ўз тузогига туширган ва қопқонларигача ўз қўлига киритган Арбоб Камол, тажрибасиз ўғли Ибоддек бу воқеадан ажабланмади, балки дарров ишнинг ҳақиқатини тушунди. Одинанинг қочганлигига ҳукм қилди. Ибодга:

— Эсизки, бу овни бекорга қўлдан қочирдик, бу кўрнамак, албатта, бу юртдан бошини олиб чиқиб кетгандир. Шундай ҳам бўлса Ойшабибининг олдига борай, шояд бирорта хабар топа олсан, ҳеч бўлмаганда шаллақи кампирдан ўч оларман,— деб қўлига бир таёқ олиб йўлга тушди.

Арбоб Камол Ойшабибининг уйига бориб, уни йиглаб ўтирган ҳолда учратди.

Ойшабиби Арбобнинг келуви билан кўз ёшини артиб, унга салом берди.

Арбоб саломнинг жавоби ўрнида ғазаб билан:

— Одина қаерда?— деб сўради.

Ойшабиби юмшоқлик, лекин тинчсизлик билан ясама можарони ҳикоя қилди.

— Мен сен каби,— деди Арбоб,— шайтон кампирларнинг ҳийлаларини биламан: Одинани ўзинг йўлдан оздириб қочиргансан,

бугун менга ясама мatalлар гапириянсан. Сен мени бу афсоналарга ишонади, деб ўйлайсанми? Тўғрисини айт, қачон ва қаёққа қочирдинг? Бўлмаса мана бу (қўлида таёқни кўрсатиб) билан уриб, ҳаммаёғингни тилкалайман.

Ойшабиби бу тошиорак қўлидан осонлик билан қутула олмаслигини билиб, душманга фурсат бермасдан биринчи хужумни ўзи қилмоқчи бўлиб:

— Ҳай, Арроб, менинг боламни ўзинг ўлдириб, қайси бир сойга ташлаганингни яхши биламан, энди менга оғзаки дўқ қилиб, даъвогар ҳам бўлмоқчисан, мени қозихона, ҳокимхона йўлини билмайди деб ўйлама, ҳозир ҳокимхонага бориб, устингга ясовул, тафтишчи келтираман, ўшанда сенинг бошингга қандай қиёматлар қўптира оларимни кўрарсан... — деди.

Ойшабиби йиртиқ паранжисини бошига солиб йўлга чиқди.

Арроб Қамол Ойшабибининг бу қилинидан ўйламоққа тушди. Ҳокимлар Одинанинг ўлими учун ҳеч бир ғам емасалар ҳам, бир кишининг хоҳ ҳақ бўлсин, хоҳ ноҳақ бўлсин бир кишининг устига даъво қилуви уларнинг қўлига пул киритиш, пора олишлари учун баҳона бўла олувини Арроб яхши билар эди. Агар бу хотин қози ва ҳокимга бориб арз қилса, дарров буларнинг шогирдпеша ва мулоҳизлари келиб, ҳеч бир текширмасдан, Одинани Арроб қўлида йўқолган ҳисоблаб, қатта бир маблаг оларлар. Агар бу орада Одина топилиб қолса-чи, унда уни қоюқ ҳисоблаб, Арробнинг қуллиғига яна маҳкамроқ қилиб топширап эдилар. Лекин, ҳали у Қоратегин ҳокимларининг қўллари етадиган ва қўзлари тушадиган ерда йўқ эди.

Арроб кўринишда ўз фурурини синдириласдан:

— Бор, қаерга борсант ўша ерга бор, мен ҳеч кимдан қўрқмайман,— деб дўқ урса ҳам, юқоридаги мулоҳазалар билан ич-ичидан жуда қаттиқ қўрқувга тушган эди.

Шунинг учун тездан қишлоққа борди-да, бир-иккита мўйсафида ни топиб, уларга бўлган воқеани сўйлади ва улардан Ойшабибини ҳокимхона ўлидан қайтармоқларини сўради.

Катталар Ойшабибини йўлда тўхтатиб, унга гапиридилар ва бундан кейин Арроб томонидан ҳеч бир заар-заҳмат бўлмаслигини ваъда бердилар.

Одинани Арроб қўлида нобуд бўлмаганини аниқ билган ва бу ҳарақатларни ёлғиз Арроб ҳужумидан сақланмоқ учун қилган Ойшабиби ҳам, гўё катталарнинг юзхотирлари учун ҳокимхона ўлидан қайтди ва ўзининг йўқолган Юсуфи ғамида ўз ғамхонасида ўтиromoқни муносиб кўрди.

VI

ҲУСНИ ТАБИИЙ

Сиз тогларни томоша қилгандирсиз, ҳеч бўлмаганда қўклам ҷоғларида қир этакларини, сой бўйларини қўргандирсиз: тоғ этакларига етишганингиз ҳамон, димогингизга баҳор шамоли билан

бирга позик бир хушбўйлик урилади. Сиз мумкин қадар бу хуш исни ҳидлайсиз, бу ёқимли ҳавони қўкрагингиз сигдирганча ютасиз, бу яхши ислардан ҳар замон димогингизда тозалик, бу тоза ҳаводан ҳар дам мижозингизда покизалик пайдо бўлади. Бир томонга кўз солсангиз, қизил, оқ, сариқ лолалар очилган, иккинчи томонга қарасангиз, арча, юлгин, ёнгоқ ва шиста қаби тоғ дарахтлари бир-бировлари билан ўралиб, осмонга қараб бош тортганлар. Тош тевараклари равоч япроқлари, бинафша гуллари, сунбул шохлари билан ўралиб олинган тупроқ юзига сабзалардан, себаргалардан яшил рангли гилам ёйилган. Бошингиз устига томчилари садаф доналарига ўҳшаган парча-парча булувлар ҳар замонда бир ёғмоқда, оёғингиз остида сувлари тиш-тишиқ, муздек совуқ бўлган ариқчалар оқмоқда. Булбулларнинг чақчақлаб сайрашлари маданият оламининг мусиқий садоларини унуттиради: қўю қўзиларнинг ўйноқлаб ўтламоқлари, кийикларнинг ҳуркиб қочмоқлари театр саҳналаридағи раққосалар рақсини унуттирадир.

Ақча ва меҳнат сарф этилмай мұяссар бўлган бу табиий манзара қаршисида кўп куч ва катта маблағлар билан бино қилинган шаҳар bogларида ясамаликдан бўлак гўзаллик қўра олмаймиз.

Ҳикоямизнинг келини бўлган Гулбиби ҳам шундай табиий гўзалликка эга эди, унинг олдида юзларини қизил бўёқ билан пардозлаб юрадиган шаҳар қизлари ясама бир сурат бўлиб қолар эдилар. Унинг қора қошлиари ўсмадан, қора кўзлари сурмадан, қизарган юзлари қизил бўёқдан, тиқмачоқдай билаклари билакузудан ҳазар қилар эди.

Гулбиби шунча гўзаллиги билан баъзи бир енгилоёқ шаҳар қизларидек гўлларни овлаш, дунёни ўзига асир қилиш пайига тушган эмас эди. Ҳатто ўшлик, софдиллик ва табиий соддалиги сабабидан ўзининг гўзаллигидан учча хабардор ҳам эмас эди.

Лекин хабарсизлик ва соддалик билан бирга унинг кўнгли ҳамиша Одина хаёли билан банд эди. Чунки у тил чиқаруб, ўнг ва сўлни танигандан бери оналари унинг Одина билан бир ёстиқда бош қўяжагини гапирав ва унинг абадий умрдоши санар эдилар. Бу уқдиришлар сабабидан Гулбиби ҳам Одинага ўзининг умрдош ўртоги кўзи билан қарап эди. Бошда бу муносабат маъсумона болалик ўйинидан нарига ўтган бўлмаса ҳам, бора-бора ошиқона бир хузурликка (унс ва улфатга!) стишди. Одина ўн етти-ўн саккиз яшар бўлиб, Гулбиби ўн тўрт-ўн беш ёшга киргач, булар ҳақиқатан бир-бировларига ошиқ-маъшуқ бўлган эдилар. Лекин буларнинг бир-бировларига ўз дардларини очиқдан-очиқ айтмоққа эски тарбия ва хонаки одатлар йўл бермас эди. Фақат ошиқларнинг маҳрам воситачилари бўлган кўз қочириб қараашлари буларнинг ораларида элчилик қилар эди. Юррак дукиллаши, ранг ўчиши, оҳ тортиш қаби ҳоллар бу иккала дилсўзининг ҳол тилларига таржимонлик вазифасини адo этар эди.

Мана шундай бир-бировига кўнгил берган икки вужуд оқибати номаълум бир жудоликка учрасалар, қандай қора қунларга тушар эдилар?

Дуруст, Одина эркаклиги, ўшининг катталиги ва муҳокамаси-

нинг ўсганлиги сабабидан ҳар ишни ёлғиз ишқ туйгуси билан ўлчамас, балки кўпинча ақл тилагини ишқ буйруғидан юқорироқ қўрар эди. Одинанинг олдида икки мушкуллик турар эди. Биринчилиси, ўз юртида қолиб, Арбоб Қамол қўлида маҳз бўлиш ёки умрлик унинг қуллиғида қолиш, бу ҳолда уйланиш нари турсин, қотган ион билан қорин тўйғазиш ҳам мұяссар бўлмас эди. Иккинчилиси, бу юртдан қочиб Фарғона томонларига бориш, у ерларда эркин меҳнат топиш, қорнини тўйғазиш, агар баҳт мадад қиласа, ул-бул топиб, ўз юртига қайтиб, Гулбибига уйланиш эди. Бу икки ишнинг натижаси ҳозирча севгилисидан айрилиш эди; фақат биринчи ишда абадий айрилиш бўлиб, иккинчисида, ортида висол умиди бўлган вақтингча айрилиш эди. Одина ақл муҳокамаси билан шу иккинчи йўлни тутди ва висол умиди билан ҳижрон юкини кўттармакка бел боғлади.

Аммо бечора Гулбибининг ҳоли бутунлай бошқача эди. Биринчидан, у севги хиссиятига ниҳоятда берилган бўлиб, ақли ҳеч бир муҳокамага йўл топмас эди, иккинчидан, унинг тириклилиги Одинаникidan кўра бир неча марта оғирроқ эди. Чунки Одинанинг жондан азизроқ севгилиси бўлганидек, бирдан-бир қаровчилиси ҳам у эди, унинг ота-онаси ўлган, бувисининг бўлса ўлар вақти яқинлашган, теварагини номусига тажовуз этишга тайёр турган қонхўр душман ўраб олган... Бу шароитда Гулбиби Одинадан айрилиш билан ҳар бир нарсасидан айриланган саналар эди.

Гулбибининг дарди шулар билангина тугамас эди. Одина тезлик билан қайтмаса, бибиси ҳам ўлиб қолгудай бўлса, қишлоқ каттала-ри уни зўрлаб бировга берсалар, бу ҳолни Одина эшишиб: «Гулбиби ўз ихтиёри билан бошқа бир кимсанинг этагини тутган, ўзининг ишқ-муҳаббатини тупроққа кўмган деб ўйласа, нима бўлади», деб қўрқар эди.

Баъзи вақт кўнглига бошқа васвасалар ҳам келар эди: ким билсин, Одина Фарғона томонларига боргандан кейин у ерларда дўстлар, ошиналар топса, бора-бора Гулбибини унутса, ёшлиқ хоҳиши билан бошқа бирон қизга кўнгил қўйса, Гулбибининг ҳаққи ҳалоли бўлган ўз қўлини бегоналар бўйнига солса-ю, шу маҳал Гулбиби эсига тушиб, масҳаралаб кулса-я...

Буларнинг энг мушкули, бу яширин дардларини очмоқ ва бироз дардлашимоқ учун бирорта сирдошнинг йўқлиги эди. Бибиси ёнида эса бу дардларни очувдан уялар эди.

Бу дардларни кўттармак учун Гулбиби каби кўнгли севги тузогига илинган тажрибасиз ўн тўрт яшар бир қизча ўёқда турсин, ҳатто тош юракли эркак ҳам чидай олмас эди.

Чидай олмас бағри тошдан бўлган тог
Шунча қаттиқлиги билан вулқонга.
Ҳасрат, меҳнат, қайгу билан эзилган
Ошиқ дили нечук чидар ҳижронга?

ПАХТА ЗАВОДИ

Андижон темир йўлидан унча олис бўлмаган кенг майдонда бир катта иморат қўринар эди. Бу иморатнинг сиртқи қўриниши дижқатни унча ўзига тортадиган бўлмаса ҳам, унинг қурум аралаш нафаси ҳаво юзини қора булатдек чулгаб оладиган юксак мўрила-ри тош йўлдан қараган кини назарини ўз томонига тортар эди. Бу бинонинг бир-бировига ёйма-ён қилиб қурилган икки даромади — кириш йўли бор эди. Бири, жуда кенг ва баланд дарвоза бўлиб, арава кириб чиққанда очилар, бошқаси, икки газлик, кичикроқ, кириб-чиқувчилар учун қурилган эшикча бўлиб, ҳамиша очиқ турар эди. Агар пахта заводини томоша қилмоқчи бўлсангиз, шу кичкина эшикдан кирар эдингиз. Эшикдан кирган ҳамон ўнг қўлингизда бўйи тахминан қирқ газ, эни ўн газ ва юксаклиги ҳам тахминан ўн газ бўлган бир иморатни кўрасиз.

Бу иморатнинг эшиклари кўн бўлса ҳам, ичкарисини бир бошдан яхшилаб томоша қилмоқ учун энг охиридаги эшикдан киришингиз керак бўлади. Бу эшикдан киргач, тахтадан ясалган бир зинапоя учрайди. Агарда сиз ана шу зинапоядан юқорига, иккинчи қаватдаги уйга чиқсангиз, қаршингизда иморатнинг нариги томонига очиладиган кенг ва юксак бир эшик кўринади. Бу эшикдан ергача узун ва йўғон ходалар қўйилиб, остига устунлар қадалган, устида эса ҳар қадамда бир ёғоч кўндаланг қоқилгандир. Бу ходалар завод ҳовлисидан юқорига чиқиб тушадиганлар учун кўпriklar вазифасини адо этиб, кўндаланг қоқилган ёғочлар тойиб кетмаслик учун тутқич ёки босқич ўрнида ишлатилар эди.

Агар сиз бу эшикнинг олдида бир нафас турсангиз, йиртиқ чопонли, бош яланг, оёқ яланг, елкаларида катта бир палан осилган, белларини букиб, пастан ўн пудга яқин чигитли пахта жойланган қанорларни орқалаб, шу кўпrik ёки зинапоя орқали юқорига чиқаётган одамларни кўрасиз.

Кетма-кет чиқарилаётган шунча пахта шу уйга қандай сигади, деб ўйламанг. Бу уй ичидаги тайёр турган бошқа ишчилар юқорига чиқарилиб ташланган пахта қанорларини уни қайрилган ўткир пичноқлар билан ёриб, пахталарни остидаги уйнинг томидан очилган туйнукдан тиқаб турадилар.

Туйнукдан бурқиб кўтарилаётган пахта чанги у ердагиларни кўз очишига қўймас, оғиз, бурун, бўғиз ва ўпқаларини босиб, нафас олишига йўл бермас эди. Бу уйнинг чанги шу қадар қалин, шунчалик беҳузур қиласидан, агар сиз, соғ ҳаво кириб турадиган катта эшик олдида бўлмасангиз беиш минут ичидаги нафасингиз бўғилиб, ийқилиб қоласиз.

Агар сиз шу уйнинг иккинчи бурчагида пастанга қараб очилган бошқа бир зинапоядан пастандаги уйга тушсангиз, бу уйнинг бошдан оёгини ўргимчак уяларидек бир-бирига ўралган ва боғланган чархлар билан тўла бўлганини кўрасиз.

Бу уйнинг тўридаги катта бир чарх, Амриқо ҳўқизлари тери-сидан ясалиб, ўзига ўралган қалин ва энли қайиш билан айланади. Қайишнинг иккинчи томони ертўладаги бошқа бир чархнинг гупчагига солинган, у эса ўз навбатида бошқа бир қайиш билан машинахонадаги чархга ўралган бўлиб, қувватини ўша ердан олар эди. Бу уйдаги бошқа чархлар асосий чархдан кўра кичикроқ бўлиб, буларнинг бариси ҳам қайишлар билан бир-бировига боғланаб, асосий чархнинг айланнишидан куч оладилар. Бу чархларнинг вазифаси — чингларни айлантириш, чигитли пахталарни чинглар оғзига етказиб бериш, тозаланган пахталарни бир томонга суриш ва бошқалар эди.

Чинг деганимиз бир-бирларига устма-уст қурилган бўлиб, бир чарх воситаси билан юзма-юз айланадиган икки тишили ўқдан ясалган бир дастгоҳdir. Сиз юқори қаватдаги уйда пахталарни қанорлардан чиқарилиб, бир туйнукка тиқилмоғини билган эдингиз, ма-на шу пахталар махсус чархларнинг юритиши билан чинглар оғзи-га келар ва чинглар бўлса пахтани чигитидан ажратар эдилар.

Тозаланган пахта чинглар олдидан тортилган кенг ва узун бир тарнов (қайиш конвойерга) тушиб, унинг ичida айланниб турган бу-рама ўқ воситаси билан иккинчи уйга — прессхонага сурилар эди.

Чигит бўлса махсус йўл билан пастга тушиб, у ердаги бошқа бир чингда иккинчи катла тозаланиб ўтиб, бир тарнов орқали ўзига белгиланганд жойга кетарди. Иккинчи тозаланишдан пайдо бўлган пахта бир йўғон навардга ўралиб, савағич билан савалган пахтадек бўларди. «Линтер» аталган бу пахта кўрпа, ёстиқ, чопон ва қамзулларга солинади ёки бамазидек тукли тўқима матоларга ишлатилиди.

Бу амалиётнинг бариси машиналаштирилган бўлса ҳам, ҳара-катларни йўлга солиб турмоқ учун кўпгина ишчи қўлига эҳтиёж бор: ҳар икки-уч чингта бир ишчи қарайдики, уни «чингчи» деб атайдилар. Шунингдек, чархлар устида техниклар, гупчакларга ёғ қуювчилар, қайишларни чиқиб кетса қайтадан ўрнига солиб турувчилар ва бошқалар ишлайдилар.

У уйнинг чант ва тўполони юқоридаги уйдагидан ҳам ортиқ-роқдир: чинглардан ўтаетган қовдек қуруқ пахталарнинг чанги, машиналарга қуйилиб турган қуюқ мойларнинг қўланса ҳиди, темир ва чўян чархларнинг айланнишидан чиқаётган шақир-шуқур садолар у ердагиларни кўз очмоққа ва бирор овозни эшитмоққа йўл бермайди.

Томоша ҳаваси билан шу уйга кирад бўлсангиз, бунда кўп турса олмассиз, тездан иккинчи — тозаланган пахталар ўтадиган уйга ўтасиз. Бу уйда ҳар томони тахминан бир ярим газ, бўйи етти-сақкиз газ келадиган тахтадан ясалган қути-яшикларни кўра-сиа. Ишчилар тозаланган пахталарни мана шу қутиларга жойлайдилар, сўнгра пахта билан тўлган қутини йўғон бир чўян устуннинг устига сурадилар. Бу устуннинг тепасига ҳам бошога ўхшаган бошқа бир чўян ўтказилгандир. Пахта жойланган қутини чўян устун ва бошо орасига олгандан кейин ер остида чўян орқали сув қувватини очадилар. Бу қувватдан «сув чиқиши қоидаси»

билин чўян устун ҳаракатга келиб, қутидаги паҳтани қисади. Паҳта ундан ортиқ мумкин бўлмаган бир даражада қисилади. Бу даражада соат каби деворга ўтказилган маҳсус белгидан билинади.

Паҳта етарли даражада қисилгандан кейин сув қувватини тўхтатиб, қутининг таҳталарини очадилар, той боғловчи машиналар воситасида пресс қилинган паҳтанинг теварагидан темир симларни тортиб паҳтани устун устидан чиқарилар ва сим тортилган той паҳталар теварагига қандир парчалари тўкиб, эшиқдан ташқарига юмалатиб юборадилар. Бу ўн пуд келадиган бир той паҳтадир. Бу тойланган паҳталарни ишчилар кўтариб элтиб омборга таҳлайдилар.

Шунча қувват ва ҳаракатларнинг қаердан келишини билмай туриб, албатта завод томошасини битказа олмайсиз. Буни ўз кўзингиз билан кўрмак учун прессхонадан чиқиб, заводнинг ҳовлиси оркали чингхонанинг орқасига солинган бошқа бир уйга киришингиз керак бўлади. Унда кетма-кет кириб-чиқадиган иккита сумба билан айланниб турган катта бир чархни ва унинг гупчагига солинган қайиш билан айланадиган тагин бошқа бир чархни ва унинг воситаси билан айланмоқда бўлган яна бошқа бирисини кўрасиз. Сумбалар бўлса қайнаб турган узун ва йўғон чўян қозонига ўтказилгандирлар ва у қозоннинг қайнапшидан ҳосил бўлган буғ билан ҳаракат қиласидилар.

Бу уйнинг бир бурчагида айланниб турган алоҳида бир чархни кўрасиз. Бу чархнинг ўзида маҳсус навардлари, дастгоҳ (аппарат) лари бор. Бу дастгоҳлар орасига бир неча сим уланган бўлиб, бу симлардан бириси деворга ёпиширилиб қўйилган бир темир бочканинг устига қадалгандир. Бу бочканинг ичи сувга тўла бўлиб, биринчи қараашда ишчиларнинг ичишлари ёки қўл-бетларини ювмоқлари учун тайёрлангандир, деб ўйлайсиз. Аммо диққат билан текшириб қарасангиз, бу бочканинг остида ингичка бир чўян қувур уланганини кўрасиз. Бунинг бир учи ер остидан бориб боя кўрганингиз прессхонадаги чўян устунга қадалади. Алоҳида қурилган чарх ва дастгоҳлар воситаси билан ҳосил бўлган электриқдан сув чиқиши амалга келтирилиб, керак вақтида паҳталарни пресссламоқ учун ишлатилади. Алоҳида чарх ва дастгоҳларнинг бошқа симлари заводнинг ҳар томонига тортилган бўлиб, кўчаларни қундузидек ёритади.

* * *

Машинахона, чингхона ва прессхонадан иборат бўлган бу бинонинг уч томони кенг майдон, майдон тевараги катта айвонлар билан ўралиб олингандир. Бу айвонларнинг остида чигит ва чигитли паҳталар туради. Тўртинчи томонда европача катта бир бино қурилган эди. Бу бино биринчи доираси уч уйдан иборат бўлиб, уларнинг иккиси дафтардорлик ҳужралари, учинчиси бўлса завод мудирининг кабинети эди.

Иморатнинг доираси беш уйли бўлиб, унда завод мудирининг оиласи турар эди. Бу уйларнинг бариси қимматбаҳо европача жиҳозлар билан жиҳозланган, кечалар электрик қандиллари билан ёритилар эди. Бу доиранинг бир томонидан мудир ва унинг

оиласининг чиқиб ҳаво олишлари учун турли гуллар, сабзалар ва дараҳтлар ўстирилиб, гўзал бир боғча ясалган эди. Бу иморатнинг орқасида тор кўча бор, ўшандан бора берсангиз торгина, узунчоқ бир майдончага чиқасиз. Бу майдоннинг бир томони эски чағбутларни қўядиган айвонга ёнишган бўлиб, иккинчи томони заводни ташқаридан ажратган пахса деворга тирадган эди. Бу майдонда тор, қоронги, пастак-пастак қатор уйчалар солинган бўлиб, буларнинг кириш-чиқиши эшиклари заводнинг пахса деворига қарши ва ҳаво оладиган туйнуклари (истасангиз деразалари денг) увадалар айвонига қараб очилар эди. Бу уйчаларнинг ери полсиз бўлиб, заводнинг бошқа томонларига кўра чуқурроқ бўлганлигидан ёгин гарчилик чоғларида ердан томгача зах сизиб тураган эди. Бу уйчаларнинг деворларига оҳак ва ганҷдек нарсалар суртилган бўлмаса ҳам, захдан пайдо бўлган шўрхоклар, баъзи ёғлар суртилгандек турли «зиннат» аломатлари кўрсатар эди.

Бу уйчаларнинг ҳавоси доимо бир хилда — рутубатли, оғир бўлиб, ҳаво оладиган туйнуклари очилганда эски увадаларнинг ҳиди, айниқса, уларни буглатиб қуритаётганди берадиган бадбўй ҳидлари кириб уй ҳавосини жуда бузиб юборар эди. Завод ишчилари мана шу уйчаларда тураган, касал бўлсалар шунда ётар ва ўлслар ҳам кўмилгунча шунда қолар эдилар.

Бу қатор солинган уйчаларнинг қаршисидаги пахса деворнинг остига ҳар қун туш пайтида офтоб тушади. Офтоб тушган пайтда бу ерда одамлар қаторланиб ўтирар эди. Бу одамларнинг афти бащарапари, ёшлари турлича бўлса ҳам, кўши жиҳатдан бир бирорвларига ўхшар эдилар: қутлари ўчган, кўзлари чуқур тушиб кетган, бурунлари ингичка, юз, манглайларининг терилари буришган, қўллари қаварган, оёқлари яраланган, йиртиқ кийимлари эски қанорлар парчаси билан ямалган, оёқларининг қонааб ётган яралари, дезинфекция қиласдан чуқурларга олиб чиқиб ташланган увадалар билан ўралган эди.

Буларнинг бирни чўзилиб ётиби, у бел оғригидан нолийди, иккинчиси оёғига ўралган латта-путталарни очиб, ярасини сиқиб, йирингини чиқаради, учинчиси эски латталарни териб келиб йиртилган кийимини ямайди...

Агарда сиз 1915—16 йилги иш фаслида бу ерга келган бўлсангиз, бу одамлар қаторининг энг охирида кийимларини ечиб, уларда пайдо бўлган тинчлик душманларини — битларни боқиш билан овора бўлган ўн етти-ўн саккиз яшар бир болани кўрар ва ҳеч бир танитмасдан у болалинг ҳикоямизининг қаҳрамони Одина эканлигини билар эдингиз.

Бу одам болалари шу аҳволда нима учун бу ерда тураг эканлар, деб хайратда қоларсиз, лекин бир оз ўйласангиз, бу саволнинг жавобини ҳам ўзингиз тонар эдингиз.

Хозир сиз заводни томоша қилиб чиқдингиз, унда юзларча ишчиларнинг ишлаётгандарини кўрдингиз. Албатта кеча-кундуз дам олмасдан, ухламасдан ишлаб бўлмайди, ҳеч бўлмаганда, бир кеча-кундудза бир неча соат ҳордиқ чиқармоқ қерак. Ана шу сиз кўрган одамлар бундан неча соат бурун ишдан бўшаб, тағин ишга чиқмоқ учун гудок қиҷқиришини кутаётган қуллар эди.

VIII

ОДИНА ЗАВОДДА

Пудратчи Қурбон Али пахталарни завод майдонидан юқори қатта чиқариш ва чинглар оғзига тўкишга завод хўжайинидан кўтасига пудрат қилиб олган эди. Пудратчи бу ишда муайян бир миқдор юқ учун маълум бир маблағни муайян бир муддатларда хўжайиндан оладиган бўлиб ишчи тўплаш, уларни исплатиш, иш ҳақи ва миқдорини белгилаш ўзининг ихтиёрида эди. Иқтисодий танглиқда ишсиаликка хоким ҳамда судхўрларнинг ҳаддан зиёда эксплуатацияларига чидаёлмай, Бухоро ва бошқа қўшини шарқ ўлкаларидан иш излаб келган ишчи, кўпdir. Ер-жойлари бойлар, судхўрлар ва пахта жаллобларнинг қўлига ўтиб, бир парча нон учун кундалик ишга мұхтож бўлган фарғоналик ва бошқа туркистонликларнинг ўзлари ҳам анчагинадир. Бу шароит пудратчи ва хўжайин учун жуда қўл келар эди, улар учун одатан «ким оз ҳақ билан ишлашга рози» бозори очиқ, бу йўл билан тоғик, ўзбек, пирсиеён, барбари¹, армани, рус ва бошқалардан энг оз ҳақ билан энг кўп ишлайдиган бир тўда ишчиларни пудратчи қўлга киргизган эди. Пудратчи буюрган ишини исплатишда ишчининг кучи етар-етмаслигини сўраб ўтирас, ишчи бир дафъа ишга кириб пудратчининг тузогига тушдими, унинг ҳўқизидек ишламоги керак эди.

Бу ердаги ишчилар ҳақиқатан ҳам ҳўқиз ҳукмида эдилар: Пудратчи қўшчиларни говронидек бир узун таёқни қўлга олиб, уларни ўёқдан-буёққа ишга сурар, бўшанглиқ қилганларнинг бошлирида таёқни синдирав эди. Фақат шу қадар фарқ бор эдики, агар ҳўқиз ишга ярамай қолса, эгаси уни бир неча кун тинчига қўйиб, боқиб семиртиради. Аммо ишчи ишдан чиқса ёки ишга ярамайдиган даражада касал бўлса, пудратчи дарров уни қўчага ҳайдар ва ўрнига бошқа бирисини топар эди.

Ишчиларнинг овқатлари мита тушиб кетган ундан ёпишган хом сўз қора нон, кийимлари йирилган қанорлардан ўзлари тикиб олган қўйлак-иштон, ётадиган «тўшак»лари юқорида кўрсатилганча гўрни эсга келтирадиган қоронги ва зах уйчалар эди.

Бизнинг Одина ҳам мана шу шароит билан шу заводга ишга кириб, кеча-кундуз саккиз-ён пудли қанорларни йигирма-ўттиз погонали кўпприк орқали юқорига олиб чиқар ёки оддий одамлар беш дақиқа турга олмайдиган чингхона эшиги олдида бирдан ўн икки соат туриб қанор бўшшатар эди.

Иш буюрганда Одинанинг ёшлиги кўзга кўринмаса ҳам, иш ҳақи белгиланганда у ёш саналиб, унга озгина ҳақ, тахминан кунда ўттиз тийин белгиланган эди. Одина бу ўттиз тийинидан кунда олти тийинга икки қадоқ қора нон олиб ер ва бошқасини ватанига қайтиш, Гулбибига совға-салом элтиш ва уйланиши нияти

¹ Африка ҳалқларидан бири.

били захира қилар эди. Агарда Одина кундалик овқатига бир оз ёғ ва гўйит кўпса, ўйлаб турган катта мақсади (ватанга қайтиш, уйланиш) учун бир нарса қолмас эди.

Одина шу шароитда ишлашда давом қиласверди. Тоғ ҳавосида ўсган бу ёни йигитни бу хил тирикчилик оз вақтда ҳалок қилмоғи керак эди. Лекин Одина ўлмади. Бошқа ишчилардан кунда бир нечалари тифдан, ўнка шишувидан, меъда оғриғидан ўлгандарни ҳолда, Одина ҳатто касал-пасал ҳам бўлмади. Ўз мақсади йўлида ҳар бир оғирликни енгиллик билан қарши олмоққа бел боғлаган бу ёш кучни филдек йигитларни сичқондай заиф қилиб ташлайдиган ёмон шароит тезлик билан йиқита олмади.

Однанинг мақсади маълум эди: ҳар қандай оғирлик билан бўлса ҳам ишлашида давом қилиши, иш ҳақидан ақча тўплаб, ватанга қайтиш, Гулбигига уйланиш ва масъуд ҳаёт кечириш эди. Дуруст, ҳижрон балосининг ўзи кўп ёш йигитларни эркалик ёстигидан хорлик тупрогига вақтсиз тортган бошқа бир бало эди. Лекин ортида висол умиди бўлган ҳижроннинг севгилисидан айрилган шайдоларга тасалли бермаги маълумдир. Бу «умид» Однани мусибатли кунларида юнатар ва қайгулар орасида қувонтираси эди.

IX

ИШ ТАШЛАШ

1915 йилда пахта ҳосили одатдагидан кўпроқ бўлган эди. Шундай бўлса ҳам, Россия тўқимачилик саноатининг жаҳон уруши муносабати билан ташқаридан пахта киргиза олмаслиги сабабли ва пахтанинг тўқимачиликдан бошқа, уруш асбобларига-да, сарф бўлмоги учун пахта бозори қизиб кетди. Лекин Россия савдо доираси пахта нархининг олдини тўсмоқ учун қатъий баҳо белгилади. Бу расман белгиланган қатъий баҳо Москванинг гайри расмий ва амалий бозорига ҳеч бир таъсир кўрсатмади, тозаланган пахта унда одатда гўёки «борми ошувлч?» йўли билан қатъий баҳонинг икки-икки ярим бараварига сотилар эди, аммо дехқондан бўлса, чигитли пахта қатъий баҳо юзасидан йиғилаверди. Шундай бўлиб, пахта жаллоблари ва заводчиларининг фойдаларига бирга икки, бирга учгача ошиб кетди. Фойда ошган сайни очкўз пахта жаллоблар ва заводчиларининг иштаҳалари ҳам очилаверди. Уйдан уйга, қишлоқдан қишлоққа, бозордан бозорга югурдак агентларини ёйиб, чигитли пахта тўпламоққа киришидилар. Тўшланган пахталарни тозалаб чиқаришни заводлар бажара олмайдиган бўлдилар. Заводларининг айвон ва омборлари ҳам пахтага тўлиб, пахтачилар чигитли пахталарни очиқ майдонга қўймоққа мажбур бўлдилар. Қиши бошланиб, пахталар устига қор-ёмғир ёғаверди, баҳор келиши билан ҳаво қизиб, очиқ майдонда ҳўлланиб қолган пахталар ҳам қизий бошлади. Том бўйи босилган пахта ғарамлари ёнар тоғнинг ҳаракат олдидағи ҳолатидек осмонга буг ўрнига тутун чиқазавер-

дилар, бу ҳолдан пахтачиларнинг димогларидан ҳам дуд чиқа бошлади. Лекин булар шошиб қолмасдан тезлик билан чорасини топдилар.

Куя бошлаган пахталарни ёйиб, шамоллатиш бирдан-бир чора эди.

Лекин бу иш учун тагин кўпгина ишчи керак.

Биринчидан, баҳор келиб деҳқончилик иши бошланганлиги учун янги ишчи тоини қийин, иккинчидан, янги ишчи учун кўпгина иш ҳақи тўламоқ керак бўлар эди. Пахтачилар учун бўлса меҳнатсиз ва харажатсиз фойда керак, шунинг учун бу мушкуни пудратчи Қурбон Али ҳал қилмоғи осон қўриди.

Масала ҳал бўлди: Қурбон Али ўзига кўнгина ҳақ бериш шарти билан ўз қўюли остидаги ишчиларни ишлатиб, бу ишни қойилмақом қилиб бажармоқни ҳам ўз гарданига олди.

Қурбон Али бир томондан агар куя бошлаган пахталарни шамоллатиш ишини ортиқча (оддий иш устига) ўз бўйниларига олмасалар, ишчиларни ишдан қувланишлари билан қўрқитди, иккинчи томондан уларни гўштсиз нўхат шўрва билан зиёфат қилиб, иш охирида «худо хоҳласа» хўжайин давлатидан яна вақтларини хуш қилмоққа ваъда берди. Қўрқиши ва умидга тушган ишчилар бу ортиқча ишни ҳам ўз гарданларига олдилар.

Иш бошланди, бу одатдан ташқари юз берган иш оддий ишдан оғирроқ эди: ўн икки соатли иш сменани битказиб чиққан ишчилар, қора ионларини совуқ сувга увитиб егандан кейин темир паншаха олиб, пахта ёймоққа киришар эдилар. Куя бошлагай, ҳатто ост қатламлари ёнган пахта ишчиларнинг оёқларидан тортиб белларигача кўйдирали. Сассиқ ис димогларини чатнатади, бошлирини айлантиради, кўнгилларини айнитади. Шу ҳол билан ўн беш дақиқа ишлаган ишчи ҳушидан кетиб йиқилади. Ҳушидан кетиб йиқилганларни Қурбон Алиниг таёғи ҳушёр қилиб, тагин суради. Ишчилар орасида юракбуруғи, тиф, ўлим кўпайди. Иш ҳақини ортириш нари турсин, бу ортиқча иш учун ҳеч бир нарса тўланмайди. Хўжайнининг давлати ортгандан орта борса ҳам, «униг давлатидан» ишчиларнинг «ўзимизники» деб ишонганлари Қурбон Али бўлса: «Бола, йинглама, сенга оймомани олиб бераман», ёки: «Ўлма эшагим, арпа пишар», дейишидан бошқа нарсани билмайди.

Оқибат иш жонга, ичиоқ суюкка тегди (кор ва жон ва корд ба устихон расид) Қурбон Али қўйл остидаги ишчилар ўзаро кенгашиб, ҳаммалари бирдан иш ташлаб, хўжайниндан ё иш ҳақини ортиримоқни, ё иш соатини камайтиromoқни ёки ҳеч бўлмаганда, пахта ёйини ишини гарданларидан қўтармоқни талаб қилишга қарор бердилар.

Бу қарор амалга ошмасдан илгари Қурбон Али воситаси билан хўжайнинга етди. Хўжайин ҳам маҳаллий ҳуқуматга хабар бериб ишчиларнинг бошларига приступ¹ билан полиция турухини кел-

¹ Пристав демоқчи.

тирди. Заводнинг ташқарисида ҳам бир даста отлиқ казак, бешотар, найза, қилич ва қамчилари билан ҳар эҳтимолга қарши тайёр турдилар.

Приступ иш ташламоқчи бўлган ишчиларга деди:

— Ҳозир уруш вақти, мамлакатда ҳарбий идора ҳукм сурадир, мамлакатдаги ҳар бир завод, фабрика ишчилари солдатлардек интизом билан ишламоққа мажбурдирлар. Агарда сиз ишдан бош торсангиз, фронтдан қочган солдат билан бир саналасиз, фронтдан қочган солдатнинг жазоси бир ўқ эканлиги ҳар бир кишига аёндир. Агар сиз ҳеч бир шарт ва сўёсиз ишласангиз, ишланг, бўлмаса «марҳамат қилиб» олдинга тушинг, юринг миришабхонага!..

Ўзаро яхши уюшмаган ва катта корхоналардаги яхши уюшган ишчиларнинг ҳаракатларидан хабарсиз бўлган бу ишчилар шу қадар пўписа билан қўрқиб ишламоққа мажбур бўлдилар.

Сасиб-бижиб кетган пахта исидан хасталанган Одина эса ишдан бўшалиб, бир тоҷик ишчининг тарбиясида завод казармасида йиқилиб қолди.

X

ҲАМДАРДЛАР

Завод эгаси ишчиларнинг соглиқларини сақлаш, уларнинг ётиш-туриш жойларини яхшилаш учун бирон пул ҳарж қилувга кўзи қиймаса ҳам муллалар, эшонлар ва поплар орқали уларнинг бошларини айлантириш йўлида ақчасини аямас эди. Заводдаги турли дин ва миллатта (тоҷик, ўзбек, пирсиён, барбари, армани ва рус)- бўлган ишчиларнинг ҳар бирини ўз руҳонийлари (имом, дуохон, равзахон, поп) диний таълимот билан бошларини қотириб, уларнинг бир-бировларига яқинлашиши йўлларини тўсар эдилар. Ҳар бир руҳоний ўз диндошига:

— Сиз гайридин, гайримиллат кишилардан сақланингиз, улар сизга таъсир қилиб, динингизни бузиб, ўз динларига киргизиб олмасинлар, ўз «худонингизга ибодат қилинг, ўз динингиз йўлига садақа беринг, ўз имом ва диний раҳбарларингизнинг иззатларини бажо келтиринг, уларнинг сўзларидан чиқа кўрманг. Дунё аҳлининг нози неъматларига ҳасад қилманг, фақирлиқдан нолимангки, бу дунё тез ўтиб кетади. Дунё давлати қолади. Сиз охират давлатига кўз тикинг, ишлайдиган уйингиз ва хўжайнингизнинг туз ҳақини оқлангки, туз ҳақи худо ҳақи билан баробардир. Хўжайнингизга хиёнат қилманг, ҳар қандай иш буюрса жони дил билан бажаринг, хизматкор бўлинг, лекин содиқ хизматкор бўлинг, билингки, бечоралик айб эмац, аммо куфрони неъмат ва қўрнамаклик гуноҳи азимдир. Замон подшосига итоат қилмоқни вожиб билингки, подшо худонинг соясидир...

Бечора ишчилар бу иғволарга алданиб, бир-бировларига душманлик кўзи билан қарап, бир-бировларидан кўнгиллари тўлмас,

ўз дин ва миллатларига мансуб бўлмаган бошқа ишчиларнинг ҳар бир ҳаракатига адоват сақлар ва шу ҳаракати билан бизнинг динимизни бузмасмикан, деб шубҳага тушар эди. Бунинг устига ишчилар овқат учун етар-етмас бўлган иш ҳақларининг бир қисмини турли отлар билан хатми қуръон, садақа, имомат пули, гуноҳдан покланиш учун ўз руҳонийларига берар эдилар.

Аммо кейинги йиллар аҳвол ўзгара бошлади. Яширин инқилобий ташкилотларга атзо бўлган европалик ишчилар ташвиқотга киришиб, «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» шиори остида заводдаги ишчиларни яширин суратда бирликка чақирдилар. Завод эгасининг ҳақ бермаслигидан, пурратчининг зулм тааддисидан, полиция ва бошқа подшо одамларини уларни ҳимоя қилишидан сўзлашиб, сўз орасида айтар эдилар:

— Заводчининг эгаллаб олган шунча давлат ҳашамати бизнинг қўл кучимиз самарасидир. Пучак пул билан бизни қул қилган заводчининг сармояси бир ерга қўйилганда ҳеч вақтда ўз-ўзидан ортмас. Заводчи ва бошқа пахтасида үзларининг агент ва гумашталари орқали сиздек меҳнаткаш ва мазлум бўлган деҳқонларининг пахталарини үзлари истаган нарх билан оладилар, сўнгра пахталарни заводга келтириб, бола-чақаларимизни очликдан қутқазмоқ учун бизнинг қўл кучимиз билан тозалатадилар, сўнгра биздек, ишчиларни қўл кучлари билан ясалган темир йўл воситаси билан Москвага элтиб сотиб, ундан келган текин фойда билан катта бой бўладилар, бөг-бўстонлар соладилар, ноз-неъмат, айш-ишрат, май-маҳбуба билан умр кечирадилар.

Бир ўйлаб қарасангиз-чи? Заводчи биздек меҳнаткашларнинг қўл кучларидан қоқиб олинган қирқ-эллик минг сўмини бу ерда банд қилишдан бошқа қандай меҳнат ва машаққат чекдики, бунча айш-ишратларга сазовор бўлсин?..

Йўқ!.. Заводчи ва унинг гумашталари ҳеч нарсага арзимайди.

Бу қандай гапки, улар фарогатда-ю, бизлар кулфатда, улар роҳатда-ю, биз меҳнатда, улар тўқ бўлсину биз оч, улар шароб ичсендару биз жигар қонини, улар гўзалларининг лабларидан ўпсинглару биз қора турироқни, уларнинг хотинлари гўзал боғчаларда ипак кийимлар кийиб, ўйнаб-кулиб юрсинглар-да, бизнинг хотинларимиз ўзимиздек қора меҳнат остида чирисинлар, уларнинг болалари олий мактабларда лазиз таомлар еб, илмлар оленинлар-да, бизнинг болаларимиз ёшлиқда оғир меҳнатлар қилиб, согликларини йўқотиб, кўпинча бўйга етмасдан ҳалок бўлсинглар...

Бундай тирикчилик, бундай тарзи ҳаёт, бундай зиддият дуруст эмас ва давом қилуви мумкин ҳам эмас.

Босиб қолинган ўз ҳақимизни олиш, бу тенгсизликни йўқотиш учун дин, миллат ўзгалигига қарамасдан бизнинг бирлашувимиз, рус, ўзбек, армани, ширсиён, тожик, барбари, афгон демасдан фақат меҳнаткашларимизни назарга олиб, ога-инилашувимиз ҳар биримизнинг манфаатимизни қўпининг манфаатидек билувимиз, қўпининг манфаатини ҳар биримизнинг манфаатимиз санамогимиз керак.

Бизнинг бирлашувимизга, босиб қолинган ҳақимизни олувга тўсиқ бўладиган ҳар бир киши, ҳар бир қувват бизнинг қон душманимиз, жон душманимиздир.

Ўзларин худонинг ноibi, пайғамбарнинг вориси атаб, биздан садақа оладиган мулла ва поплар, бизга ёрдам қилиш ўрнига бизнинг бирлашишимизга тўсиқ, кучсизланишимизга ва бу восита билан ҳақимизни ола олмаслигимизга сабаб бўладилар, бунинг устига-устак бизни ўз душманларимизга бўйсунувга ундаидилар, ҳалқимизга қассобликдан бўлак иш қилмаган подшога итоат этишини вожиб санайдилар, булар ўз нафсларининг қули, хўжайнинг бандаси, подшонинг жонсупар¹ фармонбардоридан бошқа кимса эмаслар, булар текинхўрлар, булар йиртқич ҳайвонларнинг авлодидан қорин тўйғазиш учун уларнинг олдидан ёки устидан юриб йўл кўрсатадиган ўлимсахўр ёки қузғунга ўҳшайдилар, буларнинг ўз қўлларидан ов қилиш келмайди, улар бошқа овчи ҳайвонлардан ортиб қолган ўлимтиклар билан қорин тўйғазадиган ҳаромхўрлардирлар. Шунинг учун бизни бирлашишдан тўхтатадилар, шунинг учун бизни хўжайнинг «ҳақини» риоя этмоққа ундаидилар, шунинг учун бизни подшога итоат қилмоққа чақирадилар. Буларнинг: «Ўз хизматчиларингга мунча азоб берма», деб бирорта бойга, «мазлумларни ҳимоя қил», деб бирорта подшога насиҳат берганларини ҳеч бир вақт бирор киши эшитган эмас.

Буларнинг гапларига қулоқ солмаслигимиз, буларнинг иғволари билан ўзаро бирлашишдан тўхтамаслигимиз, агар бундан бўён яна ишимишга халал еткизмоқчи бўлсалар, ҳаммадан бурун ўzlарини орадан кўтариб ташлашимиз лозим.

Заводчиларни ва бошқа сармоя эгаларини ҳимоя қиладиган иккинчи қувват — подшо ҳукумати ва унинг югурудаклари бизнинг ва биздек меҳнаткаш дехқонларнинг қўл кучи билан пайдо бўлган мамлакатнинг саноат зироатидан еб, ичиб ва кийиб юрганлари ҳолда, бизни ҳимоя қилмасдан, бизнинг душманимиз бўлган бойларни қўйибдилар, бундан очиқ билинадики, подшо ҳукумати бизнинг нонимизни еб, бизга қарши қилич қайрайди. Бундан билинадики, подшо ҳукумати сармоядорларининг шериги, фабрик-заводчиларнинг агенти, катта ер эгаларининг позири экан, бошқа сўз билан айтганда, подшо ҳукумати ўғриларнинг бошлиги, чўталчиси экан, бириичи навбатда ва тезлик билан подшо ҳукуматини, қароқчиларнинг ва унинг тартибини орадан йўқотиб, мамлакат идорасини ўз қўлимишга олмогимиз керак.

Мамлакат аҳолисининг қўпчилиги биз ишчилар ва меҳнаткаш дехқонлар бўлганимиз учун бирлашиш шарти билан подшо ҳукуматини енга олажакмиз. Подшо ҳукуматининг кўзга кўринарли қуввати аскардир, агарда текшириб қарасангиз, аскар ҳам биздек ишчилар ва меҳнаткаш дехқонларнинг болалари. Қайси бойнинг боласи яроғ кўтариб чегарага боради, қайси завод-фабрикачининг қуёви қора ноңга қаноат қилиб, қишин-ёзин қорли тоғларни ва қизгин ҷўлларни кезади. Шунчалиги борки, аскарни подшо ҳукумат

¹ Садоқатли маъносида.

мати алдаган муллаларнинг баъзи насиҳати, попларнинг тавба ва қасамлари воситаси билан аскар подшо ҳукумати эшигига қул бўлган, агар биз ўтири тилли ташвиқотчиларимиз воситаси билан уларга ҳақиқат холни тушунтира олсак, бизни қуллик кишанида тутмоқ учун қўлларига тоширилган милтиқ ва тўпни подшо ҳукуматининг ўзига қарши қаратадилар...

Аввалиларда шундай сўзлар ёлғиз европалик ишчилар орасида айтилиб эшитилса ҳам, бора-бора мусулмон ишчиларни-да ўз музокаралари доирасига киргиза бордилар. Жуда маҳфий ва гоятда эҳтиёт билан, лекин жиддий суратда буларга ҳам ташвиқот юритадилар, буларга ҳам ихтиол ва инқилоб китобидан дарс берар эдилар.

Мусулмон ишчилари орасидан биринчи навбатда бу сўзларни ҳақиқат деб тинглаган Одина бўлди. У ўз ҳаётидан кичкина бўлса ҳам бу сўзларга мисоллар топа олар эди. У амир ҳукумати соясида Арбоб Қамолга қул қилиниб берилган эмасми, бу қулликни давом қилдирмоқ учун қишлоқ катталари, айниқса, мулла Ҳакираҳ озгина чолишдими?.. Одина Арбоб Қамолдан қутулиб заводга киргандан кейин ҳам қордан қутулиб, ёмғирга тутилганлардек, яна қулликка учрамадими, бу қулликка тан берув учун бир ёқдан имом ваъзи насиҳат қилган бўлса, иккинчи ёқдан подпонинг отлиқ казаги, подшо полицияси қилич ўйнатмадими?..

Однани қувонтирадиган бир иш бор бўлса, у ҳам шу эдики, энди у ёлғиз эмас эди, ўз дардини очиб сўйлаш ёки қўнглидаги дардларини таржима қилиш учун кўпгина ҳамдарлари бор эди, энди «дард бор, ҳамдард йўқ...» деб нолий олмас эди.

Фақат Гулбибининг дарди, у булбулсиз қолган гулнинг, боғбонсиз қолган боғнинг дарди Однани бирон нағас тинчитмас эди: бу дарднинг оғирлиги шунда эдики, уни очиб сўйламоқ учун бирорта ҳам ҳамдард тонилмас эди. Заводдаги иқтисодий ва сиёсий дардлар, у ердаги дард аҳлларини гулби билар дардини эшитиш ва унга эътибор бериш даражасидан узоқлаштирган эди.

Одина бу дардни ёлғиз чекмоқ, бу азобни ёлғиз тортмоқ ва бу юкни ёлғиз кўтармоққа мажбур эди. Ҳақиқатан ҳам ишқ дарди одамни коллективдан четга чиқариб, ёлғизлик билан қайғурмоққа мажбур қиласидиган давосиз дарддир.

XI

1917 ЙИЛ ФЕВРАЛЬ-МАРТ

1917 йил аввалидан бошлаб подшо ҳукуматидан зорланишлар ертўлалардан очиқ майдонларга чиқа бошлаган эди: дарбор аҳлининг хиёнатлари, айниқса, ҳарбий вазирнинг ўқ-дори билан, одам жони билан савдогарчилик қилишлар, бозорчиларнинг очқўзликлари, чайқовчиликлари устида ҳар ерда гап-сўз бўлмоқда эди. Рас-

путиннинг¹ ифлос ўйинлари, подшонинг «муқаддаслиги» ни энг орқада қолган ишчи-дехқонлар кўзидан ҳам туширган эди.

Мамлакатда нон йўқ, кийим-кечак йўқ, ўтин йўқ, дори-дармон йўқ, фронтда ўқ йўқ, мильтик йўқ, врач йўқ, хастахона йўқ, хоҳ фронтда бўлсин, хоҳ фронт орқасида-ёлғиз бир нарса бор, у ҳам бўлса — ўлим: очликдан, яланғочликдан, муҳтоҷлиқдан ўлиш, фабрикаларда, заводларда, йўлларда, чўлларда ўлим! Фронтда очлик, қуролсиз ҳолда душман ўқи остида ўлиш! Ўлим! Ўлим! Ўлим!..

Ҳарбий идораларнинг бошлиқлари бўлсин, фабрика-завод эгалиари бўлсин, омборларни галлага тўлдириб олган катта ер эгалиари бўлсин, бир бурда нон, бир чимдим дори-дармон, жулдурун кийим бадалига ҳалқнинг бор-йўгини таламоқда, оч кўзларини тўйдирмоқ учун омбор устига омбор, хазина устига хазина солмоқда...

Бутун Россияда ҳалқ мана шу аҳволдан зорланади; полициядан, охранкадан қўрқмай, очиқдан-очиқ зорланади.

Бу умумий ҳолати руҳия бизнинг ҳикоямиз ўрини бўлган пахта заводига ҳам таъсириз қолмаган, юқоридаги бобда яширии суратда сўйланувчи ҳикоя қилинган сўзлар энди очиқдан-очиқ сўзланмоқда эди.

1917 йил март ойининг 4-(эски ҳисоб билан) қуни эди. Завод чархлари ҳам подшо ҳуқуматига ўхшаб хўрланган гунчаклари, эзилган тишлари, узилган қайишлари билан зўрга айланмоқда эдилар. Уста катта чархнинг у ёнига қарамоқда, бир ишчи шу чархнинг гупчагига ёғ қўймоқда, қайишга канифул суюқлиги суртмоқда, икки смена дам олмасдан ишлаган бир чингчи, тишлари ейилиб, чигитларни чайнаб ўтказаётган чинг ўқини қўлидаги икки қаричлик чўп билан мудрай-мудрай артмоқда эди.

Бу чингчи бирдан жон аччиғи билан чинқириб юборди; катта чарх бошидаги уста, чингчига ёрдам бермоқ учун ўзини қўйига отганида эски кийими йиртилган еридан чархнинг паррагига илиниб, ўзи ҳам кийими билан бирга чархга ўралиб кетди. Оддий ҳаракатидан чиққан чарх зўр билан айланганда, эскириб қолган қайиш узилиб, ёғ қуяётган ишчининг белидан уриб уни ҳам чархнинг комига тортиб кетди. Бу ҳодисаларнинг бариси кўз очиб юмгунча воқе бўлди.

Завод томонидан чалинган фалокат гудоги чингчининг жон-харош фарёди билан қўшилиб бир мотам марши ҳавосини майдонга келтирган эди; ҳақиқатан ҳам бу ҳодиса ишчилар учун катта мусибат эди: чингчи қўл билагигача ўққа чайналиб, ўлим ҳолати-

¹ Распутин аслида сибириялик бир от ўгриси бўлиб, руҳонийлик кийими остида подшо ҳарамига йўл тоғган. Бу маҳлуқ подшо ва унинг хотин-қизлари олдида нуфузга эга бўлиб олиб, подшо саройида жуда ҳам жирканч ишлар билан шугулланган. Бу ҳолга чидай олмаган подшо қариндошларидан бир князъ орланиб, февраль инқилоби арафасида бу мурдор вужуддан бу дунёни поклаб, ишчилар қиличини унинг қони билан булганишдан кутқарган эди.

да йиқилған, уста билан ёғ қуювчи бўлса чархга илиниб қичқирмоққа ҳам фурсат топа олмай, оламдан ўтган эдилар.

Устма-уст чалингай фалокат гудоги билан заводнинг бари цехларида иш тўхталиб, ишчилар майдонга тўпландилар, ўлаётган билан уста ва ёғ қуючининг парчаланган гавдалари жамоатнинг олдида завод майдонида ётмоқда эди.

Митинг бошланди: ишчилар бири орқасидан бири пахта тойи устига чиқиб заводчини сўкмоқда, унга чархларнинг бузилганини, қайишларнинг титилганини, тишиларнинг қирилганини англатилгани ҳолда яна заводни ишдан тўхтатмасга амр бергани учун айбламоқда, подшо ҳукуматига ўнчай очкўз бойларни ҳимоя қилган учун нафрат баён қилмоқда, ўзтирикликларидан зорланмоқда, оммани ихтиолол ва инқилобга унダメоқда эдилар.

Ҳар бир ҳаракатлари вақтида полициянинг кескир қиличини, отлиқ казакнинг қонли қамчисини ўз устларига олмоққа одатланган ишчилар, ҳар эҳтимолга қарши ҳозирландилар: заводнинг катта дарвозаси олдига пахта тойларидан чип боғлаб, баррикада ясад, кичкина эшикдан кириб-чиқадиганларни текширмоқ учун қоровул қўйдилар: яширин яроқлари бўлганлар яроқландилар, колганлари темир парчалари, болғалар, тошлар ва калтакларни қўлга олиб, полициянинг келишини кута бошладилар.

Митинг қизиган. Аммо на полициядан ва на отлиқ казаклардан ҳеч бир дарак йўқ, буларнинг ўрнида фуқаро кийимлари кийган, ҳолда маҳаллий ҳукумат арбоблари, завод эгаси ва завод директори эгилган бўйин, «очиқ юз, ширин сўз» билан кириб келдилар.

Ишчиларнинг «долой-долой» ларига қарамасдан, ҳокимлар ва хўжайнинлар ҳам сўзладилар, булар ўз сўзларида бурун ишчилар ҳақида бўлган зулм ва қилинган ҳақисизликлар, гўё подшонинг шахсий ҳоҳиши билан бўлганлигини кўрсатиб, подшо тахтидан туширилганлиги сабабли бундан бўён заводнинг ишчилар учун «жаннат»га айланажагини хабар бериб, ишчиларнинг подшонинг иккилиши билан табрик қилдилар.

Ҳақиқатан ҳам, ишилар учун подшонинг тахтидан туширилиши саодатнинг ўзи бўлмаса ҳам, эшиги бўлганлиги сабабли табрикка арзийдиган катта воқеа эди. Бу хабар эътиroz ва нафрат митингни шодлик намойишига, мотам мажлисини тўй йигилишига айлантириди.

Бўкун бу завода воқе бўлган ҳодиса: бундан уч-тўрт кун илгари Петроград (букунги Ленинград) ва Москвада воқе бўлган ҳодисанинг кичкинаси эди; жонидан тўйган Петроград ишчилари, аскарлари ва умуман меҳнаткашлари: «Нон», деб кўчага отилган ва инқилоб йўлида ҳар бир қураш учун ҳозирланган эдилар.

Ҳар қандай қилиб бўлса ҳам, ҳукуматни ўз қўлида сақлаб қолмоқчи бўлган давлат думаси подшо тахтидан туширилди, деб эълон қилиб, раҳбарликни ўз қўлига олди ва Мувакқат ҳукумат тузди. Бу ҳодисага социал-демократ Керенскийдан бошлаб кадет Милюков, қора гурухлардан бўлган монархист Гучковча қўшилиб, ўзларини омма кўзига «инқилобчи» қилиб кўрсатмоққа уриндилар.

Бу воқеа ўз вақтида Туркистонга етишган бўлса ҳам бу ернинг ҳокимлари «Болта келгунча қунда дам олар» масалича подшонинг тахтидан туширилишини яширад ва бир-икки кун бўлса ҳам ўз дабдабаларини узайтирмаққа уринар эдилар. Офтобни этак билан яшириб бўлмади; подшонинг тахтидан туширилганлиги бутун халққа кундек очиқ ва ойдин бўлди.

Мартнинг учинчи куни Туркистон ҳокимлари ҳам подшонинг тахтидан туширилиши воқеасини халққа расман эълон қилиб, омманинг қувонишига қўшилмоққа мажбур бўлган эдилар. Шу жумладан, бизнинг завод катталари ва маҳаллий ҳокимлар ҳам бу ҳодисани завод ишчиларига ҳикоя қилиб, ўзларига қарши қозондек қайнаган ишчилар азобига сув қўйдилар ва бу ҳийла билан кўз олдиларида гавдаланган ишчилар ўчидан вақтинча бўлса ҳам ўз жонларини қутқаздилар.

Одам боласи икки пайтда ўз яқинларини ва севгилиларини кўпроқ ёдга олади: бири, мотам ва мусибат қунлари бўлса, иккинчиси, шодлик ва байрам қуницир. Бирор дақиқа ўз севгилисини, ўз Гулбибисининг ёдини эсидан чиқармаган Одина, ишчилар оммаси билан қўшилишиб, подшонинг йиқилишини байрам қилаётганда уни яна ҳам кўпроқ эсга олмоғи табиий эди. Одина теароқ ўз ватанига қайтмоққа ва бутун дунё мазлумларини, айниқса ўзи билан бирга ишлаган завод ишчиларини ҳаддан ташқари қувонтирган бу воқеани — Николайнинг бекор бўлиши воқеасини Гулбибига ҳикоя қилмоққа ва шундай катта шодлик воқеасидан унга ҳам улуш чиқармоққа ошиқар эди. Фақат ҳали йўл очилмаган — Қоратегин билан Фарғона ораларидаги довонининг қори ҳануз эримаган эди, шунинг учун ҳаволар исиб, йўл очилиб, биринчи карвон ҳозирлангунича кутиб қолмоққа мажбур бўлди.

XII

ҚАЙТИШ

Одина уч йил заводда ишлади, иш ҳақи жуда оз бўлса ҳам, емай-ичмай, тўй нияти билан анчагина нарса тўплади: бир тўп чит, бир тўп сатин, бир тўп сурп, иккита рўмол, бир кийимлик шоҳи ва бир жуфт кавуш-маҳси олиб хуржунга тиқиб қўйган эди.

Гулбиби бу нарсаларни кўрганда азоблар, уқубатлар ичидаги ўтган уч йиллик кимсасизлик ва айрилиқни унугиб қандай қувонар, деб ўйлаб ўзи ҳам қувонар эди.

Одина шафқатли бувисини ҳам унутмади: унинг учун ҳам бир кийимлик одмигина чит, бир кийимлик сурп ва битта дока олди, қўни-қўшини учун совга атаб бир оз чой, қанд, болалар учун конфет олмоқни ҳам эсидан чиқармади.

Март, апрель ойлари ўтди, заводнинг иш мавсуми ҳам битди, тог йўли бир оз очилиб, тоҷиклар таъбиrlарича, «хартоз»¹, бўлиб,

¹ «Хартоз» — эшакчопар.

биринчи карвон сафарга ҳозирланди. Одина ҳам уч сўмга эшак олиб, йигирма танга Бухоро ақчасини белига тугди.

Одина йўлга тайёр бўлди. Лекин унинг кўйигли сира тинчимас, азъойи бадани титрар эди. Чунки у ўзининг келажак кунларини билмас эди.

Соғ-саломат ўз юртига етармикан ёки йўлда нобуд бўлиб, армонларини гўрга элтармикан, соғ-саломат ватанига етишганда севгилисини ўз уйда ташлаб чиқсан кўйича топармикан, агар бирор оғат теккан бўлса, ёки бирор бошиқа кишининг чангалига тушган бўлса, нотавон кўнгил ҳоли нима бўлар экан, уни саломат топганда тинчлик билан тўй-томуша қилиб, дўст-душман орасида очиқдан-очиқ: «Бу гўзал менинг умрли ўртоғим», дея олармикан ёки яна Арбоб Камолининг фитна-фасодига учраб, зинданга тушармикан, яна ватандан қочмоққа мажбур бўлармикан?..

Ҳеч бир ошиқ ўзидан ажратса олмайдиган шундай аччиқ-чучук хаёллар, яхши-ёмон ўйлар, серташвиши васвасалар ўзига маҳсус саргузашти бўлган кимсасиз Одинани бир нафас тинчитмас эдилар.

Карвон йўлга чиқди. Одина ҳам сафар юкини эшакка ортиб, уни йўлга солди, ўзи бир таёқни қўлга олиб, орқадан юра бошлиди. Аммо хаёли юқорида ёзилган ўйлашларга банд эди. Гоҳо юраги умид билан тўлқинланиб йўлдошлари билан бирга нақша (ашула) айтар ва ўз хаёлига муносиб бу мазмундаги ашулади ўқир эди:

Тоғ этаги, арча таги севгининг кони,
Севгининг конида менинг севгилим қани?
Йўлим тошлоқ, эшак оқсоқ, пиёда бўлдим.
Севгилим сарига елдек елдим, югурдим.

Ошиқ деган ёр йўлида ташланиб қолмас,
Ўз этаги тиканликда ушланиб қолмас.
Тоғ бошида бир қуш кўрдим сайраб яйрайдир,
Севгилисин кўрдимикан, яйраб сайрайдир.

Тоғ бошида бир қуш учди, овчими келди?
Ё севгилисими кўриб авжими келди?

Тоғ этагида-ё, арча тагида,
Ел каби яйраб, гўзалим, сел каби тошдим.
Йўл бўйи тошлоқ-о, эшагим оқсоқ.
Сел каби тошдим, гўзалим, довонни ошдим.

Гоҳ умидсизлик билан қайгу ва ўй дарёсига чўмар ва ўзидан хабарсиз йўл кечар эди.

Карвон Қаратегин чегарасига етишиб қолди. Карвон аҳли ўз юкини туширишдан илгари сарҳад закотчиси билан Қаратегин ҳокимининг навқарлари уларни ўраб олдилар, юкларни бир орага тўплаб, устига қоровул қўйдилар, эшакларни йигиб, қўшиқлади-

лар, карвон ахлини бандилардек бир бурчакка ерлаштирилар. Сўнгра бир-бир ахтармоққа (текширмоққа) киришдишлар: мусо-фириларнинг кийимларини ечиб, кўйлак-иштонларининг липпа ва ёқаларигача кўрдилар. Чопонларнинг чокини сўкиб, авра-астарларининг орасини ва пахталарининг ичигача ахтардилар, чориқларини тортиб ичини қарадилар. Ахтарганда ҳар қанча ақча топилган бўлса барисини олиб, закотчи бек олдига ёзилган рўмол устига тўка бердилар. Албатта, бу умумий талондан Одинанинг йягирима таңгаси ҳам қутулмади.

Мусофирилар орасида қийғос қўпди, закотчи ва навкарларга ялиниб-ёлвориб:

— Бизнинг ҳолимизга раҳм қилинг, биз Туркистонда емай-ичмай, бола-чақамиз учун шу уч-тўрт пулни захира қилган эдик, уч-тўрт йиллик мусофирилик ва фурбатдан кейин бола-чақаларимизнинг олдига икки қўлимизни бурнимизга тиқиб, қуруқ боришимизни раво кўрманг... — дер эдилар.

— Биз мусулмонмиз,— деди закотчи,— сиз ҳам мусулмон ва ислом подшосининг раиятисиз, подшонинг амри, шариатнинг хукмига итоат қилмогингиз керак: биз юкларингизни кўрамиз, ҳисобини оламиз, салмоқлаймиз, бу олингани нақд пулларингизни, молларингизни закотига ҳисоблаймиз ва қўлингизга закот хати берамиз, у хатнинг соясида сиз бошқа закот омиллари олдидан саломат ўтиб, ўз уйларингизга бораражаксиз. Бу подшонинг амри, шариатнинг хукмидир. Бу амрга норозилик қилганиларнинг ва бундан бўйин товлаганларнинг бари молларини жазо йўли билан ёргу¹ қилиб оламиз ва ўзларини кишанлаб, ёғийлар² қаторида Қаратегин зиндонига узатамиз, бошқа гап йўқ, вассалом...

Тўрт-беш тангалари учун талваса қилиб, қон ютиб турган бечоралар, бари молларини талон олдида, ўзларини бандалик қўрқинчи остида кўриб, тақдирга ризо бўлдилар ва бош эгиг жим ўтирилар.

Молларни текширишга навбат етишди, кулворларни, хуржунларни бир-бир оча бошладилар, кўзга кўринган яхши нарсаларни:

«Бу биз учун совға, бу ҳоким жанобларига муносиб, бу бегжонга ярашади», деб ола бердилар. Қичик амалдорлар ва майда хизматчилар ҳам ўз навбатларида бир рўмолни қўйнига тиқиши, бир калла қанд ёки чойни чўнтакка солишдан юз ўгирмадилар.

Мусофириларнинг қўлидан йигидан бошқа нарса келмас эди. Тошиорак навкарлар буларнинг йиглаб-ёлворишлиарини кулиш билан қарши олар эдилар.

Одинанинг молларини ҳам очиб кўришга навбат етишди, бир тўп парча гул қизил сатин кўзга кўринган ҳамон закотчи бек бир парча гўшт кўрган калхатдек ўридан иргиб туриб, сатинни чанглаб олиб:

— Ҳай-ҳай-ҳай, жуда яхши мол экан, кичик бегжон шунаقا

¹ Ерғу — мусодара.

² Еғий — қўзголончи, исёнкор.

бир тўн сатин буюрган эдилар. Бу ўша киши учун жуда бол,— деб яхдонга¹ тиқди. Йигирма танганинг аламини ҳали эсидан чиқармаган Одина кўзларидан ёш оқизиб ёлвориб деди:

— Бек жанобларининг оёғи остига йиқилай, жоним сенга фидо бўлсин, болаларинг олдида ўрай, бу сатинни тўй қилиш нияти билан олган эдим, тўйимни азага айлантирма, менинг ёшлигимга, бетолелигимга раҳм қил, сатинни ўзимга багишила.

— Бола, кўп додлама,— деди закотчи,— ўзинг тўйим бор дединг. Бегжонга тўёна бермайсанми? Бу қандай уят иш?..

Закотчи бек тағин битта рўмолни олиб қўйнига тиқди-да:

— Бу бизнинг тўёнамиз,— деб кулиб Одинанинг йигисини масхара қилди.²

Молларни очиб текшираётганда Шариф деган бир саройбоннинг хуржунидан икки қадоқ чой ўралган бир эски газета топилди.

Закотчи эски газетани кўргач, газабланиб ўз одамларига:

— Қўл-оёгини боғланг бу жадидни,— деб Шарифни кўрсатди.

Дўппи деса бош оладиган закотчи одамлари Шарифни яхшигина дўппослагандан кейин, қўл-оёгини боғлаб, бир бурчакка ташладилар. бурчакка ташладилар.

— Орангизда бу муртаднинг қариндош-уруги ёки ёр-дўст, оғаниси бўлса кўрсатинг,— деб мусофиirlардан сўради закотчи.

Бу очкўзнинг ниятидан хабарсиз бўлган мусофиirlар:

— Бу одамни танимаймиз, бу бизга ёлғиз йўл йўлдошdir,— дедилар.

Закотчи бек мусофиirlарни бир-бир қўздан кечиргандан кейин:

— Ростини айтинглар, сизнинг қайсингиз жадид?— деди.

Мусофиirlар:

— Биз жадид деган кишини билмаймиз, бу ном билан ҳеч бир кимсани кўрган эмасмиз,— деб жавоб бердилар.

Ҳақиқатан ҳам, бу мусофиirlарнинг бариси хат-саводсиз бўлиб, ўз қора меҳнатлари билан овора ва кейинги йилларда Бухорода қўзгалган жадид-қадим воқеалардан бутунлай хабарсиз эдилар. Бу қўйқисдан кўтарилган можародан: «Жадид отли қочоқ бирон гуноҳкор бор экан-да, уни излар эканлар», деб ўйлар, шунинг учун:

— Биз жадид деган кишини танимаймиз ва шу ном билан юрадиган одамни учратган эмасмиз,— дер эдилар.³

Закотчи бошқа бирон жадид бўлмаганига қаноат ҳосил қилгандан кейин Шарифнинг масаласини ҳал қилди: унинг бутун нарса-

¹ Я х до н — Бухоро сипоҳларига махсус кўн (чарм) дан тикилган сандиқдирки, сафарга чиққанида отга ортадилар.

² Амир замонида Чоржўйининг Девона бօг закотхонасида Мари ва Ишқобод (Ашхобод) томонларида ишлаб келган туркман батракларига у ернинг закотчиси шундай муомала қилганини ўз кўзим билан кўрган эдим. (А.)

³ 1917 йил ёзида юз берган воқеа ўша йил апрель ойида Бухорода қўзгалган аксилаҳаракат натижасига тўгри келади. Амир Олим ўша йили барча вилоятларга бир неча хат циркуляр юбориб, ҳар ерда жадидликда шубҳа қилинган одам бўлса, қўлга олининг, деб фармон берган эди. Шунинг учун озгина шубҳа билан кўп одамларни тутиб қамаш одат ҳукмига кирган эди. (А.)

ларини ва эшагини подшолик ҳисобига ўтказиб, ўзининг бўйнига жел солиб, бир неча навкар билан Қоратегинга, ҳоким олдига узатди ва талангтан бошқа мусофиirlарни озод қилди.

Талангтан мусофиirlар мушук оғзидан қутулган сичқондек қўрқа-писа йўлга тушдилар, лекин талон ҳали тамом бўлмаган экан: йўлда ҳар бир қишлоқдан, ҳар бир дарадан закотчининг одами, қозининг ноиби, ҳокимнинг амлоқдори чиқиб, буларни қайта бошдан текширувга, тағин закот ҳақи, совға ё бошқача исм билан бир нарса топиб олар эдилар, биринчи талонда мусофиirlарнинг қўлига берилган закот хатини кўрсатилганда:

— Бу хат биз учун ярамайди. Буни ўзинг эзиб ич, бош оғриги бўлмайсан,— деб масхаралаб кулар эдилар.

Мусофиirlар вилоятга яқинлашгач, бир-бировларидан айрилиб, ҳар ким ўз қишлоғи томонига кетди. Одина ҳам уйи ўзига яқин бўлган Сангин отли бир ишчи билан қишлоғига йўл тутди. Булар ҳам бир-бировларидан айриладиган жойга етишгач, Одина Сангинга:

— Худо хоҳласа, яқинда тўйимиз бўлади, келиб хабар олиб тур,— деди.

Сангинг:

— Худо ўша кунга етқизса, биздан тўй ейишни қўр,— деб кулди ва хўшлашиб ҳар бирлари ўз қишлоқлари сари кетдилар.

XIII

КЎРИШИШ

Одина Арбоб Қамолдан кўрқувда эди. Шунинг учун кундузи қишлоққа киришни мувофиқ қўрмай, эшагини ўтлоққа қўйиб юбориб, ўзи кун ботгунча сой бўйида ётмоқчи бўлди. Кун ботишга уч соат чамаси вақт қолган эди, лекин бу уч соатли интизорлик Одинага уч йиллик айрилиқдан оғирроқ сезилар эди. Бирор кўриб қолмасин деб харсанг панасига пусиб ётган Одина икки кўзини офтобдан узмас эди.

Ҳар кун чиқиши билан Одинани бошидан кечадан қайгуларини бир оз бартараф қиласидиган ва ботиши гам-гуссалар туғувига сабаб бўладиган буқун унга тескари таъсир берар эди. Буқун Одина офтобни ёмон кўрмакда ва унинг тезроқ ботишини жони дилдан истамакда эди. Лекин офтоб буқун тезроқ ҳаракатланмас ва Одинани чулғаб олганларга сира парво қилмас эди.

Оқибат аста-секин бўлса ҳам офтоб тог ортига ботди. Лекин унинг шуъласи ҳали ҳам қаршидаги тог чўққисига сочилиб турмоқда эди, бу сочилиш офтобнинг кундалик сочилишига ўхшамас, балки мозористонда ёқилган чироқнинг пилпиллашидек қайғу сочмоқда эди.

Одинанинг хушбахтлик куни туғди, кўзи ойдинлашди. Чунки офтоб кейинги пилпиллашини ҳам тог бошидан кўтариб ботган ва дунёни қоронгилик пардаси қоплаган эди.

Дуруст, бу кечанинг Одина учун хушбахтлик куними ёки бадбахтлик кечасими эканлиги ҳали белгили эмас эди. Лекин шундай бўлса ҳам, келажакнинг ёмон ёки яхшилигини белгилаши бу жон олувчи қўрқинч ва қувонч минутлардан қутулиш замони яқинлашган эди.

Одина энди кўп ўйлаб турмади. Овчининг кўзидан қочиб, узоқ муддат ётган оч беданадак ўрнидан иргиб турди. Эшак ҳам унинг мақсадига тушунгандек, қўча қоронгилашгач, ўтлоқдан қайтиб, у ётган харсангнинг ёнига келиб минишга шай бўлиб турган эди.

Одина хуржун ва қўлворини эшакка ортди. Бир неча кунлик тоғли-тошли йўлни пиёда кезиб, оёқлари қаварган Одина, ёлиз бу кечада, тез юрмоғи лозим бўлган энг кейинги йўлда ўзи ҳам эшакка минди, бирдан уч соат ўтлаган эшак илгариғи кунларга қараганда бу кеча тезроқ юрар ва одатдан ташқари югурур эди. Лекин одатдан ташқари тез юрмоқни, мумкин бўлса учи бормоқни истаган Одина уни сезмас, эшак ўз йўлини секинлаштирганга ўхшайди, деб ўйлар эди. Шунинг учун эшакдан тушиб, уни ҳайдаб юрмоқчи бўлди. Сағрисига бир-икки таёқ еган эшак чопди. Пиёда югураётган Одина унга етиша олмади. Шунинг учун «иш-иш-иш» деб уни тўхтатиб, яна миниб олди, тағин эшак йўлини секинлаштириди, деб ўйлади. Тағин тушди, тағин минди. Шундай қилиб, қишлоққа етиб келиб, ўз ҳовлисига кирди.

Уйда Ойшабиби тўшагида чўзилиб ётган, Гулбиби бўлса унинг оёқларини уқалаб, сўзларини тинглаб ўтирган эди. Гулбиби учун бу сўзлар ҳар кеча-кундуз бир неча қатла такрор эши биладиган сўзлар бўлса ҳам, уларни эши биладиган у сира зерикмас эди. Чунки Ойшабибининг сўзлари яккаш Одина устида борар эди. Бу сўзларнинг кўписи Одина тўғрисида кўрилган тушлар ҳикояси ва уларнинг таъбиридан иборат эди.

Ойшабибининг ўтган кеча кўрган туши ҳам бурунгилардек икки ёқлама эди. Яъни яхши ёқقا ҳам, ёмон ёқقا ҳам таъбири қилув мумкин эди:

Кечаси эмиш, Гулбиби билан Ойшабиби ётган маҳалда уйга ўғри тушган эмиш. Ойшабиби:

«Сен қандай ўғрисанки, ҳеч нарсаси бўлмаган бир фақирнинг уйига тушиб бекордан-бекорга кишини қўрқитасан»,— деганда, ўғри:

— Сенинг ноёб бир гавҳаринг борки, у менга керак,— деб ўзини Гулбиби устига отган эмиш. Ойшабиби аччиғи билан туриб чироқни ёқиб қараса, у ўғри эмас, балки ўзининг Одинаси бўлиб чиққан эмиш.

Ойшабиби буқун бир неча бор шу тушини Гулбибига ҳикоя қилган бўлса ҳам, уйқу олдидан тағин уни такрорлаб, таъбири тўғрисида деди:

— Бу тушнинг яхши томони ҳам бор, ёмон томони ҳам. Яхши томони шуки, энг қўрқинчли соатларимизда, кутилмаган чоғда Одина етишиб келар, аммо ёмон томонидан худо сақлагай...— Ойшабиби ўз тушининг ёмон томонини Гулбибига тавсифлаб гапирмоққа ботирлик қилган бўлмаса ҳам ўзича ўйлар эди:

«Гулбибининг пайида юрганларнинг бири босиб келиб, Одинанинг ҳақи бўлган қизни тортиб олмоқчилик, шунинг учун тушимда у душман кўзимга Одина бўлиб кўрингандир», деб қўрқар ва худога сигинар эди.

Шу маҳал эшикда оёқ товуши эшитилди. Тушнинг ёмон томони рост чиқмагай деб қўрқиб турган Ойшабиби бирдан сесканиб Гулбибини туртиб, уни юқори эшикдан ташқарига чиқмоққа ишора қилди. Шу чоғда келувчи ҳам даҳлиз эшигидан уйга кирган эди. Ойшабиби аччиғи билан ўрнидан иргиб туриб:

— Кимсан, ҳеч бир нарсаси бўлмаган бир кампирнинг уйида нима қилмоқчисан? — деб бақирди. Келувчи юмшоқ товуш билан:

— Онажон, қўрқма. Мен ўғлинг Одина бўламан, — деб овоз берди ва юқори эшикдан чиқсан кишининг Гулбибилигини билиб, йўл бўйи ўйлаб келган хавотирларидан қутулиб, бир оз тинчланди.

Лекин Одина учун бошқа қўрқинч юз берган эди:

«Ўғлинг Одина» сўзини эшитган Ойшабибининг «вой» деб ҳушсиzlаниб йиқилганидек, эшикда турган Гулбиби ҳам гурс этиб ийқилди.

Ҳақиқат ҳам, бу дақиқа ҳам хоҳ Ойшабиби учун бўлсин, хоҳ Гулбиби учун бўлсин жуда таҳликали дақиқалардан эди. Одатда бирданига юз берган қаттиқ қўрқиш ва ҳаддан ташқари қувониш заиф, юмшоқ қалбли кимсаларнинг ҳалокатларига сабаб бўлади. Ойшабиби, Гулбиби бўлса бу дақиқанинг ўзида бирданига ҳам қаттиқ қўрқиш, ҳам ортиқ қувонишга учраган эдилар.

Ҳар нима бўлса Гулбибининг ўзини тез ўнглаб олганлиги ва эшикка суюниб турганлиги эшикнинг бир ёнилиб, бир очилишидан билинди. Аммо Ойшабиби ҳали ҳушсиз ётмоқда эди.

Гулбибининг ўзига келганлигини сезиб ботирланган Одина ортиқ довдираб турмади. Даҳлизни тимирскилаб мўндини топдида, ундан бир ҳовуч сув келтириб ҳушсиз ётган Ойшабибининг юзига сенди, буни бир неча дафъа такрорлагандан сўнгра совуқ сув таъсири билан Ойшабиби аста-аста ўзига кела бошлади ва тамом ҳушёр бўлгандан кейин бошини ердан кўтариб:

— Қўрган тушимнинг яхши томони ўнг келди, — деб Одинанинг бўйнига қўй солиб, уни ўпиб, шодлик йигисини бошлади. Сўнгра гугурт чақиб, қора чирогини ёқди. Ёругда Одинанинг юзини кўриб, тагин бўйнига осилди, унинг юз-кўзидан ўпар эди. Фақат бу ўшишлар қанча қизғин бўлса, ўшанча қуруқ эди: кутилмаган шодликдан етмиш ёшдан ошган кампирнинг тили, оғзи бутунлай қуруқшаган эди. Лекин унинг кўзидан туташ томиб турган шодлик ёши Одинанинг юз-кўзини шунча ҳўллаган эдик, уни енги билан артиб турмоққа мажбур бўлди.

Ойшабиби бир оз тинчлангандан кейин уч йиллик саргузаштини бир-бир ҳикоя қила бошлади. Албатта бу воқеалар орасида биринчи ўринни Одина қочгандан кейин Арбоб Қамолнинг Ойшабибига қилган ҳужуми ва унинг акси ҳужуми воқеаси олар эди.

Одина бу ҳиқояларни эшитмоққа қанча ҳаваси бўлса ҳам унинг учун бўлган номзоднинг аҳволини сўраш яна ҳам муҳимроқ эди. Шунинг учун бувисининг туганмас ҳикоясини кесиб:

— Гулбиби қалай? — деб сўради.

Однанинг кўриши билан ҳар бир нарсани унугтган кампир ўрнидан туриб:

— Худога шукр, эсон-омондир. Уни унугтибман-а, унинг учун нариги уйга жой солиб бермоқ керак эди,— деб ташқарига чиқди. Ҳалигача бошдан-оёғигача қулоқ бўлиб орқасида турган Гулбибини иккинчи уйга киргизиб, эски-туски парча палосларни ёйиб уни ётқизди.

— Тинч ёт, қизим! Тушимнинг яхши томони ўнг келди,— деб тағин Однанинг олдига қайтиб кирди. Гулбиби билан юзма-юз кўришмоқ тилагини Однанинг кўзидан сезган тажрибакор кампир:

— Гулбиби сенинг номзодинг ва яқинда хотининг бўладиган бир қиз бўлгани учун иккалангиз холавачча бўлсангизлар ҳам, никоҳгача кўришманглар,— деб танбеҳлаб қўйди ва:

«Никоҳ қаҷон бўлар экан?» деб Однанинг кўнглидан ўтган сўроқни англаб:

— Мен номзодингни тезлик билан ўз қўлингга топширмоқни тилар эдим. Лекин ҳаммадан бурун Арбоб Қамолнинг жанжалини бартараф қилмоқ керак, бўлмаса бу нобакор тўйни азага айлантириб юбориши ҳам ҳеч гапмас,— деб Однанинг Арбоб Қамол томонидан ўйлаб юрган кўрқинчини таъкидлади.

Ойшабиби шу билан Гулбиби масаласини тутатиб, яна ўз саргузаштини тақрор ҳикоя қилишга киришди. Лекин энди бу гаплар Однанинг қулогига кирмас, унинг бутун хаёли Арбоб Қамол масаласи билан банд эди. Чунки ҳар бир тилақ, ҳар бир мақсаднинг қўлга кириши шу масаланинг ечишувига боғланиб қолган эди.

XIV

МУРОФАА

Одина бу кеча тонг отгунча Арбоб масаласида бош қотирган бўлса ҳам, уни ечиш йўлини топмай ўзича ўйлар эди:

«Тўй, никоҳ яширин бўладиган ишлардан эмас. Ўйда яшириниб ётгандан бирон иш чиқмас, қанча яшириниб ётсам ҳам ахир бир кун чиқажакман ёки уй-жойимни ташлаб, Гулбибидан кўнгил узиб, фурбат ўлкаларига қочмоққа мажбур бўларман, лекин мен учун жон бериш Гулбибидан кўнгил узишдан осонроқдир, яхшиси шуки, ҳар нима бўлса бўла берсин. Майдонга чиқай, ажаб эмас, нажот йўли ҳам шу орадан чиқиб қолса».

Одина шундай мулоҳазадан кейин туш чоғларида кўчага чиқди, мачит олдига бориб қишлоқ имоми мулла Ҳакираҳ билан кўришиди ва унга бирмунча чой, қандни тортиқ қилди. Мулла Ҳакираҳ:

— Керак эмас, керак эмас эди, хайр, худо хайр берсин,— деб чой, қандни икки қўллаб олди. Однанинг ҳақига дуо ва отасининг арвоҳига фотиҳа ўқиди. Сўнгра садақанинг шарофатидан бир оз гапириб, охирида деди:

— Бундан икки кечада тушимда отангни кўрган эдим, икки юзи олмадек қип-қизил, эгнида оқ тўни, бошида оқ дастори бор эди, менга яқинлашиб бир оз чой, қанд бериб:

«Домулла! Одинанинг ҳақига дуо қилинг, сизни дуоингиз албатта мустажоб бўлади», деди.

Хали сен менга берган чой, қанд ўша тушимда кўрган қанд билан чойга ўхшайди. Бу тушим тамом ўнг келди. Отанг арвоҳининг башоратига кўра, сенинг ҳақингдаги дуом ҳам мустажоб бўлса керак.

Албатта мулла Хакираҳ шунча ёлғонларни қўлига кирган қанд, чойни яхшигина ҳазм қилиш ва келажак учун ҳам садақага йўл очиб қўйиш, юзи қоралиги билан ясаган эди. Одинадан бошқа одам бўлганда эҳтимол домулланинг бу афсоналарига ишонниб, тағин бошқа нарсалар ҳам садақа қиласар эди.

Заводда ишлаб бир оз тарбия олган, айниқса февраль инқилоби намойишларига қўшилиб муллаларнинг найранглари тўгрисида бирмунча сўзлар эшиштган Одина, бу ваддириашларга сира ишонмади ва домулланинг ёлғончилиги ва паст ҳимматлигига ичидан кулди. Шундай ҳам бўлса ўз маслаҳати учун кўринишда ўзини унинг сўзларига ишонгандек қилиб кўрсатди.

Одина имомнинг «дўосини» олгандан кейин уйига қайтди. Домулла ҳам уни узатгач, Арбоб Камол уйига қараб югурди, уни кўриб, салом-алик ўрнида:

— Суюнчи бер. Одина келди. Энди бу қочоқдан ўз ҳақингни ундириш чоги етди. Лекин ҳақингни ундирганда менга ҳам улуш чиқаргин, давлатингдан бир қозон қайнатиб бола-чақалар билан ҳақингта дуо қилайлик,— деди.

Арбоб Камол чой пули ваъдаси билан имомни қувонтиргандан кейин ўғли Ибодни отга миндириб, қози ноиби мулла Мардиҳудони топиб келмоққа жўнатди.

Бу кеч Арбоб Камол уйига қишлоқнинг «мен» деган катталари йигилган эдилар. Ноиб мулла Мардиҳудо билан имом мулла Хакираҳ, албатта, бу йигилишнинг гули эдилар. Ёғлиқ палов тортилди, кўк чой қўйилди, қандолат, майизлар улашилди, сўз бўлса қандай қилиб Одинадан Арбоб Камол «ҳақи»ни ундириш устида борар эди. Йиғилиш бу масалада шу қарорга келдики, эрта билан Одинани чақириб, мачит олдига келтирадилар. Қози ноиби уни қамашга ҳукм қилиб кўркитади. «Катталар» бўлса орага тушиб, шу йўл билан сулҳ қиладиларки, Одина Арбобнинг «ҳақи»ни тамом тўлагунча унга ишлаш тўгрисида тилидан хат берадир. Ноибнинг хизматонаси, қозининг муҳронаси ҳам Одинадан олинади.

Эрта билан Одина ўз уйидаги тўйи ва ҳолидан хабар олмоқ учун келган иш ва йўл ўртоги Сангин билан гурунглашиб ўтирганда уни мачит олдига чақирдилар. Сангин ҳам Одина билан чиқди.

Қози ноиби Одинани кўрган ҳамон, уни, «ўгри», «моли мардумхўр», «қочоқ», деб сўккандан кейин қамоққа олмоққа амр қизди.

Имом мулла Хакираҳ бир ислоҳчи сифатида орага тушиб деди:

— Одина ноиб жанобларига яхшигина хизматона ва жаноби

шариатпеноҳ (қози) учун муҳрона берсин. Арбобга бўлса қарзини тамом тўлагунча хизматидан бўйин товламаслиги тўғрисида тилхат берсин. Ноиб жаноблари унинг ўтган гуноҳларини болалигидан, тажрибасизлигидан билиб кечирсинлар.

Ноиб:

— Йўқ, бўлмайди. Мамлакат эгасизми? Бундай боши бузук, отабезори болаларнинг қаттиқ жазоланиши керак, токи бошқаларга ибрат бўлсин! — деб бақирмоқда эди.

Қишлоқ катталари ҳам имомни «карда»сини маслаҳат билиб, ноибга юз ўғириб, унинг хизматонаси учун Одинадан бир тўп чит олиб бермакни, қозининг муҳронаси учун ҳар нимаики у муносиб кўрса, уни ҳам Одинадан ундириб бермоқни ваъда қилиб, Одина тилидан Арбоб Камол отига хат ёзиб, жанжални шу ерда битирмоқни ундан илтимос қилдилар.

Бу қарор юзасидан чит ва бошқа нарсалар албатта кетади, бу майли, энг оғир иш: Одинанинг умр бўйи Арбоб Камолга қул бўлиб қолмоги эди.

Сангин Одина учун ишнинг бу даражада оғирлашганини кўриб, ўзича бир илож ўйлаб майдонга отилди ва ноибни бир бурчакка имлаб, унинг қулогига:

— Ноиб жаноблари! Одинанинг бир тўп чити сизнинг «ҳалол» ҳақингиз, бундан бошқа ундан яна бир фаранг рўмол билан бир жуфт қавуш ҳам олиб бераман. Сиз бир иш қилингки, Одина Арбоб Камол қулигидан қутулсан, — деди.

— Бу иш жуда қийин. Ҳа, шундай бўлса ҳам сенинг «хотиринг учун» бир уриниб кўраман. Лекин ўз ваъдангнинг устида маҳкам турмогинг керак. Агар ваъдага хилофлик қилсанг, Одина қаторида сен ҳам банди бўлажаксан, — деб ноиб сўз бериб, сўз олмоқчи бўлди.

Сангин:

— Худо бир — гап бир, — деб ноибни ишонтирди.

Ноиб дарров Одина тилидан даъф маҳзари ёзи, бу маҳзар бўйича Одина Арбоб Камол қўлидаги Ойшабиби тилидан васийлик сифати билан берилган хатни талбис (подлог), деб даъво қиласиди ва ўзи Арбобдан уч йиллик хизмат ҳақи талаб қиласиди. Бундан бошқа Арбоб Камолга талбискорлиги учун қаттиқ жазо бермоқни «шаръи шариф» ҳокимидан сўрайди.

Ноиб даъф маҳзарини ёзиб, жамоат олдида ўқиб, ҳаммани ҳайратда қолдиргандан кейин деди:

— Энди иш бошқа тус олди, мен Одина билан бирга Арбобни ҳам қозихонага олиб борсам керак. Буларнинг ораларида жаноб шариатпеноҳ қозиий исломнинг ўзлари ҳукм қилсинлар, ҳам Арбоб Камолнинг талбискорлиги тафтиш этилсин.

Арбоб Камол ва катталар ўз ишларининг бузилганини кўриб, ўзаро кенггашиб шу қарорга келдиларки, Одина билан Арбоб Камол ярашиб, ҳар бири ўз даъвосидан мажжонон ўтсин, ноибнинг хизматонасини ва қозининг муҳронасини ҳар иккаласи баравар тўласин. Шу қарор бўйича Арбобдан бир қўй олиб, ноибга тортиқ қилдилар.

Ноиб:

— Йўқ, бўлмайди, бу ишни қозийи исломнинг ўзлари очмоқла-ри керак,— деб бир неча қатла рад қилгандан кейин имом ва бошқа катталарнинг «юз хотирлари» учун рози бўлди. Однанинг бир тўп читини ҳам олиб хуржунга тикди. Даъвогарларнинг тилларидан ибро хати¹ ёзиб, ўзларини иқорот қилдири, эндиғи ҳафта-гача бу хатларни қозидан муҳрлатиб қўймоққа ваъда берди. Қўйни бир холис одамга топшириб, келажак ҳафта ўз уйига элтиб бериб, муҳрланган хатларни олиб келмоқни сўради...

Сангин ҳам ўз ваъдасича, фаранг рўмол билан қавушни қўлтиғига тиқиб ўтирган эди. Ноиб ишни битказиб, отини минаётганида, Сангин унинг узангисини тутиб, минишга ёрдам қилиш баҳо-наси билан унга яқинлашиб, у нарсаларни астагина хуржунига солди.

Ноиб отга миниб, қамчини Сангиннинг қўлидан олаётганида:

— Умринг узун бўлсин, кўп яша, ўғлим,— деб унинг ҳақига «холисона» дуо қилиб, ўз йўлига кетди.

Жанжал битди, шу билан баравар Однанинг ҳам ҳар нарсаси битиб, тўй ҳаражати учун етарли нарсаси қолмади. Катта тўй нари турсин, нон синдиromoқ учун ҳам пули йўқ эди. Чунки нон синдиromoқ учун ҳам ҳеч бўлмаганда, бир неча катталарни зиёфат қилиб, уларга бир донадан рўмол бермоқ керак эди. Бунинг учун энг ози йигирма танга ақча керак бўлар эди. Ҳолбуки, бу вақт Однанинг йигирма қора пули ҳам йўқ эди.

XV

САФАР КЕНГАШИ

Одина учун қайта бошда Фарғонага бориб, у ерда ишлаб, нул топиб келиб тўй қилишдан бошқа чора қолмаган эди. Лекин ўз тилагини Ойшабибиға қандай айтади, уни нечук кўндира олади. Ойнабиби бирдан-бир неварасидан яна айрилишни, тагин айрилиқ ва кимсасизлик ўтида ёнишни қабул қиласми эди?

Одина, ўжар кампирга ўз муддаосини қайси йўл билан айтиши-ни ўйлаб, бир неча кун сукут сақлаб тургандан кейин бир кеча у билан сўзлашиб, гапни ўз муддаоси устига келтиromoқчи бўлди. Чунки тилакни тўғридан-тўғри унга очаолмас эди, бошлаб тўй масаласидан гап очди:

— Энди қўлнимизда ҳеч нарса қолмади, қандай тўй қиласми?— деб Одина бувисидан маслаҳат сўради.

Ойшабиби:

— Албатта, қуруқдан-қуруқ тўй бўлмас, ҳозирча сабр қилмоқ керак, «худо — пошшодир», деганлар, букун бўлмаса эртасига ҳам марҳамат назарини солар, сенга ҳам бирор нарса берар, ўша вақтда тўй қиласми, — деб маслаҳат берди.

¹ Даъводан кечиши ҳақидаги ҳужжат.

— «Худо — пошиодир», деганлар деб қараб ўлтириш,— деди Одина,— бева кампирларнинг ишидир. Пул ва нарса ҳеч бир вактда осмондан тушган эмас ва тушмас. Агар ишсиз, ҳаракатсиз таваккал қилиб ўлтирсак, тўй қилиш нари турсин, очликдан ўлармиз. Менинг фикримча, халққа тўй бермасдан никоҳ қиласлик, ундан кейин қундалик тирикчилигимизни қундалик меҳнатимиз билан бир нав қилиб ўтказа берамиз.

Одина катта онасининг энг нозик еридан тутган эди. Чунки сочини урф-одат орасида оқартирган етмиш яшар бир кампир отабоболар расмини тамом йўқотиш нари турсин, ундан бир қадам ҳам четга чиқишни истамас эди. Шунинг учун:

— Тўйсиз никоҳ қилишимиз бўлмаган бир иш,— деб Одина нинг бу фикрини узил-кесил рад қилди.— У ҳолда, халқ орасида нечук бош кўтариб юра оламиз: «Беш қадоқ гуруч дамлашга қурбингиз етмас экан, нима учун хотин олишни, келин туширишни ҳавас қилдинглар», демайдиларми? Халқ сўзига қулоқ солмасак бу иш бўладиган иш эмас. Чунки, менинг ҳам кўнглимда орзуҳавасларим бор, сенинг тўйингда халққа ош-онон тортиш, келин туширувимни дўст-душман орасида матъум қилиш бирдан-бир истагимдир. Тўй-томоша қиласдан сени уйлантирсам, дунёдан ҳасрат ва армон билан кетарман,— деб Ойшабиби ўз муддаосини исбот қилмоққа тириши.

— Ундай бўлса,— деди Одина,— дунёда тўй юзини кўрмасмиз. Чунки тўй пулсиз бўлмас, пул бўлса ишсиз қўлга кирмас, у ҳолда уйланишни хаёлдан чиқариб ташлашим керак.

Ойшабиби бир оз қизиб:

— Мен сенга ишсиз юргин, деганим йўқ, бирорвнинг хизматига кир, ҳақ ол, шунда ҳам қундалик тирикчилигимиз ўтар, ҳам тўй қиласмиз,— деди.

Одина ўз ўқини нишонга олган эди. Чунки Ойшабиби унга бирорвнинг хизматини қилувни таклиф қилган эди. Энди Одина учун бир муқаддима билан ўз муддаосини очмоқ мумкин эди. Одина бир оз ўйлаб деди:

— Мен бирорвнинг хизматини қилишдан бўйин товламайман, агар иш топилса, ҳозир бошлайман. Аммо қаерда ва кимнинг ишига кирай? Бухоро амири ва унинг ҳоким ва қозилари дастидан бойёғли уйига айланган бу ватанимизда, танхохўр¹ амалдорлар, қўшгир² муллалар зўровонликларидан бузилган бу ватанимизда, Арбоб Камолдек ҳақ бермасдан одам ишлатадиган бойлар воситаси билан мардикорлар, чоракорлар ҳосилнинг беъдан бирини бериб ишлатадилар, камбағаллар зиндан бўлган бу ватанимиз-

¹ Танхо — бутун ҳосилотни, у ердаги тегирмон ва бошқа даромад манбаларини ўз фойдасига йигиб олмоқ учун подшолик томонидан катта беклар ва амалдорларга умрлик берилган район ва қишлоқлардаги ер қитъаларирид.

² Қўш — собиқ амир ҳукумати замониде ҳозирги Тоҷикистонда бир қўшхўқиз ёки қўшхўқиз кучи билан экиладиган ерлар маҳаллий ҳокимлар томонидан баъзи маҳаллий муллаларга инъом қилинар эдики, шундай инъомга эга бўлган муллани «қўшгир» дер эдилар. (А.)

да иш тониб ҳам тириклик қилиш, ҳам тўй қилиш қандай мумкин бўлсин?! Мен билан Арбоб Қамол орасида бўлган воқеаларни унутдингми? Агар менинг қўлимда Фарғонада ишлаб олиб келган бир тўп чит, бир рўмол ва бир жуфт кавушим бўлмаса эди, мен яна Арбоб Қамол қуллиғига тушар ва умрим бўйича ўлмас овқат билан ишламакка мажбур бўлар эдим.

Кампир таслим бўлаётган эди.

— Ундан ўлса нима қилмоқчисан? Менинг эсимга-ку, ҳеч бир чора келмайди,— деб ишнинг иложини Одинанинг ўзига ҳавола қилди.

Одина яна кампирнинг нозик ерига тўқинди:

— Менга қолса, тўйсиз, жимгина никоҳ қилишдан яхши чора йўқ,— деди.

Ойшабиби:

— Бу бўлмағур¹, қулгили бир иш. Бундан бошқа бирон илож топ,— деб Одинанинг асли мақсадига яқинлашди.

Одина ҳам:

— Бу иш учун бирдан-бир илож тагин Фарғонага бориш, ишлаб, бир оз мол-ашё топиб келишдир,— деб муддаосини очиб солди.

Кампир тагин қизишиди, тагин ўйлади, тагин ёлғизлик ва кимсасизлик кунларини эслаб йиглади, жавради. Лекин шундан бошқа чора топа олмагандан кейин ўзи ва Гулбиини бирга олиб кетиш шарти билан Одинанинг Фарғона сафарига розилигини билдириди.

Ойшабибининг бу шарти Одина фикрига ҳам жуда мос келди. Бу мушкулни шундай қулайлик билан осон қилув учун ўзининг бошига шундай содда фикрнинг келмаганлигига таажжуб қиласр эди.

Одина сафар ҳозирлигига киришиди. Унинг сафар ҳозирлиги ҳам эшагини парвариш қилмоқ ва уни бир оз семиртирмақдан иборат эди. Эшак семириб, бир оз кучга киргандан кейин икки хотинни навбат билан дам-бадам эшакка миндирап, ўзи бўлса пиёда бўлиб йўлга чиқар эди. Лекин гўзал бир ёш қизни карвонсиз, йўлдошсиз узоқ йўлга олиб чиқиш хатарли эди. Шунинг учун ўзининг жонкуяр дўсти Сангинга бориб, шу тўғрида у билан маслаҳат қилди.

— Мен ҳам,— деди Сангин,— бир ҳафтагача йўлга ҳозирланаман, лекин ўз яқинларингни бирга олиб кетиш фикрини кўнглингдан чиқар. Чунки вилоят ҳокими бу ишга сира рози бўлмайди. Мен ҳам бундан бир неча йил бурун ўз энамни бирга олиб кетиш фикрига тушганимда, ҳоким рози бўлмаган эди. Бир дафъа Бухорога бориб, у ерда бирорвога бир неча йил хизмат қилиб, унинг воситаси билан бола-чақамни кўчирмоқ учун Қоратегин ҳокими отига, қушбеги ва қози калондан хат олиб келган эдим. Ҳоким буларни кўчирмоққа тагин рози бўлмади. Ҳатто: «Бундан буён шундай бузук фикрлар орқасидан юрсанг, ўзингни зиндонга қамаб қўяман», деб кўркитиб қўйди.¹

¹ Шундай воқеа ҳозир САГУнинг шарқ факултети студенти, бухоролик Аминжон Зиёвуддинов хизматчисининг бошига ҳам келган эди. (A.)

— Во, ажабо! — деди Одина, — бизнинг ҳокимлар қандай аҳмоқ кишилар-а? Бирор ўз аҳли-аёли билан сафар қилмоқчи бўлсин, улар рози бўлмасинлар, бу қандай гап?

Сангин Одинага тикилиб туриб:

— Сен,— деди,— ҳали тажрибасиз боласан, шунинг учун ҳокимларни шу ишлари учун аҳмоқ санайсан, йўқ! Бизнинг ҳокимлар аҳмоқ эмаслар, улар ўз манфаатини яхши биладилар. Иш ахтариб бошқа юртларга борадиганлар учун ўз аҳли-аёлларини кўчирувга рухсат бермасликларида буларнинг кўпгина манфаатлари бор.

— Қандай манфаат? — деб Одина яна таажжубланди.

— Қандай манфаат? — деди Сангин, — ўзингдан сўрайман, биз Фарғонадан қайтишда Қоратегин чегарасида закотчи ва ҳокимнинг одамлари қанча нарса тўплаб олдилар?

— Қанчалигини билмайман, — деб Одина жавоб берди, — аммо кўп нарса эди.

— Закотчидан қолган сенинг чит, рўмол, қавуш, чой, қанд ва бошқа нарсаларинг нима бўлди?

— Аждарнинг комига кетди.

— Ҳа... отангга раҳмат, — деди Сангин, — бас, агар ҳоким ўз хонадонингни бирга олиб кетишга сенга рухсат берса, сен бу юрга қайтиб келармидинг?

— Бу вайрона зулмободни сира эсламас эдим.

— Мана шунинг учун ҳоким иш излаб борадиган ҳеч бир фақирга ўз уй аҳлини олиб кетувига рухсат бермайди. Шу восита билан ҳар йил Фарғонага бориб ишлаб қайтадиганлардан минглаб танга фойда қиласидар. Агар бола-чақасини кўчирувга рухсат берилса, ҳеч бир фақир қайтиб бу ерга келмас, ҳоким, қози, раис ва шуларнинг косалеслари¹ бўлган арбоб, оқсоқол, имом ва бошқаларнинг чўнтаклари бўш, киссалари қуруқ, қозонлари қайнамай қолар эди. Сенга охирги сўзим шуки, бўлмагур хаёллар орқасидан юрма. Қандай бўлса ҳам кампирни бу ерда қолувга кўндири, тезроқ тайёрланки, биргалашиб йўлга чиқайлик.

XVI

САФАР

Одина Сангин олдидан ўз уйига қайтди. У катта давлатга эга бўламан, деб хаёлланиб турган пайтида бутун бори йўғини ютқизган қиморбозлардек, жуда оғирлик билан қайтди. Ҳаммасидан оғирроғи уй аҳли билан сафар қилиш мумкин эмаслигини ўжар кампирга тушунтиrolmasлиги эди. Қайтишда жуда секинлик билан юрар, шу масала устида ўйлар, лекин ҳеч бир йўл тополмас эди. Фикрлар, хаёллар, ўйлашлар, андишалар билан уйга етиб келди. Бу гал гапни айлантириб ўтирмасдан, Сангиннинг ўз

¹ Косалес — лаганбардор, хушомадгўй.

сафарлари тўғрисидаги фикрини бувисига очиқдан-очиқ айтди. Шодлик ўти билан қозондек қайнаётган кампирнинг юрагига гўё бир чеълак совуқ сув қўйди.

Кампир бундай сўзларни эшитишни ва тушунишни истамас эди, унингча, Одинанинг сафар қилмаслиги ё уй аҳли билан бирга сафар қилмоғи керак эди.

Одина қайсар кампирга ялиниш-ёлвориши, далил ва ҳужжат келтиришнинг фойдасизлигини билиб, масалани узил-кесил қўйди.

— Сен,— деди Одина,— хоҳ рози бўл, хоҳ рози бўлма, мен шу ҳафта орасида йўлга чиқаман. Агарда рози бўлиб, кийим-кечакларимни ямаб, хушвақтлиқ билан оқ фотиҳа берсанг, мен ҳам ўз қисматимга тушган бу айрилиқ дардини бир оз енгиллик билан кўтариб, хуш бориб, хушвақт қайтарман, сенинг қарилик ва ёлғизлик чоғингда сенга фарзандлик қиласман, кўзинг очиглик вақтида тўй қилиб, қизларингнинг уйларини очаман, чироқларини ёқаман. Агар сен тўзимсизлик билан оҳ-фарёд қилиб, ўртанган юрак-багримни тагин тирнайверсанг, ажаб эмаски, мен оғирлик устига келган оғирликларга чидаёлмай йўлларда, чўлларда ёки гурбат элларда ўлиб кетсан, у ҳолда ҳар бир мақсадингдан авадий айрилаjakсан. Энди ихтиёр ўзингда.

Ойшабиби чидашдан бошқа йўл қолмаган эди, поилож, Одинанинг сафари учун керак бўлган нарсаларни тайёрловга киришиди. Кийим-кечакларини ямади, қурт, қоқ ион ва тољон ҳозирлаб, бир кўлворни тўлдириди.

Сафар куни етишди. Сангин ҳам ўз ваъдаси бўйича Одинанинг уйига келди. Ойшабиби томонидан шу кун учун атаб пиширилган сариёғли қуртобани Сангин билан Одина икк韶лаб ичишиб, кўлвор ва хуржуналарни эшакларга ортдилар. Сангин кўча бошига чиқди. Одина бувисидан фотиҳа олмоқ учун ичкари ҳовлига кирди.

Ойшабиби Одинани қучоқлаб олди. Лекин бирор сўз айтмоққа тили-да, кучи-да йўқ эди. Нурсиз кўзларидан ёш томчилари томишидан бошқа ҳаёт асари кўрсата олмади.

Сангин кўча бошида анча вақт кутгандан кейин:

— Тез чиқ, Одина! Кеч қолсақ манзилга етиша олмаймиз,— деб чақириди. Лекин кампир бор кучи билан Одинага ёпишиб олган ва қўйиб юбормас эди. Оқибат, Одина зўр билан ўзини унинг қучогидан қутқариб олиб, фотиҳага қўл кўтарди. Ойшабиби ҳам титроқ қўлларини кўтариб, Одина учун умр-давлат, баҳт-саодат, хайру баракат, обрў ва иззат, оқ йўл, узун йўл сафари бехатар... яна қанча нарсалар тилаб, дуо қилмоқда эди.

Одина бу узун дуонинг битмас-туганмаслигини кўриб, икки қўлини бетига тортди ва:

— Хайр-хўш, кўргунча омон бўлинглар,— деб эшикдан чиқди.

Эшикдан ёлғиз Одинаниа чиқмади, балки у билан бирга кампирнинг гўё жони ҳам бирга чиқсан эди. Ойшабиби дафъатан ўлган одамдек ерга йиқилди.

Гулбиби очилишга тайёр бўлиб турган бир гунча эдики, меҳрибон севгилиси билан сафар қилув умиди ҳавасида очилди, фақат бу сафарда юз берган ноумидлик ели билан очилиш чоғида

сўлиб, ерга тўкилди. Гулбиби бир гунча эдики, у бир нафасда ҳам баҳорни кўрди, ҳам хазонни кўрди.

Одина уйда қолдиргандаридан ажралиш ҳолатининг таъсири билан сўзлашга қучи етмас, гўёки Сангинга шуурсиз эргашиб борар эди. Одинанинг бу ахволидан таъсиранган Сангин ҳам жим қолган эди. Бу икки йўлдош бир-бирови билан дўстлашган икки девонадек, сўзсиз жим юрмоқда эдилар.

Бу ҳолда бирмунча йўл юргандан кейин бошлаб Сангин нақша (ашула) айтиш билан бу жимлик сухбатини бузди. Сангининг бўғзидан чиқадиган ҳар бир фарёд, ҳар бир нола гўё Одина-нинг ахволини таржима қиласр эди. Одина ашула таъсири билан юзига совуқ сув сепилган хушсизлардек сескана берди; қисилиб, нафас олувга йўл қолдирмаган юраги қаттиқ-қаттиқ тепа бошлади, шишадек қуриб қолган кўзларидан тирқираб ёш чиқаверди, айниқ-са Сангин овозини баралла қўйиб:

Ошиқ деган ёр кўйида кетарми?..
Булбул сира гул баҳридан ўтарми?..
Сафар қилдим фақирликнинг дастидан,
Тонг отарми, қоронғу тун битарми?—

мазмунидаги бандини ўқиганда Одина ортиқ чидай олмади: йиғи аралаш товушини юксалтириб Сангиннинг бу юрак тирновчи ноласига қўшилди.

Сангиннинг ашуласи тугагунича Одинанинг ҳам сиқилган кўнгли бир оз бўшаб, ўзи ҳам ашула ўқий бошлади:

Сел оқар тоғ бошидан,
Ажралиб йўлдошидан.
Сой тошар кўз ёшидан.
Ишқининг кўйи шулмиди?
Нотавон кўнгилмиди?

Одинанинг бу бандига Сангин:

Унга кўигил боғлаган,
Кўксини гам доғлаган.
«Гулбиби», деб йиғлаган,
Сенми ё булбулмиди?
Бенаво булбулмиди?—

бандини илова қилиб, унинг ўртанган кўнглига яна ўт қалади.

Одина бу қадар азоб ва уқубатларнинг иқтисодий сабабига ишорат қилиб:

Чорасиз мен, бенаво,
Ёримдан бўлдим жудо.
Хукм сурган эл аро

Хонми, бекми, нулмидир?
Камбагаллар қулмидир?—

бандини ҳасрат қилиб ўқиди.

Завод ишчиларининг турмушини ва февраль инқилоби муносабати билан бўлган ишчилар намойишини ҳали эсидан чиқармаган Сангин:

Кеча-кундуз ишлаган,
Нон дебон тош типлаган.
Оғир исён бошлаган,
Мардикорлар қулмиди?..
Е эгаси улмиди¹?—

бандини ўқиб маъюслана бошлаган Одинанинг кўнглини кўтарди.

Биз бу сафарининг бутун тафсилотини ёзишдаи кўз юмамиз, фақат шунчалигини эсга тушириб ўтамизки, аввали жуда оғирлик билан бошланган Одинанинг бу сафари Сангинининг шоирона ёрдамлари соясида бора-бора енгиллашди, кам-кам сўз Гулбиби ва Ойшабиилар доирасидан чиқиб, завод ишчилари ва иш доира-сига кира борди. Февраль инқилоби руҳи билан сугорилган бу яқинда келган ишчилар, бу йил завод ишидан кўп фойда, кўп роҳат кутмоқда әдилар.

Андижонга етганлари ҳамон эшакларини саройга бояглаб, ўзлари бултур ишлаган заводларига бордилар. Буларни кўрган пудратчи Қурбон Али умидларини хилофида бир оз совуқлик билан қарши олди:

— Сентябрь бошида,— деди пудратчи,— завод иш бошлайди, ўша кунга етиб келувингиз керак, агар кечиксангиз ўрнингизга бошқа ишчи олинади. Одина билан Сангин эшакларини сотиб, бир неча кунни ватандошлари ва ёри оға-иниларини кўриш билан ўтказиб, ваъда кунида заводга бориб ишга киришди.

XVII

«ЮНОН УСУЛИДА ДАВОЛАШ»

Одина ўтган йилларда завод ишида жуда кўп азият чеккан эди. Ёш бошига оғир юкларни кўтариш, ҳар иш устида иш бошқарувчидан, пудратчидан: «Ярамас бола», деб ҳақорат эшитиш, ишни катталар билан баравар қилиб, ойликни оз олиш каби холлар Одина бошқа ишчиларга кўра ортиқча тушган оғирликлар эди. Шунинг учун кейинги йилларда заводда ишламай, бопиқа иш топишни ўзига муқаррар қилиб қўйган эди.

¹ Шу тўрт банд шеър Абдулла Қодирий (Жулқунбой) нинг «Мехробдан чаён» отли романининг «Қирқ қизлар» бобида «Назми» тахаллуси билан ёзилган шеърига шакл жиҳатидан ўхнатмадир. (А.)

Бу орада февраль инқилоби бўлди, хўжайинларнинг тиллари кесилгандек бўлиб, тақаббур беллари бир оз синди, ишчиларнинг ҳар бир талабига:

— Хўи, дарров ижро қиласиз,— дея бердилар.

Бу ҳолни қўрган Одина бундан бўён заводда ишлар, ишчилар манфаати томонига бурилиб, осойишталик ва тўқчилик юз берар, деб ўйлар эди.

Одина ўзининг бу некбинлигида¹ ҳақли эди. Чунки февраль инқилоби чоғларида оммадаги шодлик намойишлари ҳар кимни шундай некбинликка солар эди.

Ҳақиқатда бўлса бу некбинлик қуруқ гумон ва бўш хаёлдан бошқа нарса эмас эди. Чунки подшо таҳтидан туширилган бўлса ҳам сармоядорлик бурунгидек ўз жойида барқарор эди. Подшо замонасида ҳукумат сармоядорлар ва катта ер эргаларп ногорасига қандай ўйнаса, февраль инқилобидан кейин ҳам ҳақиқий ҳоким сармоядорлик эди.

Мамлакатнинг ҳокими сармоядорлар бўлиб, ҳар бир иш уларнинг ихтиёрида бўлгандан кейин уларнинг заарида бўлган ишчилар манфаати қандай қилиб юзага чиқа олар эди? Қандай қилиб сармоядорлар ўз қўллари ва ихтиёрлари билан ўз чўнтакларини бўшатиб, ишчиларнинг оч қоринларини тўйғазар эдилар?

Албатта, сиёсий тарбия олган ишчилар бу гапларни билар ва сармоядорларни қувлаб, ҳакимиятни ўз қўлларига олиш йўлида уринар эдилар. Аммо сиёсий савол нари турсин, алифбе саводи ҳам бўлмаган бизнинг Одинадек ишчилар бундай чуқур ўйлай олмас эдилар.

Одина мана шундай зўр умидлар билан заводга киргач, синчиклаб қарасаки, хўжайин ва пудратчининг кирдори, ишчиларнинг хор-зорликлари ўтган йиллардагидек, ёлғиз номлар, унвонлар ва лақаблар бошқалангган.

Чунончи, ишчилар учун ишчилар қўмитаси тузилиб, ўнинг мусулмон щуъбасида бошлиқ бўлиб шудратчи Қурбон Али ўтирган. Хўжайин, ўша бурунги хўжайин, фақат шу қадаргина фарқ қиласанки агар ишчилар унга ариза ёзмоқчи бўлсалар, аввалгидек, «жаноби хўжайин», деб ёзмасдан, «муҳтарам ватаандош» унвони билан ёзадилар. Бошқа ишлар ҳам шу йўсинда бултургича эди.

Одина ўз уйидан айрилганда кўнгил қўйган яккаю ягона Гулбидан ва шу сабабли ҳар бир нарсадан: тинчлиқдан, соғлиқдан ва шодликдан айрилган эди. Уни кувонтирадиган, юпатадиган ва яшашга ундаидиган ёлғиз бир нарса қолган эди: Фарғонага бориб, заводда яхши бир шароит билан ишлаш, тўй кам-қўстларини тайёрлаб, ватанга қайтиб, Гулбидига уйланиш ва шу сояда кампирни ҳам қувонтириш эди. Бу тилак милт-милт қилиб ёнадиган шамдек Одинанинг умидсизлик кечаларига бир оз умид нури бериб турар эди. Завод тартибини бултургича кўргандан кейин, унда қаттиқ бир умидсизлик юз берди. Аъзолари бўшашибди, руҳи тушди, ишлайдиган ишида ҳам маза қолмади. Аслида бузилган соғлиги янада ёмонланди. Ишнинг оғирлиги, Туркистанда юз берган бу йилги ҳосилсизликдан бошланган қимматчилик, бунинг устига уруш сабабли кундан-кунга пулнинг қадри йўқолиши ва шулар

¹ Некбинлик — оптимизм.

сабабидан тиричилик ўтиазишинг қундан-кун ёмонлаша боруви уни қундан-кун ишдан чиқара берди, ниҳоят хасталаниб, ёстиққа йиқилди.

Однанинг бу йилги баракасиз ишидан ўзи учун тузук манфаат кўрмаган пудратчи Одина касал бўлиб йиқилгандан кейин уни боқиб ўтирас эди. Дарров ўз қўл остида тузилган мусулмон ишчилар қўмитаси¹ номидан Однани ишдан кетказиш тўғрисида қарор чиқарди. Бу қарорни ижро қилиб, касал Однани заводдан қувлади.

Сангиннинг:

— Ойликсиз бўлса ҳам заводда ётсин,— деб пудратчига қилган илтимоси ҳам фойда бермади ва:

— Унинг ўрнига бошқа бирорта ишчарироқ ишчи оламиз, унинг учун ётар жой керак бўлади,— деб Сангиннинг илтимосини ҳам рад қилди.

Бу муомала билан Одина буткул хароб бўлди. Сангин воситаси билан Андижон саройларининг бирида саройбонлик қиласидаги бир тохик саройбоннинг ҳужрасига кўчди.

Саройбон ундан ҳеч бир меҳрибонликни аямади, унинг усти бошига, ейли ва ичишига, ётиш-туришига қарашди, бунинг устига, ўзи ихлос боғлаб юрган бир дуохонни ўз ҳисобидан чақириб, Однани «ўқитди» ва тумор ёздириб олди.

Дуодан ҳеч бир фойда кўрилмагандан кейин, ўз айтишича, «юон усули»да даволайдиган бир маҳаллий табибни бошлаб келди.

Табиб, «Бисмилло-бисмилло» билан уйга кириб ўлтириди.

Саройбон тўшакда Однани кўрсатиб:

Тақсир, бу кимсасиз бир мусофирирdir, худонинг иродаси билан касал бўлиб қолди, дуохон келтирдим, бир фойда бермади. Энди умидимиз аввал худодан бўлса, иккинчи сиздандир. Бир иш қилингки, бу бечора тузалсин, ҳар қандай хизмат бўлса бажо келтираман,— деди.

— Кўп яхши, кўп яхши,— деди табиб,— дуохонлик ҳам қўлимиздан келади, пулни беҳуда бегона қилибсиз. Замона дуохонларининг бариси хатсиз-саводсиз, уста кўрмаган шогирдлар, тахтага ўйилган дуо нусхалари читгар (читга гул босувчи) ларнинг мухридек, бир парча қоғозга босиб бериб, пулни оладилар. Дуолари наф қилмайди. Бизнинг бўлса, алҳамдулилло, сумма алҳамдулилло, хатимиз бор, саводимиз бор. Дуо ўқиш ва ёзиш тўғрисида раҳматли падаримиз катта эшони ҳакимдан ижозатимиз бор ва у марҳумдан мерос тариқасида қолган дуо китобимиз ҳам бор.

¹ Февраль инқилоби кейин ҳатто Октябрь инқилобининг аввалинда ҳам, Туркистонда тузилган ишчилар қўмитаси ёки касаба союзи «мусулмон» ва «евроналиклар» номлари билан икки исмда ташкил топган эди. Бу билан ишчилар ва меҳнаткашлар байналминал тарбия кўра олмас эдилар. Кейинроқ бу ёмон одат битирилди. (А.)

Саройбон табибининг бу узундан-узоқ маноқибхонлигига чи-даёлмай, унинг сўзини кесиб:

— Кўйи яхши, қани касални кўрсиллар ахир,—деди.

— Қапи, қўлингизни беринг, қаерингиз огрийди,— деда табиб қўлини саройбоннинг ўзига узатди.

— Йўқ, тақсир, худо сақласин, мен касал эмасман, мана бу укамиз касал,— деб саройбон Одинанинг кўрсатди.

— Хўб-хўб,— деб табиб Одинанинг билагидан ушлаб ва кўзи-ни юмиб муроқабага кетди, бир неча минутдан кейин кўзини очиб, бу фурсатда гўё бутун ички ва ташки касалликларнинг барисини англагандек, тўла қаноат билан деди:

— Ҳеч бокиси йўқ, бу болада бирор қўрқинчли иллат пайдо бўлган эмас, ёлгиз меъдаси бир оз лат егац, ички бўғинларида бир оз бод пайдо бўлган, Луқмони Ҳакимнинг илми ҳикматлари бўйича, бир оз ошҳал (ич сурадиган дори) ичирсан шифо тонади.

Табиб дори тайёрлагани кетмоқчи бўлганида саройбон қадам ҳақи учун ҳам икки танга, дори харажати учун ҳам икки танга — ҳаммаси бўлиб тўрт танга бериб, уни узатди. Табиб ўз уйига бориб икки коса суюқ сурги дори қайнатиб келтириб Одинага ичирди. Ўзи ҳам дорисининг амалини синааб кўрмоқ учун шу ерда қолди.

Икки соатдан кейин Одинанинг юрак оғирги тутди, аслида зўрга эшикка чиқадиган Одина бир неча бор ҳожатхонага бориб қайтгандан кейин, бутунлай оёқдан қолди.

Одина ҳар дафъя ҳожатхонага бориб қайтганда табиб: «Иллатнинг ўидан бириси кетди, тўққиздан бириси кетди, саккиздан бириси кетди...» деб қувонар ва саройбонни ҳам қувонтироққа тиришар эди.

Ҳожатхонадан юрак буруғи шиддатидан қичқирган Одина товушини эшитганда табиб: «Ё дафиъаррияҳ!» (эй елларни даф қилувчи) деб сигиниб дуо ўқир эди.

Ниҳоят, касалнинг ичиди озорланган ичаклардан бошқа нарса қолмагандан кейин, дорипинг амали ҳам тўхтади, табиб ҳам:

— Иллатларнинг бариси кетди,— деб фахрланди.

Бундан кейин қадам ҳақи бир тангага тушган бўлса ҳам, табиб қадамини касал бошидан узмади. Ароқи нона, маъжуни мустаки, гулқанд, маъжуни турбут, шарбати сиканжабин, шарбати нибу-фар каби бир-бировига зид бўлган маъжун ва шарбатлардан кунда бир миқдор келтириб егизар, ичирар, қадам ва дори пули олар эди.

Касалда бўлса согайини аломати кўринмади, балки у кундан-кун дармонсизланмоқда ва оғирланмоқда эди, бунинг устига иштаҳаси ва йўталди зўрайди. Одина йўталдан шикоят қилганда, табиб:

— Зараги йўқ, тумовсиз; буни тоҷиклар «журӯби бадан», яъни ба маънойи ини, баданинг сунургиси, яъни бадан эритади дейдилар, қозоқлар бўлса: «Ҳаво туман бўлсин, касалнинг тумов»,

деб дуо қиладилар. Қозоқ халқи худодод, ҳаким киши «саксовул»¹ деган захм касалининг дориси ҳам уларнинг чўлида ўсади. Валихазо йўтальдан қўрқин ба чи маъни?²

Ниҳоят саройбон:

— Тақсир! Дори-дармон бир сабаб, умри боқий бўлса шунчалик билан соғаяр, кўп хизмат қилиб оз ҳақ олдингиз, раҳмат! Энди келмасангиз ҳам бўлади,— деганда:

— Хўп-хўп, боз сиз бизнинг дориларга шаккоклик қилган бўлмагайсиз, унда сизга ҳам, касалга ҳам зарар бўлади. Бизнинг мусҳил борганиларида уни Маккатуллодан ўз қўллари билан келтирган эдилар, маъжунларимиз ва шарбатларимиз бўлса Ҳиндистон деган «шаҳар»нинг «Сарандиб» деган, Одам Ато кўмилган мозоридан келтирилмиш қўкатлардан пиширилган. Сулаймон шайхи афгоний³ ҳам бизнинг маъжунлардан истеъмол қиладилар, у киши кичик одам эмаслар, сулукда кашфи қобул⁴ соҳибидирлар,— деб эшиқдан чиқди, тагин бошини эшиқдан суқиб, саройбонга қараб:

— Яна бу укамиз, ўзингизми, касал-пасал бўлиб қолсангиз, фақирни чақирасиз-да,— деб таъкидлади.

Саройбон:

— Худо сақлағай,— деб юзини ундан ўгирди.

ХУШ

ФАРИБЛАР ОҚШОМИ (ШОМИ ФАРИБОН)

Бир дам олиш куни Андижонда ишлайдиган тожиклар Сангининг чақириши билан Одина бошига йиғилдилар, касалдан ҳолаҳвол сўрагандан кейин ўзаро кенгашиб, табдили ҳаво учун уни Тошкентга узатмоқчи бўлдилар; ўз ўрталаридан ёрдам йўли билан бир неча сўм йиғиб, ўша куннинг эртаси куни вокзалга чиқардилар. Тошкентгача темир йўл билети олиб, уни Андижон — Тошкент вагонига ўрнаштириб узатдилар. Билетдан ортган пулни йўл ҳаржи учун қўлига топширдилар.

Одина бир кечакундузда Тошкентга етиб, поездан тушди. Аммо қаёққа борувини билмас эди: йўловчиларнинг орқасидан эргашиб залдан ўтиб, трамвай томонга чиқди. Йўловчиларнинг баъзилари трамвай билан, баъзилари арава билан, баъзилари ниёда бир томонга — шаҳар томонига қараб жўнайвердилар.

¹ Бизнинг табиб «сарсабия» деган захм касали учун қайнатилиб ичиладиган бир дорини, қизил чўлда «саксовул»га иштибоҳ қилганга ўхшайди.(A.)

² Ба чи маъни — қайси маънода.

³ Сулаймон шайх Андижонда ҳам савдо, ҳам дуохонлик қиладиган бир афғон эди.

⁴ Кашфи қобул — кашфи қолуб ё кашфи қубур дегани бўлса керак.

Одина йўлчиларга қанча термилиб қараса ҳам уларнинг ҳеч бириси бунга қарамас, ҳатто: «Шундай кимсасиз, уйсиз бир ғарип бунда ҳайрон бўлиб қолибди», деб эсига ҳам олмас эди.

Ниҳоят, вокзал теварагида юк ташувчи ҳаммоллардан бошқа киши қолмади. Улар ҳам шаҳар томонидан вокзалга келаётган янги йўловчиларнинг юкини ташиб, нон пули топиш билан овора бўлиб, Одина деган ғарип бир мусофиридан хабарсиз эдилар.

Одина ҳеч бир киши томонидан ёрдам ва раҳбарлик кўрмагач, аста-секин трамвай йўлининг айланмаси орасидаги майдонча томонига ўтди ва бир дараҳтнинг тагида чўзилиб ётди, ҳолсизликдан хушсизланди ёки ҳориганликдан уйқу элтди, ҳар нима бўлса бўлсин, бир неча соатдан кейин кўзини очиб қарадики, оқшом яқинлашган, дунёни қоронғилик босаёзган, ҳали ҳам трамвай «жаранг-журунг» қўнғироқ чалиб, майдончани айланмоқда, ҳали ҳам одам болалари Одина томонига қарамасдан, уён-буёнга қараб югурмоқда эдилар.

Бу оқшом уйсиз, кўйисиз Одинанинг қаерга борувини билмайдиган биринчи оқшоми эди, бу оқшом ғарип Одина учун ҳақиқатан «ғарилар оқшоми» (шоми ғарибон) эди.

XIX

КУТИЛМАГАН ЁРДАМ

— Тожикмисан?

Умидсизлик билан дунёнинг ҳар бир нарсасидан юмилган кўзини бу она тилида эшитилган товуш билан очган Одина боши устида турган бир йигитни кўриб:

— Ҳа, баҳтсиз бир тожик,— деб жавоб қайтарди.

— Бунда нима қилиб ётасан?

— Билмайман.

— Турадиган жойинг қаерда?

— Шу ер.

— Бу ер турадиган жой эмас, бу ерда туриш мумкин ҳам эмас, қоровуллар қўймаслар, бошқа бирон жойга бормоғинг керак.

— Бирон жойни билмайман, ҳеч кимни танимайман.

— Демак, бу шаҳарга янги келгансан, юр мен билан.

— Ўрнимдан қимирашга мадорим етмайди.

Одина билан гаплашиб турган йигит унинг қўлтиғидан тутиб турғизди, ўзига суяб майдончадан чиқарди ва трамвайга миндириб олиб кетди.

Одинанинг ғариблик, кимсасизлик ёстиғи олдига келиб, кутилмаган бир вақтда унга ёрдам қўлини узатган бу йигит, неча йилларидан бери Тошкентнинг янги шаҳарида бир чойхонада ёлланиб ишлаб келган Шоҳмирза отли бир тожик эди. Букун у фалла келтирмақ учун Оқтепага бораётган ўз хўжайинини вокзалга чиқарип, қайтишида кесма йўл майдонча орқали ўтаётганда тўсатдан Одинага кўзи тушган, унинг афти башарасидан тожиклигини сезиб, у билан гаплашган эди.

Шоҳмирза Одинани ўз чойхонасига келтириб ётқизди. Йўловчилар ва ҳориганларга мос келадиган мастава пишириб унга ичирди. Бир каравот устига тозагина кўрпа-ёстиқ солиб, унинг учун ўрин тайёрлади.

Ҳориган, ҳолсизланган касал Одина маставани ичгандан кейин бир оз ўзига келди, умидсизланган чогида, танимаган бир киши томонидан ўзига қилинган мунча яхшилик ва ёрдам унинг кўнглини кўтарди, уни ҳаддан ташқари қувонтириди, бу ҳол ҳам Одинанинг дармонланишига катта ёрдам қилди.

Одина бу кеча тоза тўшакни умрида биринчи дафъя кўрмоқда эди. Шунинг учун бу кеча тўла тинчлик билан ётиб, эрта билан уйқудан тузуккина қувват топиб турди, бирорга ёки таёққа суюн-масдан эшикка чиқиб, ёзилиб, ювениб кирди.

Самовар олдидағи тахта устида, дастрўмол билан чойнакларнинг оғиз ва жўмракларини артиб ўтирган Шоҳмирза, ювениб келган Одина учун ўз яқинидан жой кўрсатиб, унинг аҳволини сўрайди.

Одина Шоҳмирза қўрсатган жойга ўтириб:

— Шукр, бу кеча тинч ухладим, ўзимни тетикроқ сезяпман, — деди.

Шоҳмирза бир патиусга икки дона нон солиб, Одинага узатди ва ўз олдидағи чойнакдан бир пиёла чой қуйиб берди. Чой ичишиб турганда ундан қаердан ва нима ният билан Тошкентта келганини сўради.

Одина бошидан ўтган воқеаларнинг барисини айтмаса ҳам касал бўлиб заводдан қувилганини, дуохон табиб воқеаларигача ганириб, энг охирида:

— Ватандошлар кенгashi билан ҳаво алмаштириш учун Тошкентга келдим,— деди.

— Хуш келибсан,— деди Шоҳмирза, қўлидаги учи қайрилган сим билан самовар ўтхонасидаги кулларни титкилаб тушира туриб, Тошкент катта шаҳардир. Соғайганингдан кейин бу ерда иш тоғмоқ осон, бу ерда даволаниш ҳам осон, бунда донишманд докторлар кўп, бугун сени ўз танишларимдан бўлган яхши бир докторга кўрсатаман: унинг дорилари сенгә фойда берар.

Одина умрида докторга борган эмас ва боришини ҳам истамас эди. Унинг эътиқодича, доктордан даволангандан касалларнинг кўпини ўлар, бу эътиқод унда завод ҳаётидан найдо бўлганди: заводдаги ишчилар тиф, ўнка шишидек қаттиқ касалларларга дучор бўлардилар уларнинг соғлиқларини сақлов ва докторга кўрсатув учун завод идораси томонидан хеч бир чора кўрилмас эди. Касалнинг соғайинишидан бутунлай умид узилгандан кейин, унинг ўртоқлари, «хар нима бўлса, бўлсин», деб доктор чақирап эдилар. Вақт ўтгач, даволанишинг кўпини фойдасиз бўлиб, касал ўлар эди. Бу ҳолни кўрган Одинадек тажрибасиз ишчилар, «доктор дориси касал учун фойдасиз, ҳатто ўлимни тезлатади», деб ўйлар эдилар.

Одина ўзининг доктор тўғрисидаги шу бадгумонлиги билан Шоҳмирзанинг таклифини рад қилиб:

— Кўп яхши, лекин мен доктордан кўрқаман,— деди,— агар акалик қилиб бирорта мусулмон табибга кўрсатсанг мени миннатдор қилас эдинг. Тошкент катта шаҳар экан, бунда донишманд ҳакимлар ҳам бўлса керак.

Шоҳмирза, қайнаб-тошиб, хўл бўлган самоварни дастрўмол билан артди, қамиш най билан самоварниг тагига қўнган кулларни пульфаб тозалади, сўнгра Одинага қараб қулумсираб:

— Сен янгишишасан, ука,— деди,— мен ҳам бошда сенга ўҳшаб доктор ҳақида бадгумон эдим, шу самоворхонага хизматга кирганимдан бери докторларга ихлосманд бўлдим ва уларнинг одам болалари учун катта бир неъмат эканликларига ишондим, ҳар йил Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва бошқа шаҳар, вилоятларидан юзларча касаллар ўзларини докторга кўрсатмоқ учун Ташкентга келадилар. Буларнинг бაъзилари бизнинг самоворхонага қўвади. Бизга меҳмон бўлган касалларниг қўйиси билан бирга мен доктор олдига бораман, шу йўсип доктор дориси билан согайтанган кўя касалларни ўз кўзим билан кўрдим. Ўз айтишларича, уларнинг қўплари, ўз шаҳарларидан бир неча вақт доухонлар, эски табиблар олдига бориб, кўп шулни бехудага сарф қилганлар, ҳеч бир фойда кўрмагач, докторга келганлар. Дуруст, уларнинг баъзилари докторга кўсатгаплари ҳолда ўлар эдилар. Лекин бунинг сабаби, дорининг таъсир қилмаганлигига ёки зарар қилганлигига бўлмасдан, даволаниг вақтининг ўтганлигига ва ўз вақтида докторга кўрсатилмаганликандир. Сен ундан бўш васвасаларни бошингдан чиқар ва докторга боришга ҳозирлан.

Одина Шоҳмирзаниг бу далил ва ҳужжатларини рад қилмоққа ҳеч бир важ топа олмай, бошқа бир йўлни тутди:

— Мен,— деди,— бу йил тузук ишилаёлмай касал бўлдим, дори-дармон пари турсин, кундаклик овқатимни тошинига ҳам қудратим етмади. Шу ҳолда қандай катта докторларга бориб ўзимни кўрсатаман.

— У томонларни ўйлама,— деди Шоҳмирза,— докторга кўрсатиш, согайгунингча боқиши менинг гарданимга. Бу чойхона ўзимники бўлмаса ҳам ўзимнидек бўлиб қолган. Мен неча йиллардан бери бу ерда ишлаб, хизмат ҳақи олган эмасман. Кейинги йилларда эса хўжайин чойхона кишимига халтачиликни фойдалариқ билиб Самарқанд билан Оқтепса орасида қатнамоқда: Самарқанддан майиз олиб халтачаларга жойлаб, Оқтепсага элтади, у ердан буғдой, ун олиб Тошкентга келтирадир. Чойхона ишини бутун менга тошириган. Мен бу ерда кечакундуз ишлаб, йўлда қолган бир фақир ватандошими бир неча кун боқа олмасам, бу кора меҳнатдан менга нима фойда? Сени йил бўйи боқсам ҳам хўжайин менга бир нима дебёлмас, агар зўр бўлса, чойхонасини олар. Бу дов-дастгоҳни мендан бошқа бир кишига тошириса, бир ойда ҳамма нарсаларини барбод беришини у яхши билади.

Одина учун докторга кўрсатишга ризо бўлишидан боинқа ўйла қолмаган эди. Лекин ҳали ҳам қўнгли тинчланган эмас, ҳали ҳам доктор тўғрисида шубҳада эди, шунинг учун тил учида:

— Хўп, борамиз,— деб қўйди.

Одина доктор масаласини бир ёқса ташлаб, Шоҳмирза тўгрисида ўйлай бошлади.

«Бу қандай яхши одам? Ҳеч бир танишлиги бўлмагани ҳолда менга шунча яхшиликларни қилди, менга жой берди, ош берди, нон берди. Бунинг устига, согайгунимча ёрдам қўлини тортмасликка ваъда ҳам бераётири. Гашларига қараганда, кўшини кўрган доно йигитга ўхшайди.

Одина яна доктор устида фикр юритди:

«Шундай яхши ва доно киши, докторни дуруст санамаса, нима учун бирорни унга кўрсатишга ундин, нима учун мени кўчадан топиб келиб боксин-да, ўз харажати билан яна мени хатарли бир йўлга солсин, йўқ, бу гап ақлга тўғри келмайди. Ажаб эмаски, менинг согайишим шу одам кўрсатадиган докторнинг қўлида бўлса...»

Одина шундай мулоҳазалар билан докторга кўрсатишни ўзича муқаррар қилиб:

— Докторга қачон борамиз? — деб сўради Шоҳмирзадан.

Шоҳмирза Одинада юз берган фикр ўзгаригидан қувониб:

— Шу бугун, пешиндан кейин, соат тўртда, — деди.

XX

ДОКТОР

Доктор қабулхонасининг йўлагида касаллар қаторида Одина билан Шоҳмирза ҳам ўтирган әдилар. Бир касални кўриб бўлиб, уни узататётган доктор иккинчи бир касални чақирмоқ учун бошни ярим очилган эшикдан ташқарига чиқариб, йўлакдаги касалларни кўздан кечирди, касаллар қаторида Шоҳмирзани кўргач, уни имлаб навбатсиз кирмакка таклиф қилди. Шоҳмирза Одинани эргаштириб бошқа касалларнинг:

— Навбатсиз? Бу қандай тартибсизлик? — деб дўнгиллашлари остида қабулхонага кирди. Доктор Одинанинг йиртиқ чопонини кўриб бир оз ўзгарган бўлса ҳам тездан аввалги очиқ юзли вазиятини олиб:

— Касал шу кишими? — деб Одинага қаради.

Биринчи дафъа Одинага кўзи тушганда докторнинг юзи буришганлигини кўзидан қочирмаган Шоҳмирза:

— Ҳа, касалимиз шу кипи, буни кўчада йиқилиб ётганини кўриб, раҳмим келиб ўз дўконимга келтирдим ва ўз ҳисобимдан дори-дармон қилдирмоқчи бўлдим. Бечора ёш йигит экан. Согайиб кетса бир фойдаси тегар, — деб касал фақир бўлса ҳам даволашпули куймаслигига ишорат қилди.

Доктор:

— Кўп яхши, — деб Одинани кийимларини ечувга буюрди.

Доктор Одинани яхшигина муаяна қилган — текширгандан кейин, унинг учун дори ёзмоқчи бўлиб отини сўради. Ҳалигача

Шоҳмирза ўз ҳимоясига олган касал меҳмоннинг отини билмас эди, доктордан уялгандек бўлиб, Одинадан:

— Отинг нима? — деб сўради.

— Одина,— деб жавоб берилгач, доктор дори хатини ёзверди, ўз ичида Шоҳмирзанинг соф ва кенг юраклигига таҳсин қилмоқда эди. Шоҳмирза саводсиз бир фақир бўлгани ҳолда, йўлда қолган бошқа бир фақирни қўлласин, унинг отини билмагани ҳолда, ўз ҳисобидан унга дори-дармон қилдирмоқчи бўлсин, «инсоният йўлида хизмат қиласман», деб ўқиб доктор бўлган маданий бир киши, «бу фақирдан табобат ҳақи унмас ёки оз унар», деб юзини буриштирасин. Доктор бу йилар билан ўз-ўзидаң уялди, қизарди, дори хатини ёзиб, Шоҳмирзага тошириб, ичиш соатларини ва миқдорини тайин қилгандан кейин:

— Эрта билан нахорда йўталиб ташлаган тупугингни бир идишга солиб менга келтири,— деб тайинлади.

Шоҳмирза ҳақ бермоқ учун чўнтагини ковлаётганда, доктор:

— Йўқ, керак эмас, сенинг раҳминг келган одамга менинг ҳам раҳмим келмоги керак, ҳолбуки, сен келтирган пулли кўп касалларни даво қилдим, бириси пулсиз бўлса зарар қилмас,— деди. Яна қўшимчи қилиб:

— Сизнинг «Юз қовуннинг бир партови бор», деган бир мақолингиз бор. Бу жуда ҳикматли сўздир. Бу ҳам юзта пулли касаллар орасида партов бўлсин,— деб қулиб қўйди.

У қўпнинг эртаси Шоҳмирза Одинанинг тупугини келтирганда, доктор унга:

— Менинг тошишимча, кечаги касал сил бўлган, у бирор йил бундан илгари бу касалликка учраганга ўхшайди. Лекин сира дори-дармон қилинмаганлиги, турмуш ва овқатнинг ёмонлиги учун бу муддат ичида ўпкаси жуда кўп заарланган. Ахволининг кўринишидан мен шундай тондим, тупугини таҳлил (анализ) қилиб кўрилгандан кейин яна яхшироқ билинади. Бечора касал қаттиқ асабий ҳам бўлган, булардан бошқа ёмон овқатданми ё бошқа бирор сабабданми, меъда ва ичакларида ҳам иллат пайдо бўлган экан, шунинг учун овқат ҳазм бўлмай, иштаҳасизлик ва камқонликка учраган. Кеча ёзган дориларим шу кейинги дарди учун эди. Агар дориларни ўз вақтида ишлатса, тезлик билан ичак ва меъдаси согаяр, аммо силлиги учун тупугини таҳлил қилиб кўргандан кейин дори ёзаман.

— Дуруст топгансиз, ўзининг айтишича, бундан бир неча кун бурун Андижонда бир табиб сурги дори ичирган,— деб Шоҳмирза доктор сўзини тасдиқ қилди.

— Хайриятки, ўлмай қолган,— деди доктор,— ичини сурдириш бундай касаллар учун ўлимни чақиришдир. Айниқса, табибларининг сурги дорилари ҳар қандай соф ва кучли одамларни ҳам ийқитади. Шундай дориларнинг биринчи хосияти юракбуруғи бўлганидан бечора касалнинг ичаклари тамом озорланган.

Доктор ўз сўзининг охирида:

— «Сен сил бўлган экансан», деб касалга айта қўрма, бўлмаса умрининг қисқарувига сабаб бўлурсан, доктор «тезлик билан

согаяди», деди, деб уни юпат, тағин эртага келиб мендан хабар ол, тупугини кўргандан кейин дори ёзаман,— деб Шоҳмирзани узатди.

Эртаси Шоҳмирза доктор олдига келганда, у:

— Тупукнинг таҳлили менинг айтганларимни тасдиқ қилди,— деб бошқа бир дори ёзиб берди,— енгил ҳазм бўладиган овқатлар еб, тоза ҳаволи жойларда турсин, овқат учун сут, тухум, товуқ гўшти, сариёғдек нарсаларни қўпроқ ишлатсин, агар топа олса қанд ўрнида асал, чой ўрнида какао истеъмол қилисин, офтобдан қўпроқ фойдалансин, қимиз мавсуми келганда қимиз исчин,— деб буюрди.

— Шуни ҳам билиб олки,— деди доктор,— бу дард юқумли-дир, озгина эҳтиётсизлик билан соғ кишиларга ўтади. Шунинг учун касалнинг коса, товоқ, чойнак, пиёла ва бўлак нарсаларини бошқаларнидан ажрат, ишлатилган идишни қайноқ сув билан ювиб, офтобда қурит, тупуриш учун маҳсус тупдон сақла, ерни чуқур қазиб, туфданни шунга тўқ, сўнгра чуқурни қалин тупроқ билан босиб кўм, туфданни чайқаганда қайноқ сув ишлат, офтобда қурит, касалнинг нарсалари бошқаларнинг қўлларига ва овқатларига тегмаслиги тўғрисида қаттиқ эҳтиёт бўл...

XXI

ОКТЯБРЬ ИНҚИЛОБИ

Тошкент кўчаларини тўп, милтиқ товуши ўраб олган, кўчадаги ҳалқ ҳар томонга қочмоқда, дўкон, уй ва саройларнинг эшиклари ёпилган, деразаларга қора пардалар тортилган, деворлар, деразалар ўқ зарбидан ёрилган ва тешилган...

Шоҳмирза сичқоннинг мушукдан қочаётгандаги шошилиши каби шошиб-пишиб, югуриб келиб ўз дўйонининг кўча томондаги тахтабандларини боғлиқ кўргач, сарой ичидаги пасқам эшикдан чойхонасига кирди. Унда ўн беш-йигирма нафарча номаълум кишилар йигилган ва навбатма-навбат тахтабанд орқасига бориб ташқарига қарамоқда эдилар.

Ўз ўрнидан туриб ташқарига қарашга кучи етмаса ҳам, тўшак устида ярим чўзилган ҳолда ёстиққа суюниб нималар бўлаётганини англамоқ учун интилмоқда бўлган Одина, Шоҳмирзанинг келиб кирганини кўргач:

— Саломат қайтдингми, тўполон бошланганда қаерда эдинг? Ўзи нима гап?— деб устма-уст сўроқлар берди.

Шоҳмирза кўйлагини қўли билан қимирлатиб кўкрагани елпигани ҳолда:

— Мен,— деди,— бир иш учун Салор бўйига чиқсан әдим, қайтишда қанча кутсам ҳам трамвайдан дарак бўлмади. Пушкин кўчаси билан пиёда йўлга тушдим: йўл ўстидаги бутхонага яқинлашганимда, Сквер томонидан қарс-қурс қилиб милтиқ товуши эшитила берди. «Солдатлар машқ қилаётгандир», деб кела бердим, ҳар қанча илгарилашсам, шунча милтиқ товуши, халқнинг шов-

шуви ортар эди. Яна илгариланиб Скверга яқинлашганимда қаршимдан бешталаб, ўнталаб қочаётган халқ чиқа бошлади.

— Бу нима гап? — деб берган саволимга ҳеч ким жавоб бермай: «Билмайман», дегандек қилиб елкасини қисиб, ўз йўлида югуриб кета берди.

Ўшанда ҳам мен ўзимча бу «қарс-қурслар»ни солдатлар машқи деб ўйлар эдим. Шу пайтда бир ўқ ғизиллаб қулоқ-чаккам ёнидан ўтиб кетди. Мен беихтиёр йиқилдим. Чунки ўқ тегди, деб гумон қилган эдим. Қулоғимниг тагини сийналаб кўрдим, суюқ бир нарса қўлимга тегди:

«Хай дариг, бекорга ўлдим шекилли?» — деб қўлимни кўзимга яқин келтириб қарадим, қон туси кўринмади, у суюқ нарса тер экан.

Шу қўрқиш билан ўлар ҳолатга етган бўлсан ҳам жон аччиғида сурила-сурила ўзимни бир тор кўчага олдим...

— Ўқ теккан бўлмаса мунча қўрқиш нима учун эди? — деб у ердагилардан бирори Шоҳмирзанинг сўзини кесди.

— Мен-ку, қулоқ-чаккамдан ўқ ўтганда қўрқдим, сизлар «қўрқмас ботир» экансиз, ҳеч бир нарсани кўрмасдан бу дўконнинг бурчагига тиқилиб нима қиласизлар? — Ҳамма кулиб юборди.

Ҳикоянинг охирини эшитишга ҳавасланиб турган Одина:

— Хайр, қўй, ганир, сўнгра нима бўлди? — деди.

— Сўнгра, — деди Шоҳмирза, — тор кўчада девор тагида ўтириб эсимни бошимга йиғиб олдим, том устидан, дараҳт шоҳлари орасидан ўқлар кетма-кет ғизиллашиб ўта берди. Бу тўполоннинг солдат машқи эмаслигини, балки жон олиб, жон бериш машқи эканлигини тушундим. Бир оз ўзимга келганимдан кейин тор кўчалар, ҳовли ва боғ оралари, сув йўллари билан йўлландим, тагин бир неча бор қулоғим тагидан ғизиллаб ўқлар ўтган бўлса ҳам аввалгидек қўрқмадим, ўқнинг қелиш томонидаги деворларга қапишиб кела бердим.

— Кўни яхши, тўполон сабаби нима экан? — деб сўради Одина.

— Боя айтганимча, — деди Шоҳмирза, — бонда мен бу тўполонни солдатлар машқи деб ўйлаган эдим, сўнгра бунинг катта бир воқеа эканлиги билинди. Лекин қандай воқеа ва сабаби нима эканлигини била олмадим.

Одина кейинги сўроқни такрорлаган чоғда кўчадан қочиб пасқам эшиқдан келиб кирган бир номаълум киши:

— Бу тўполоннинг сабабини мен биламан, — деб гапга қўшилди: Керенский, — деди номаълум киши, — Николайни тахтдан тушириб, унинг ўрнига ўзи подшо бўлган эди, энди ишчилар ва мужиклар¹ Ленин қўл остида бош кўтариб, уни бекор қилиб, ҳокимиятни ўз қўлларига олганлар. Бекор бўлган Керенский одамлари Николай одамлари билан биргалашниб, ишчи ва мужикларга қарши чиққанлар. Шундай бўлиб, Россиянинг ҳар томонида тўполон бошланган, шу қаторда бугун Тошкентда ҳам

¹. У вақтларда Туркистон оммаси рус фақирларини умуман мужик деб айттар эдилар.

николайчи ва керенскийчилар бир томонда, ишчи ва мужиклар иккинчи томонда бош қўтариб урушганлар.

— Бекор гап, Николай подшодан ҳам зўр чиқиб, уни йиқитган Керенскийни бир «ҳовуч» ишчи ва мужиклар қандай бекор қила олсинлар? Бу қип-қизил ёлғон,— деб у ердагилардан бири номаълум одамни ёлғончи қиммоқчи бўлди.

Номаълум одам ўз сўзини қувватлаб:

— Мен,— деди,— бу гапларни ўз-ўзимдан тўқиб чиқармадим, балки бир неча йиллардан бери Пиёнбозорда дўкондорлик қилиб русчани ўрганган, саводсиз бўлгани ҳолда анча-мунча закондан хабардор бўлган бир танишимидан эшилдим.

У номаълум киши сиёsat ва ҳукумат тартибларидан бутун хабарсиз бўлиб, ўз эшилганларини авомона нақл қилган бўлса ҳам, у кунлардаги сиёсий аҳволни шу қисқагина сўзи билан бутун ифода қилган эди; чунки Керенский ўзини подшо эълон қилмаган бўлса ҳам подшолик сиёсатини айни давом қилдиримоқда эди, ҳатто ишчи ва деҳқонларнинг уйларини бузиб, хотинларини бева, болаларини етим қолдирган, мамлакатнинг бутун борлиқ ва ободонлигини куйдирган урушни ҳам давом қилдирувга қарор бериб, ҳужумга буюрган эди.

Ишчиларнинг ягона доҳийси Ленин Муваққат ҳукуматнинг сиёсий ва ижтимоий башарасини бошдан, февраль инқилоби кунларида аниқлаб қўйган, шунинг учун февраль инқилоби кейинги мақсад эмас, балки буюк ижтимоий инқилобнинг даромади, деб иккинчи инқилобга ҳозирлана бошлаган эди.

Мана шундай бўлиб, Ленин ва унинг партияси — большевиклар партияси раҳбарлиги остида ишчилар, аскарлар ва меҳнаткаш деҳқонларнинг фикрлари бир нуқтага — ҳукуматни Шўролар қўлига олиш нуқтасига тўпланиб, 1917 йил 25 октябрда (янгича 7 ноябрда) катта ва зўр қўзғолон ясади. Ҳукумат Шўролар қўлига олиниб, бу инқилоб тарих бетларига Октябрь инқилоби номи билан ёзилди.

Бизнинг содда сиёсатчимиз айтганча, ҳар ерда Николай ва Керенский одамлари (бойлар, сармоядорлар, катта ер эгалари, эски амалдорлар ва уларнинг ювинидихўрлари бўлган зиёлилар ва руҳонийлар) бирлашиб, Октябрь инқилобига қарши қўзғалмоқда эдилар.

Бизнинг сиёсатчимизнинг маълумотини эшилган бир тошкентлик:

— Бизнинг шўройи ислом қайси томонда экан? — деб сўради, у киши:

— Билмайман,— деб жавоб берди.

Одина сўзга қўшилиб:

— Шўройи ислом ким? — деб сўради. (Одина шўройи исломни бир шахс деб ўйлаган эди, шунинг учун «ким» деб сўради.)

У ердагилардан бирори Одинага қараб:

— Николай бекор бўлгандан кейин,— деди,— Эски шаҳар бойлари, муллалар ва бошқа русча ўқиганлар билан биргалашиб бир жамият тузган эдиларки, бу кунгача Эски шаҳарда шу жамият

хукм суради. Мана шу жамиятнинг оти «шўройи ислом»-дир.

— Агар шўройи ислом муллалар ва бойлардан тўйланган бўлса, албатта ишчилар ва фақирларга қарши чиқиб, Николай ва Керенский томонга қўшилар — деб Одина шўройи ислом тўгрисида сўраган биринчи тошкентликка жавоб берди.

Одина синфий қаршиликларни, қайси табақанинг манфаати қайси синф билан bogланганлигини, албатта, билмас эди. Лекин ўзининг бошидан ўтган воқеалардан, тажриба билан бой ва муллаларнинг фақирларга қаршиликларини билар эди. Бойнинг энг кичкинаси бўлган Арбоб Камол уни шунча эзмаганми, имом-мулла Хакирақ ва қишлоқнинг бошқа одамшавандалари бой томонига ўтиб, уни хонавайрон қилмаганми эдилар?..

Эҳтимол, Одина Арбоб Камол ва мулла Хакирақ воқеаларидан ҳам синфий қаршиликларни фаҳмлай олмас эди; лекин уч йиллик завод хизмати, у ердаги сиёсий саводли ишчиларнинг ташвиқотлари, ниҳоят февраль инқилобидаги ишчилар намойиши ва у кундаги нутқлар унинг фикрини ўз бошидан ўтган воқеалардан ибрат оладиган дараҷада очган эди.

— Тиқ, тиқ, тиқ, тиқ...

— Гурсе, гурсе, гурсе...

Одина ўз сўзини битирган чоқда чойхона эшиги кўча томондан бошда секинроқ, тиқ, тиқ урилди. Бу ёрдагилар жим бўлиб қолдилар. Узоқни ўйловчи эҳтиёткорлар сандиқ ва шкаф ораларига, рафчалар устига кўрпа-ёстиқлар орасига яшириндилаш.

Ичкаридан жавоб бўлмагач, гурсиллатиш шиддатланиб, эшик синаёзди. Жавоб беришга ёки бориб қаравшга тагин ҳеч ким ботирлиқ қиломади. Эшикни қоқувчи номаълум киши асабийлашиб:

— Шоҳмирза, Шоҳмирза! — деб бақириб чақирди.

Шоҳмирза қўрқиши ва титраш билан эшик орқасига бориб тирқищдан қарагандан кейин кўнгли тинчланиб:

— Иван! Сенмисан, мен хулиганлармикан деб ўйлагандим, хўш, нима дейсан? — деди.

— Эшикни оч! Сувсаб ўлаёздим, — деди эшик қоқувчи.

— Орқадаги настқам эшикдан кел, — деди Шоҳмирза.

— Нимадан қўрқасан, эшикни очавер!

— Агар сув керак бўлса орқа эшикдан кел, бўлмаса бизни тинч қўйиб, ўз ишининг кетавер, товарищ Иван!

Иван: «Чорт!..» деб сўкиб чойхонанинг орқасига ўтиб, қўлида ярқиллаб турган бир тўйпонча бўлгани ҳолда пасқам эшикдан кирди. Унинг қўлида тўйпонча кўрган чойхона ичидаги одамлар шивирлашиб қолдилар. Шоҳмирзанин кўрқоқ деб таъна қилган киши бўлса қўрқувдан бошини кўмир челягининг ичига тиқди.

Шоҳмирза:

— Қўрқманглар, бу менинг ошнам, ёмон одам эмас, — деб тасалли бергач, уйдагилар тинчланди. Лекин бошини кўмир челягига тиқсан одамнинг юзи қой-қора бўлиб чиқсан эди.

Шоҳмирза унга:

— Ҳа, «қўрқмас ботир», тўйпонча отилмасдан илгари унинг

тутуни юзингизни қорайтириб қўйибдими?— деб яна уни бир қатла ээди, ҳаммалари кулишдилар.

Иван супачага ўлтириб, тўппончасини ёнига қўйди. Шоҳмирзага қараб:

— Тез бўл, бир коса совуқ сув бер! Ташиалиқдан томогим қуриди,— деб пешмат қамзулининг тутгларини ечиб, қўкрагини шамоллатаверди.

— Терлаб келибсан,— деди Шоҳмирза,— совуқ сув зарар қиласар, чой ичсанг-чи?

Иван енгини шимариб билакларини кўз-кўз қилиб:

— Бу қўллар,— деди,— ўт қўралари, қор бўроиларида чиниқ-қан,— қўкрагини қўрсатиб,— бу қўкрак муз тоғларига сурилиб, оташ печкаларга суюниб пишган; биз, ишчилар, меҳнат остида, мashaққат ичидагунёнинг барча иссиқ-совуқларини кўриб ўстганимиз; биз на совуқдан қўрқамиз, на иссиқдан қочамиз. Бу кенгашингни қўлларини иссиқ-совуққа урмасдан, сира ишламасдан, бошқаларнинг қўл кучлари соясида тирикчилик қилиб, эркалик тўшагида ястаниб ётганларга бер.

Шоҳмирза Иванга бир коса лим-лим совуқ сув узатиб:

— Кел, қўй, қўп гапирма, сувни ичиб айтиб бер-чи, шаҳарни остин-устун қилган ва тўполноннинг ўзи нима гап?— деди.

Иван косадаги сувни батамом сипқариб:

— Тағин тўлдир,— деб косани Шоҳмирзага узатгач:

— Да,— деб сўзга киришди.— Ҳали,— деди Иван,— бу шаҳар остин-устун бўлган эмас, ҳатто бу шаҳарда бирорта товуқнинг катаги ҳам бузилгани йўқ. Агар бутуни бу шаҳар ва бутуни шаҳарлар, ҳатто бутуни дунё остин-устун бўлиб кетса ҳам ажаб эмас ва шундай бўлмоги керак. Тамоман янги бир дунё қурмоқчимиз, бунинг учун эски дунё бузилмоги лозим: бу бузилишдан хафа бўлиш тўғри эмас. Агар сен ўз чойхонангни янгидан қурмоқчи бўлсанг, бошлаб бу эскирган иморатни бузасан, кейин янги иморатнинг пойдеворини қурасан ва «эски иморатим бузилди», деб хафа ҳам бўлмайсан...

Иван лабини артиб, олдига қўйилган иккинчи коса сувни ичиб:

— Тағин тўлдир.— деб косани Шоҳмирзага узатди. Шоҳмирза косани олмай, пақирни келтириб, ундан косани тўлдирди.

— Мен сенинг бу гапларингдан,— деди Шоҳмирза,— њеч нарса англамадим, ўзинг ҳам тушумасдан сўйлаётганга ўхшайсан, ичиб келибсан шекилли, мастрларга ўхшаб гапираётисан.

— Тузук,— деди Иван,— бир оз ичганман; лекин гапларимни жуда яхши тушуниб гапирияман.

— Ундаи бўлса бизга тушунарли қилиб гапир, бундай Бедил ўқиб, афсона тўқима!

Иван бошини бир-икки қимирлатгандан кейин:

— Ҳар нима десам, боя айтганларимдан ортиқ бир нарса бўлмас; хўи, сенинг хотиринг учун тагин бир дафъя сўзлай,— деб сўзга киришди:

— Биз ишчилар,— деди Иван,— узоқ йиллар подшо ҳукумати ва сармоядорлар зулми остида қон ютдик, эзилдин; бизнинг минг-

ларча касбдошларимиз, боболаримиз очлик ва қуллик остида жон бердилар. Биз корхоналарда, фабрика-заводларда, темир йўлларда, кўмир, темир ва нефть конларида ишладик: аммо бутун фойданни бўлса сармоя эгалари ўз чўнтакларига уриб, кайфи сафо қилдилар, биз ўлмаслик учун овқат тилаганда, бизга ион ўрнига подшо ҳукуматининг ўқини юбордилар. Биздан бирон «айб» кўрилганда уйимиз зиндону томошагоҳимиз Сибирь тайгалари бўлди.

Ниҳоят, ишчи раҳбарлари шу фикрга келдиларки, сармоядорнинг қонун-қондалари орадан кўтарилиб, ишлаб чиқаришнинг ихтиёри ишчилар қўлига ўтиб, жамият тартиби ўзгармагунича халқнинг кўпчилиги бўлган меҳнаткаш ва камбагаллар тинчлик юзини кўра олмаслар.

Шунинг учун ишчилар ўз доҳийлари Ленин ва ўз партиялари бўлган большевиклар партияси раҳбарлиги остида кўп йиллардан бери ҳукм суруб келган сармоядорлик тартибини йўқотиш ва яъни тирикчиликнинг янги усулини қуришга тайёрланмоқда эдилар. Шундай қилиб, бир қўзғолон билан подшони йиқитдилар, бу февраль инқлоби эди.

Лекин бу инқилоб билан ишчиларнинг муроди ҳосил бўлмади: фурсатдан фойдаланган Муваққат ҳукумат — Керенский ҳукумати иш бошига келиб, тагин сармоядорлар усулини давом қилдирди...

Бизнинг содда ғиёсатчимиз ўзини ёлғончи қилмоқчи бўлған кишининг қулогига пичирлаб:

— Ана кўрдингми, Керенский сен ўйлаганча зўр киши эмас экан, ишчи ва мужиклар Николайни қувлагандан кейин тайёр ошга баковул бўлиб, тахтга минган бир алдоқчи экан,— деб ўзини оқлади.

Шоҳмирза уларга қараб:

— Пичирлашманглар, тапни эшитайлик,— Иванга қараб,— гапиравер,— деди.

— Шу билан,— деди Иван,— яна бизнинг душманимиз,— бошқача айтганда, кўпчилик халқ душмани — сармоядорлар иш бошига қўиқайтан эдилар. Албатта, ишчилар, солдатлар ва меҳнаткаш дехқонлар бу ишга рози бўла олмас эдилар, рози ҳам бўлмадилар.

Бутун дунё ишчиларнинг йўлбошчиси ва доҳийси ўртоқ Ленин ўз большевикларини яхши тарбиялаб ишга солди, синифий манфаат нуқтаи назаридан ҳамма фикрларни бирлаштириб, ишчи-дехқон оммасини мақсад йўлида — ҳукуматни қўлга олов йўлида бир ёқадан бош чиқартириди. Шундай бўлиб, меҳнаткашларнинг бариси Керенский ҳукумати ва сармоядорлик тартибига қарши қўзғалди ва Керенский ҳукуматини орадан қўтариб ташлаб, ҳукумат ишининг ихтиёрини ишчи-дехқон ва аскарлар шўроси (совети)га тошириди, бу эса Октябрь инқилоби...

— Молодец! Яша! — деб юборди бизнинг сиёсатчи, сўнгра ўрнидан туриб Иванга қаради-да:

— Айт-чи, товарищ! У, қизталоқ Керенскийнинг ўзи нима бўлди? — деди.

— Қочди,— деди Иван.
— Ҳай, аттанг, қўлга тушмабди-да, қаерга қочган экан?— деб тақрор сиёсатчи.

— Чорт билсин,— деди Иван,— бирор гўрга кетгандир-да, гап унинг қочишида ёки қўлга тушишида эмас, гап унинг думларини, у майдонга ташлаган синфий душманларимизни тутиб, йўқотишадир. Керенский қочди, лекин шу билан бу иш тинч ўтмас эди. Асрлардан бери ҳукмронлик қилиб, меҳнаткашларнинг қонларини сўрган, ишчилар бошида ўт ёқиб келган синф тинчгина иш бошидан кетмас, ўз қўли билан ўз ҳалокати учун чиқарилган ҳукмга муҳр босмас эди. Ҳақиқатда ҳам шундай бўлди: ҳар ерда керенскийчилар, николайчилар, фабрика-завод ҳамда катта ер эгалари, умуман, бой савдогарлар ва сармоядорлар, уларнинг думлари бўлган руҳонийлар бирлашиб бизга қарши — меҳнаткашлар ва уларнинг ҳукуматларига қарши очиқдан-очиқ ва яширин хуруж қилдилар ва хуруж қилмоқдалар. Албатта, ишчи ва меҳнаткашлар ҳам уларнинг хуруж ва ҳужумларига жим қараб туролмас эдилар, ўз қонлари бараварига қўлларига киргизган ҳуқуқларини сақлаб қолишлири керак эди. Ҳақиқатда ҳам шундай бўлди. Мамлакатнинг ҳар томонида синф билан синфининг тўқиниши, пролетариат синфи билан эксплуататор синфининг уруши бошланди; бугун Тошкентда юз берган тўполон ўша воқеалардан биридир. Лекин бу энг сўнгги воқеалар эмас: сармоядорлик усули ва иморати бутунлай бузилгунча, унинг тарафдорлари бутунлай йўқолгунча, ишчилар ҳукумати мустаҳкамланиб, инги хаёт биноси — социализм дунёси қурилгунча шу қурашининг давом қилмоги керак ва давом қилажак.

Мен сўзимнинг бошида шу гапларни, «ески дунёни бузамиз, янги дунё тузамиз», сўзи билан қисқартиб, сенга англатмоқчи бўлган эдим, аммо сен тушунмадинг. У гапларнинг мастилик асари ёки хаёл бўлмаганлигини, балки бир китоб, гапнинг хулласи ва қисқаси бўлганини энди тушунган бўлсанг керак.

Иваннинг бу содда ва очиқ гапларини ёлғиз Шоҳмирзагина эмас, бу ердагиларнинг ҳаммаси тушуниб, буқунги тўполонни таг-туғи билан англадилар ва Иванни:

Урра! Яшасин ишчилар ва Октябрь инқилоби, йўқ бўлсин сармоядорлик ва унинг тартиби!— деб олқишиладилар. Бу умумий шодликка ёлғиз Керенский зўрлигини даъво қилиб, бизнинг сиёсатчини ёлгончи қилган киши қўшилмасдан, ичидা:

«Ҳай, дариг, агар иш шундай бора берса бизнинг қўн заводимиз ҳам қўлдан кетади, десанг-чи»,— деб зорланмоқда эди.

Темир йўл депоси томонидан ҳайқириб устма-уст чалинган гудок садоси билан Иван яна бир коса сувни кўтариб, тўпнонchasини қўлга олиб, ўриидан иргиб турди-да, чойхонадан чиқиб, депога қараб югурди.



1918 йил Ўрта Осиё меҳнаткашлари учун жуда қаттиқ йил бўлди. Бу ўлкада 1917 йил ёғингарлик бўлмаган учун очлик ва қимматчилик бошланган эди, шу йилнинг охирида халқнинг захиралари битиб, қаҳатчилик юз берди. Бурчак-бурчакларда озмоз озиқ топилса, уни дарров бой ва ханнотлар олиб, ўз омборларига тиқар, сўнгра деярли жон бараварига қиммат парх билан очикдан ўлаётганларга бир парча нон берар эдилар.

Шу ҳол билан 1918 йил кирди, мамлакатда очлик қўрқинчи машъум қанотини ёйди, қишлоқлардан камбагал дехқонлар, мардикорлар, чўллардан уйсиз, жойсиз кўчманчилар корамол подасидек тўда-тўда бўлиб, овқат излаб шаҳарларга келар, улар йўл устида, ариқлар бўйида, сойлар тагида, қум тепалари остида ўлиб ётар эдилар. Бу фожиали манзара ёлғиз далалардагина бўлмасдан, шаҳар кўчаларида ҳам одат ҳукмига кирган эди. Кўклам яқинлашган сайни ўлканинг захираси тагин озая бориб, очлар ва очдан ўлаётгаинларнинг сонлари кўпаяр эди.

Бунинг устига, очлик ва қаҳатчиликнинг тўнгич боласи бўлган тиф (терлама касали) пайдо бўлиб, халқни иккинчи томондан қириб, тупроққа топшира берди.

Қўқон муҳториятининг бошлиғи Эргаш ва бошқа босмачиларнинг хуружи, дашинациянларнинг тартибсизликлари Ўрта Осиёning боқчаси санаалган Фарғонани бойғилхонага айлантирди.

Колесов воқеаси¹ баҳонаси билан бошланган амирнинг жаллодлиги у томондаги меҳнаткашларнинг бошларига бошқа бир бало бўлиб тушди.

Дуруст, Шўролар ҳукумати мустаҳкамланган ерларда бу фалокат селобининг олди бир оз олини: ҳар ерда очлик билан курашадиган қўмита ва жамиятлар тузилди, ҳукумат қўлидаги озиқлар кундаклик муайян норма билан халқ оммасига тақсимлана борди. Уйсиз, жойсиз очлар умумий ётоқхоналарга тўпланиб имкон борича едириб, кийинтирилдилар. Тиф касаллитининг олдини олмоқ учун тиббий ва бошқа чоралар кўрилди. Лекин бу ишлар шаҳарларда, юқорида айтилаганча, Шўролар ҳукумати нуфуз топган ерларда эди. Аммо бошиқа жойларда, айниқса, қишлоқларда одам болаларининг толен тақидирга ҳавола қилинган эди.

¹ Тарихда Колесов воқеаси 1918 йил Бухорода содир бўлган. Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг раиси Ф. И. Колесов (1881—1940) бошлиқ қизил гвардиячилар Ёш бухороликлар билан ҳамкорликда Бухоро амирлиги истибододига қарши кураш олиб бордилар. Бироқ кучлар тенг бўлмаганинги сабабли амирнинг қўли баланд келади. Қизил гвардиячилар билан Бухоро амирлиги ўтасида Қизилтепада сулҳ тузилади. Бироқ амир Олимхон яраш аҳдини бузиб, Ёш бухороликлар, Қизил гвардиячилар, барча тинч аҳолига қарши газоват-қирғиз эълон қиласиди. Колесов воқеаси номи билан аталган бу қирғинбартда (1918) минг-минг begunoxlarning қони тўкилади. (Ред.)

Бу ҳол 1918 йилининг буғдой ишиги вақтигача давом қилиб, ҳалқ қўлига ғалла кира бошлагач, оз-моз яхшиланана бошлиди. Лекин бу вақтда бутун Россия ва Ўрта Осиёда гражданлар уруши бошлиланган эди. Ташқаридаги сармоядорлар, ичкаридаги аксил-инқилобчиларга ёрдам бериб, бу кенг мамлакатнинг бошидан ёғини оч-ялангочона ва қассабхонага айлантирган эдилар. Ўрта Осиё Оренбург томонидан Россиядан ажралиб, бу ўлкадаги меҳнаткашлар ёлгиз ўз қувватлари билан босмачи, тиф, очлик ва бошқа қийинчиликлар билан қурашувга ва ҳар қандай қурбон бериб бўлса ҳам бу томонларда Шўролар ҳукуматини сақлаб қолувга мажбур бўлдилар. Шу паллада Ишқобод (Ашхобод) оқдари инглизлар ёрдамида Боку йўлини тўсиб, нефть ва лампа мой келишини тўхтатиб, ўз найзаларини Туркистон меҳнаткашлари ва Шўролар ҳукуматига ўқталиб, Чоржўй яқинигача ҳужум қилиб келдилар. Бунинг натижасида маҳаллий корхоналар ишдан тўхтади, нақлият бузилди. Туркистон ўлкаси афсоналарда хикоя қилинган зимистон ўлкасига айланди, темир йўл ўтини билан қимирланиб, қизил Туркистонни қўримоқ ишига қўшилмоққа мажбур бўлди.

Табний, бу ҳолининг таъсири билан бизнинг касал Одинанинг ҳоли илгаригисидан ёмонроқ бўлди, қимиз ичиш ва соғайиши бўлса, Гулбииининг висоли қаторига кириб бўлмагур бир хаёлга айланиб кетди. Хайриятки, Одина толенга Шоҳмирза бор эди, бўлмаса бу умумий фалокатнинг биричи қурбони Одина бўлар эди. Шоҳмирзанинг чойхонадан келадиган даромади илгаригидек эмас эди, иқтисодий аҳволнинг умумий таанглиги ўз таъсирини бу ерда ҳам қўрсатган эди. Лекин Шоҳмирза бу қийинчиликларга қарамасдан, тоған бир бурда нонини аввал Одинага егизар, докторнинг қўрсатувига мувофиқ, унинг тўшагини, кийим-кечагини тоза тутар эди. Айниқса, мамлакатда тиф касали пайдо бўлгач, доктор бу тўғрида қаттиқ таъкид қилиб, Шоҳмирзага:

— Касалингни жуда тоза тут, ҳушёр бўлки, бирон тиф бўлган кишининг бити унга ўтмасин, бўлмаса, дарров тиф бўлиб, аслида заиф ва кучсиз бўлган бадан бу касалликка чидаётмай, тез ҳалок бўлади,— деган эди.

Шоҳмирза докторнинг бутун гапларига ишонгани, унинг кашфарининг тўғрилигини бир неча йиллардан бери кўргани ва ҳам Одинани ўз түқсан қариндошидек асррагани учун докторнинг бўйруқларини иуқта-иуқта бажарар эди.

Бу табиблар соясида Одина тирик қолган бўлса ҳам жуда кучсиз ва заиф бўлиб қолган, бировга суюнмасдан юра олмас, туфлаганда балгамида қон нарчалари кўринар, баъзан оёқларининг юзи шишар эди. Бунинг устига, Одинани жуда ёмон сиқсан аҳвол — бир йилдан бери ўз маҳбубасидан, ўз онасидан хабаресизлиги ва уларнинг бошларига нималар келганини билмаслиги эди. Заифлик ва кучсизликдай бўғзига келган жони циқиш учун гўё ёлгиз ўз жононидан бирор хабар эшитувини кутиб турмоқда эди.

БУХОРО КЎҲИСТОНИ

Амирлар қўлига ўтгандан бери рўшинолик кўрмаган Бухоро Кўҳистони, айниқса, 1918 йилда жуда танглиқка тушган эди. 1917 йилдаги қургоқчилик у ерга ҳам қаҳатчилик ва очарчилик келтирган эди. Мамлакат ион билан тўлиб-тошиб ётган йилларда ҳам, иоп пули топмоқ учун Туркистонга муҳтож бўлган тоғ ялангочларининг бундай очарчилик йилида эҳтиёжлари бирга ўи ортган эди.

Лекин амир ҳукумати бу йил Туркистонга бориш-келиш йўлини боғлаб, бирор кишини чегарадан чиқмоққа ёки кирмоққа қўймас эди. «Халқ Туркистон билан бориш-келиш қилса, большевиклар ва Бухоро жадидларининг ташвиқотларига тушиб, менга қарши қўзғолон кўтарадилар», деб қўрқар эди. Айниқса, Колесов воқеасидан қейин амир ҳукуматининг бундай қисишлири ортди. Бунинг устига, амир бу йил инқилобга қарши ҳозирланиш учун ҳар йилдагидан ортиқроқ солиқ солди. Амир томонидан бу ерларда ҳукмронлик қиласидиган беклар бўлса, амир солган солиқни бир неча қатла орттириб олиб, амир хазинасига топшириладиган миқдордан ортганини ўз чўнтакларига тиқар эдилар. Бу одатдан ташқариси солиқларни бермаган ёки бера олмаган ким-саларни зинданга солар, «боғий» деб банд қилиб, Бухорога жўнатар эдилар.

Табиий, ҳокимнинг бу зулм-тааддийсига маҳаллий амалдорлар ва муллалар ёрдам берар ва йўл кўрсатар эдилар. Чунки фуқаро қўлидан чиқадиган нарсаларнинг бир қисми, ҳоким қўли орқали инъом-эҳсон ва садақа номлари билан уларнинг чўнтағига кирап эди.

Колесов воқеаси бошланганда, амир Кўҳистоннинг амалдор ва муллаларини Бухорога чақирган эди, бу воқеа тугалиб, Қизилтепа сулҳномасига қўл қўювдан кейин ҳам амир куч йиғиш ишини давом қилдириб, келажак учун тайёрланар, шу қаторда Кўҳистон халқини ҳам ёрдамга чақирган эди.

Албатта танҳохўрлар ва амалдорлар амирга ёрдам бермоққа тайёр эди. Аммо амир учун бугина оз эди. У ўз тоҷ-тахтини сақлов учун Кўҳистоннинг ҳар бир моддий ва маънавий кучидан, жонли ва жонсиз нарсаларидан фойдаланишини тилар эди. Амирнинг бу муродини ҳосил қилмоқ учун амалдорлар ва муллалар халқ орасида ташвиқот юргизар эдилар.

Бир томондан, буларнинг ташвиқлари, иккинчи томондан, ҳукуматнинг жабр-зулмлари бир қисм халқни амирга ёрдам бермоққа маъжбур қиласидиган бўлса ҳам, кўпчилик фақир ва камбагаллар бу ишга рози бўлмадилар, фурсат топилди дегунча, амир ва унинг ҳукуматига ёрдам беришдан қочар эдилар. Бу иш учун (амирга қарши ташвиқот юргизув учун) уларнинг қўлида ота-

бободан оғизма-оғиз эшитилиб келган тарихий ҳужжат ва санадлари¹ ҳам бор эди.

Биз бу түғрида бир неча асрлик воқеалардан кўз юмиб, ёлғиз манғит амирлари даврини ўқувчиларимизга эслатиб ўтамиз.

Бухоро ҳукумати Аштархонийлардан манғит қўлига ўтган найтда бутун Кўҳистон ўз бошига мустақил эди. У вақтларда Кўҳистон халқининг тирикчилиги ибтидоий равишда ҳукумат тартиблари оқсоқоллик бўлса ҳам дехқончилик ва чорвачилик билан кун кўрар эди.

Манғит сулоласининг бошлиғи бўлган Раҳимхон ўз ҳукуматини Бухорода мустаҳкамлаб, Кўҳистон томонига юриш қиласинида, унинг ҳисорликлар билан биринчи тўқиниши Пошхўрд қалъасининг яқинида, Тангдевон қалъасида бўлди (хижрий 1169 йил), Раҳимхон бу урушда ғолиб келгач, қўлга тушсан бутун эрқакларни ўлдириди, хотин-қизларни асир қилиб, Қаршига узатди ва бозорда жар чақиртириб, тилаган кишиларга уларни сотди. Бу урушда Раҳимхон қўлига кирган бошқа гапиматлар шу қадар кўп эдики, уларни сипоҳиларга бўлиб бермоқ учун олти кун вақт сарф бўлди.

Раҳимхон иккинчи сафарида Шеробод қалъасининг яқинида Кўҳистон қалъасидан ҳисорликлар ва Кўҳистоннинг бошқа озод халқлари билан учрашиди. Раҳимхон бу қалъани қўлга олгач, асир тушган эрқакларни сўйиб, бошларидан калла минора² ясадти, хотин-қизларини бўлса ўз сипоҳларига тақсимлаб берди (х. 1170).

Бу воқеанинг даҳшатини кўрган Кўҳистон халқининг колдиклари мол ва жонларини омон сақлов учун ўз ихтиёлари билан қалъаларини топшириб, Раҳимхонга итоат арз қилдилар. Кўҳистоннинг катта бекларидан бўлган Ҳисор ҳокими Мухаммад Аминбек бўлса Афғонистонга қочди.

Раҳимхон таслим бўлган аҳолидан йигирма минг уйли кишини Бухоро ва Миёнкол томонларига кўчирди, халқдан омон пули номи билан йигирма минг тилла нақд пул, уч минг бош от, беш юз туяга ортилган қимматбаҳо молларни йигиб олди. Ҳар бир шаҳарга ўз томонидан ҳоким белгилаб, бу ҳокимларни қўримоқ учун илгор қўйди. Бу қаторда маҳаллий беклардан ўзига ёрдам берган Ғулжабекнинг ўғли Саримсоқбекни Душанба шаҳрига ҳоким белгилади.

Раҳимхон халқни бутун талаб, бўйинларига қуллик занжирини солгандан кейин Бухорога қайтиб кетди. Унинг беклари халққа ўзидан ҳам ортиқроқ зулм қила бошладилар. Халқ мунча зулм, ҳақсизликларга чидаёлмай, иккинчи йил қўзғолон кўтариб, «Чўрзак» қалъасини мустаҳкамлаб, шу ерга сифиндишлар. Раҳимхон навқарлари у ерга ҳужум қиласигач, у ердан кўчиб Сина қалъасига, ундан «Даран Ниҳон»га бориб, умумий қўзғолон учун тайёр-

¹. Санад — расмий ҳужжат, исбот, далил.

² Калла минора — кесилган бошларни минора шаклида устма-уст теришдан бино бўлган минорадир. (А.)

лик кўра бошладилар. Қўзғолончилар етарли куч тўплагандан кейин 1171 йил рамазон ойида Денов қалъасига юриш қилиб, щаҳарни Раҳимхон одамлари қўлидан олдилар. Раҳимхон кишилари Деновнинг Арк қалъасига — ички қалъага қамалдилар.

Юқори Ҳисорда бўлган Раҳимхон илгори бошқа томонлардаги илгорлар билан биргалашиб. Денов шаҳрини қамал қилдилар. Шундай бўлиб, қўзғолончилар икки жабха — фронтда: бир томондан, Аркка қарши хужум билан, иккинчи томондан, шаҳар ташқарисига қараб мудофаа билан урушар эдилар. Бу уруши кирқ кунга чўзилиб, оқибат Раҳимхоннинг ўзи етиб келгач, шаҳар олиниди.

Раҳимхон қўзғолончилар бошлиги бўлган Омон Боқини қозиқка ўтказиб ўлдириди. Қўлга тушган бошқа аҳолини қўйдек сўйидириб, кесилган бошларидан Денов дарвозасининг қаршисида бўлган Тепа устида калла минора тиклади. Сўнгра Сарийўй, Регар, Душанба ва бошқа шаҳарларга қирғин солиб, у ерларда кесилган бошларни ҳам Деновга юбориб, бояги калла минора устига замлади.

Ҳисор халқининг ёрдамига борган тўрт юз нафар Хўжанд ва Ўратена халқи «Дараи Ниҳон»да Раҳимхон одамлари қўлига тушиб ўлдирилиб, уларнинг боши ҳам Денов калла минораси устига чиқарилди.

Шундай фожиали ҳоллар ёлгиз Ҳисор ва унинг теварагида юз бермай, Панжақент, Ёрий, Киштут, Урметан, Могиён, Фароб ва Фалгар ҳам шундай даҳшат ва ваҳшат билан Раҳимхоннинг қўлига кирган эди (х. 1166)¹.

Раҳимхондан кейин амир Дониёл даврида ҳам Қўҳистон халқининг косасига сузилган ош шу эди. Қўҳистон халқи озодлик истайди, ўз меҳнати самарасига ўзи эга бўлмоқни тилайди. Дониёл бўлса уларни кул қилув ва бор-йўқларини қўлларидан тортиб олмоқни хоҳлайди. Яна ўша қўзғолон, яна ўша хужум, яна ўша қирғин, яна ўша калла минора...

Амир Шоҳмурод, Ҳайдар Ботурхон (Насрулло) ва Музaffer даврларида ҳам шундай можаролар тақрорланади.

Айниқса, амир Музaffer давридаги фожиалар Раҳимхон аҳдидағиларни қайта бошдан тиргазади:² бир даста рус яроқлари

¹. Бу бобда нақл қилинган шу тарихий фожиалар Раҳимхоннинг бўйруги билан карминалик қози Зухайр ўғли қози Мухаммад Вафо (Шуҳрат) томонидан ўз қўзи билан кўриб ёзилган «Тўхфан хонитӣ» номли китобдан хулоса қилиниб олиниди.

² Бу икки «қаҳрамон» (Раҳимхон ва Музaffer)нинг тарихий жиҳатдан бир-бириларига ажойиб бир ўхшашликлари бор. Раҳимхон Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Ўрта Осиёда бир мунтазам ҳукумат ясаб, дарабеклик даврларида бузумлган савдо йўлларини олиш вазифасини бўйнига олган Нодиршоҳ яроғи билан яроқланиб Ўрта Осиёдаги Тепа бегиларни йўқотувуга киришган бўлса, шу хилда амир Музaffer ҳам рус сармояси учун ўлкани амният остига олиш вазифасини чор Россиядан ўз устига олган эди. Амир Музaffer Россия билан ярашиб, унинг химоясига киргандан кейин унинг яроғи билан. Қўҳистонни тасарруф қилди. (А.)

билин яроқланган сарбоз Ёқуб қүшбеги қўл остида Кўҳистоннинг бутун сой ва тогларини айланаб, халқнинг бор-йўғини «омон пули» оти билан талаб олади.¹

Денов шаҳри амир Музаффарнинг ўз қўл остидаги қўшин билан олингандан кейин қўлга тушган аҳолининг барисини асир, деб бир теса устига тўплаб қўйди. «Тожут-таворих» таъбирича, ҳўқиздек бош кесди.

Абдулаҳад ва Олимхон даврида бўлса Кўҳистон аҳолисида бош қўтара оларли куч қолмаган эди. Халқнинг мол-ашё, болача, ору номуси амир ва унинг беклари оёғи остида эзилди...

Амир Олим ўзишининг зулм ва истибодд қасрини яна ўз оёғи остида қолиб эзилган халқ қўли билан сақламоқчи эди. Қонларини тўкиш воситаси билан қўлга киргизилган аҳолини тағин ўз жаллодлиги йўлида ишлатувни тилар эди.

Ўз манфаатлари амир манфаати билан бир бўлган кишилар (амалдорлар, эшонлар, муллалар ва савдогарлар) албатта унга ёрдам берар ва халқни ҳам унга ёрдам беришга чақирап эдилар.

Аммо халқ оммаси амир ва унинг ювиндихўрлари билан муносабати бўлмаган кишилар, унга ёрдам беришни сира истамас эдилар.

Амир беклари халқнинг рози, норозилигига қарамасдан, оғир солиқлар солиб ундириб олдилар, амалдорлар ва навкарларни амирга ёрдам учун Бухорога юбордилар, улар қаторида зинданда қамалиб ётган бандиларни ҳам узатдилар.²

Бухорода бўлса Кўҳистондан келган амалдорларни подшолик боғларида ерлаштириб, боқиб, семиртириб сақладиляр, бандиларни ўғрилардан тузилган «шербачча»лар қўлига топширдилар.

XXIV

НОТАНИШ КИШИ

Одина ўз каравотида офтобда ярим уйқу ҳолатида чўзилиб ётган ва Шоҳмирза келган-кетгандарга чой, чилим бериб юарар эди; чойхона олдида нотаниш бир киши пайдо бўлиб, чорпоя лабида, Одина каравотига яқин бир ерда оёгини осилтириб ўтириб Шоҳмирзадан бир чойнак кўк чой сўради.

Бу кишининг афти баҳараси тог тожигига ўхшаса ҳам, бошидаги узун қўзи терисидан кавказча телпаги, эгнидаги Бухоро сарбозлари кийимига ўхшаган йиртиқ кулучаси, оёғидаги қизил мешдан тикилган кенг ва йиртиқ шалвари, баланд пошнали эски уфайка этиги тог тожиклари кийимига ўхшамас эди.

¹ Бўстонли Мирза — Азим сомийнинг «Тўҳфаси шоҳий» деган китобидан.

² Колесов воқеасидан кейин амир ҳамма бандиларни аскар қилиб, тахтни ўшалар қўли билан сақламоқчи бўлган эди. Кўҳистон зинданларидағи бандилар ҳам шу мақсад билан Бухорога узатилган эди. (А.)

Шундай бўлса ҳам Шоҳмирза бу одамни тоҷик гумон қилди, чунки у одамнинг чой буюргандаги иккى қалима ўзбекча сўзи, худди тог тоҷикларининг ўзбекча сўзлаганлариdek хатоли бўлиб, унинг афти башарасига мос келар эди.

Шоҳмирза ўз гумонининг тўғри ё нотўғрилиғини синамоқчи бўлиб, у одам билан Одина орасида ўлтириб, олиб келтирган чойини ўзи қуя бошлади. Аввал бир пиёла қўйиб ўзи пиди, кейин пиёланни яримдан ортиқроқ қўйиб у одамга узатди.

— Мехмон! Сўрамоқ айб эмас, сен қаердан бўласан? — деди.

— Қаратегиндан.

Нотаниш одам томонидан берилган бу жавоб Шоҳмирзага ўзи қилиган тахминдан ортиқ бир нарсани англатган бўлмаса ҳам, хаёлга ботиб ётган Одинани сескантирди ва бирдан бошини ёстиқдан кўтариб, тирсагига суюниб, у одамга тез-тез бир-икки қаради: кўзига таниши кўринди. Аммо қаерда ва қачон қўрганини эслалётмади! Эсини бошига тўплаб бу одам тўғрисида тузукроқ ўйтамоқчи бўлса ҳам, орқада келган «Қоратегин» сўзи унинг фикрини бошқа ёқларга тортар эди. Бу сўз энитилиши билан Одинанинг кўзига ёшлик қуилари, аччиқ-чучук хотиралари бир-бир кўриниб ўтар эди, бу хотиралар орасида ҳаммадан кўпроқ Одинанинг ўзига тортган, албатта, Гулбibi хотираси эди.

Қаратегин... бу қандай харобайи зулмобод эдики, унинг арбоб камоллари шумлигидан, унинг камбағаллар учун зиндон бўлганидан, Одина ўз севгилисидан абадий айрилган эди.

Ҳақиқатда ҳам Одина бу қуиларда ўзини севгилисидан абадий айрилган санар эди, чунки бу қуиларда унинг касали жуда зўрайиб, ундан қутулиб, севгилисига қовушиш умиди батамом сўнган эди. Одинада қолган сўнгги орзу у тириклигда ўз ёри, днёри тўғрисида биргина хабар эшилса, агар яхши хабар бўлса, унинг лаззати билан, агар ёмон бўлса, унинг алами билан жон берса.

Бу орзуга етишув умидида яна эсини бошига тўплаб, қоратегинлик нотаниш қишининг сўзларига диққат билан қулоқ сола бошлади.

— Бу шаҳарга янги келганга ўхшайсан? — деб сўраган Шоҳмирзага у одам:

— Бир ой бундан бурун,— деб жавоб берди.

— Қаратегиндан қачон чиқкан эдинг?

— Тахминан бундан тўрт ой бурун.

— Фарғона билан келдингми?

— Йўқ, Фарғона йўли берк. Қоратегин ҳукмдорлари бирор қишини Фарғона томонига қўймайдилар.

— Бўлмаса сен қандай ва қайси йўл билан буёқقا чиқиб келдинг?

— Мен,— деди нотаниш қиши,— аввал Қоратегиндан Бухорога келдим, тўғриси, мени Бухорога келтирдилар, бир неча вақт ёқларда юргандан кейин бу ерга келдим.

— Биз ҳам,— деди Шоҳмирза ўзи Одинага ишора қилиб,— тоҷикмиз, шунинг учун сени аҳволингни тузукроқ билмоқчи

бўлдим. Бундай қилиб сўрай бошлаганимдан хафа бўлмагайсан.

— Мен ҳам сизнинг тоҷиклигингизни биламан, бу шаҳарга келганимдан кейин: «Бу ерда тоҷик борми, йўқми?» деб сўраганимда сенинг дўйонингни дарак бердилар. Сенлар билан танишайлик, деб бу ерга келган эдим.

— Хўш келибсан,— деди Шоҳмирза,— ўз аҳволингдан гапир, қани сени нима учун ва кимлар Бухорога келтирган эдилар?

Нотаниш қиши совиб қолган чойини бир ҳўплаб:

— Мен Қоратегин зинданида қамоқда эдим,— деб саргузаштими гапирмоққа киришди.

— Бу йил амир,— деди у қиши,— бандиларни ҳам навкарлар қаторида Бухорога чақирган эди, ҳоким мени ҳам бошқа қамоқдагилар қаторида Бухорога узатди. Бизни у ерда ўғрилардан тузилган шербачча номли дастага киргиздилар. Бу дастанинг баъзи бирлари мендек тухмат билан қамоққа тушганлардан бўлса ҳам кўпчилиги чинакам атоқли каллакесар ўғрилардан эди.

Шоҳмирза совиёзган, у қишининг олдига қўйилган бир ниёла чойга бир оз иссиқ чой қўйиб, тезроқ ичишини сўрагандан кейин:

— Сизга қандай хизмат топширилган эди?— деб сўради.

У қиши ярим совиган чойини ичиб:

— Биз,— деди,— бир неча вақт Бухоро ва унинг атрофида соқчиллик қилдик.

— Нимани ва кимдан қўрир эдингиз?

— Унисини ўзим ҳам билмайман, лекин менга маълум бўлгани шуки, бизнинг соқчилигимииздан ҳалқ додга келди. Бизнинг дастадагилар қайси қишлоққа борсалар, у ердаги чиройли болалар ва хотин-қизларни йиғиб базм қиласар, фуқаро молини очиқдан-очиқ талар, деҳқонларнинг етилган экиниларига отларини қўйиб боқар эдилар. Шундай ишларга норозилик билдирган ёки ёмон кўз билан қараганларни, «большевик ёки жадид», деб қўл-оёғини бояглаб, Бухорога жўнатар эдилар. Шу йўл билан Бухорога жўнатилганлар, агар унда кўп пул харжлай олсалар, яъни тузуккина пора бера олсалар қутулар, бўлмаса, Бухоро обхонасида бўғиб ўлдирилиб, мурдалари ўғлон дарвозасидаги кўлга ташланар эди.

— Бу ҳолга қарши гапирадиган биронта одам йўқми?

— Бор .ва бор эдилар, фақат қарши чиққанларни, ҳатто очиқдан-очиқ қарши чиқмаса ҳам қаршилиги сезилганларни тўдаттуда қилиб ўлдиридилар. Колесов воқеаси қунларида шундай одамларни ўнлаб-юзлаб ўлдиридилар. Шундай ўлдирилганларнинг сяякларини ўз қўзим билан қўрдим,— деди нотаниш одам қути учиб.

— Қандай, қаерда қўрдинг?— деб сўради Шоҳмирза.

— Бир кун,— деди у қиши,— дастамиздаги бир шеригим билан Қизилтепа станцияси теварагида кезиб юрадик, йўлимиз у ердаги ўт тушган нахта заводи устидан тушиб, ундан бир чуқур ичидаги ҳали жасади у қадар ўзгармаган бир тўда ўликларни қўрдим. Уларнинг кўз ва қулоқларини қаргалар чўқимоқда эдилар.

— Булар урушда шаҳид бўлганлари бўлса керак, нима учун буларни бирор ерга кўмиб, бошларига тут кўтартмаганлар? — деб сўрадим.

— Булар шаҳид-маҳид эмаслар,— деди йўлдошим,— булар рус ишчилари билан шу заводда ишлайдиган мусулмон ишчилар эди. Бу завод Бухоро жадидларининг бирисиники эди. Колесов урушда шикаст еб, большевик ва жадидлар қочганида бу ердаги рус ишчилари ҳам бир состав поездни тузатиб, темир йўли билан қочганлар. Аммо мусулмон ишчиларини ўзлари билан бирга қочишга унданганда, улар:

— Йўқ, биз қочмаймиз, биз ислом подшоси ҳимоясида қоламиз,— деб рад қилганлар.

Ўша вақт биз шу заводни қўйдириш ва бу ердагиларни ўлдириш тўғрисида Бухородан буйруқ олиб етиб келдик. Ҳаммадан бурун биз шу ишчиларни ўлдиришга кирищдик, улар:

— Бизни нима учун ўлдирасиз, биз мусулмонмиз, рус ишчилари билан бирга қочмай ислом подшоси паноҳида қолишини аъло кўрдик. Бизнинг гуноҳимиз шу, қўшилмаган ислом подшосининг ҳимоятини кўриб руслар билан бирга қочмаган мусулмон фақирларининг жазоси шуми, деб ялинар эдилар. Улар ўзлари алданган шу сўзлар билан бизни ҳам алдамоқчи эди. Лекин биз алданмадик, чунки Россияда қўзғалиб, императори аъзамни бекор қилган ишчилар эканини, Бухоро жадиди ва большевикларига ёрдам бериб, амирга тиф торган яна шу ишчилар эканини биз яхши билар эдик. Дуруст, бу заводдаги мусулмон ишчиларни ўрушга қўшилмаганлар. Лекин буларнинг ҳамиша шундай туришларига ким кафил бўла олар эди? Шунинг учун уларни ер юзидан йўқотмоқ керак эди. Уларни қўз юмид очгунча тиф дамидан ўтказиб, гавдаларини заводнинг сув омбори бўлган шу чуқурга ташладик. Сўнгра заводдаги қимматли нарсаларни ўлжа қилиб, иморатларига ўт қўйиб, кулини кўкка совурдик. У вақтда бу чуқур сув билан тўла бўлгани учун бу гавдалар ёнмай қолганлар. Когон қочоқлари бу ердан ўтаётгандা бу чуқурнинг сувини ичиб битказган, бу гавдалар юзага чиқиб, қарга-кузгуналарга ем бўлган.

Шоҳмира:

— Йўлдошингнинг бу гапларига қарши ҳеч нима демадингми? — деб сўради нотаниш кишидан.

— Нима дея олар эдим, ҳатто қарши бирор нарса дейишимни сезса, даста бошлиғига хабар бериб, мени ўлдиритириши аниқ эди. Ёлғиз шундай гуноҳсизларни шундай ваҳшийлик билан ўлдиришларига қарши ичимдан қон йигладим.

Одина бу фожиани эшитганда азоб ва интиқом ўти билан кўзи маşaълдек ёнар эди, чўпдек қуриган қўлларини ўйнатиб:

— Ўртоқ,— деди,— у ердаги ишчилар дарҳақиқат гуноҳкор эканлар. Уларнинг зўр гуноҳлари шуки, ҳалқни алдаш, ўз душманларини йўқотиши, камбағалларининг қўзларига қум сепиб, ўз чўнтакларини тўлдириш учун амир ва унинг думларига ислом, дин, миллат, ватан отининг қурол бўлганини билмаганлар. Агар тарқоқ яшайдиган камбағаллар ва қишлоқ меҳнаткашлари буни

билмасалар айб эмас эди. Аммо бир ишхонада тўпланиб ишлайдиган ишчилар ўз синфий душманларининг найрангларини билмақлари керак эди: чунки ундаи ерларда билувчилик топилади, мусулмонлардан топилмаса, руслардан топилади, албатта у билувчилик, хон ва бекларниң диндорликлари халқнинг қўзини бўёв учун бўлганлигини, сармоядорларининг миллатнарастликларидан мақсад, миллий сармоя тўплаш номи остида фақирларининг қўл кучидан фойдаланиб, ўз чўнтақларини қапнайтириш эканини, умуман, дин, миллат ҳамда ватан номлари юқори табақалар қўлида халқнинг тубан табақаларининг қонини сўрмоқ учун қурол бўлганини билловчиларга тушунтиради. Шундай бўла туриб, «диндошим, миллатдошим», деб ўзини қассоб қўлига топширилган қўйдек, одамхўр душманларга топшириши гуноҳи азим эмасми?

Дуруст, булар энди ўтмишдаги гуноҳ ва жазодир, лекин агар биз булардан иборат олсак, бундан буён дўстимиз ким, душманимиз ким эканлигини билсак, меҳнаткашларнинг қутулишлари дин ва миллат айримасига қарамасдан хон, бек, сармоя ва сарват¹ аҳлига қарши биргалашиб қўзғалишда эканини тушунсак, синфий душманга ишониш-ўзини алдаш бўлганини фаҳмласак, ўз ҳақимизни ва қасбдошларимизнинг қонини талаб қилишга тайёр турсак, у ҳақсиз тўкилган қонлар бўшга кетмаслар.

Шоҳмирза Одинага қараб:

— Хайр, қўй энди,— деди,— ўзингни қўп койитма, ўзинг айтгандек, улар ўтмишдаги нарсалар. Ажаб эмас бизнинг камбағаллар ҳам бу ҳодисалардан ибрат олиб, келажакда ишларини билиб қиласлар. Ҳозир ҳикояни эшитайлик.

— Хўп, эшитайлик,— деб Одина нотаниш кишига қаради.

— Улар тўғрисида эшитадиган бир нарса қолмади,— деди у киши.

— Сен Қизилтепадан тўғри Тошкентга қараб кела бердингми?— деди Шоҳмирза.

— Йўқ! Яна бор,— дея у киши сўзга киришди:

— Сўнгра,— деди,— бизнинг дастани Ёвқочди тўқсона деган бир саркарданинг қўли остида Карманага юбордилар. Эшитувимга қараганда, Ёвқочди тўқсона европалик фоҳишалардан олиб, то маҳаллий қаландар баччаларгача амирга топиб берадиган бир қўшмачи одам экан. Кармана чегарага яқин бўлиб, большевиклик ташвиқоти дарвозаси бўлгани учун амир ўзининг кўрпа кўтардисини ва синалган одами бўлган Ёвқочдисини у ерга юборган экан.

Карманага келганимиздан кейин дастамиз ўз талончилигини белгили бир тартибга солди: бу даста ҳар кун майдага гурухларга бўлиниб, Самарқанд йўлини қузатиш ва Малик чўлини қўримоқ учун қидиришга чиқади, учраган йўлчиларни қўлга олади, «сен большевик, сен жадид», деб бор-йўгини талагандан кейин қўйиб юборади, норозилик қилганларни ўлдиради ёки қўл-оёқларини

¹ Сарват — мулкдор.

боғлаб, Карманага, Ёвқочди олдига юборади. Ёвқочди, агар лозим топса, бундай бандиларни Бухорога жўнатади ёки бир неча кун қамаб таъзир бергандан кейин кўпгина пора олиб, мўътабар одамлар кафил бўлуви билан кўйиб юборади.

Даста нафарлари ё гуруҳлари қўлидан: «мени таладилар», деб келиб, Ёвқочдига арз қиласидан баъзи соддадиллар ҳам учрар эди. Ёвқочди шундай кишиларга:

— Менинг одамларим сени талаганини ким кўрган, сен, большевик, жаноби олийнинг фидокор қулларини бадном қилмоқчисан, йўқол кўзимдан, бўлмаса ҳозир банди қилиб Бухорога жўната-ман,— деб қувар эди.

Мен бундай воқеаларнинг ҳеч бирини кўрувга тоқат қила олмас, бу жаллодлар орасидан қочиб қутулишни тилар, аммо қаерга ва қандай қочишни билмасдим. Албатта, ўз ватанинга боролмас эдим, чунки йўлда қўлга тушмасам ҳам у ерда қўлга олинниб яна қамалишим аниқ эди. Самарқанд ва Тошкент томонларига ҳам қочиб чиқишга ботирлик қила олмас эдим, чунки: «Бухоро томонидан уёққа борганларни большевиклар ўлдирар, у ерлардаги халқнинг ўзи ҳам большевиклар қўлидан додга келган», деб бизни қўрқитар эдилар. Большеевиклар қўлидан қочиб, Бухорога бораётган бой ва муллалар ҳам амир одамларининг шундай иғволарини ўн чандон ортириб тасдиқ қиласидилар. Бухоро қочоқларидан гап очилиб қолса: «У муртадлар тупроққа айланиб кетди, энди у коғирлардан дунёда асар ҳам қолмаган» дер эдилар.

Бир кун Каттақўргон томонидан бир кишини банди қилиб олиб келдилар. Ёвқочди у одамга деди:

— Э, муртад, энди хорлик-зорлик билан итдек ўлдириласан. Агар Бухоро қочоқларининг нима қилиб юрганлари, жаноби олийга қарши қандай тайёрлик қўраётганликлари, рус большевиклари билан қандай муносабатда эканликларини рости билан айтсанг, жаноби олийга арз қилиб, сенинг қонингни багищлатмом гим мумкинdir.

— Мени алдайман, деб бекорга овора бўлма,— деди мазкур банди,— мен сендеқ номуссиз ёлғончилар сўзига ишонадиган аҳмоқлардан эмасман. Мен ўлимдан қўрқмайман. Биз амирга қарши қўзғалгандан ўлимни бўйнимизга олган эдик. Мен қўлга тушгандан кейин тирик қолмаслигимни яхши биламан. Лекин менинг ўлимимдан сенга ва амирга ҳеч бир фойда йўқдигини билиб қўй, ёлғиз менгина эмас, бутун Бухоро қочоқлари ўлдирилсалар ҳам сиз қутула олмайсиз... Бизнинг орқамиздан келадиганлар сизни даф қилиб, дунёни мурод вужудингииздан аритажақлар.

Ёвқочди бу аччиқ ва очиқ сўзларни эшитиб, кўзлари қўйни кўрган бўри кўзицек ғазабдан ёнди ва бу одобсизни ўлдириб, мурдасини ўтда куйдиришиб тилар эди. Лекин кўп машақватлар билан қўлга киргизилган бу овни тириклайн амирга тортиқ қилишни муносаб кўриб, қулоқ-чаккасига бир-икки шапалоқ урдириш билан ўз ғазабини бир оз пасайтирди ва уни тез юрувчи чопарлар билан Бухорога, амир хузурига узатди.

— Амир у бандини умрли қамоққа ҳукм қилгандир? — деб сўради Шоҳмирза.

— Йўқ,— деди у киши,— амир у бандини Старомахосса чорбогида ўз кўзи олдида қилич билан чонтириб, қийма-қийма қилдирган.

— У бандининг ўзи ким экан?

— Кейинчалик у кишининг Бухоро қочоқларидан Мирза Усмон деган бир киши эканлиги, уни каттақўргонлик аксилиниклибчи алдаб, Тошкентдан Каттақўргонга келтириб, Бухоро чегараси яқинлигида амир «шербаччалари» (ўғрилари) қўлига тошириб, Ёвқочдига юборганинги маълум бўлди.

Нотаниш киши ўз саргузаштини давом қилиб:

— Мен,— деди,— бу ҳодисадан Туркистонда Бухоро қочоқлари жим турмасдан, амирга ва бу қадар ҳақизилкларга қарши ҳозирлик кўраётганинги англаб, шу томонга қочишини муқаррар қилдим. Ҳамда бир кун тонг қоронғиси билан Кармана шахридан станцияга қочиб, у ердаги Темир йўл ишчиларига ўз мақсадимни айтдим ва уларнинг ёрдами билан вагонга яшириниб, бу ерга келдим.

— Бу гайрирасмий кийимларни қочиши учун кийгандирсан-а? — деб сўради Шоҳмирза.

— Йўқ,— деб жавоб берди нотаниш киши,— бошимдаги бу кийимлар «шербачча» лигимдан қолган нишонадир.

Одина сўзни Қоратегин устига бурмоқчи бўлиб:

— Қоратегинда қандай гуноҳ билан қамалган эдинг? — деб сўради.

— Бу воқеа жуда қизиқ,— деди у киши,— ўтган йил мен тожик ишчилари билан Фарғонада Қоратегинга бораётганинда чегарада хуржунимдан чой ўралган эски бир газета чиққани учун амир одамлари мени жадид деб...

Нотаниш киши сўзини битирмасдан Одина бўйини тиклаб, у одамга диққат билан қаради-да, бирдан:

— Вой, сен Шариф эмасмисан? — деб бақири.

Нотаниш киши сухбатдошининг бу ногаҳоний кашфиётидан ҳайратда қолиб, диққат билан унга бир қаради ва унинг сўрогоига жавоб бериш ўрнига, ўз навбатида:

— Вой! Сен Одина эмасмисан? — деб сўради.

Бу бир-бировига нотаниш бўлган икки эски ошина ўз сўроқлалига жавоб олиш ўрнида жойларидан туриб, қучоқлашиб кўришдилар.

XXV

ШАРИФ

Бу манзара жуда қизиқ эди. Бундан икки дақиқа бурун бирор хабар эшиитмак учун нотаниш кишини тадбир билан ўз матлаби устига келтиришга уринган Одина, ҳозир куттилмаган вақтда у киши билан эски ошина бўлиб чиқди, энди у ҳар бир хабарни тўғришди.

ридан-тўгри бу кишидан сўрай олар ва ҳеч мулоҳазасиз унга ўз саргузаштини ганира билар эди.

Ҳаммадан қизиги Шоҳмирзанинг вазияти эди: у бундан бир соат бурун бу кишининг Одинани танимаслигини ўз кўзи билан кўрган, Одинанинг ҳам бу кишини танимаслигини фаҳмлаган эди. Ҳозир нечук бу нотаниш киши дафъатан бир-бировларини от ва белгилари билан биладиган икки қалин ошна бўлиб чиқдилар. Бу қизиқ манзара Шоҳмирзани таажжубга солганди, у муаммомининг яширин сирларини тезлик билан англовга ҳавасланди.

Лекин Одина йўл бермади:

— Шариф ака бизнинг азиз меҳмонимизdir, агар бемалол бўлса, таом тайёр қilsанг яхши бўлар эди,— деб Шоҳмирзани сұхбатдан четлатди.

Шоҳмирза:

— Дарров,— деб ўрнидан тургани ҳолда,— нима овқат қилий?— деб сўради Одинадан.

— Палов қilsанг, яхши бўлар эди, мен ҳам Шариф аканинг қадамини ўзим учун муборак санаб, букун парҳезимни очар ва сенлар билан бирга палов ердим,— деди Одина.

Ҳақиқатан ҳам бу вақт Одина согайган каби эди. Қутилмаган соатда Шарифдек эски ошнасини топиши уни одатдан ташқари қувонтириб, соглардек руҳлантирган эди. Шунинг учун парҳезни очишга ҳақи бор эди.

— Икки қозонимиз бор,— деди Шоҳмирза,— бирисида палов дамласам, иккинчисида сенга товуқ шўрва пишираман, бутунлай согайиб, доктор ижозат бергунча парҳезни бузмаслигинг маслаҳат.

— Раҳмат,— деди Шариф,— мен учун ташвиш чекма, қўшхонамида тайёр ошимиз бор; кишининг соғлиғи керак, ош ейиш қочмайди.

— Чойхона ҳаётига одатланган одамга ош дамлашнинг ҳеч бир ташвиши йўқ. Фаровончилик замонларида кунда ўн дафъагача ош дамлар эдим, энди бир дафъа ош дамлаш малол келадими? Ўзим ҳам жуда очиқсанман.

Шоҳмирза бўшаган чойнакка қайтадан чой дамлаб қелтириб, Одина билан Шариф олдига қўйиб, ўзи қозон-товоқ бошига кетди. Одина билан Шариф чойни орага олиб, қайта бошдан икковлаб сұхбатга киришдилар.

Одина Шарифни ўзининг кейинги саргузаштидан қисқача ҳабардор қилганидан кейин, деди:

— Бир йилдан ортиқроқ бўлди. Шундан бери бувим ва қайтигим аҳволидан бехабарман, улар ҳақида бирон нарса эшитган бўлсанг, менга айтиб, ташвищдан чиқарсанг-чи!

— Мени чегарадан банди қилиб...— деб Шариф ҳикоя бошланда Одина асабийлик билан унинг сўзини кесиб деди:

— Сенинг банди бўлганингни ўз кўзим билан кўрганман. Ундан сўнг бошингдан нималар ўтганини кейин айтиб берарсан, қозирча менинг уйим тўгрисида бирон хабар бер, дейман.

— Сенинг уйингдан унча хабарим йўқ, банди бўлиб Қора-

тегинга...— деб Шариф сўзни яна ўз саргузаштига бурмоқчи бўлган эди, лекин, «унча хабарим йўқ», жумласи Одинани шубҳага тушириб, Шариф учун қочиш йўлини тўсди:

— «Унча хабаринг йўқ», демак, фэгина хабаринг бор,— деб Одина яна унинг сўзини кесди,— ўша озгина хабарни хоҳ яхшидир, хоҳ ёмон менга айтиб, мени ташвишдан қутқар,— деб уни сиқа бошлади.

Шариф учун айтилмайдиган нарсаларни айтишдан бошқа чора қолмаган эди, лекин айтилажак хабарларни кейинроқ ҳам енгилроқ қилиб айтиш йўлини ахтарар эди.

— Сабр қилиб, сенинг уйингга даҳли ганлар жуда оз, у ҳам менинг саргузаштимга боғлиқдир, чунки мен зиндондан бошқа жойни кўрган эмасман, зиндондаги ўз саргузаштими айтмасдан унинг ичидан сенга даҳли хабарни нечук ажратиб айтаман,— деб Шариф яна ўз саргузаштини айтишга киришди:

— Мени,— деди,— чегарадан банди қилиб Қоратегин қўргонига келтиргандаридан кейин кийимларимни ечиб, ўзимни бир учага қамадилар. Бир оз фурсатдан кейин мирғазаб бир неча одамлари билан бирга менинг олдимга кирди, отимни, отамнинг отини, Фарғонада неча вақт бўлиб, қандай ишлар қилганимни бирма-бир сўради, сўроқларига рўйирост, тўғрилик билан жавоб бердим. Энг охирида: «Сен жадидликни кимдан ўргандинг?»— деб сўради. «Мен жадид-мадидни билмайман»,— дедим. Мирғазаб орқа томонда бошим устида тик турган икки одамига ишорат қилди, уларнинг иккovi икки юзимга бирдан икки шапалоқ қўндирилдилар. Бурним тирқираб қонаб кетди, кўзим ёшлианди, бошимдан ҳушим учди, қулоқларим жаранглаб кетди, ўзим юзтубан йиқилдим. Бир-икки одам дарров елкамдан тутиб турғизиб, мирғазаб рўбарўсига чўккалатиб ўтқазиб, ушлаб турдилар. Мирғазаб: «Ҳали сен бошланғичини қўрдинг, бу хамир учидан патирдир. Тез бўл, энди ростини айт, ёш бошингни ғазабдан қутқар»,— деди.

«Билмаганим бир нарса тўғрисида нима дея оламан, ҳар бало бошимга келса толеимдан кўриб, сабр қилишдан бошқа чoram йўқ», деганимда мирғазаб ўз одамларидан бирига:

— Таёқни келтир,— деди.

— Хўп, тақсир, хозир!— деб у одам югуриб кетди-да, бир нафасда бир ярим газлик қирқ-эллик дона иргай таёқ келтириб ташлади.

— Айт! Бўлмаса шу таёқлар остида, ошпишоқ тагида қиймаланган гўштдек титилиб ўларсан!— деди мирғазаб.

— Нимани айтай?

— Жадидлик тўғрисида билган нарсангни.

— Боя ҳеч нарса бўлмайман, дедим-ку.

Мирғазаб ғазабланиб:

— Гапиришга ҳушинг келмайди, ҳали дамнинг бор, ҳали,— деди-да, одамларига қараб:

— Босинг бу муртадни!— деб буюрди.

Улар мени юзимни ерга қилиб босдилар, бири бўйнимга миниб бошимни, бошқа бириси сонимга миниб, оёқларимни босиб

турдилар. Ҳалиги таёқлардан бир донадан олиб, икки киши икки томонимда турди. Миргазаб:

— Ур! — дегач, улар «пахта савар» қилиб ура бердилар.

Бир неча дафъя урганларидан кейин миргазаб:

— Қўйинг, энди ишакдай юмшаган бўлса керак, — деди.

Улар мени тағин турғизиб ўтиртиromoқчи бўлдилар, лекин ўтиришга маъжолим йўқ эди.

— Қалайсан? — деб миргазаб қулиб мендан ҳол сўради, — биргина таёқ синмай туриб ҳушдан кетдинг. Шунчалик ҳолинг бор экан, нега ростини айтмадинг? Бу подшоликнинг ўттиз икки хил қийноғидан биргинаси, бундан кейин тирноқ учи ва тизза суюгига уришлари, бошдан-оёқ баданини қонатиб, тузсепишлар, бош бармоқ билан тик тутиб туришлар, ҳамирдан охурча ясаб, унга қизитилган ёғ қуишилар ва бошқалар¹ бор. Ҳали ҳам бўлса вақт бор. Жадидлик йўлида қилган ишларингни айтиб, ўз жонингни қутқар.

Миргазаб одамларидан бири:

— Тақсир, ҳозир бир оз ҳолдан тойди, букун айта олмаса, эрта айтар, бу кеча ўйласин, агар эртага ҳам айтмаса, унда яна азоблаймиз, — деб орага турди.

Миргазаб:

— Тузук, — деди, — кун ҳам кеч бўлди, ҳар нима керак бўлса, эртага қилармиз, бўйнига жел, оёғига кунда уринг, жуда ўқтам кўринади, қочиб кетмасин, — деб чиқиб кетди.

Миргазаб одамлари, бўйнимга жел уриб, оёғимни кундадан ўтказдилар², кундага пона қоққанди жоним чиқаёшиб, чириллаб дод солдим, додимни эштадиган одам бўлмади, ҳаммалари уйдан чиқиб, устимдан эшикни қулфлаб кетдилар.

Албатта, у кеча тонг отгунча ухлай олмадим, бир ёқдан оёғининг кундада азобланиши, иккинчи ёқдан эртага қутилган подшолик қийноқларининг қўрқинчи кўз юмишга йўл бермас эди.

Тонг отди, кун туғди, туш бўлди, пешин келди. Ҳали ҳам миргазабдан дарак йўқ. Икки кундан бери шапалоқ ва қалтакдан бошқа нарса еган бўлмасам ҳам очликни сезмайман, ёлғиз табиий ҳажат тақас қилган ва сувсизлик бўғзимини чатнатәзган эди. Қун қайтган чоғларда эшик қулфини бирор оча берди, мен ҳам подшолик қийноқларини тортишга ҳозирлана бошладим. Эшик очилди, зинданбошлардан бири қўлида бир парча нон ва бир

¹ Подшоликнинг ўттиз икки хил қийноғи бир афсона бўлмасдан, уларнинг бариси жабр, икror қилдириш йўлида амирлар Бухороси ҳукумати замонида амалда эди. Энг охиригиси бунда айтилгандек, ҳамирдан охурча ясаб, қиздирилган ёғ қуиши эдики, бунга учраган мазлум мияси эриб улар эди. (А.)

² Кунда — чор тарош қилинган ва ҳар томони икки қарич келадиган йўғон бир гўладирки, унинг икки оёқ сигарлик бир тешиги бўлади. Бу тешикнинг устидан кўндалаңг яна бир тешикчаси бор. Оёқларни катта тешикдан ўтказиб, кўндалаңг тешикчадан икки оёқ орасига тўғрилаб пона қоқилади. Мана шу пона қоқилганди оёқларнинг илик ва суюклиари эзилгудек бўлиб, ҳар қандай тўзимли киши бўлса ҳам чидаёлмай жон аччиги билан додлайди. (А.)

офтоба сув бўлган ҳолда ичкарига кирди, сув ва ионии бир чекка-га қўйиб, оёғимни кундадан чиқарди ва уйчанинг бурчагида бўлган бир чуқурчани менга кўрсатиб:

— У ерга бориб таҳорат ушат,— деди, таҳорат ушатдим. Келганимдан кейин тагин оёқларимни кундадан ўтказди ва понаси-ни кечагидаи бўшроқ қоқиб деди:

— Оёғингни бўш қўйиб сени роҳатда қолдирдим, менинг бу яхшилигимни унутма, қариндошларинг келсалар англат, менинг хизматонамни ёғлиқ қиласинлар.— Мен гапирмадим, сўнгра сув билан ионни менинг олдимга қўйиб чиқиб эшикни қулфлаб кетди.

Бу бандибон бир ҳафтагача кунда бир мартаба келиб, мени таҳорат ушатишга чиқарар, оёқларимни кундадан ўтказиб, пона қоқаётган чоғда яна хизматона масаласини орага солар ва муқар-парар бўлган сув-ионни олдимга қўйиб чиқиб кетар эди.

Саккизинчи кун эшик очилганда икки бандибон кириб, желни бўйнимдан, кундани оёғимдан олиб, қўлларимни қайриб, ор-камга боғладилар.

— Муборак бўлсан! Хизматонани ёғлиқ қиласан-а, энди,— деди.

— Қўлимни боғлаганинг муборак бўлсинми?— дедим.

— Ха,— деди у бандибон,— агар қўлинг олдингга боғланса эди, ўлдирилар эдинг, қўлингнинг орқага боғланниши тирик қоли-шингнинг аломатидир. Тирик қолгандан кейин, бир кун бўлмаса, бошқа бир кун қамоқдан қутуларсан, бу муборақбодликка ва хизматонага арзимайдими?

Мен ўз-ўзимга:

— Бу одат ўлдирилувчилар учун яхши бўлмаса ҳам, тирик қолувчилар учун ёмон эмас. Шунинг учун шундай расми одатни ўзимдек тирик қолувчилар тўғрисида Бухоро ҳукуматининг «оди-лона» одатларидан санаасам бўлади,— дедим.

Қўлларим орқамга боғлангани ҳолда мени элтиб ҳокимга рўба-рў қилдилар. Ҳоким бошим устида қўлида таёқ тутиб турган ясовулбошисига қараб:

— Жадид шуми?— деб сўради.

— Ха, тақсир, шу,— деди ясовулбоши.

— Таъзири қилиб зинданга солинг!— деб буюрди ҳоким.

Мени қўргон дарвозасига олиб чиқдилар. Үнда мени ялан-гочтаб бир одамнинг орқасига кўтартирдилар, икки одам икки томонидан туриб иргай таёқ билан яланғоч орқамга бир-икки... деб бир кам қирқ таёқ урди. Сўнгра мени у одамнинг орқаси-дан тушириб тикка турғизиб:

— Жаноби олийни дуо қил,— дедилар. Лекин у вақтда менда жаноби олийни дуо қилиш нари турсин, сўкиш учун ҳам дармон қолмаган эди.

Сўнгра ясовулбоши, зинданга олиб бориш учун мени миршаб-га топширди, миршаб ҳам мени икки одами қўл остида зинданга юбориб қаматди. Зинданда бўйнимга жел, оёғимга киshan урган бўлсалар ҳам, оёғимни кундага солмадилар.

Зинданда мендан бошқа бандилар ҳам жуда кўп эдилар: уларнинг ҳар бири мендан қамалишим сабабини сўраб, ўз қамалиш воқеасини ҳикоя қиласр эди.

Бир кун ясовулбоши одамларидан бирор келиб қариндошурургларимдан кимларим борлигини сўради.

Мен бир кампир онамдан бошқа кишим йўқлигини айтдим.

— Агар менга яхшигина хизматона ваъда қиласанг, онангга хабар юбораман, келиб сени кўради,— деди ясовулбоши.

— Кераги йўқ, яхшиси унга айтмаслик лозим, чунки, агарда бечора онам мени бу ҳолда кўрса, ажаб эмаски, қайғудан ҳалок бўлса,— деб рад қилдим.

Шундай ҳам бўлса, хизматона ундириш умиди билан онамга хабар юборганлар, бу воқеадан тўрт кун ўтгач, кампир зинданга келди. Мен учун бир товуқ, бир коса сариг мой, бир оз нон ва бир кўйлак-иштон олиб келган экан. Зиндан эшигида яхна товуқ гўшт билан сариг мойни хизматона номи билан қўлидан олиб, менинг хиссамга нон ва кўйлак-иштонни қолдирганилар.

Онам зинданга, менинг олдимга ажаб бир ҳолатда кирди. Сочлари юлинга, юзи тираалган, кўзлари кўп йиғлагандан шишиб, қизариб кетган; овози ҳайқиришдан хириллаб қолган, ўзи шунча дармонсизланганки, менга яқинлашгач, ҳушсизланиб ийқилди. Ҳушига келсин, деб бир қанча уринганимдан сўнг кўзини очиб, девоналардек менга тез-тез қаради-да, тагин кўзини юмди. Ҳозир ўлар деб ўйлаган эдим, лекин бошқа бандилар ёрдамлашиб, бир оз совуқ сув келтириб юзи, кўзига сендишлар, шундан кейин ҳушёр тортида ва рўпарамда ўтириб, ҳол-аҳволимни ва нима учун қамалганимни сўради.

— Менинг тақдиримдан, сенинг баҳтсизлигинингдан,— деб жавоб бердим.

Бир соат чамаси гап-сўёзсиз ўтиргандан кейин ҳафтада бир қатла келиб қўришни ваъда қилиб, ўз ғамхонасига қайтиб кетди.

Зиндандан чиқиб кетаётганида унга зинданбон:

— Ҳар келишингда менга бир коса сариг келтирмассанг, ўглиниги кириб қўришга йўл бермайман,— денти.

Бечора кампир ўглини кўрмаса бўлмайди. Лекин сариг мой тайёрлаш учун моли йўқ, ишлаб пул топиб сариг мой олиш учун кучи ҳам йўқ. Ноилож гадойчиликка чиқсан. Кунда эшикма-эшик юриб, менинг қамалганимни, ўзининг баҳтсизлигини маъюсонга бир тил билан гапириб, мени қўриш учун зинданбонга бир коса сариг мой кераклигини, ўзининг ҳеч вақосиз, камбағаллигини айтиб бир қошиқ сариг мой тиларкан, шундай қилиб бир коса мой тайёрлагач, мени қўришга келаркан.¹

¹ Собиқ Бухоро амирлари ҳукумати тартибида гуноҳкорга солинган нақд катта жаримани ҳам гадойлик билан тўлаш одат ҳукумiga кирган эди. Масалан, бирор кон тўкишда айбланди. Шунда даъвогарнинг талабидан ташқари, ҳукумат ҳам унга катта жарима, кон пули соларди, агар бу жаримани тўлашгага гуноҳкорнинг қурби етмаса, бўйнига бир хурма осиб, қишлоқма-қишлоқ кезарди. У ҳолни

Мени Бухорога жўнатгуиларигача бечора кампир онаминг холи шундай эди, ундан сўнг бошига нималар келганидан хабарсизман, ҳархолда букунгача тирик қолмагандир,— деб Шариф ўз бошидан ўтган воқеаларни тугатди ва ҳикоясининг охирида юзига томган ёш томчиларни дастрўмоли билан артиб, аламли бир оҳ чекди-да, ганиришдан тўхтади.

Шарифнинг саргузаштини эшитиш Одинага ўз фожиаларини унудиши, ўз мусибатларини Шарифнинг бошига келтан фалокатларига қараганда йўқ санаш дараҷасида таъсир қолдирган эди. Энди Шариф Одина кўзига, «нотаниши бир киши ёки оддий», сарой-бон Шариф бўлиб кўринмас, балки фалокат, зулм ва ҳақсиалик ўтида эриб, покланиб гавдаланган инсоният гавҳари бўлиб кўринар эди. Шунинг учун Одина бу гал ундан тўғридан-тўғри ўз хонадони аҳволини сўрашга ботирлик қила олмай, уни ва ўзини юнатиш ўйли билан деди:

— Биродар! Гам ема, қайғурма! Дунёда, айниқса, бизнинг Кўҳистонда мусибатга тушган ва фалокат кўрган ёлғиз мен билан сен эмасми, балки кўни шарифлар, кўни одиналар жафо зиндорнида турироққа айланган ва айланмоқдалар, агар ғамзада ва аламдийда ёлғиз мену сен бўлсан эди, оламдан ному нишонсиз йўқолиб кетишимиз мумкин эди, жафо кўрганлар кўни, зулмга дучор бўлганлар саноқсиэдирлар. Букун бўлмаса эртага бу мазлумлар кўзғалиб, бизни бу ҳолга согланиларни ер юзидан сузуриб ташлажаклар, айниқса. Россия меҳнаткашлари майдонга отилиб, императорният тоғи тахтларини, сармоядорларнинг дабдаба ва ҳашаматларини ер билан яксон қилган бир замонда бу инқилоб тӯғонига бизнинг арбоб қамоллар, мулла ҳакираҳлар, хонлар, беклар, амирлар, миргазаб ва ясовулбошилар бардош бера олмайдилар. Бир кун олдинроқ ё кейинроқ тоҷик меҳнаткашлари ҳам Россия меҳнаткашларининг ёрдам ва раҳбарликларига суюнганилари ҳолда ўз мақсадларига етиб, ўз меҳнатларининг самарасига ўзлари эга бўлажаклар. Бу ҳолда менинг ва сенинг маҳв бўлиб кетишимиздан сира ғам ейилмаса ҳам бўлади, шу йўлда дастлабки қурбонлар қаторига киришимиз биз учун кагта шарафдир.

Сенинг саргузаштингни эшитиш билан мен шу дараҷада ўзими ни унутдимки, агар бувимнинг шафқати, Гулбишининг муҳаббати зиммамга улкан миннат юкламаганда эди, уларнинг аҳволи тӯғрисида сендан ҳеч бир нарса сўрамас эдим. Зиммамдаги ҳақдари мени уларнинг аҳволи тӯғрисида биладиган нарсаларингни сўрашга маҗбур қиласди.

кўрганлар, унга қон шули тушганлигини билардилар-да, ҳурмасига беш-үн чақа ташлаб ёрдам қиласлар, у гуноҳкор шу йўсимида неча йиллар гадойлик қилиб, қон пулини тўлар эди. Бундай ҳол кўпроқ Қарши шахри, Сабзавор, Чироқчи томонларда бўлар эди. Аммо Карки ва умуман туркманилар яшайдиган Лаби Обда қон пулини гуноҳкорларнинг эл-уруги ўз ораларидан тўплаб, тўлар эдилар. (А.)

ГУЛАНДОМ

Шариф, Однага оиласи ҳақида ганириб беришдан илгари Одинанинг иккичи сафаридан кейин Қоратегинда унга дахлдор қандай воқеалар юз берганини ўқувчиларга ҳикоя қилишимиз зарурдир.

Ойшабиби билан Гулбибини жуда ёмон ҳолда қолдириб, Одинанинг Фарғонага сафар қилгани маълум. Уларнинг емак учун бирон нарсалари ва ёрдам олиш учун бирон кимсалари йўқ эди. Ҳаммадан ёмонроқ ҳол, Арбоб Камолининг ҳамиша ўч олиш пайида юриши эди. У Гулбибини ўғли Ибодга олиб бериб шу восита билан ҳам Одинадаги «ҳақ-ҳисобини» баравар қилмоқчи, ҳам Одина ва Ойшабибидан ўчини олмоқчи эди.

Ойшабиби Арбоб Камолининг бу ёмон ниятини орқаваротдан эшитиб қўрқди ва зўр ташвишга тушиб қолди. Лекин бир дафъя уни қўрқитгани учун иккичи сафар ҳужум қилишга юраги дов бермас, деб ўйлар эди. Ҳақиқатан ҳам, Арбоб Камол Ойшабибига очиқдан-очиқ ҳужум қилишга ботирлик қила олмай, қулай бир фурсат кутиб юраси эди.

Колесов воқеаси муносабати билан Фаргона — Қоратегин чегараси боғланиб, бу орадаги борин-келиш кесилгандан кейин, Арбоб Камолининг ўз истагини қўлга киргизиш учун умиди зўрайган-дек, Ойшабибининг ҳам хавфи ортган эди.

Арбоб Камол йўлнинг боғлиғлиги узая борса, Одинани ўлган санаб, қандай йўл билан бўлмасин, ниятини амалга ошириш мумкин бўлур деб умид қиласи эди. Ойшабиби бўлса, агар Одинанинг келиши узоқка чўзилса ёки унинг қайтишидан умиди узилса, тилар-тиламас душманга таслим бўлишга тўғри келар деб, қўрқар эди. Чунки бўйга етган бир қизни йилларча уйда ёлгиз сақлаш мумкин бўлур деб билмас эди. Ҳар қандай ҳужумларни даф эта олса ҳам, бу ҳолни узоқка чўза олмаслиги аниқ эди. Чунки ёши етмишдан ошган ва ажал хабари соат-басоат қулогига етишиб турган эди. У қайси соат оламдан кўз юмса, ўша соат Гулбиби Арбоб Камол қўлига тушар эди.

Ойшабибини бир оз юнатиб турган нарса Ибоднинг аҳволи эди. Ибод Гуландом номли бир қиз билан севишган бўлиб, уидан бошқа бирон қизга уйланмоқчи эмас эди. Гуландом Арбоб Камолининг шу қишлоғидаги жўраси ва тенгдоши, давлат ва ҳашаматда ўзига беравар келадиган Шоҳназар деган кишининг қизи эди.

Шоҳназар билан Арбоб Камол ёшлиқдан бир-бировлари билан дўст ва ошина бўлганликлариdek, буларнинг хотинлари ҳам бир-бировлари билан дугона эдилар, шундай муносабат ва алоқалар сабабидан бу икки хонадон орасида борин-келиш қалин эди. Гуландом билан Ибод бешиқдалик чоғларидан бошплаб ота-оналари буларни келин-куёв деб атар эдилар. Гуландом билан Ибод оёқ ва тил чиқарганларида буларнинг ўйинлари келин-куёв

ўйини эди. Оналари ҳам буларни соатларча шундай ўйинларга солиб, томоша қилар ва завқ олардилар.

Гуландом билан Ибод ёшлари етиб, орқа-ўнгларини танигандан кейин ота-оналарининг кўзлари олдида уялиб, бундай ўйин (келин-куёв ўйини) ўйнамасалар ҳам, пасқам ерларда шундай ҳазил-мазахлашиб, бир-бировларидан лаззат олишини ташламаслар эди. Бора-бора бу ҳазил-мазахлар чин севигига айланиб, ошиқ-маъшуқлик муносабати орага тушган, лекин бу вақтларда оталарнинг бу борадаги фикрлари ўзгарган эди.

Арбоб Камол Гуландомни келин қилгудай бўлса, талайгина харажатланишга маҷбур бўлар эди; чунки Шоҳназар ўзини замонанинг одамшавандаларидан санаб, қизини арzon-гаров қўлдан циқиб кетишига рози бўлмас эди, у, катта «тўққиз»лар, етарли «қалин»лар олиб, «менинг қизимга шунча нарса келди», деб дўст-душман орасида фахрланиб, катта тўйлар беришни тилар эди.

Аммо Арбоб Гуландом ўрнига Гулбибини қўлга тушира олса, бир томондан харжсиз келин туширган бўлур, иккинчи томондан, Ойшабиби билан Одинадан ўч олган бўлиб, ҳалқ орасида доғи чиқар, ҳалқ бир-бирига: «Арбоб Камолга панжা солиш дуруст эмас, Одина унга ҳурматсизлик қилгани учун ватангадо бўлиб, қайлиги Арбобнинг чўрилигига тушди», деб ишларини билиб қиласар эди.

Арбоб Камол шу мулоҳазалар билан ҳалқ орасида: «мен Шоҳназарнинг қизини келин қилмайман, чунки унинг ҳусни ўглимга муносибмас, етимча бўлса ҳам, Гулбиби менга келин бўлишга арзийдиган ҳусига эгадир», деб юрар эди.

Бу сўзлар Шоҳназарнинг қулогига чалиниб, иззати нафсига тегди, у ҳеч бир кишига маслаҳат қилмасдан, қизини Омонбоқи деган бир кишига фотиха қилдириб қўйди.

Омонбоқи ёши эллиқдан ошган киши бўлиб, уч марта уйланган, ҳар уч хотини ҳам ўлган, энди унинг ўйини «шум» санаб, ҳеч ким қизини унга бермайдилар, шунинг учун бўйдоқ яшашга маҗбур эди.

Шоҳназар ўзи таилаб қизини унга бермоқчи бўлганда у ҳам «одамгарчилик» қилиб давлатининг ярмини унинг этагига тўқмоқчи бўлди. Шоҳназар бу иши билан гўё Арбоб Камолга: «Сен менинг қизимни паст урган бўлсанг ҳам, сендан уч баравар ортиқ пул харжалаб, қизимнинг қадрини кўкка кўтарадиган куёв топилди», деб фахрланар эди.

Лекин Ибод, Гуландом ва уларининг оналари бу ишга сира рози эмас эдилар. Ибод билан Гуландом бир-бировларини севишган бўлиб, бошқа кишини истамаслар эди. Ибоднинг онаси Арбоб Камолга: «ўзимиз билан давлат ва обру тўгрисидан тенгдош бўлган Шоҳназар қизини рад қиласмагил», деб ёлворганидек, Гуландомнинг опаси ҳам ўз эринга: «Гулдек қизингни ёши эллиқдан ошган «занкуш» (хотин ўлдирап) бир шум қадамга бермагия, Арбоб Камолнинг иши бир ёқли бўлгунча кутиб тургил», — деб ялинар эди.

Лекин бу эътиrozлар, бу ялиниш-ёлворишилар, иккى худбин эр-
какка таъсир қилмади, бўлар иш бўлди.

Бўлар иш бўлди, лекин Гуландом билан Ибод орасидаги
ошиқона алоқа кесилмади.

XXVII

КЕЛИН ТУШИРИШ

Охири баҳт қуши Арбоб Камол бошига қўнди. Ойшабиби умидсизлик, кимсасиалик орасида бир ҳафтагина оғриб ётиб ўлди, бу хабарни ҳаммадан бурун қишлоқ имоми мулла Хакираҳ Арбобга эшиттириб, уни қутлаб, деди:

— Буқун Ойшабибининг азаси эмас, сенинг тўйингдир. Ойшабибининг жума оқшомини ўтказиш билан Гулбибини дарров Ибодга никоҳ қиласиз, бизнинг тўёнани тузукроқ берасан-да.

— Домла,— деди Арбоб,— сен иззари настлигининг сира ташламадинг-да! Худо хушвақтликини насиб қиласа, тўёна писанд эмас, ёр-дўстларининг эсонликлари керакдир. Ҳозир қишлоқда хабар бериб, ўликини гўрў кафан қилиб, Гулбибини уйга келтиришимиз зарур.

Арбоб жанозага ҳозир бўлишдан бурун ўз уйига кириб, хотинига:

— Ойшабиби ўлибди, уни кўмгаんだн кейин келиници ўз уйимизга келтирамиз, сен келини-куёв учун бир сирадан кийим-кечак ҳозирла, шу ҳафта ичида никоҳ қиласиз.— деб уйдан чиқа бошлади.

— Вой, отаси, тўхтанг,— деб хотини эрини тўхтатди:

— Сизга,— деди хотин,— нима бўлди, тўй, келин тушириш шундаи бўладими? Ҳалқ нима дейди?.. Мен бу етимчани сира келин қилмайман, бизнинг келинимиз ўзимизга яраша бой қизи бўлиши керак, тўй юборишимиз, «тўққиз» юборишимиз, ёни юборишимиз, «бор товоғим» қилишимиз, эл-юртнинг расму русумларини ўрнига келтириб, орзуларимизни қондиришимиз керак, азахонадан бир етимчани сочидан судраб олиб кел-да, ҳалқقا: «Қўрдингми, бу бизнинг келинимиз», де, шу ҳам гапми?.. Мен шу умид билан сиз билан бир ёстиққа бош қўйганмидим? Шу ният билан бола ўстирганмидим?..

Арбоб бир қадам кейин ташлаб:

— Хотин!— деди.— Қўн ганирма, Арбоб Камол ҳар нима қиласа, яна Арбоб Камолдир. Ҳалқ мени айбламас, давлатим бор экан, иззатим ҳам ўз жойида туради.

— Мен азахонадан судраб келтирилган ян-яланғоч бир қизни сира келин қила олмайман.

— Ҳўп, сен айтганча бўлсин, азахонадан тўшиш-тўғри ўз уйимизга келтирмаймиз, аввал имомининг уйига юбориб, ўликининг жума оқшоми ўтгаんだн кейин, одат бўйича, тўй-томона қилиб олиб келамиз.

— Аввал имомининг уйига юборишини билан бу етимча «садам-шаванданинг қизи» бўлиб қолмайди, гадой қиз ҳар ерда бўлсин.

гадой қиздир. Домла-пномонинг уйидан бўлса ҳам гадой қиздир, Арбоб Қамолнинг келини бўлса ҳам гадой қиздир.

— Мен Гулбиби бой қиздир демадим-ку, унинг гадой қизлигиги ни ўзим ҳам биламан, лекин куйган «ҳисобларим» бадалига келади. Одина менга нималар қилганини билмайсанми? Ойшабиби нима ёмонликлар қилмади? Букун фалак менинг йўригимга тушди, букун менинг тиригидану Ойшабибининг ўлигидан ўчимни оламан, билдингми?!

— Ибодни нима қиласиз? У ўлимга рози бўлади, лекин бу ишга рози бўлмайди.

— Ибод?! — Арбоб қизишиди,— унинг ўзи ким? Унинг рози бўлиши ё бўлмаслигининг бу ишга нима дахли бор? Рози бўлса ҳам шу, рози бўлмаса ҳам шу. «Рози бўлмайман», дейишга нима хақи бор? — деб чиқиб кета берди.

Хотин:

— Отаси! Менга қаранг, менга қаранг,— деб йиглаб қолди.

Деворлари йикилган бир ҳовлида томи пичан ва қамиш билан ёнилиб, бир бурчаги чўккан бир уй, унинг ёнида қийшайган деворига тирговуч қўйилган иккинчи уй қўринар эди.

Томининг бир бурчаги чўккан уйда орқаси билан деворга суюниб, тиззаларини қучоқлаб олган ўн олтин-ўн етти яшар чамали бир қиз ўтирас эди. Бу қизнинг афти башарасидан баркамол бир гўзаллик асари қўриниб турса ҳам, бошига тушган мусибатнинг оғирлигидан бўлса керак, ҳазон ели урган гулдек сарғайган, ажин тушган, қовоқлари шишган, кўзлари чуқур-чуқур тушиб кетган, у том маъноси билан сўлган эди. Бу қиз йигламас, ҳайқирмас, дод-фарёд қилмас, ҳатто бир «оҳ» ҳам чекмасди, лекин унинг дам шифтга, дам ерга ҳасратли боқишидан, жонни ўртаб юборадиган, юрак-багирни эзиз ташлайдиган нолишлиари сезилиб турар эди.

Бу қизнинг қаршисида ёши етмишга яқинлашган бир кампир тиз букиб ўтирас ва ўз-ўзига сўйлагандек:

— Дунё фоний, бунақанги қора кун ҳамманинг бошига ҳам тушади, онадан тугилган кишининг ўлиши муҳаққақ, букун Ойша ўлган бўлса, эрта-бириси куни биз ҳам дунёдан кўз юмамиз, оддинма-кейин ҳамма бу дунёдан ўтади,— дерди ва гап орасида қизга қараб:

— Қизим! Ўзингни тетик тут, бетоқатлик билан ўзингни койитма, бувинг ўлган бўлса, мени унинг ўринида кўр, ёлгизликдан чўчиб ваҳимага тушганингни биламан, лекин тирик эканман, сени ёлғиз қолдирмаяжакман. Истасанг бунда қол, мен ҳам ёнингда қолиб, раҳматли Ойша опамнинг чирогини сен билан биргалашиб ёқажакмиз, хоҳласанг менинг кулбамга кўч, унда биргалашиб тирикчилик қиласиз. Шариф акангдан бўлак ҳеч кимим йўқлиги сенга маълум. У ҳам бўлса, зинданда, қачон қутулиши белгили эмас. Мен ҳам сендеқ мусибатзада, кимсасиз бир бечораман, иккаламиз бир ерда бўлсақ, дардлашамиз...— деб қизни юнатар, унга ўз ёрдамини тақдим этар эди. Қиз бўлса ўтириш вазиятини бузмас, кўзини дам шифтга, дам ерга тикар, гўё кампирнинг сўзларининг бирини-да эшитмас эди.

Бу қиз бувисидан мангу ажралиб, мусибатда қолган Гулбиби, унинг қаршисида ўтирган кампир эса Шарифнинг онаси эди.

Хотирингизда бўлса керак, Шарифнинг онаси сариф мой тўплаш учун кунда гадойчиликка чиқиб, қишлоқма-қишлоқ юрар, ҳар уйга бориб ўз дардини очар, ўз мусибатини сўйлар эди. Шу қаторда бир кун Ойшабибининг ҳам уйига кириб қолиб, ўз дарди, аламини гапириб, кўнглини бўшатди. Ойшабиби ҳам ўз бошидан ўтганларини гапириб, унга ҳамдардлик қилди. Шу муносабат билан икки аламзада кампир дўстлашиб, эгачи-сингил тутиндилар. Шарифнинг онаси йўлнинг узоқлигига қарамасдан оз бўлганда ҳафтада бир кеча келиб Ойшабибиникига қўймаса уйқуси келмас эди.

Ойшабиби касалланиб, тўшақдан тура олмайдиган бўлганидан кейин Шарифнинг онаси унинг олдидан қимирамади, ўлганидан кейин энгагини бояглади, кўзларини юмдирди, қўл-оёқларини узатиб боғлади, ювиш, кўтаришга ёрдамлашди, азага бошчилик қилди, ҳозир Ойшабибининг ўлиги мозорга узатилгандан кейин, у Гулбибининг рўбарўсига ўтириб уни юпатмоқда, унга ўз ёрдамини тақлиф этмоқда эди. Бу уйга қишлоқ хотинларидан ҳам бир нечадари йиғилган эдилар, улар Ойшабибининг ўлиги кўтарилаётганда, ўз ўликларини эслаб бир оз дод-фарёд қилиб йиғлаган бўлсалар ҳам, ўлик мозорга узатилгандан кейин тинчланиб, ўзаро гаплашмоқда эдилар. Буларнинг бири эрининг юриши-туришидан нолир, бири қўёванинг ноқобиллигидан зорланар, учинчиси қизининг баҳтисизлигидан ҳасратланарди, бошқа бириси кундош аламидан шикоят қиласарди... Бу орада Ойшабиби билан Гулбибига алоқадор сўз шу бўлдики, бири деди:

— Мен Ойшабибининг ўлиги кўчада қолар деб ўйлаган эдим, ҳолбуки, жанозага бой хотинлариникидан қўпроқ одам йиғилди, тобути қўлдан қўлга тегмади.

Бошқа бир хотин унинг сўзларини тасдиқлаб:

— Кўчага қаранг,— деди,— қишлоқнинг бутун катта-кичиги фотиҳаҳонликка йиғилган. Орифбойнинг хотини ўлганда бунинг яромича ҳам одам йиғилмаган эди.

Учинчи хотин:

— Буларнинг бариси бойнинг юз-хотири,— дея халқнинг кўп йиғилганига сабаб кўрсатди.

— Қайси бойнинг юз-хотири?— деб сўради бошқа бириси.

— Қайси бой бўлар эди, қишлоқнинг устуни ҳозир Арбоб Камол-ку.

— Ойшабиби ўлигининг Арбоб Камолга нима дахли бор?

— Дугона, сен дунёдан бутунлай хабарсиз экансан-ку, Арбоб Камол Гулбибии ўз ўлига айттириб қўйган, шу икки-уч кун орасида тўй бўлиб қолади.

— Бу иш қачон бўлган? Нима учун шу чоққача ҳеч ким эшитмаган?

— Шу кун, Ойшабиби жон бергач бўлган.

— Ўликни қўй, тутхўрлик қил, денг-а¹

¹ «Мурдая мон, тутхўрий кун» деган тоҷикча мақолининг таржимаси. (A.)

— Хоҳ тутхўрлик қилу, хоҳ қилма, бўлар иш бўлган...

Кун ботишга яқинлашди, офтобнинг кейинги шуъласи қабристанга ёқилган чироғдек девор бошлари дараҳт шоҳларига қайгу аралаш бир ёруғлик сочар эди. Фотиҳаҳонлар ҳам биринсирин Ойшабиби ховлиси олдидан туриб кета бердилар. Энг кейинда қолган Арбоб Камол билан имом ўринларидан туриб азахона эшигига келдилар.

— Раҳматли Ойшабибини кўмиб келдик, сизлар ҳам ўз уйларингга тарқалинглар,— деди имом азахонадаги хотинларга. Хотинлар наранжиларини ёпиниб кета бошлидилар.

Уйда Гулбибидан бошқа киши қолмади.

— Сен ҳам менинг уйимга бор, қизим, унда онангнинг олдида ётарсан,— деди имом Гулбибига.

— Тез бўл, қизим! Шом ҳам яқинлашди, сени уйга қўйиб, тезроқ мачитга боришим керак.

Гулбиби яна жавоб бермади.

— Ухлайсанми? Ё уйгоқми? Тез бўл, кеч бўлди дёяпман.

Ўлик ювилган уйга чироқ ёқиб чиққан Шарифнинг онаси бу кейинги сўзни эшилди:

— Бибисининг биринчи кечасини ўтказмасдан қаёққа боради? Бу ерда чироқ ёқиши, азадорлик қилиш керак,— деди.

— Еш бир қиз,— деди имом,— янги ўлик чиққан уйда ёлғиз қандай ётади? Чироқ бўлса ўзи ёта беради, унга қоровул керак эмас.

— Гулбиби бу уйда ёлғиз эмас. Ойшабиби ўлган бўлса, уннинг ўрнида мен оналик қиласман,— деди Шарифнинг онаси.

Шу вақтгача жим турган Арбоб, бу кейинги сўзни эшитиб бирдан қизишиди:

— Ойшабибини хозиргина кўмиб келган эдик,— деди,— бу иккинчи Ойшабиби тагин қайси гўрдан чиқиб келди?— кейин товушини янада баландроқ қилиб деди:— Ўзинг кимсан? Қаердан Ойшабибига нобиб, Гулбибига соҳиб бўлиб чиқдинг? Ҳозир йўқол! Бўлмаса қулингни кўкка совураман.— Имомга қараб:— Сен танийсанми, бу жим?— деб сўради.

Имом эшикдан бир мўралаб, Арбобга:

— Бу бош яланг, оёқ яланг, кўчаларда гадойчилик қилиб юрадиган бир саёқ кампирдир, ажаб эмаски, Гулбибини йўлдан озириш учун келган бўлса,— деди-да, уйга қараб:

— Қани чиқиб кет! Кўчада бош яланг юрадиган хотин шарнат юзасидан, бегона эрлар сингари, номусли хотин-қизларга номаҳрамлар. Ҳозир йўқол!— деди.

Имом кейинги сўзини айтганда, ҳассасини кампирга ўқталиб таҳдид этди.

Шарифнинг онаси учун ортиқ бу уйда қолиш мумкин эмас эди, чиқиб кетди. Имом уйга кириб шунча жанжаллар билан ҳам ўз вазиятини бузмасдан деворга суюниб дам шифтга, дам ерга боқиб ўтирган Гулбибининг қўлидан судраб чиқарди, кўчада ҳам ўз иҳтиёри билан юрмак истамаган Гулбибини имом судрар, Арбоб Камол туртқилар эди...

ЯСАМА КАСАЛ

Кечакида жуда қоронги, кўқнинг юзини қалин қора булут қоплаб олган эди, ўткинчи булутлар орасидан унда-мунда кўринадиган якка-ярим юлдузлардан, ҳавонинг қаттиқ гулдураши остида ора-сира чақиладиган чақмоқлардан бошقا ёруғлик аломати кўринимас эди, ўқтий-ўқтий бир шувиллаб ёғадиган ёмғир ерни сирганичиқ, лой қилган эди.

Шу пайтда Арбоб Камол кўчадан тойила-тойила ўз ҳовлисига кирди. Одати бўйича, Арбоб ҳар кечакида хуфтонни ўқигач, дарров уйига келар эди, бу кечакида мухим иш тўгрисида имом билан гаплашиб қолган бўлса керак, икки соат чамаси кечикиб қайтди.

Арбоб ичкари ҳовлисига кириб Ибоднинг уий томонга бурилди, секингина бориб эшикнинг тирқишидан қаради: уйнинг бир бурчагида чироқпоя устида чўян қора чироқ милтиллаб ёнмоқда эди, иккинчи бурчакда Гулбиби тиззасини қучоқлаб деворга суюниб ўтироқда ва уйқу элтандай, бошини тиззасига қўйган эди.

Арбоб уйнинг ҳар томонига диққат билан қаради. Ибод йўқ. Арбоб қайтиб ўз уйига кирди, унда хотини чигириқ чиқараётганини қўриб:

— Эртадан кечгача сени чигириқ бошида кўраман, мунча нахтани нима қилмоқчисан? — деди.

— Сизнинг вақтсиз тўйинингизнинг камчиликларини тўлдириш учун ҳали қўп мөхнат қилишим керак, — деди хотин, — ҳар ким келин кўргани келса уятдан ўлаёзаман, ер ёрilmайдики, кириб кетсан: келин, янги куёв... уйда бир янги кўрпа-ёстиқ йўқ, дорда биронта янги тўн, янги кўйлак, янги белбог йўқ, бўғчаларга ёнилган бирон кирпуш, деворга ёнилган бирон дорпеч йўқ... Агар сиз менинг сўзимга кирсангиз эди, бу нарсаларнинг бариси келин билан бирга келар эди. Сиз ўзбилармонлик қилиб яп-яланғоч бир қизни келин деб судраб келтирдингиз, ўз фикрингизча, гўё текинига келин туширдингиз, мен шўринг қургур жихоз тайёрлаш учун кўп уринисам керак, бунинг устига уйдаги бор бисотимиз ҳам буларнинг жихозига кетиб, ҳаржи муменик ду чандон бўлади.

— Сен, — деди Арбоб, — темирчилигингни сира қўймадинг, дея, — бир оғзинг очилдими, сурнайчидек нафас олмасдан сайрай берасан. Сен бу келин текинга келган деб ўйлайсанми? Ундей эмас: бу келин менга бир қиздан қимматроққа тушди. Одинанинг отасини кўмдим, ўзини уч уйил боқдим, Ҳокимларга нора бериб, уни мардиюрлиқдан қутқаздим. У менинг шунча яхшиликларимга қарши бир қўй ва бошқа қанча нарсаларимнинг ҳаромга чиқишига сабаб бўлди. Охирда Ойшабибини кўмиш харажати ҳам менинг гарданимга юкланди. Шунча ташвишу шунча харажатлар бадалига бу қизни келин қилдим. Сен бу гапларниг ҳеч бирини ўйлайсан-да, жонинг борича: «Гадой қизни келин қилдинг», деб бақирасан... Бундай гапларниг қўй, никоҳ қилганимизга қирқ кун бўлди; ҳалигача буларнинг биргага ётғанлари маълум эмас. Сен қан-

дай ўйлайсан: айб келиндами ёки жувонмарг бўлгур Ибоддами?

— Айб келинда ҳам эмас, Ибодда ҳам эмас, балки айб сизнинг ўзингизда. Сиз тентак бир гадёй қизни келин, деб олиб келдингиз, Ибод нима қилсин, у бошда ҳам уни истамайман, деган эди. Ҳали ҳам унга ўз хотиним деб қарамайди. Келиннинг ўзи бўлса, келганидан бери на менга, на Ибодга, на келин қўриш учун келган хотинларга бир оғиз бўлсин гапирган эмас, қанча гап ташласам ҳам жавоб бермайди. Жигига тегсам ҳатто бетимга ҳам қарамайди, бошини қўттармасдан, зўр билан бир қарайди-да, тағин қўзини юмади. Ҳалигача бирон нарса егаплигини ё ухлаганини қўрган эмасмиз, олдига қўйиладиган қундалик овқатни қандай бўлса шундайлигича қайтариб олиб чиқаман, ўрнидан қимиirlаганини ҳам қўрган эмасман, қачон қарасам тиззасини қучоқлаб деворга суяниб ўтирган бўлади.

— Ҳар ишда мени айблайсан,— деди Арбоб Қамол,— ўзинг ва бошқалар бутун айбсизсиз. Ҳолбуки, айбнинг бариси ўзингда. Ўғлингга насиҳат қилмайсан, келинни ўзингга ва ўғлингга ром қилиш учун уринмайсан, балки жонинг борича буларнинг ораларини бузишга ҳаракат қиласан, сўнгра айбни менинг бўйнимга ағдарасан. Мен буларнинг келишмаганларидан жуда хафа бўлсам ҳам, сенинг ўзинг бирон илож топарсан деб индамас эдим. Энди қарасам, сен бирон иш қилмоқчи эмас экансан, бундан сўнг бу ишга ўзим киришаман, имом билан ҳам бу кеча шу тўғрида гаплашдим, у ҳам иссиқ-совуқ қилмоқчи бўлди...

Шу пайт ташқари ҳовлидан келаётган Ибоднинг оёқ товуши ёшитилди. Арбоб хотинига айтадиган гашини тўхтатиб:

- Ибод! — деб қичқирди.
- Лаббай!
- Шу вақтгача қаерда эдинг?
- Ҳеч қаерда,— деб отасининг уйига кирди Ибод.
- Ҳеч қаерда?.. Ҳозир ташқаридан келдинг-ку?
- Қўча бошида болалар билан гурунглашиб ўтирган эдим.
- Янги уйланган киши қўча бошида нима қилади? Нима учун уйда ўтирмаётсан, нима учун келиннинг қўнглини овлашга уринмайсан? «Ўзбошимчалик қилиб юрсам, отам бошқа хотин олиб берар», деб ўйларсан? Лекин бу хом хаёлни бошингдан чиқар. Агар шуни тезлик билан ўзингга хотин қилсанг — қил, бўлмаса икковингни ҳам тириклай мозорга узатаман. Мени Арбоб Қамол дейдилар, сен ҳали билмайдиганга ўхшайсан...

Арбоб гапира туриб тобора қизишар, Ибоднинг оғзидан ножӯя гап чиққудай бўлса, уни уриб, бошини ёрадиган қўринар эди.

Ибод бу ҳолни юмшоқлик билан:

- У истамаса, мен нима қилай? — деди.
- Мен биламан, бошда ўзинг истамасдинг, энди бўлар иш бўлгандан кейин айни унинг бўйнига юкламоқчи бўласан. Агар сен рағбат қилсанг, бир мушитипар хотин қарши туриб нима қила олар эди?!
- Тузук, бошда мен истамаган эдим, лекин бўлар иш бўлгандан кейин сизнинг хоҳишнингизни ҳар бир нарсадап афзалроқ

билиб рози бўлдим. Лекин ҳар қачон унга яқинлашсам қочади, қўл узатсан одамни жинниларга ўхшаб қўрқитадиган қилиқлар қиласди,— деб Ибод йиглаб юборди.

— Тур, кет!— деди Арбоб,— сенга тағин бир ҳафта муҳлат бераман, шу вақт мобайнида бирон иш қила олсангу яхши, бўлмаса нима иш қилишимни ўзим биламан.

Ибод бориб ўз уйига кирди, отасининг феъли билан жуда яхши таниш бўлганидан, унинг эшик орқасига келиб пойлашини билар эди, шунинг учун ҳар кечалик одатига хилоф ўлароқ, чироқни ўчирмади, никоҳдан бери ўтган бир кам қирқ кечанинг аксича ёлғиз шу кеча Гулбибига яқинлашиб, унинг қўлини тутмоқчи бўлди. Қирқ кеча-кундуздан бери ўрнидан қамирлаганини ҳеч ким кўрмаган Гулбибى ёлғиз шу вақт иргиб туриб, деворга орқасини сяуб, тик тўхтади.

Ибод яқин бориб унинг бўйнига қўл солмоқчи бўлди. Гулбиби икки қўли билан уни итариб юборди.

Ибод орқаси билан ерга йиқилди. Албатта ҳолсизланган бир қизининг кучи кучли бир йигитни итариб йиқитишга етмас эди, бу ишда Ибоднинг ўз отасига кўрсатиш учун қилган сохтакорлиги ёрдам берди.

Ибоднинг ўйлаганидек Арбоб Қамол эшикнинг орқасида пойлаб турган эди, у бу ҳолни кўрганда ўзини тута олмай югуриб уйга кирди-да Гулбибига қараб:

— Уятсиз қиз, ўз эрингга шундай муомала қиласанми?! — деб бақирди.

Қирқ кундан бери «лом-лим» деб оғиз очмаган Гулбиби бирдан тилга кириб:

— Ўзинг уятсизсан, ўзинг золимсан, ўзинг номуссизсан! — деди.

— Энди уятсизликни мендан кўр.— деб Арбоб Гулбибига ҳамла қилди, уни ерга ағдариб тениш учун икки қўллаб унга ёпишди. Гулбиби ҳам жон аччиғига Арбобнинг қўксини қоплаган катта соқолини икки қўли билан тутамлаб олди. Гулбибини ерга кўтариб урганида Арбобнинг бир тутам соқоли юлинди. Дарғазаб бўлган Арбоб соқоли юлингач бешбаттар ғазабланйіб, ерда ағдарилиб ётган Гулбибини ўчоқчининг лой нишитганидек тепа берди.¹

Шу пайтда шовқин-суронни эшитиб нариги уйдан келган Арбобнинг хотини келинни бу ҳолда кўриб, жонсиз суратдек деворга сяяниб серрайиб турган ўғлига қараб:

— Сен қандай эркаксан? Хотинингни бу золимнинг оёги остидан қутқар,— деди.

¹ Ўзаро келиша олмаган келин-куёв орасига қайната тушиб зўр билан келишитиришга урниши кўп кўрилган ҳоллардандир. Бухорода бир мулла ҳатто бўйга етмаган ўз қизи ўжарлик қилганида, унинг қўл-оёгини боғлаб қуёви қўлига топширган. Шу ҳолатда тассарруф қилинган қиз касал бўлиб ўлган. Қизнинг отаси Сиёкорон гузаридан мулла Ботурча деганинг ўғли, қуёв мулла Абдул Аттоҳ деган дарвоналиқ бир мулла эди.

Арбоб Гулбибини ўз ҳолига қўйиб:

— Ҳали мен золимми? — деб хотинига қараб югурди, уни ҳам ерга ағанатиб бир-икки тенгандан кейин:

— Бу ишларниң барисига сенинг ярамаслигиниг сабаб бўлди, — деб Ибодга қараб югурди. Бу ҳолнинг бўлажагини илгаридан чоғлаб турган Ибод ура қочди. Арбоб уни ҳовлига қувлаб чиқди. Ибоднинг баҳтига отаси ҳовлининг ўртасида лойга тойилиб йиқилди.

Бошдан-оёғигача лойга беланган Арбоб ўз уйига кириб, юлингани соқоли ости ачишганига чидай олмай игна ютган итдек ингиллаб ётди.

Жон ачигида Арбобга тармашган Гулбиби ерга йиқилиб тепки ега, ҳушдан кетди. Ўша кечадан бери унинг ўринидан турганини хеч ким кўргани йўқ.

Бир ойгача Арбоб кўчага чиқмади, сўраб келган одамларга кўринмас эди, эҳтимолки яна бир неча кун уйдан чиқмаган бўларди, лекин ўлган келинин гўру кафан қилиш, жаноза ва фотиҳа-хонлигини ўтқазиш учун эл кўзига кўринишга мажбур бўлди.

Таъзийта келганилар, Арбоб билан кўришиб, согайини билан кутлаганда Арбоб:

— Худога шуқр, менга иккинчи умр берди, бўлмаса дардим жуда оғир эди. Аъзойи баданимдаги мўйлар батамом тўкилиб, қайта бошдан чиқди. Кўрмайсизларми? Тўкилган соқолим ҳали ҳам аввалги аслига қайтгани йўқ,— деб соқолини тутамлаб кўрсатар ва қайта-қайта худога шуқр қиласиб эди.

XXIX

ЎФРИ

Юқоридаги бобдан билинганидек, Гулбиби Ибоддан қанча нафратланса, Ибод ҳам ундан ўшанча нафратланарди. Ибод ёлгиз Гуландомнинг ҳавасида сайтар, Гуландомнинг ҳажрида йиглар, Гуландомнинг висоли умиди билан яйтар эди, Гуландом йўлида ёлгиз Гулбибинигина эмас, ота-онасини, қавму қариндошини, ҳатто ўзини ва номусини унугланади.

Гуландом ҳам бир нафас бўлсан Ибоднинг ёдини эсдан чиқаролмас, ҳеч бўлмаганда, кунда бир қатли уни кўра олмаса чидаёлмас эди. Бу муносабат, Гуландомнинг уй қизи, Ибоднинг бўйдоқ чоғларида қандай бўлса, Ибод Гулбибига уйланган, Гуландом Омонбоқи уйига келин қилиниб узатилгандан кейин ҳам узилмади.

Ибод ҳамиша Омонбоқи ҳовлисининг теварагида айланиб юрар, куляй фурсат тонилди дегуича у ерга бир қўшиб, кўз нури билан кўришар эди. Гулландом ҳам онаси чивин келтиришини кутиб турган қалдирғоч боласидек доимо оғзини очиб, икки кўзини тикиб турар ва уй эгасига ҳеч бир нарво қиласиб эди.

Омонбоқи қанча уринса, ёлворса ва бору йўгини унинг йўлига сочса ҳам бу ёввойи қушни ўзига ром қила олмади. Ибоднинг

кеча-кундуз шу атрофда айланиб юришини кўриб, бошقا шубҳаларга ҳам тушди — бу қуни бошқа томонларда дон олиниб юрмади, деб кўнглидан ўтказди.

Бу тириклик Омонбоқининг жонига тегди, бу муаммоми ечини учун бир тадбир ўйлади. Бир кеча узоқ бир ерга меҳмондорчиликка кетмоқчи бўлиб, Гуландомга:

— Кўрқмасанг ўзинг ёғиз ёт, кўрқсанг онангни чақир, мен бу оқном қайтмаяжакман,— деб чиқиб кетди.

Бир ҳафталик ой ботинга яқинлашган, девор, дараҳт тубларида кинин кинини таний олмаслик даражасида қоронгилик ўз пардан сини ёнган эди. Ҷилгирлигини ёзин учун ёғиз айланиб кезиб юрган Гуландом, ой ботинга яқинлашгач, бир ерда туриб қолди. Бу ер унинг эри уйда бўлмаган кечаларда келиб аллақандай ишоратни кутадиган жойи эди. Бу кеча баҳти уни қўлламади: ёнгоқдек бир кесакча у турган ердан бир қадам нарироқса келиб тушиди. Гуландом ҳам қўлида ўйнаб турган икки точидан бирисини кесак келган томонга қаратиб отди. Яна кўн кутишга ҳожат қолмади: деворининг тош отилган жойидан бир қора кўриниб нусиб турган жойидаги тубини чоғлаб отди. Бу ишорат иккинчи ишоранинг тасдиги эди.

Гуландом бу ишоратни ҳам бергандан кейин, қўл-оёги қалтираган, юраги гурсиллаб тенгап, боин айланган ҳолда келиб ўз уйига кирди. Девор бошидаги қора ҳам авайлаб девордан сурилиб тушди, девор тубидан эмаклаб келиб, қия очиб қўйилган эшикдан уйга кирди-да, эшикни ёди.

Сомонхонада туриб туйнукдан бу ҳолни бир-бир кузатиб турган Омонбоқи, уйга биринчи келиб кирган кимсанинг Гуландом эканлигини аниқлаб олган бўлса ҳам, иккинчисини аниқлай олмади. Иккинчи қора уйга киргач, қия эшик ёнилмаса эди, уни одамзод деб ўйламас, балки очиқ қолган эшикдан кирган дайди ит деб гумон қиласа эди. Лекин эшикнинг ёнилиши бу тумонга йўз қолдирмаган, унинг одам эканлигини аниқлаган эди.

Эди Омонбоқи учун бу одамини тутишгина қолган эди у сасадосиз сомонхонадан чиқди-да, оёқ яланг ишиллаб уй олдига келди, эшикни очиб, уйга ҳам кирди, сичқон овловчи мушукдек ўзини у одамининг устига отмоқчи бўлди. Лекин эшик очилиши билан уйдагизар икки бурчакка яниришган эдилар. Булар нафас олмасликка, ўзларининг қайси бурчакда эканларини билдириласликка қанча уринсалар ҳам бўлмади. Гурсиллаб тенаётган юраклар қавариб шишшатган ўнкадан ишиллаб чиқаётган нафас олини яниришинга йўз қўймади.

Омонбоқи икки бурчакда икки одам бораигини аниқлади, у эшик олдини тутиб турмаганда, эҳтимол буларининг бирин аллақачонлар чиқиб кочар эди. Эди булардан қочинига тайёр бўлиб турганини аниқлами ва унинг устига отилиш керак. Лекин нафастарининг олинини бирдай, қоронги уйда афти башаралари кўринмасди.

Омонбоқи, эшикнинг орқасидаги токчада ҳар эҳтимолга қарини

турадиган таёгини налаб қўл узатганда, таёқ ўрида гугурт йўлиқди. Омонбоқида аниқлаш учун асбоб топилган эди, гугуртни чақди, тутиш лозим бўлган одамни кўрди, ҳатто унинг кимлигини ҳам таниди ва ўзини у кишининг устига отди.

Ов қўлга тушди, лекин эллик яшар овчи йигирма тўрт, йигирма беш ёшли йигит овни саранжомлай олмади, балки у қучли йигит бу кучсиз овчини кўтариб ерга урди-да, тузоқдан қутулиб қочди.

Омонбоқи йигит билан ёқалашаётганди Гуландом ҳам уйдан чиқиб қочган эди, кийимларини йиртиб, юзини юлиб тўппа-тўгри отасининг уйига борди:

— Эрим уриб ўлдираёзди, зўрга қочиб қутулдим,— деб отонасиға шикоят қилди.

Омонбоқи оғир бир ҳолда қолган эди, у қайси юз билан халқقا: «Хотиним менга хиёнат қилди», деда олади. Рақиб қўлга тушганда эди, ота-боболаридан қолган одат бўйича, у билан хотинининг қонларини тўкиб, қора дод томган этагини ювар эди, кексалик қурсин, бу ҳам бўлмади. Хотинин қўйиб юбориб жим-жим кетавериш ҳам мумкин эмас эди, чунки мулланинг «қабул кардиаш ба заний?» деган сўрогига, «қабул кардамаш»¹ жавоби билан ўз буюми бўлган хотинига хоинона қўл узатган рақибдан ўч олиши керак эди.

Омонбоқи ерга йиқилиш зарбидан оғриб турган белини уқалай-уқалай ўриидан туриб, ташқарига чиқди-да, деворга нарвои қўйиб, ўзини томга олди:

— Ўгрини ушланглар, ўгрини ушланглар! — деб бақираверди. Қишлоқнинг бутун катта-кичиги Омонбоқи ҳовлисига тўпландилар. Жамоат орасида ёлғиз соқоли юлинган Арбоб Ҳамол билан қизини «уриб қувлагани» учун Омонбоқидан қўнгли олинган Шоҳназар қўринмас эди.

Тўпланган халқ олдига Омонбоқи томдан тушиб:

— Ушламадингларми? — деди.

Жамоатдан бирор:

— Қимни? — деб сўради.

— Ўгрини, Ибодни.

— Қайси Ибодни?

— Арбоб Ҳамолнинг ўғли Ибодни.

— Арбоб Ҳамолнинг ўғли Ибод ўғри, бу қандай гап?

— Мен ҳам ўз қўзим билан кўрмаган бўлсам, иноммас эдим,— деб Омонбоқи бояги гапини таъкидлаб тафсилга киришид:

— Хотиним,— деди Омонбоқи — отасининг уйига кетган эди, мен уйда ёлғиз ётган эдим, эшик очилиб, бир киши қўзига илинган нарсаларни йиға берди. Мен унинг устига ташланиб, ушлаб олдим. Ибод экан, лекин у мендан бақувват чиқди, мени ерга кўтариб уриб, чиқа қочди.

Мен ҳам томга чиқиб дод солдим. Мен халқ уни тутар ва ўз қўлим билан уни ҳокимга элтиб топширарман деб ўйлаган эдим,

¹ (Хотинликка) Қабул қилдингми? Қабул қилдим?

энди ҳокимга бориб арз қилиб, миришаб калтаги билан унга ганираман.

Омонбоқи ҳалқнинг орага тушиши ва бу кечада қўйи, ҳар гап бўлса эрта қундузи қиласан, дейишларига қарамасдан, ҳоким маҳкамаси йўлини тутди.

Бир қисм соддадиллар Омонбоқининг бу ҳикоясига ионган бўлсалар ҳам қўпчилик ионмаган ва «бу ўғри»нинг нима «ўғри»си эканлигини англаб олган эди. Ионмаганларнинг бириси Шоҳназар бўлса ҳам у ўз обрўсини сақлаш учун бу сирни очмас эди.

Шариф Қоратегин зиндонида қамалиб ётган чоғларда йигирма тўрт-йигирма беш яшар бир йигитни келтириб зиндонга қамадилар. Бу йигит зиндоннинг гўрдек тор ва қоронғилигини, ҳожатхона каби сассиқлигини ва у ерда қамалиб ётганларнинг оёқларидаги ишқал, бўйинларидағи желни кўриб даҳшатга тушди ва йиглаб, «ноҳақ тұхматга учрадим», деб зиндонни бошига қўтарди.

Бандилардан бири у йигитдан:

- Сен кимнинг ўғлисан? — деб сўради.
- Мен Арбоб Камолнинг ўғли.
- Отанг тирикми?
- Ҳа, тирик.
- Мол ва мулки борми?

Холига яраша бир сурук қўйи, қўш хўқизи, ер-суви, уй-жойи ва бошқа асбоблари бўлиб, қишилоқда иккита одамшаванда бўлса, бири ҳисобланади.

— Ундаи бўлса нимадан кўрқасан? Бу зиндоңда умрбод қолиб жел, ишқел кунда ва миргазабнинг калтаги остида чириш биздек камбағалларнинг насибаси, аммо сендеклар учун зиндоң бир кунлик меҳмонхонадир.

Бошқа бир банди бу гапларни тасдиқлаб:

— Агар,— деди,— сени зиндоңга келтирмайни, отангдан шу ундириш мумкин бўлса эди, сенга ташвиш бериб бу ерга келтирмас эдилар, отанг жуда мумсик бўлса керакки, иш шу дараражага етибди. Отанг қанчалик мумсик бўлса ҳам, энди сени қутқариши учун ҳаракат қиласар ва қутқарар ҳам, чунки ҳокимдан олиб зиндоңбонгача барисини нуқтаси пулдор одамининг қўлидир, тиласа, буларни ҳар мақомга ўйната олади.

Йигит бу бандиларнинг сўзларидан бир оз тасалли тошиб тинчланган бўлса ҳам, шу пайтда шиқирлаб очила бошлаган зиндоң эшигининг қулфи товушидан, «зиндоңбон келиб бўйнимга жел, оёғимга ишқел солар», деб кўрқиб бошини эски бандиларнинг орқаларига яширди.

Зиндоң эшиги очилди, қўлида бир чойнақ чой, иккита ион бўлгали ҳолда зиндоңбон кириб:

- Бойвачча қаерда? — деб сўради.
- Қандай бойвачча?
- Арбоб Камолнинг ўғли Ибод бойвачча.

Зиндоңбон қўлида чой ва ионни кўриб ўз отини эшигтан йигит тамом тинчланиб, пусиб ётган ўрнидан бошини кўтариб:

- Ибод мен, нима дейсан? — деди.

— Сен учун иону чой келтирдим, худо хоҳласа, тезда қутуларсан, ўша вақтда менинг хизматимни унутма, хизматонамни ёғлиқроқ қил,— деб зинданбон чой-ионни йигитнинг олдига қўйди-да,— унинг қулогига пичирлаб:

— Сенга буларни ясовулбоши юборди, отасига: «Мени қутқазиш учун нулини қизганма, деб айтиб юборсин», деди. «Агар отаси хасислик қиласа, бошқа бандилар тушган ҳолга бу ҳам тушар», деди,— деб чиқиб кетди.

Шариф бу сўзлардан, бу йигитнинг онаси Ойшабиби уйидан «дайди хотин» деб қувлаб юбориб, Гулбииини судраб олиб кетган Арбоб Камолнинг ўғли эканини билгач, Гулбииининг кейинги саргузаштини эштиши учун у билан ўзини яқин тутиб, Ибод зиндандан қутулгунча ундан бор воқеани ва фожиаларни пайқаб олди.

XXX

ХАБАР

Юқорида ишорат қилингандек, Одина чойхонада Шарифдан ўз хонадони тўғрисида хабар сўраганда, шу воқеаларнинг барисини билгани ҳолда Одинага ёмон таъсир қиласа деб айтмоқчи эмас ёки енгилроқ бир нарса ясад айтмоқчи эди. Шариф ўз саргузаштини ҳикоя қилгадан кейин Одинани фожиалар эшитининг тўзимли ва муҳокамали тоиди, унинг бу аҳволига алданиб юқоридағи ёзилган, Одинага дахлдор воқеаларнинг барисини ҳикоя қилди.

Шариф шу воқеаларни Одинага нақд қиладиган ҳар сўз бошида унинг аҳволини кузатар ва уни илгаригидан ҳам тинчроқ кўриб, ҳикоясида давом қиласа эди.

Шариф ҳикоясини тугатган чоқда Одинани уйқуда тоиди ва уни бу ҳикояларга сира эътибор бермади деб ўйлади. Шу пайтда Шоҳмирза палов билан шўрвани келтириб Одинани уйғотмоқчи бўлди, лекин қанча уринса ҳам уни уйғота олмади, чунки Одина уйқуда эмас, балки хуҷисизланган эди.

Шариф бу ҳолдан, Одинанинг кейинги тинчлиги фожиаларга эътибор бермаганлигидан бўлмай, ҳолсизланганидан ва юрагининг ишдан чиқаёзганидан эканини англади.

Шариф билан Шоҳмирза унинг қўл-оёқларини уқаладилар, бетига совуқ сув сепдилар, лекин у ҳаёт асари кўрсатмас, заиф бир йўталнинг таъсири билан пайдо бўлган заиф бир ҳаракатдан бошқа қимиirlамас эди.

Шоҳмирза югуриб докторга бориб, бехос юз берган бу аҳволга қарши вақтинча бўлса ҳам бир илож топиб келди, бу илож қайноқ сув тўлдирилган шишаларни унинг оёғига босавердилар, бу тадбирнинг соясида Одина қўзини очган бўлса ҳам ош емак нари турсин, қимиirlашига ҳам мажоли етмас, қўзини бир иуқтага тикиб, бир оз қараб турар, қўзини тагин юмар эди.

Бу ҳолдан таъсириланган Шариф билан Шоҳмирзанинг ҳам томоқларидан ош ўтмади.

Кун кеч бўлган, офтоб ботишга яқинлашган эди. Шариф ўз қўшхонасига бориб, ўйлдошларига бу кеча қайтиб кела олмаслигини айтиб келиш учун Шоҳмирзадан рухсат олиб чиқиб кетди, Шоҳмирза Одинанинг ботишга юз тутган ҳаёт офтобини тўхташишга уриниб, унинг ёстиги олдида қолди.

XXXI

ХАЗОН

1918 йил октябрь ойининг 22 сида Тошкент ҳавоси одатдан ташқари совуқ бўлди, шу ойининг бошидан бери саргая борган дараҳтларнинг яшил барглари, букун ёқимсиз ва изгирии елга чидай олмай қарчиғай ҳужумига учраган қантарлардек ҳар томонга учар, қочар, ўзларини чуқурчаларга, ариқчаларга урар ва ўзлари учун хазон елининг бу омонсиз ҳужумидан гўё сигинарли бир ер ахтарар эди.

Ёнаётган қор аралаш ёмғир туироққа беланиб кўчаларни сувда бўккан эски увададек бадном қилган эди.

Хали қиши кийимларини тайёрламаган йўловчилар вақтсиз қор-ёмғирининг остида сувга тушган темирқанот жўжалардек титраб, пана жой ахтариб, қаерга боршиларини билмаслар эди.

Қора булут дунёни ўраб, офтоб яниришган, кундуз қоронги кечага айланган, ҳаво бузуқ, ер тойғаюқ эди.

Бора-бора ҳавонинг бузуқлиги шу даражага етдики, кўчалардан йўловчилар оёқлари узилаёзди. Тошкентдек гулгулали катта шаҳар тинчиб қолди, кўчаларда шамолнинг гувиллаши, дараҳтларнинг қарсиллашиб синишидан боинқа товуш эшитилмас эди.

Шу пайтда Қашқар маҳалла томонидан фақирона бир тобут кўриди, тобутнинг теварагига рўян билан бўялган тўрт қарич бўз ўралган эди. Бу тобут билан бораётган гурух, саккиз-ён нафар оёқяланг мардикорлардан иборат эди, булар ҳам тобут кўтарувчи, ҳам ўлик узатувчи, ҳам ўликнинг эгалари эдилар.

Тобут кўп юқ ортилган туядек, жуда оғирлик ва секинлик билан юрмоқда эди. Ҳақиқатан ҳам, бу тобутнинг юки оғир эди, бу юқ тог гавдали кишиларниг белини синдирадиган қайғуалам, ҳасрат, ҳижрон ва йўқинлик юки эди, бу юки тобутни кўтариб бораётган мардикорлардан боинқа киши кўтара олмас эди.

Тобут секин-секин Ўрда ва Эски шаҳарининг бошқа маҳаллаларидан ўтиб, гариб мозорга кирди, унда янги қазилган бир қабрнинг олдида ерга қўйилди.

Тобутни очиб, ўликни қабрга туширдилар, лаҳадининг оғзига бир-икки катта гуваллани қалаб, устидан тупроқ тортдилар, устини ердан баландроқ кўтариб, туянинг ўркачилик узунчиқ қилдилар, гўрининг бош томонига, қабр тоши ўринига бир-икки дона чим босдилар.

Бу ишлар тугагандан кейин бирор:

— Жамоат! Одина қандай одам эди? — деди.

— Одина ёшлигиде бекларининг, бойларининг, муллаларининг хиёнат, зулм ва жафоларига қурбон бўлган гариф, фақир, меҳнаткаш бир йигит эди, — деди бирор.

Савол берган Шоҳмирза, бунга жавоб қайтарган Шариф эди. Бошқалар:

— Одина ўлди. Яшасин инқилоб! — деб келгав йўллари билан қайтилар.

Ҳаво секин-секин очилмоқда, қора булутлар тарқалмоқда, офтоб ҳам ўз нурини секин-секин Октябрь инқилоби офтобидек бутун ер юзига сочмоқда эди.

XXXII

ХОТИМА

Асрлардан бери тоҷиклар Кўхистонида кўн зулм ва ҳақенизликлар қилинди, кўн қонлар тўкилди, кўн уйлар бузилди, кўн хонадонлар бўшаб қолди. Тот тоҷиклари ўз тириқчиликлари тарихида Ўрта Осиёнинг бошқа халқаридаи кўра харобликини кўпроқ кўрдилар, булар бир томондан Бухоро амири ва беклари, ўз амалдор, оқсоқол ва бойлари қўлида зулм чеккан бўлсалар, иккинчи томондан, шундай тириқчилик билан бояни қўлган эски урф-одат, расми таомилдан ҳам кўп азоблар, уқубатлар тортдилар, бу йўлда кўп одиналар кўп шарифлар, кўп шоҳмирза ва сангинлар, кўп ойшабибилар, кўп гулаби ва гуландомлар қурбон бўлдилар.

1920 йилдаги Бухоро инқилоби тот тоҷиклари бўйиндан амир ва беклар занжирини расман қўтартган бўлса ҳам, амалда бу ҳол яна бир неча йил давом қилди. Тоҷик ҳалқи Бухоро сўнгги амирининг царвариши қўлган болалари ва жаҳон империалистларининг асрандилари бўлган босмачилар қўлида тарихда мисли кўрилмаган харобликларни кўрди.

Ниҳоят, 1924—25 йилда бўлган Ўрта Осиёдаги миллий чегараланни, тоҷиклар Кўхистонининг уфқида ҳам озодлик субҳи содиқини қўрсатди, миллий чегараланаш натижасида тузилган Тоҷикистон Мухтор¹ Шўролар ҳукумати, Коммунистлар партияси раҳбарлиги остида қизил аскарларининг гайрати, Иттилоқ иролетариати ва Тоҷикистон меҳнаткаш деҳқони ва чўпонлари ёрдами билан босмачилик тутатилиб, бу фожиа китобининг охирига «таммат-бил-хайр» сўзини ёздим.

Бу орада Тоҷикистон ёлғиз босмачиликдан қутулдигина эмас, балки ўзининг деҳқончилик ва чорвачилик хўжалигини йўлга солиб, кўнгина маданий асарларга эга бўлиб, фақирликдан, мада-

¹ Бу китоб тоҷикча ёзилиб босилиши Тоҷикистон Мухтор Шўроллар Жумхурини тузилган чоқларда эди. Таржимада бу тарихий ҳусусият ўзича қолдиди. (Л.)

ииятсизликдан ҳам қутула бошлади. Букун Тожикистон осмонида аэропланлар учмоқда. Букун Тожикистоннинг тоглари дараларида аввалги шарти кетиб, парти қолган эски кўприклар, чанг босган, кишини ваҳимага соладиган сўёмоқ ўрнига темир кўриклар, тош йўллар солиниб, автомобиллар, автобуслар, ҳатто поездлар кезмоқда. Букун Тожикистон далаларида Америка ва Миср пахтапарлари ўсмоқда, букун Тожикистон шаршараларидан электрик чироқлар ёнмоқда. Букун Тожикистоннинг ёлгиз шаҳарларигина эмас, балки узоқ қишлоқлари ва баланд тоғ чўққиларигача мактаблар, касалхоналар, болалар уйлари, кутубхона ва қироатхоналар солинмоқда ва очилмоқда, бу кун «калла миноралар» ўринда телеграф ёғочлари, радио антенналари, завод-фабрика мўрилари кўкка бош чўзмоқда...

Одина ўлди, Шариф ва Шоҳмирзаларнинг ўлиқ-тиригидан хабаримиз ўйқ, лекин шунчалиги бизга маълумки. Одина, Шариф ва Шоҳмирзадек эски давр мазлумлари ва фақирлари букун Тожикистон ишчи ва деҳқонларининг вакиллари бўлиб, Тожикистонни янгидан тузиши ишини бошқармоқдалар.

Гулбиби ва Ойшабибидек мингларча мазлумалар эски расмодатларнинг қурбони бўлдилар. Лекин букун тоҷик хотинларини расми одатга қурбон бўлишга йўл қўймай турган, мурувватсиз, эрларнинг чироқлигидан қутқазадирган юзларча гулбиби ва ойшабибилар етишганлар ва етишмоқдалар, букун фақир тоҷик хотин-қизлари меҳнаткаш тоҷик эркаклари билан тенг ҳуқуқли бўлиб, жамоат ишларида ишламоқдалар...

Ҳали ҳам тоҷик ҳалқининг орасида арбоб камоллар, мулла ҳакираҳлар ва мулла мардиҳудолар бордиirlар. Ҳали ҳам улар яширинча тоҷик меҳнаткашларининг зарарига ишлайдилар. Лекин биз хотиржаммизким, зулм чамбарагидан бир дафъа бошини қутқарган тоҷик фақирлари бундан буён уларнинг фириб тузоқларига бўйин бермаслар. балки тоҷик ишчи-дехқони ундан ҳийлакор синфий душманин ер юзидан сунуриб ташлар.

Узун сўзининг қисқаси: бугун Тожикистон гуллади, эрта-индин у шарқ оламига ўзининг ширин меваларини беражакдир.

ЭСКИ МАКТАБ



I

Агар унутмаган бўлсам, олти яшарлик вақтим эди. Отам мени қишилоқ мачити олдиаги мактабга элтиб берди, шу вақт онам: «Сени тўрт яшару тўрт ой, тўрт хафта ва тўрт қунлигингда дастурхон қилиб мактабга элтиб, сабоқ бошлатиб қўйган эдик. Лекин бу вақтларда сен жуда ёш эдинг: шунинг учун ҳам сени мактабда қийналарсан деб ўйладим ва ҳанузгача ўйиаб юришга қўйдик. Энди гайрат қилиб ўқи! Тўрт яшарликларида борган тенгдошларининг етиб ол!» деб эди. Мен бўлсам ўша вақтларда менга қаттиқ таъсири бўлган онамнинг бу маслаҳатини бажо келтириш, тезроқ сабоқ ўрганиб, тенгдошларим билан баравар бўлиш ва ҳатто улардан олдинга ўтишин истар эдим.

Лекин мактаб ҳаёти ва шаронти менинг бу тилагимга йўл бермади, ҳаракат ва гайратларим бўшга кетди.

Мен мактабга бордим, мактаб бизнинг ўйимиз каби кенг, тўрт эшикли, ёруг ва тинч бўлмай, торгина бир хонадон (хўжрадан) иборат эди. Унинг икки эшиги бор бўлиб, бунинг бири бир тавақали ва бу эшик қўпинча ёниқ туар эди. Иккинчи эшиги дарча бўлиб, уч газ бўйи ва ярим газ эни бор. Бу дарчанинг олди домла (мактабдор) нинг ўтирадиган жойи эди. Дарчаларга эса парда қилинган (деразаси қозоз билан қопланган) ва қозозга эса қорёғирининг ҳўллаб йиртиб юбормаслиги учун зигир мойи суртилган, бу мойли қозоз қўчанинг чаңг ва тупрогини ўзига ола бериб, қозон чочиқ каби қоп-қора кирланиб кетган эди. Агар янглишмасам, домланинг тугилганидан бери совун юзини кўрмаган, бениҳоя кирланиб битган башарасига ўхшар эди. Шунингдек, мактабининг ҳалиги айтганим деразасидан дарсхонага ҳеч бир ёруглик кирмас эди. Ҳужранинг шини тагидан деворининг шинига яқинлаштирган жойида икки томондан ҳам бир-бирига рўпарама-рўпара қилиб очилган икки туйнукча бўлеа ҳам булардан кирадиган ёруглик настга тушмасдан, ҳужранинг деворларида қолар эди.

Бу ҳужранинг кенглиги ўн олти газ мурабба (квадрат) эди, унинг ичига бир-бирининг устидан ўтказилиб тўртта синч тортилган ва бу билан ҳужра тўққиз бўлакка бўлинган, гўё мактабхонанинг ичига тўққиз охур пайдо бўлган эди.

Эшик олдидаги охурчада болаларининг қавушлари турди, дарча олдидаги охурчада бўлса домла ва қолган етти охурчада эса болалар ўтирадилар. Бу вақтда у мактабхонада қанча бола ўқиғанилиги аниқ эсимда йўқ. Фақат шуни эслайманки, у вақтларда уч юз уйлик қишлоғимизнинг тўрт яшардан ўн икки яшарга қадар бўлгани бутун болалари шу мактабининг шогирди ҳисобланарди, ундан ташқари, бизнинг қишлоқ хўжалар қишлоғи бўлганилиги учун ҳам «табаррук» бир қишлоқ ҳисобланганидан, атроф қишлоқлардаги баъзи «ихлоемандлар» ҳам ўз болаларини бу мактабга юборар эдилар.

Хайриятки, бу мактабда ўқувчи болаларининг ҳаммаси ҳар куни мунтазам давом қилмас эди, акс ҳолда ўтириш нари турсин, ҳужрада тикка туришга ҳам жой топилмаган бўлар эди. Шундай бўлса ҳам болалар амир зиндонида қамалган бандилар каби, бир-бировларини босиб, тиқилиб, қийналиб ўтирас эдилар.

Мен бу мактабхонанинг бизнинг катакчага ўхшаганини ҳануз унугтаним йўқ. Бизнинг катакчамиизда эса онам товуққа тухум бостирган эди, янги тухумдан чиқсан жўжалар бир-бировларини босиб она товуқнинг қапоти остига тиқилар эди. Бу мактабхонадаги болалар ҳам бир-бировларини босиб ўтиришда худди шу жўжаларга ўхшардилар, фақат икки ўртадаги фарқ шугина эдики, бизнинг жўжаларимизнинг чугурлашлари қулоққа бир тураи ёқар, аммо бу мактабхонадаги болаларининг қичқиришлари, дод-бедодларнинг зарбидан эса қишининг қулоги портлаш дарајасига келар эди...

II

Мени мактабга отам олиб борди, у, ҳолваи учун бир лаъли кулча нон ва магизни бир дастурхонга ўраб, ўзи билан олиб борган эди.

Домла мен билан отами ўз рўпарасига ўтиргизди. Дастурхонни очиб, кулчалардан бирини ушатди, ўзи бир бурда олиб, отами ҳам нон ейинига ундиади, отам ҳам бир бурда нонни олиб синдириб оғзига солди. Сўнгра домла ушатилган кулча бурдаларини товуқларга берадигандек майдалади ва бу нон бўлакчаларини мактабхонанинг ҳар томонига — болаларнинг устига қараб сочди.

Бу вақт мактабхона ичида ур-ур, сур-сур, бир-бировининг чопон ва кўйлакларини йиртиш, қулоқларини чўзиш, кўзларини ўйниш ва юзларини тириашлар бошланди. Бунинг устига, болаларнинг йиги-сифиси, доду фарёди гўё мактаб томини осмонга кўтарар эди.

Бу нон ушоқлари устида жанжал-тўполон бўлиб турганда, домла бетараф турмади, унинг орқасида деворга суюб қўйилган узун-қисқа бир неча таёқ турагар эди. У бу таёқлардан энг узун таёқни олиб, бир чеккадан болаларнинг бошларига қараб ура бошлиди, болалар ўзаро талашишни қўйиб, ҳаммалари йиғига тушдилар: «Домлажон, тавба қилдим... едим», садолари ҳамма болаларнинг оғизларидаи баробар чиқиб кўкка кўтирилар эди.

Мен ҳам тоқат қилолмай, болалар қаторида йиглашга киришдим. Лекин отам мени юпатди ва агар йигламасдан мактабда қолсам, менга бир «куrrа»¹ олиб бермоқчи бўлди, домла ҳам отам билан бирга мени юптишга киришди: «Мен ҳам,— деди у,— ҳар бозор куни бир чақмоқ қанд олиб бераман».

Отамнинг ваъдаси гарчи болаларни азоблаш учун ясалган ва мактабхонада мени қолишга рози қилолмаган бўлса ҳам, домланнинг юптиши мени бир оз тинчлантириди, чунки у, бошқа болаларни аямасдан ургани холда, менга қанд ваъда қилмоқда эди. Мен унинг бу сўзидан «мени урмас», деб ўз-ўзимға тасалли берар эдим, шундай бўлса ҳам иккى кўзимни у таёклардан, айниқса, мактабнинг ҳар томонига етиб, ҳатто узоқ бурчаклардаги пусган болаларгача омон бермайдиган бояги узун таёқдан сира узмас эдим...

Болалар бир оз тинчландилар. Домла кўрпачаси остидан бир тахтачани олиб, унга қўп нарсаларни ёзиб, отамга кўрсатди. Аммо отам саводли бўлгани учун домланинг ёзган баъзи нарсаларига қарши чиқди ва: «Буни бундай ёзмайдилар», деди.

Бошда домла жанжал чиқарди ва отамнинг гапларини қабул қилмади. Лекин отам ҳам жанжал қўтариб, ўз гапини ўтказди ва у бир оз қизишиб: «Ундан бўлса, ўзингиз ёзинг», деб тахтачани отамнинг олдига иргитди. Отам домла ёзган баъзи нарсаларни ўчириб, уларнинг ўрнига бошқатдан ёзди.

Шу вақтдан бошлаб отам кўзимга катта одам бўлиб кўринди ва у ўша вақтгача қишлоқнинг доноси ва зўри деб билганим домладан ҳам донороқ ва кучли бўлиб кўрина бошлади. Бу ҳол менга қувват берди. Мен ўз кўнглимда: «Агар мактабдор мени урса, мен отамга ундан шикоят қиласман, отам келиб уни уради. Агар болаларни урмоқ учун мактабдорнинг таёғи бўлса, отамнинг ҳам гаврон таёғи бор. Отамнинг гаврон таёғига хўқиз чидомлайди. Аммо ориқ, юзи бир бурда ва ўзи ҳолсизликдан ўлиб бораётган домла бўлса бир гаврон урилиши билан ўлиб қолади...» деб ўйлардим.

Домла мени ўз рўпарасида ўтқазиб, охурчанинг деворчаси ҳисобланган синчи устига тахтани қўйди ва менга «аузу биллоҳ, бисмилло»ни айттириди.

Оtam менга буларни кўп вақтдан бери ўргатар эди, шунинг учун ҳам тилим тутилмасдан ва қўрқмасдан «аузу биллоҳ, бисмилло»ни баралла айттиб юбордим.

Домла мендан хурсанд бўлди. Болалар ҳам менга қарап ва домла таёғидан қўрқсанлари сабабли бошларини кўтармаган ҳолда, бармоқларини кўз олдиларига келтириб бир-бировларига мени кўрсатар эдилар, бу эса менинг кўзимга, мени агар бирон овлоқ, ҳеч ким йўқ ерда ёлгиз тоғсалар, у бармоқлари билан менинг кўзимни ўядигандай бўлиб кўринар эдилар.

Домла фотиҳа ўқиди, болалар ҳам «омин» деб фотиҳага қўшилдилар. Шу билан менинг сабоқ бошлаш маросимим битди, отам қайтиб, уйга кетди ва мен у кунга қадар кўрмаганим бир уқубатхонада қолдим.

¹ Курра — хўтиқ.

Отам кетгандан кейин домла мени ўзига яқинроқ бир ерга ўтқазди ва ёши каттароқ бир болага менга ўргатишни буюрди. У бола мени ўз тахтачамга қаратиб: «Алиф, бе, те, се, дегин», деди. Мен ҳам унинг оғзидан олиб ҳалиги уч сўзни, яъни уч ҳарфнинг отини айтиб бердим. Мен бу сўзларни айта оладиган бўлгандан кейин ҳалиги бола бошқа болаларни ўргатишга кетди. Болалар у болани ҳалфа дер эдилар.

Бир оз вақт ўтгандан кейин домла чиқиб кетди ва унинг кетгани ҳамон ҳалфа болаларга:

— Туринглар, кураш қиласиз, — деди.

Болалар гуриллашиб ўрниларидан турдилар ва бир-бировлари билан кураша, ёқалаша бошладилар, қучлилар қучсизларни йиқитиб босдилар.

Болалар ярим соатча бир-бировлари билан курашганларидан кейин ҳалфа бориб мактабдорнинг ўрнида деворга сувяб қўйилган узун таёки олди ва болаларни бир бошдан ура бошлади. Мен қўрқиб мактабхонадан чиқиб қочмоқчи бўлдим, лекин бу мусассар бўлмади. Чунки мактаб эшигини ичкаридан занжирлаб, зулфинига чўн тиққанлар ва чиқиш-кириш йўли бутунлай беркилган экан, мен ёш ва эндинигина олти ёшда бўлганимдан эшикни очишга бўйим ва қучим етмас эди.

Ҳалфанинг таёки остида уён-буён қочиб югуришиб юрган болалар, унинг:

— Ҳар ким ўз ўрнига ўтирасин, бўлмаса яна ҳам қаттиқроқ ураман! — дейниши билан ўз жойларига ўтирдилар, мен ҳам ўз ўрнимга бориб ўтирдим.

Ҳалфа қўлида узун таёқ, такка тургани ҳолда:

— Болалар, энди камонбозий! — деди.
— Камонбозий!
— Камонбозий!
— Камонбозий!

Болалар бирдан шовқин қўтардилар ва амалий ишга қўчдилар. Болалар мактабнинг бирдан-бир палоси бўлган ўз остиларидағи бўйранинг чўпларини сугура бошладилар ва киссаларидан ишчиқариб, ўша чўплардан ёй (камон) ясадилар.

Ҳар бола шу каби бир бўйра чўпдан камон ясад, бўйранинг иккинчи бир чўпини ўқ ўрнида ишлатиб, ўз рўнарасидаги болага қаратиб отар эди...

Яна мактаб ичидаги тўшопон бошланди, ҳар бир бола бошқа бир боланинг кўзини, юзини ва бурнини нишонга олиб урав эди...

Бир оз шу равишда интизомсиз туришганларидан кейин, ҳалфа таёкини олиб ўрнидан турди-да, болаларни бир бошдан урди ва болаларга қараб:

— Энди саф тортиб урушамиз! — деди.
— Саф тортамиз, саф тортиб урушамиз!.. — деб болалар ҳам вагиллашдилар.

Халфа, катта-кичик болаларни иккига бўлиб, мактабхонанинг икки томонига ўтқазди. Ҳар томонда икки қатордан — каттароқ болаларни олдинга ва кичикларни орқага қўйди ва ўзи девор остида, икки сафнинг ўртасида туриб фармон берди:

— Бошланглар, отинглар!

Олдинги қаторда турган болалар «ўқ» уза бошладилар, орқа қатордаги кичкина болалар эса бўйра чўп сугуриб, олдиндагиларга «ўқ» тайёрлаб берар эдилар...

Бу орада бир «ўқ» бориб қарши сафдаги бир боланинг кўзига санчилиди. У бола: «Вой ўлдим, вой кўзгинам», дея бақириб, ўзини бир томонга олди. Бу боланинг сафдошлиари бирдан қўзғалиб аслида йиртилиб битган бўйра парчаларини ердан йигиб олиб қарши сафдаги болаларнинг бошларига ёмғирдай ёғдирдилар. Қарши сафдагилар ҳам бу ҳужумни тинчлик билан қабул қиласилар, улар ҳам ўз оёқ остиларидаги бўйраларни кўтариб иккинчи томондагиларнинг устларига ота бошладилар!..

Мактаб ичи чанг-тупроқ ва хас-ҳашак билан тўлди. Мен болаларнинг оёқлари остида қолиб эзилишдан қўрқиб қочдим ва домланинг ўтирадиган ўрнига бориб, чизиб қўйилган сурат каби деворга қапишиб турдим...

«Уруш» давом қилмоқда эди, бирдан мактаб эшиги шиддат билан тақиллади. Тақиллатувчи борган сайин қизиб, эшикни оёғи билан тепар эди. Мен эшик синар ёки бузилиб ағанар деб қўрқар эдим.

Болалар эшик тақиллашини эшитиши билан мушук товушини эшишиб қочган сичқон болаларидай қўрқиб қочиб ўз охурларига кириб яшириндилар, лекин охурчанинг девори бир болани пана қилгудай балаандликда эмас эди. Болалар бошларини эгиб, юз ва кўзларини ерга ёништириб яшириндилар, бироқ ўзлари ҳеч бир нарсани қўролмасалар ҳам уларнинг орқалари дўнгайиб турар ва ҳар кимга қўрипар эди.

Эшик ҳали ҳам тақилларди, лекин бу болаларнинг ҳеч бирори бориб эшикни очишга ботирлик қилолмас эди.

Болалар ўз ўринларида яшириниб ўтириб тинчланганларидан кейин халфа бориб эшикни очди. Ғазаб шиддатидан юз-кўзи, қош-қовоқ, соқол-мўйловлари ит кўрган мушукнинг жунидай фахиллаб ҳурпайган бир одам мактабхонага кирди.

Бу кипи домла эди.

Домла мактабхонага кирган ҳамон, эшикни очиш учун борган халфанинг қўлидан узун таёқни тортиб олди ва аввал бошлаб халфанинг бошига бир неча бор урди. Халфа эса домланинг таёғи кўтарилиши билан узум ўғирлаш учун боққа кириб, бобон таёғига учраган ит каби дод солиб, талвасаланар, ҳар томонга қочар эди. Аммо домланинг узун таёғи ҳужранинг ҳар бир бурчагига етар ва халфанинг баданини уриб қабартирас эди.

Домла халфани уриб ўз газаб ўтини бир оз пасайтирган бўлдида, ўз ўрнига бориб ўтириди. Мен эса ҳануз унинг охурчасида девора қоқилган сурат каби турап эдим. Мени ҳам ўз ўрнимга ўтқазди. Лекин мени урмади.

Сўнгра домла яна узун таёгини кўтарди ва ҳали ҳам бошлари кўйи ва орқалари дўйгдек бўлиб кўтарилиб турган болаларни ура бошилади. У ҳар бир таёкини кўтариб ташлаганда ўн-ўн беш болани бирдан урар ва болалар ҳам баробар:

— Тавба қилин! — деб бақирап эдилар.

Шундан кейин домла:

— Ўқнинглар! — деб буйруқ берди.

Болалар таёқ егаи орқаларини силаб-сплаб бошларини кўтардилар. Кўзларини домладан узмаганлари ҳолда, бошларини китоб ва тахтачаларга эгиб, алганималар деб вайсаб бақириша бошлидилар.

Мен ҳам уларга тақлид қилиб кўзларимни тахтачамга тикиб, «алиф, бе, те, се», деб қичқирмоқда эдим.

Болалар қичқиришиб бир оз ўқиганларидан кейин, домла ҳалфани ўз олдига чақирди. Янгигина домладан хўп таёқ егаи ҳалфа деч бир кўрқмасдан унинг олдига келди. Мен ҳалфанинг довюраклигига ҳайрон қолдим ва мен ҳам шунақа кўрқмас бўлишини оразу қилим. Аммо мен ўз кўнглимда айтар эдимки, «агар мен ҳам шу ҳалфадай кўрқмас бўлсаидим, домла мени урмоқчи бўлганди мен ҳалфа сингари ундан қочмас, баъжи қўлидан таёкини тортиб олиб, ўзининг бонига ураверар эдим. Эсизки ҳали мен қичикман ва кўнглимда қўрқини ҳам кўп».

Домла ҳалфадан:

— Айт менга, бу қадар галвани ким қўзгатди? — деб сўради. Ҳалфа домланинг сўрогига жавобан бир неча боланинг отини тутиб кўрсатди.

Болалар ўқиниларини тўхтатиб, қулоқ солдилар ва ҳалфанинг кимларни чаққанини билмоқчи бўлдилар.

Аммо домла бунга йўл бермади.

Узун таёгини кўтариб болалариниг бошларига ураверди, болалар ҳам қайта бошдан қичқириб ўқинига киришдилар.

Домла «гуноҳкор» болаларини отларини эшитиб бўлганидан кейин:

— Жим бўлинглар! — деб бақиреди.

Болалариниг бариси бирдан ўқиндан тўхтадилар.

Домла ҳалфа чақсан болалариниг номларини бир-бир айтиб чақирап эди. Домла агар янганиниб бир боланинг ўрнига иккичи бир болани чақиреса, ҳалфа унинг янглишини тузатар, «у эмас, бу», деб домлага луқма ташлар эди.

Шундай қилиб, ўн-ўн икки бола домланинг олдига тўшландилар, улариниг ҳаммаси ҳам каттароқ болалардан эди. Домла ҳалфага:

— Эшикни ёи, — деди.

Ҳалфа мактабининг эшигини ичкаридан занжирлаб, зулфинига чўи тиқиб беркитди.

— Фаллокни ол! — деб домла ҳалфага буюрди.

Ҳалфа домла ёнига ўтди ва унинг орқасида деворга осиб қўйилган бир ёғони олди. Бу ёғоч бир ярим газ узунликда бўлиб, бир оз эгри ва икки бонида бир тизимчанинг икки учи тугилган эди.

— Аҳмад, яна шўхлик қиласанми? — деди домла бир болага қараб бақириб.

— Домлажон, тавба қилдим, мен шўхлик қилган эмасман! — деб у бола ялинишга бошлади.

Бироқ домла бу боланинг дод-войига, ёлворишинг қулоқ солмади ва унинг ёнидаги бошқа болаларга:

— Босинглар буни! — деб буйруқ берди.

Аҳмаднинг ёнида турган болалар уни босдилар, домланинг яна қайта иккинчи буйругини кутмасдан унинг оёқларини фаллоқнинг тизимчасидан ўтказдилар ва икки бола фаллоқ ёғочининг икки учидан тутиб уни бурай бердилар. Тизимча фаллоқ ёғочига ўрала бошлади, у боланинг оёгини қисди, боланинг оёги борган сари маҳкам қисилар эди, бу қисиш шу даражада етдики, бола чидай олмай, дод солди:

— Вой ўлдим, вой оёқинам! — деб қичқирди.

Ўқишидан тўхтаган бошқа болалар эса қўрққан ва титраган бир вазиятда унинг дод-фарёдини тинглар эдилар. Лекин домла бу ҳолга йўл қўймади, у узун таёғини қўлига олди-да, бошқа болаларни бошларига уриб, уларни ўқишига буюрди. Улар ҳам йигълаб-сиқтаб баланд овоз билан ўқишига киришилар.

Домла ўз орқасида деворга тираб қўйилган таёклардан битта икки газлигини олиб ҳалфанинг қўлига берди ва:

— Ур! — деб буюрди.

Ҳалфа фалоққа боғланган Аҳмаднинг товоишлирга ура бошлади.

Энди Аҳмаднинг дод-фарёдига ҳеч чидаб туриб бўлмас эди. Бироқ унинг фарёди бошқа болалариниң китоб ўқишилари, бақиришилари гўшилар ва унинг товушни бақиришилар ичидан сингиб йўқолар эди. Шунинг учун ўткинчилар «болалар ўқишилар», деб ўйлар ва бу ваҳшийнидан хабарсиз қолар эдилар.

Ҳалфанинг калтаклари зарбидан аввало Аҳмаднинг товоишлири кўкариб, қорайиб кетди, сўнгра тиркираб қизил қон чиқди ва таёқни бўяб юборди.

Домла таёқдаги қонни кўриб қолган бўлса керак:

— Энди бас! — деди.

Ҳалфа урмоқдан тўхтади, Аҳмаднинг оёгини фалоқдан бўшатдилар.

Оёқ учларини ерга босиб ўрнидан зўрга турган Аҳмад қўли билан ўз иягини тутиб газаб билан: «Хап, саними?» дегандек қилиб ҳалфага бир қаради.

— Муҳаммадни босинглар! — деб домла янгидан буйруқ берди.

Муҳаммад ҳам болалар томонидан ерга ағдарилиб, Аҳмад йўсинида оёғига фаллоқ солинди, буни ҳам домланинг буйруғи билан ҳалфа таёғи қонга бўялгуича урди...

Шу тартибда домла олдига тўйланган ўн-ўн икки бола бир бошдан босилиб урилиб чиқилди.

Менинг уларга раҳмим келар эди, чунки уларнинг ҳеч биттаси бу ўйинга раҳбарлик қилмаган, ҳаммасини ҳалфанинг ўзи бошлаган бўлиб, яна унинг ўзи домлага чаққан ва болаларни яна ўз қўллари билан таёқлаган ҳам ҳалфанинг ўзи эди. Мен бу ҳолни домлага очиб ташламоқчи бўлсанм-да, ҳалфадан қўрққанимдан нафасимни чиқаролмадим.



Лекин менинг калтакланган болаларга раҳмим ва ҳалфага қарини газабим узоққа чўзилмади. Домла ҳалфа томонидан «айбдор» саналган болалариниг ҳаммаларини урдириб бўлгандан кейин ҳалфага қараб:

— Мен биламанки, ҳар бир шумлини сен ўзинг бошлайсан! -- деди ва таёқ еган болаларга қараб:

— Босинглар бу шумнинг ўзини! -- деди.

Оёқларини дам-бадам ерга босиб жаврашиб, ҳануз тикка турган бояги таёқ еган болалар, шу буйруқни кутаётган каби бирдан ҳалфани босиб йиқитдилар ва оёғини фаллоқ тизимчасидан ўтказдилар. Бир нечаслири қучларининг борича фаллоқ ёғочини бурай бошиладилар.

— Вой, оёқларим, синди, астароқ, мен бу қадар қаттиқ бурамаган эдим, инсоф қизинглар! -- деб ҳалфанинг бақиршайига улар хеч қулоқ солмас эдилар.

Домла ўз олдидағи таёқтардан энг зўрини ташлаб, ҳалиги таёқ еган болалардан бирининг кўлига берди ва:

— Ур! -- деди.

Бола таёқни олди да, ҳалфанинг оёқларига ура бошилади. Фаллоқ ёғочини тутган болалар уни яна ҳам қаттиқроқ буар әдилар. Ҳалфа бўлса:

— Кўнглинигиз тилаганича уришг, лекин, фаллоқни мунча қаттиқ бураманг! -- деб ялиниар эди. Аммо болалар яна ҳам қаттиқроқ буар әдилар.

Биринчи бола ҳалфанинг оёғига бир неча марта ургандан сўнг домла таёқ еган иккичи болага қараб:

— Энди сен ур, қарзингни ундири, -- деди.

Бу бола яна ҳам қаттиқроқ уришга тутиниди... Шу йўсида ҳалфадан таёқ еган болалар, ўз навбатларида ўз «қарзларини ошиги» билан ундиридилар.

— Энди баёс! -- деб домла, ураётган болани уринидан тўхтатди, лекин фаллоқни бураётган болалар ҳали бўшатмас эдилар.

— Тагин пима дейсанлар, ҳали ҳам аламлариниг чиқмадими? -- деб домла фаллоқни тутиб турган болалардан сўради.

— Туз, -- деди уларининг биттаси.

— Ҳа, ҳа, дарвоце, туз! -- деб тақрорлади домла ва кўричасининг остини титкилай бошилади.

— Менда туз йўқ экан, қани кимда бор?

Таёқланган болалар ўз киссаларини қидира бошиладилар, уларнинг бир-иккитасининг киссаласидан латтага тугилган майда туз чиқди.

— Сенинг! -- деди домла.

Болалар, ундан майда тузни ҳалфанинг ёрилаган оёқларига сендишлар ва кўжалари билан босиб, бу тузни ёрилаган оёқнинг гўшталари орасигача юбордилар.

Ҳалфа эса бу холга чидай олмай бўғизланадиган хўқиз сингари бақирар эди.

— Бўшатнинглар! -- деди домла.

Болалар фаллоқ ёғочини тескарисига буриб халфанинг оёгини бўшатдилар. Халфа, кўз ёшини енги билан арта-арта оқсаб, ўз жойига бориб ўтириди. Болалар ҳали ҳам баланд овоз билан қичқириб ўқимоқда эдилар.

Домла узун таёгини қўтариб бир бошдан болаларнинг орқаларига уриб чиқди, шундан сўнг:

— Жим! — деб бўйруқ берди.

Болалар ўқишларини тўхтатиб, домлага қарадилар.

— Бугун бўйраларнинг барисини титибсизлар, эрта ҳар бирларингиз саккиз пул бўйра пули келтиринглар! — деди.

— Келтирамиз, келтирамиз! — деб болалар овоз бердилар.

— Озод! — деб юборди домла.

Болалар калхатдан қочган. чумчуқлар тўдасидай тапирлашиб, бирдан ўринларидан турдилар-да, эшикка томон югурдилар. Эшик ҳали ҳам занжир эди. Халфа авайлаб ўрнидан турди ва оқсай-оқсай эшикнинг олдига келди-да, эшикни очди ва ҳаммадан олдин ўзи чиқди. Унинг орқасидан бошқа болалар бир-бировларини туртиб, босиб ҳовлиқа-ҳовлиқа эшикка отилдилар. Ҳаммадан кейин мен чиқдим.

Болаларнинг бариси мактабхонанинг эшиги олдида тўпланиб турдилар, халфа уларга қараб:

— Салом! — деди.

— Ассалому алайкум! — деб болалар бир овоздан бақирдилар ва сўнгра бутун болалар ҳар томонга қараб қочиб тарқалишилар.

Аммо халфа билан таёқ еган бошқа болалар мактабхона орқасидаги тор кўчага тўпландилар. Бу менинг кетиши йўлим эди. Халфа уларга:

— Эртага чиллакбоэлик ва беданавозлик қиласиз, тайёрланиб келинглар,— деди.

— Дуруст, дуруст! — деган ҳолда булар ҳам ўз уйларига томон тарқалишилар.

IV

Мен уйга бордим ва онамни кўриш им билан йиглаб юбордим, онам:

— Сенга нима бўлди, нега йиглайсан? — деб сўраса ҳам мен жавоб беролмас эдим. Қаердандир отам келиб қолди, у онам каби юмшоқ тил билан эмас, балки шиддат билан йигимнинг сабабини сўради:

— Сенга нима бўлди, тез айт! Бўлмаса қулоғингни кесаман! — деди.

Мен йиги аралаш ҳиқиллаб:

— Болалар бир-бировлари билан уришилар,— дедим.

— Болалар бир-бировлари билан уришсалар, сенга нима? — деб отам кўшимча қилиб сўради:

— Сен-ку, уришмагансан, сени биров ҳам урган эмас, нега йиглайсан?

— Домла уларни урди.

— Яхши қилибди, уришқоқ болаларни урадилар.

Мен мактабга бормайман.

— Номаъқул қилибсан,— деди отам ва бир оз жим турганидан сўнг юмшоқлик билан сўради:

— Нега мактабга бормайсан?

— Домла уради.

— Уришга ҳадди йўқ, уролмайди. Агар домла сени урса, мен унинг қулоғини кесиб оламан,— деди отам ва киссасидан пичоқ-часини чиқарив менга кўрсатиб тақрорлади:

— Агар домланг сени урса, шу пичоқча билан унинг қулоғини кесиб оламан.

Мен отамниң бу сўзидан жуда қувондим.

«Майли, домла мени бир марта уриб кўрсии, мен уни отамга айтай-да, отам домланинг қулоғини кессин, мен бориб унинг кесилган қулоғини томоша қиласай»,— деб кўнглимдан ўтказдим.

Лекин бу тилақдан ўзим қўрқа бошладим. Чунки шу ёшга киргунимча мен ҳеч қаттиқ қалтак емаган эдим. Домланинг таёги оёғимга тегаётганини хаёлимдан ўтказганимда, товоиларим ачири, ловиллаб оғир ва нафасим қисилиб, ўқкам орқамга ёнишар эди, шунинг учун домланинг қулоғи кесилган ҳолда кўриш томошаси баҳридан ўтмоқчи бўлдим.

Лекин кўнглим бунга ҳам ризолик бермас эди. Чунки қўшинимизнинг қулоғи кесилган бир эшаги бор бўлиб, эгаси уни миниб чиққанди, болалар ҳар қаҷон:

— Қулоғи йўқ эшак, қулоқсиз эшак!— дея қийқириб чапак чалиб кулишар эди. Мен бўлсам, болаларга қўшилиб қувонган ҳолда югураверар эдим.

Мен ўйлар эдим: «Агар болалар домланинг қулоғи кесилганини кўрсалар, бу кунгидай ўйнаймиз деб бир-бировларини уриб юрмаслар, балки қулоқсиз домлани кўриш улар учун роса мароқни томоша бўлар эди-да».

Менинг ҳёлимига бир тадбир келди, агар у тадбир амалга ошса эди, ўзим таёқ емасдан, домлани қулоқсиз ҳолда кўрар эдим. Шу мулоҳаза билан отамга айтдим:

— Агар аввал бориб домланинг қулоғини кесмасангиз, мен мактабга бормайман.

— Ундаи бўлса мен ҳам сенга курра олиб бермайман,— деди отам.

«Ох, курра!! У қандай яхши нарса-я! Агар унинг бўйнига қўнгироқ ва пўнакли қизил бўйнибог бояласанг... Эҳ-ҳе... қандай яхши бўлади-я!... Мингап вактда у дингиллаб, қулоқларини диккайтириб ва оёқларини тинирлатиб чонса, ўзингни эшакка минган эмас, балки булатга миниб ҳавода кезган сезасан».

Курранинг ширин хаёли мактабнинг ҳар бир қийинчилликларини менга осонлаштириди, мактабга бормоқчи бўлдим, лекин отамдан яна бир нарсани ундиromoқчи бўлиб:

— Агарда куррачамга пўнакли қизил бўйнибог ва қўнгироқ олиб берсангиз, майли, мактабга бораман.— дедим.

— Балли,— деди отам, қувонч оҳангি билан,— сен мактабга йигламай бориб келавер, мен сенга хоҳлагай нарсангни олиб бераман.

Мен кўз ёшимни енгим билан артдим ва онамдан бир парча ион олдим-да, боғчага чиқдим, у ерда тол новдасидан бир хинчин синдириб олдим ва уни халаҷӯи ўрида ишлатиб боғчанинг деворига мишиб, уни эшак деб фараз қилдим. Ноидан баъзан бир тишлам еганим ҳолда деворни «хих-хих»лаб, халаҷӯи билан уриб, ҳайдаган бўлар эдим. Шубҳасиз, девор қимирламас, боягида тураверар эди. Шундай бўлса ҳам хаёлимни ўзига тортган куррани орзу қилиб, кўнглимни хушвақт қиласр эдим.

V

Иккинчи қун эрта билан мактабга бордим, ҳужрада домладан бошқа киши йўқ эди. Мен унга салом бериб, ўзим учун муайян бўлган жойимга бориб ўтироқчи бўлдим.

— Бўйра пулини келтирдингми? — сўради домла мендан.

— Йўқ, эсимдан чиқибди! — дедим.

— Бўйра пулини унтибсан, қандай мулла бўласан? Тез бор, отангдан саккиз пул бўйра шули олиб кел!

Мен тахтачамни ўз ўрним олдидағи таг синчнинг устига қўйдим-да, мактаб ҳужрасидан қайтиб чиқдим. Ҳали мактабдан унча ҳам узоқлашмаган эдим:

— Садриддин! — деган товуш эшитилди: Қайрилиб қарадим. Мени домла чақирап эди. Йўлимдан қайтиб, домланинг рўнарасида, унга кўзимни тиккан ҳолда тўхтадим.

— Қўлингни қовуштири! — деди домла, бир даража ризосизлик оҳанг билан.

Унинг буюришига кўра қўлимни қовуштирудим, шу билан шубҳадаигансимон, домладан қўзимни уздим-да, унинг орқасида деворга қатор тираб қўйилган катта-катта таёқларга тикилдим. Домла қўлини ҳалиги таёқларга томон узатди, мен эсам, энди домла уради, деб қўрқдим ва ихтиёсрис равинида:

— Агар сиз мени урар экансиз, отам сизнинг қулогинигизни кесади! — деб бақирдим.

У кулди ва:

— Йўқ, сени урмайман, шўхлик қымасанг, ҳеч ҳам урмайман, — деди. Мен унинг бу кулгисидан тинчландим-да, иккинчи буйругини кутиб турдим. Қисқа таёқларни тўйлаб олди ва менга узатиб:

— Буларни мачитнинг ҳовузига элтиб ташла, сўнгра бориб отангдан бўйра пулини олиб кел! — деди.

Мен, бир томондан, таёқларнинг мактаб ҳужрасидан йўқолиши, иккинчи томондан, домланинг кулганидан қувонган ҳолда, оёқларим ерга тегмас даражада югурдим.

Анвал таёқларни ҳовузга элтиб ташладим, сўнгра уйга бориб тегирмон чархи йўнаётган отамдан бўйра пулини сўрадим.

— Неча пул керак экан? — деб сўради отам.

— Саккиз пул.

Отам киссасини ковлаб менинг қўлимга саккиз пул чиқариб берди. Мен отамнинг дўконхонасидан чиқар эканман, отамга қараб.

— Ота, домла менга кулиб қаради, «сени урмайман», деди бу-

нинг устига таёқларни ҳам менга берди, мен уларни ҳовузга ташладим,— дедим.

— Яхши бўити. Тез бор, сабогини тақрорла,— деди отам.

Шошиб-ниниб мактабга бордим. Бу вақтда болаларниң бир қисми мактабга келган экан. Домла бўйра нулини йигиб олини билан овора эди. Мен ҳам отам берган саккиз нулини унга бермоқчи бўлиб, қўлларимни қовуштиридим ва кафтимдаги нулларни бармоқларим орасидан унга кўрсатдим.

Мактабдор тагин кулиб:

— Балли, энди одобли бўлибсан,— деди ва яна қўшимча қилиб:

— Пул берганда қўлинигни қовуштирмасанг ҳам бўлади,— деди.

Мен домланинг бу сўзидан ботирланиб, чап қўлимни кўкрагимга қўйганим ҳолда, ўнг қўлим билан нулини узатдим.

Домла менинг қўлимдан нулини олиб:

— Илоҳи катта бўл, мулла бўл! — деб дуо қиласди.

«Домла унча ёмон одам эмас экан, таёқларни мактабдан йўқотди ва мактабнинг бўйраси учун олинган пул бадалига менинг хаққимга дуо ҳам қилди», деб хәёлимдан ўтказдим.

Домла яна ўзининг пул тўпланишига киришди, у пул келтирмаган болаларни уйларига қайтариб юборар эди. Баъзи болалар эса иккичи қайта ҳам пул келтирмас ва:

— Одам, «бозор куни бераман», дедилар,— деган хабар келтирап эди.

— Мен ҳам то ҳаммаларингиз пул келтирмагунча янги бўйра олмайман, бу эскирган бўйраларни ёқиши учун йигиштириб, таҳоратхонага тоншираман. Сиз эсангиз, тупроқ устига ўтиришга мажбур бўласиз ва ўйин учун чўп ҳам тополмайсиз,— деди.

Домланинг бу дўқини эшитгандан кейин пул келтирган болалар пул келтирмаган болаларни туртиб:

— Саккиз пул берса отанг ўладими, келтиргин-да,— деяр эдилар.

— Бозор куни дедим-ку,— деб йиглаб юборди бола.

Мен ҳам ўз ичимда бу болаларниг оталарини хасис ва қаттиқ-қўлли деб ўйлар эдим. Мен икки тийинга баравар бўлган ўша вақтдаги саккиз нулининг қанча қурби ва қиммати борлигини билмас эдим. Пул тўплани жанжали билан кун тушга яқинлашди ва домла:

— Туринглар, ионхўрак! -- деб юборди.

Болалар гуриллашиб турдилар ва тунов кунги сингари мактабанинг эшигидан чиқиб салом бериб, уйма-уй тарқалишдилар...

Мен ҳам ўз уйимга келдим, овқатландим ва мушугим билан бир оз ўйнагандан сўнг қайтиб мактабга бордим.

VI

Домла ҳали ҳам мактабда ўтирас, болалар ҳам бирин-сирини қайтишиб келмоқда эди. Бир оздан сўнг болалар йигилишдилар.

Домла:

— Ўқинглар! — деган ҳолда узун таёгини қўтариб, болаларнинг орқаларига ура бошлади. Болалар қичқириб, ўқишга киришдилар. Мен ҳам «алиф, бе, те, се», деб қичқирап эдим. Домла халфага қараб:

— Болаларга сабоқ бер! — деди.

Халфа, кечаги еган таёқларининг зарби кетмаганидан оқсай-оқсай, ҳар бир боланинг олдига навбатма-навбат бориб, сабоқ бера бошлади.

Букун менга домланинг ўзи сабоқ бермоқчи бўлди, мени ўзининг рўбарўсига ўтқазди, олдимга тахтачамни қўйди ва:

— Сабоғингни ўқи! — деди.

Мен тахтачага қарамасдан:

— Алиф, бе, те, се, — дедим.

— Дуруст, балли,— деди домла ва ўзи хат ёзиш билан овора бўлгани ҳолда:

— Пастдагисини ўқи, «жим, ҳе, ҳе» деб,— деди.

Мен домланинг оғзидан чиққан бу уч ҳарфларнинг номини такрорлай бердим. Мен ҳеч тахтачага қарамасдан икки қўзимни домланинг чирқин ва сўлгин юзига, нурсиз кўзи ва ганирган чоғида ияги билан баравар юқори, қуйи чиқиб тушадиган эчки соқолига тиккан эдим.

Домла, бир неча бор ўзи ўқиб, мени ҳам әргаштириб ўқитганидан кейин:

— Энди ўзинг ўқи,— деди.

— Алиф, бе, те, се,— деб ўқидим мен.

— Йўқ,— деди у.— пастдагисини ўқи!

Аммо мен буларнинг қайси бири юқори, қайси бириси настда эканлигини билмас эдим. Шунинг учун ҳам домланинг башарасини томоша қилганим ҳолда, қўля қовуштириб жим туравердим.

— Пастини ўқи дейман! — деди домла газаб билан.

Унинг ўзи ҳамон хат ёзиш билан овора эди. У, қўлидаги ёзилган қофозни ерга қўйгандан кейин менга қараб бир оз жим турди ва:

— Сен зеҳни наст бола экансан-ку, шунча ўргатганим билан ҳали ҳам ўрганмагансан,— деди.

— Нимани ўргатдингиз? — деб сўрадим мен.

— «Жим, ҳе, ҳе»ни,— деди у.

— Буларни биламана,— дедим.— Жим, ҳе, ҳе,— деб такрорладим ва яна илова қилдим:

— Буларни биламанку-я, аммо пастдагисини билмайман.

— Насти шу, бор жойингга, ўқий бер!

Мен ўз жойимга бориб ўтириб «жим, ҳе ҳе» ни такрорлашга киришдим, лекин ҳали ҳам қўзимни домланинг юзидан, айниқса унинг эчки соқолидан узмас эдим, қўзини ярим юмиб, жим туриб хат ёзаётган пайтидаги соқоли менинг қўзимга қизиқ кўринар эди, бу ҳол эчкимизнинг соқолини эсимга туширас эди.

Бир вақтларда бир эчкимиз бўлиб, уни мен боқиб яхшиги на семиртирган эдим. Қини қаттиқ келди, ариқлар тамом музлади, тегирмонлар ётди, отамнинг йўниб қўйгани тегирмон чархларини

хеч ким сотиб олмади, отам икки ой бадалида түшт олишга пул тоғнади, охирида у эчкини сўймоқчи бўлди. Мен унамай доду фарёд қилдим, аммо отам менинг доду фарёдимга қарамасдан, пичоқни қайради, эчкини ётқизиб оёқларини боғлади, онам унинг боғланган оёқларини босиб турди ва отам сўйди.

Мен йиғлай-йиглай эчкига термулар эдим. Эчки жагини қимирлатиб жои узаёттанида соқолининг юқори, қуий қимирлаши, домланинг гаширганидаги силкинган соқолига ўхшар эди. Эчки сўйилшиб, боши гавдасидан ажратилди. Шунда мен эчкининг бошини кўтариб уни эркараб, томоша қилдим, эчкининг кўзи ярим юмуқ эди, соқоли эса тиккайиб кўтарилиб турар эди. Жим туриб хат ёзётган домланинг соқоли ҳам худди шу сўйилган эчкининг соқоли сингари эди. Мен домланинг ҳалиги ҳолини кўрганимдан кейин дарҳол эчкимни хаёлимга келтирдим ва уни эслаб қайгуландим, бироқ шундай бўлса ҳам «жим, ҳе ҳе», деб тақрор қиласар эдим.

Қандайдир бир киши ташқаридан домла ўтирган жойдаги дарчани тақиллатди. Домла:

— Кимдир у? — деган ҳолда даршардани кўтарди.

Келувчи паранжи ва чачвон ёпинган бир хотин эди, у домлага енгига ўралган қўли билан бир танга пул узатиб:

— Бу назрни олинг, бош оғриқ, тиш оғриқ, кўз оғриқ дуолари ҳам туғиши вақтида қийинчилик чекаётган хотин учун кушойиш дуосини ёзиб беринг! — деди ва қўшимча қилиб:

— Болаларни ҳам бугун озод қилинг! — деди.

— Бир танга учун тўртта дуо, бунинг устига болаларни ҳам озод қиласай? Бу бўлмайди. Ҳеч бўлмаса яна бир танга беринг! — деди домла.

— Мен узоқ йўлдан — Обкина қишлоғидан келдим, — деди хотин, — мени, хотини туголмай қаттиқ дард чекаётган Шарафбой бир танга бериб кушойиш дуоси олиб келиш учун юбораётганда, касал бўлиб қолган бошқа қўшини хотинлар ҳам ўз дардлари учун дуо буюрдилар ва «ҳар вақт пул топсанк домланинг назрини берамиз, ўшанда элтиб берасан», дедилар. Сиз дуоларни беринг. Улар пул беришлари билан келтириб бераман. Ҳозирча худонинг ризоси учун болаларни ҳам озод қилинг.

Домла тангани олиб киссасига солди, эртадан бери ёзиб, ўз олдини тўлдириб юборган хатларидан тўрт донасини олди ва учбурчак шаклида букиб, хотинга узатди.

Хотин дуоларни олаётни:

— Бу дуолариниг қайси-қайсиси қандай дард учун? — деб сўради.

— Булар ҳаммабон дуолардир, — деди домла, — қайсисини қандай касалга берсангиз — агар у ихлос қиласар экан — ҳеч шаксиз тузалади.

Хотин «ҳаммабон» дуоларни олиб кетди. Домла букун «худонинг ризоси учун» болаларни ҳам озод қилди.

Шундай қилиб, биз ҳам мактабхона зиндонидан озод бўлдик.

Биз мактабга бордик, ҳали нонхўрак вақти бўлганча йўқ эди, мактаб олдига бир отлиқ келди:

— Домла, домла! — деб домламизни чақирди.

Домла дарчанинг даршардасини очиб:

— Ҳа, нима гап? — деб сўради.

— Обкинада жаноза, Шарафбойнинг хотини ўлди, — деди-да, — отини бир томонга қараб сурib кетди.

Домла шошилиб, салласини бошидан олиб қўйди ва таҳорат қилиш учун бўлса керак, мактабхонадан ташқарига томон йўналди.

— Дауингиз фойда бермабди-да, домла, Шарафбойнинг хотини ўлибди-ку, — деди ҳалфа, домлани масхаралаган бўлиб.

— Шаккоклик қилма! — деди домла ва яна қўшимча қилди: — Дуо, албатта, фойда берар эди, у ўзининг ихлоссизлигидан ўлган, агар ихлоси бўлса, қутулар эди. «Ихлос — халос» деганлар.

Домла ташқарига чиқаркан:

— Сизларга чойхўрак! — деди.

Болалар чойхўрак учун тарқалишидилар, мен ҳам уйимиизга келдим.

Бирор соатдан кейин мактабга қайтдим, болалар эндигина йигилиша бошлаган әдилар. Бутун болалар йигилиб битганларидан сўнг ҳалфа уларга мурожаат қилиб:

— Болалар, бир маслаҳат! — деди.

— Қандай маслаҳат? — деган товуш ўнларча оғиздан бирдан чиқди.

— Биз қандай ўйин ўйнасан ҳам ҳеч ким домлага хабар бермасин ва ҳеч бир бола иккинчи боланинг устидан чақимчилик қилимасин! — деди ҳалфа.

— Аввал ўз оғзингни тий, — деди ҳалфанинг чақиши билан домладан таёқ еган бир бола.

— Бундан сўнг мен ҳеч ҳам чақмайман, сизлар ҳам шундай қилинглар, «туя кўрдингми, йўқ,» — деди ҳалфа катта болаларга ва менга қараб сўзини давом эттириди:

— Сен ҳам отангта хабар бериб юрма тагин! — деди. — Сенинг отанг иғвогар, бир кун ўрикларингиздан ўйирлаган эдим, отанг кўриб қолиб, буни ҳам отамга ва ҳам домлага чақибди. Ҳам отамдан, ҳам домладан калтакланиб ўлаёздим, — деди.

— Хўн, айтмайман! — дедим мен.

— Агар айта кўрсанг, — деди у, — сени болаларга буюриб «хар мурд» қилдирман.

— Айтамайман, хабар бермайман, — деб таъкидладим мен.

Мен биринчи марта «хабар бермайман» деб юзаки айтган бўлсам ҳам, иккинчи дафъада астойдил ва қатъий ишонч билан вაъда берган эдим, негаки, мен «хар мурд»дан бениҳоя қўрқар эдим.

Бир кун бир маддоҳ бизнинг қишлоққа келиб маърака қилди. Қишлоқ катталари қўшини қишлоққа тўйга кетган әдилар. Маддоҳнинг бу маъракасида ёшлиардан бошқа киши йўқ эди.

Маддоҳ ҳикоя бошлади, ҳикояси қизиқ бир жойга келганда, у йигилганлардан талаб қилди:

— Ҳар ким нимага қудрати етса, яъни нонми, пулми, меваҷевами, ўриқ-мағизми келтириб берсин, ҳикоянинг қолганини сўнгра айтаман,— деди.

Болалар ва ёш ўсмирлар ўз уйларига қараб югурдилар, ҳар ким маддоҳга бир нарса келтириб берди. Мен ҳам уйга бориб, онамдан бир ҳовуч ўриқ олиб келтириб маддоҳга бердим.

Маддоҳ йигилган пулларни киссасига солди ва нарсаларни хурҷунига тиқиб:

— Ҳикоянинг давомини келажак ҳафтада келиб айтиб бераман,— деди ва эшагига минмоқчи бўлди.

— Давомини ҳозир айтиб беринг! Агар нарса оз йигилган бўлса, яна озми-кўпми йигиб бериб, сизни хурсанд қиласми,— дея ёшлар қанча ялинсалар ҳам маддоҳ унамади ва эшагига миниб жўнамоқчи бўлди.

Шу вақтда ёшлардан бири:

— «Ҳар мурд!» — деб товуш чиқарди.

Ҳамма бирдан:

— «Ҳар мурд, ҳар мурд»... — деб маддоҳга ёпишилар ва уни эшакдан ағдариб босиб ура бошладилар.

— Вой ўлдим, қўйиб юборинг, ҳикоянинг давомини ҳозироқ айтиб бераман! — деб бақирап эди маддоҳ.

— Сизнинг ҳикоянгиздан ҳам «ҳар мурд» қизиқроқ, — деб ёшлар уни яна урар эдилар.

Охирида маддоҳ ҳолдан кетди, энди додлашга ҳам кучи етмас эди.

— Энди буни сувга босамиз, кўтаринглар! — деб бирор овоз берди.

Ҳамма бирдан ёпишиб, жони чиқаёзган маддоҳни кўтардилар ва уни бизнинг қишлоғининг ўртасидан оқадиган «Мазранган» ариғига ташладилар.

Маддоҳ сувга ташланиши билан оғирлиги сабабидан шўнгигб кетган бўлса ҳам жон талвасаси билан сузиб сувнинг юзига чиқида, суза бошлади. Аммо ёшлар уни курк товуқни сувга пишгандай пишар, шўнғитар эдилар.

Охирида маддоҳ ювмоқ учун тахтага олинган ўлиқдай бўлди, шундан сўнг уни сувдан тортиб чиқардилар, маддоҳнинг оқиб кетган салласини болалар тутиб келдилар. Саллани маддоҳнинг хурҷунига ҳўллигича тиқдилар, маддоҳнинг ўзини ҳам ҳўл бўлган кийимлари билан қўтариб, эшагига мингиздилар ва эшагининг сағрисига уриб:

— Бор, даф бўл, йўқол! Ўзинг олдинда ва ҳикоянг орқангдан жўнасан, — дейишди.

Мен мана шу воқеадан сўнг «ҳар мурд»дан бениҳоя қўрқар эдим, шунинг учун халфанинг (менинг) «ҳар мурд» билан қўрқитишдан сўнг, буларнинг ўйинларини отамга айтмасликка чин кўнгилдан ваъда бердим.

Халфа отамга айтмасликка мендан қатъиї ваъда олгандан кейин:

— Болалар, энди данакбозлиқ қиласмиз! — деди.

Болалар бундан бурун ҳам мактабда бу ўйинни бир печа марталаб ўйнаган бўлсалар керак, дарров ўриниларидан туриб, титилган бўйраларни йигиштирилар ва данак ўйини учун чуқурчалар қазидилар.

Ўйнадилар, орада анча данак ютилди ва ютқазилди, «хунарли» болалар содда болаларни алдадилар, кучли болалар кучсиз, бечорароқ болаларни уриб, данакларини тортиб олдилар. Натижада яна уришиш, кўйлак йиртиш ва юз тирнашлар бошланди.

Болалардан бири менга келиб ёнишиб:

— Сен ҳам биз билан данак ўйна, бўлмаса ўртага солиб сени «каллакобак» қиласмиз, — деди.

Менинг данагим ҳам йўқ эди, данакбозликни ҳам билмас эдим.

Лекин мен «каллакобак» дан жуда кўрқар эдим; чунки бу жуда ёмон ўйин эди, бир неча болалар бир болани ўртага олиб унинг бошини ялангочлайдилар-да, тирноқларининг учи билан, қизилиштоининг дарахтни чўқигани сингарни боланинг ялангоч бошига урадилар.

Мен қандай қилиб «каллакобак» балосидан қутулиш йўлини тоғомасдан танг қотдим.

Хайрият халфа мени қувватлаб:

— Уни ўз ҳолига кўя беринглар, — деди, — унинг отаси жуда ёмон одам.

Халфанинг отами «ёмон одам» дегани менинг кўнглимга нақадар қаттиқ теккан бўлса ҳам, унинг бу сўзи билан «каллакобак» азобидан қутулганим учун ундан миннатдор бўлдим. Энди мен учун бу каби балолардан қутулишга яхши бир йўл тошилган эди, қачон бўлмасин болалар менга тега кўрсалар, мен халфага қараб, дод солиб:

— Ё болаларингни йигиштириб ол, ё бўлмаса ўйинларингизни отамга айтаман, — дер эдим.

Халфа ҳам мени дарҳол болалар чангалидан қутқариб қолар эди. Халфа домланинг узун таёгини олиб, болаларни бир бошдан уриб ўриниларига ўтказди ва данакбозлиқ жандалини бартараф қиласдан кейин:

— Болалар, энди наибат беданабозликка! — деди...

Аммо бу ўйинга болаларининг кўичилиги рағбат кўреатишмади, чунки халфа ва Аҳмаддан боиқа болаларнинг беданалари йўқ эди.

— Бизда бедана бўлмаса, нима билан ўйнаймиз? — дейишди болалар.

Халфа бўлса бунинг ҳам иложини топди:

— Бизнинг иккаламиз беданаларимизни уриширамиз, сизлар «болагаров» боғланглар! — деди.

— Дуруст, ундаи бўлса, биз уйларимизга бориб шул ё данак келтирайлик,— дейишди болалар.

— Маъқул! — деди халфа.

Болаларниң кўни кетди, халфа қолган болалар билан титилган бўйраларни қайтадан жой-жойига ёйдилар, фақат ҳужранинг ўртасидаги катта охурининг ўрта белидан бир парча ерин тўғарак шаклида очиқ қолдирилар...

Уйларига кетган болалар қайтиб келдилар, беданабозлик бошланди.

Халфа Аҳмад билан ораси очиқ қолдирилган давра теварагида, бир-бировларига қарама-қарни ўтирилар, уларниң ёнларида бошиқ болалар ҳам давра қуриб ўтирилар. Давра тўлгандан кейин қолган болалар уларниң орқаларида тикка турдилар.

Халфа билан унинг қаршисида ўтирган Аҳмад қўйниларидан беданаларини чиқардилар, беданалариниң тумшуқларини яладилар, уларниң оёқларини чўзиб қанотларига туфукларини сув ўринда суркадилар, қанотларини тагларигача ҳўлладилар. Сўнгра халфа Аҳмадга қараб:

— Менинг нечам билан сенинг нечанг? — деди.

— Менинг йигирмам билан сенинг йигирманг! — дея Аҳмад жавоб берди.

— Менинг ўттизим билан сенинг ўттизинг! — деб халфа ортириди.

Охирада ўйин «менинг юзим билан сенинг юзинг» га бориб тақалди. Бу шундай бўладики, кимнинг беданаси қочса, қочирган бедананинг эгасига юз дона данак тўлайди.

— Сизлар ҳам «болагаров» боғланглар! — деди халфа бошқа болаларга қараб.

Бошқа болалар баъзилари халфанинг беданаси устидан «унинг беданаси зўр чиқишини баҳслашиб», баъзилари «Аҳмаднинг беданаси зўрлигига» баҳслашиб, бир-бировлари билан гаров боғладилар. Уларниң ҳам ҳар қайсилари ўз ҳолларича сенинг ўнингга менинг ўним ё ортикроқ қилишиб «болагаров» қўйнидилар.

Гаровлар боғланниб бўлгандан сўнг икки беданани тўғарак ичидаги (матъракада) бир-бировлари билан уриштирилдилар.

Иккала бедана ҳам панижаларини ёзиб, патларини хурпайтириб, бўйинларини чўзиб уришишга киришдилар.

Биринчи бедана иккинчисининг бўйнидан тишлаб тортар, иккинчиси биринчисининг қулогидан тишлаб тепар, бири шихи билан ўз душманининг қўзини тирпар, иккинчиси унисининг бўйнидан тутиб ерга босмоқчи бўлар эди...

Оз вақтда беданаларниң бошлари ва юзлари ўз қонлари билан бўялди, аммо деч бири ҳам қоммади.

Бедана эгалари уларни ажратиб олдилар ва ўёқ-буёқларини қашидилар, боши-оёқларини силадилар, қанот ва тирноқларини ҳўлладилар, беданалар бир оз дам олгандан кейин тагин уришга қўйдилар. Улар яна уриша кетдилар...

Шу сингари бир неча бор уришгандан кейин Аҳмаднинг беда-



наси «чурқ» деди-да, уришни тапилаб даврадан қочди ва халфанинг беданаси уни даврани айлантириб қувлай кетди.

Болалар қийгос чиқардилар: чапак, ҳуштак, жиртак чалишлар бошланди...

IX

Бедана уриштириш орқасидан қўзгалган шовқин-сурон ҳали битганча йўқ эди, кутилмаганда домла кириб келди, данак учун уйларига борган болалар ҳужрага киргандарида, эҳтиётсизлик қилиб ҳужра эшигини ичкарисидан занжирламаган бўлсалар керак, домла эшикни тақиллатишга эҳтиёж сезмай, тўғри ҳужрага кира олди.

Болалар шу даража ўйин-кулги ва шовқин-сурон билан овора эдиларки, улар домланинг ўз жойига ўтиб узун таёни олиб, бошларига калтаклагунча унинг келишидан ҳеч бир бола хабардор бўлмаган эди.

Ёлғиз менгина ўйин тўполонидан четроқда туриб, бир кўзимни ўйиннинг боришига тикканим ҳолда, иккинчи кўзимни мактабхона эшигидан узмаган эдим, шунинг учун домланинг эчки соқоли кўриниши билан тез, лекин секингина ўз жойимга ўтиб ўтирдим...

Домла ҳамма болаларни бирдай савагандан сўнг, менга қараб:

— Сен ақлли боласан! — деди.

Болаларнинг ҳаммаси ҳам ўз ўрнига ўтирган ва тинчланишган эди. Халфа домланинг қаршисига келди. У буқун ҳам домла ундан «гуноҳкорларнинг» номларини сўрар деб ўйлаган бўлса керак, бироқ унинг ўйи янглиш чиқди, домла ҳеч нарса сўрамагани ҳолда:

— Дарров бор-да, ҳовуздан тунови қунги сувга ташланиб қўйилган таёқларни олиб кел! Улар яхши намланиб, сизларга одоб бериш учун созланган бўлса керак, — деди.

Халфа бошини қаший-қаший ҳужрадан чиқди, болаларнинг ранг-қутлари ўчди; аъзойи баданлари тол баргидай титради. Ёлғиз менгина домланинг: «Сен ақлли боласан», деган сўзи билан тинчланган эдим.

Халфа таёқларни келтирди-да, домланинг олдига ташлади. Домла ҳам ҳеч сўроқ ва бошқасиз катта болаларга қараб:

— Аввал бунинг ўзини босинглар! — деб халфани кўрсатди.

Бир неча катта болалар ўринларидан иргиб туриб халфани ерга босдилар ва домланинг иккинчи «буйругини» кутмасдан, фаллокни олиб унинг оёқларига ўрадилар ҳам калтаклашга боплаб тутишиб турдилар. Унинг оёғида эса тунови қунги калтакнинг яралари қатқоқланиб кўриниб турар эди.

— Ур! — деб буюрди домла.

Болаларнинг бири ҳовуздан келтирилган таёқларнинг бирисини олиб, у билан халфанинг оёғига урди, лекин таёқ бир уришдаёт синиб, уч бўлак бўлиб тушди. Бола иккинчи таёқни олди,

у ҳам биринчи урнида синди: шу тариқада ҳалфанинг обигига озор бермасдан таёкларининг бариси синиб битдилаар.

Домла газабланди ва синиган таёкларининг бирини олиб кўздан ўтказди.

— Мен ҳовузга ташланган таёкларининг бариси тут, бир кечакундуда сувда ётгандаи кейин қайинсанниб, хеч синмайдиган бўлар эди. Бу фирибгар у таёкларни кеатирмасдан, толининг қуруқ хинчинашарини синдириб олиб, ҳовузда ҳўллаб кеатирган, холос,— деди ва болаларининг бирисига караб:

— Бор, ҳовуздан ўз таёкларимни олиб кеа! — деди.

Боза кетди, ҳалфа тинчизланмади ва кўжжарини ҳужранинг чининга тиккан ҳолда қулуменираб ётар эди...

— Ҳовузда таёқ йўқ! — деди қайтиб келиб бола.

— Матъум бўладики,— деди домла,— бу таёкларни янирган. Хайр майли, бундан кейин тут ёғочи ўрнига апор ёғочи ишлатарман, апор тут ёғочидан ҳам захарлироқдир, лекин ҳозир унинг бу қилиги учун қандай ўч олини йўлини биламан.

Домла деворга тираб қўйилган узун таёқни қўлига олиб:— Юзини ерга қилиб, чони, қўйлаганинг бўйнига тортиб босинглар буни!— деди болаларга. Болалар ҳалфанинг обигидан фаллоқин чиқариб олдилар-да, унинг юзини ерга қилиб, орқасини яланточлааб босдилар ва домла узун таёқ билан унинг ялангоч орқасига ура бошлади...

Аммо тирсак ва тиззаларини ерга тираб, белини кўтариб турган ҳалфа, домла урган чогида ўзини терватар, қимирлатар ва қалтак зарбини кученизларат, пасайтар эди.

— Қўл-обёқларидан тортиб қорни билан босинглар! — деди, кутганича қалтаклаёлмаган домла.

Икки бола ҳалфанинг икки қўлини, икки бола унинг икки обигини чўзиб тортганлари ҳолда, бошқа бир бола унинг елкасига миниб ерга боеди ва ҳалфа ихтиёрсиз...

— Астароқ босинглар! Бедана ўлмасин, — деб луборди.

— А!.. бунииг беданаси ҳам борми? — деди домла ва қўнимча килди:

— Беданани олиб менга беринглар! — деди.

Болалар ҳалфанинг қўйиндан қўл солиб унинг беданасини олдилар-да, домлага бердилар.

Домла ўйламай-нетмай жонивор бедананинг бонини шартта узуб ташлади.

Ҳалфа:

— Аҳмаднинг ҳам беданаси бор, уни нега ўздирамайсизлар? деб бақирди ётган жойидан.

— Унинг беданасини ҳам тониб беринг! — деди домла болаларга:

Болалар ҳалфани қўйиб, Аҳмадга ёниша кетдилар. Ҳалфа ҳам ўриндан иргиб бориб Аҳмадга ёнишиб, унинг қўйнига қўл солидида, беданасини олиб домлага берди.

Домла Аҳмаднинг беданасини ҳам бошини узуб ташлагандан кейин:

— Букун йўқолинг, озод! Эрта яна урамиз,— деди ва: — Ха, айтгандай, эрта пайшанбалик ноини унумтагайсизлар тагин! — деди. Болалар бир-бировларини босиб, қисиб туртиша-туртиша макатабдан чиқдилар.

Аммо букун умум саломдан кейин дарров тарқалиб кетмадилар ва қўчада туриб бедана ўйинида бўлган ютуқ, ютқазишларнинг ҳисобига киришдилар. Ютганилар ютқазганлардан ҳақ талаб қиласдилар. Аммо ютқазганлар:

— Беданалар ўлдирилдилар, уларни уришлари, гаровлари ва болагаровлари ҳам орадан йўқолди,— деб ҳақ беришга гирромлик қиласдилар.

Болаларнинг ҳаммалари бир-бировлари билан ёқалаша бошлидилар. Халфа билан Ахмад бўлса, ўз чононларини ечиб бир томонга қўйдилар-да, жиддий уришишга киришдилар. Мен ҳовлимиизга қочиб жўнадим.

X

Мен мактабга қатнаб юрар эдим, мактабнинг шовқин-сурони, ғавгоси давом этар эди. Мен бир неча ҳафта орасида, ўшашча шовқин-сурон, уриш-талаш ичида бўлсан ҳам, араб алифбесининг номларини ёдлаб олдим. Менга баъзан домланинг ўзи ва баъзида халфа сабоқ берар эди.

Араб алифбесининг номларини ёдлаганимдан кейин зер-забар (ост-уст) дарслари бошлианди. Мен учун «зер-забар» дарслари ҳарфларнинг номларини ўқиганимга кўра ёқимлироқ туюлар эди. Бу дарсда аввало менга: «Алиф забар а, зер е, пеш у», деб ўргатдилар. Мен ҳам бор товуш билан чўзиб:

— Алиф забар, а, зер е, пеш, у,— дея такрор қиласдилар эди. Бу сўзларни айтиш менинг тилим учун ўнгай, қулогимга музикали бўлиб киради ва ёқимли эди.

Бу дарсни ҳам араб алифбесининг охиригача ёдладим, бундан кейин икки забар, икки зер, икки пеш дарсининг нафбати келди.

Бу дарсда менга «алиф ду забар, анду ду зер инду ду пешшу»— ларни ўргатар эдилар.

Бу дарс ҳам оҳанг жиҳатдан ёмон эмас эди, ҳатто бу «алиф забар а... дарсига кўра оҳангдорроқ эди. Агар «бир забар, бир зер, бир пеш» дарсида «алиф забар а, зер е, пеш у». дейиш бирон мусиқа ҳавасини бошлиғичи саналса, бу дарсдаги «алиф ду забар анду, ду зер инду, ду пеш ун», дейиш у ҳавонинг «туширма» таронаси ҳисобланса бўлар эди.

Лекин мен бу сабоқларни ашула айтгандай чўзиб, завқ ва шавқ билан такрорлаганим ҳолда, булардан ҳеч бир парса тушунмас, савод чиқариш учун буларнинг қандай алоқаси ва кераклиги борлигини билмас эдим. Энди ўйлайманки, менга «муаллимлик қилган ва сабоқ берган домланинг ўзи ҳам бу дарсларнинг савод чиқариш учун қандай алоқалари борлигини билмас ва тушунмас экан. Акс ҳолда у менга, «алиф, ду, забар анду, ду зер инду...»

деб, бу ерда ҳеч даҳли бўлмаган «д» ҳарфининг садосини қўшиб ўргатмас эди.

Шундай қилиб, қанча азоб билан бўлса ҳам мен бў сабоқни араб алифбесининг охиригача ёдладим.

Бу дарсларнинг ҳар бирида менинг «таълим тахтачам» ўзгарар эди, лекин домла уларни бошқа болаларга қилгани каби менга ўзи ёзиб бермас ва бўни:

— Отаг таъначи, инжиқ одам, у мен ёзган нарсаларни хушламайди, айт, ўзи ёзиб берсин.— деб, отамга ҳавола қиласр эди...

Мен йил охирида «Абжад» дарсига кирдим. Бу дарс эса менга ҳеч ёқмади. Менга: «Алиф бо, бе забар аб, жим бо дол забар жад, абжад дегин», деб ўргатар эдилар.

Бир томондан, бу сўзларни айтиш қийин бўлса, иккинчи томондан, бу дарс оҳангиз ва кўнгилга ёқмас эди.

Бир кун отам менга:

— Энди сен абжадхон бўлибсан, мен сенга абжад ҳисобини ўргатаман,— деди. Абжад ёзилган тахтачани олдимга қўйди ва тахтачадаги нақшларни битта-битта менга кўрсатиб:

— Бу нима, бу нима?...— деб сўрай бошлади.

Мен отамнинг сўраганларига жавоб беролмасдим, негаки, мен бу нақшларнинг нима эканликларини билмас эдим ва шу кунгача бирон киши уларнинг нима эканликларини менга кўрсатиб ўргатмаган эди.

— Сен шу қуилар мактабда нима ўқиб ётибсан ахир?— деб отам менга жаҳлланди.

— Алиф бо, бе забар б, жим бо дол, забар жад, абжад...— дарсдан олган сабоқларимни ёддан айтиб бердим.

— Ҳа... сен тўтиқушсан,— деди отам,— сен бир нарсани айтасан, лекин нима деганингни ўзинг билмайсан.

Отам менинг жилдимнинг ичини ахтариб, ундан «алиф бе, забар...» ёзилган икки тахтачани топиб олди ва уларнинг ҳар биридаги ёзувни менга бирма-бир кўрсатиб:

— Бу нима, бу нима?— деб сўради.

«Буни ўқи» деганида, тахтага қарамасдан, унга ёзилган нарсаларни ёдаки айтиб берар эдим.

— Сен тўтиқушсан,— деди отам таъоран,— айб сенда эмас, айб сенинг домланг ва халғангда, улар сенга сабоқни тўтиқушга ўргатгандай ёдлатгандар, холос, аммо ҳеч бир нарсани ўргатмагандар ёки ўргата олмагандар.

Отам манглайнини қашиб, бир оз жим турди.

— У-ку, саводсиз, кўр бир одам эди, мен кўрдан кўтар кўз талаб қилиман. Тўгридан ҳам ўзим аҳмоқ эканман.

Отам яна ўйлаб бир оз жим тургандан кейин, менга қараб:

— Сен эртага мактабга бормагин!— деди.

Мен бўлсам беҳад қувондим, чунки абжад дарси кўнглимга урган, бундан юрагим безган эди:

Отам бир кун хатибни кўриб:

— Менинг ўғлимини хотинингизда ўқийдиган қиз болалар олдига қабул қилишингизни сўрайман,— деди. Хатиб:

— Ҳалвойини кўпроқ берсангиз майли,— деди.

Мен бу гапни эшитиб ҳалфанинг «хар мурд» қилдирувчи кўркусидан бутунлай қутулганим учун теримга сиғмас дараҷада севиндим.

Эртаси кунни онам мени отинбиби мактабига олиб борди.

Дастурхон учун бир лаъли барқаш майиз ва қулча, унинг устига, менга ишят билан тикиб қўйилган бир рўмол ва дўппи ҳам қўйилди.

Отишибиби оқ юзли, қорни катта, семиз, ўрта ёшли бир хотин эди, унинг семизлиги шу қадар эдикӣ, чордана қуриб ўтирганда унинг тиззалари отам томонидан йўниладиган тегирмон ҷархининг гупчагидай бўлиб қўринар эди.

Биз отинбиби олдига кирганимизда, у уйнинг тўрида бир неча қават кўршача устида чордана қуриб ўтирас эди, унинг теварагида эса катта-кичик қиз болалар кигиз устида чўккараб ўтирас эдилар. Уларнинг олдиларига ўғил болалар ўқийдиган мактабдаги тагсинч ўрнида ёстиқлар иккى қават букиб қўйилган эди. Улар ўз қитобларини шу ёстиқлар устига қўйиб ўқир эдилар.

Отишибиби онамни очиқ юз билан қабул қилди.

Ўғлинигизни (хатиб домлага эрингиз томонидан ваъда қилинган катта ҳалвойи учун) қабул қилишга мажбур бўлдик,— деди ва қўшимча қилди:— Ҳар қачон ўғлингиз «таббат»¹га ўтса, бир товоқ ширгуруч ишириб келтиришни унутмайсиз, чунки «таббатга товоқ» деганлар.

— Худо ўша қунга етказса, сиз учун бир товоқ палов келтираман,— деди онам унга жавобан.

Отишибиби дастурхонни очиб нон ушатди ва қизларга ҳам менинг «ҳалвойим» дан нон берди. Аммо домла сингари нонни ушатиб, уларнинг олдиларга отмай, ўз ҳалфаси бўлган каттароқ бир қиз болага нонни берди ва уни ўқувчи болаларга бўлиб беришни буюрди, бу қиз эса ҳар бир талабанинг қўлига бир бурдадан нон берди-да, каттароқ парчани ўзига қолдирди.

Дастурхонга фотиҳа ўқилди, отинбиби менга бисмилло, азушибилло айттириб сабоқ бошлатди. Шу билан менинг иккинчи дарс бошлаш маросимим битди. Онам кетди, мен бўлсан қизлар мактабида қиз болалар орасида қолдим.

Отишибиби меинга абжаднинг ўртасидан сабоқ берди, у берган сабоқни мен мачитдаги мактабда ўқиган эдим.

Отишибибининг дарс бериш усули домланикига қараганда бир оз бошқачароқ эди, у қарандаш-қаламдай бир чўпчани қўлига олиб, унинг учи билан ҳар бир ҳарфни кўрсатар, бунинг номини айттирас эди. Лекин отинбиби ҳам менинг у ҳарфни таниш-танимаслигим билан иши йўқ эди.

¹ Таббат — қуръон сураларида бири. Сура — бўлакча.

Отишибиби ўзининг бутун вақтини сабоқ берувга сарф этар, ҳар бир болани навбат билан ўз олдига чақириб дарс берар ва бу билан бир кунлик ўқиш ўтар эди.

Отишибибининг бир кунлик дарс вақти эртапги ионуштадан бошлаб, то соат ўн иккигача эди, у болаларни мачитдаги домладай эртадан кечгача қамаб қўйиб зериктирмас эди. Унинг шогирдлари эрта билан ионуштани ўз уйларида еганларидан кейин мактабга келардилар, сабоқ олиш ва олинган сабоқни ўқиш билан шугулланар эдилар.

Соат ўн икки бўлгандан отиншибиби болаларни ионхўракка чиқарап эди. Аммо болалар ион ейиш учун уйларига бормас эдилар, балки ўзлари олиб келтирган ионларини шу ерда ер эдилар. Ионхўрак бошланганда ҳар бир бола отиншибига ўз нонининг ярмисини берар эди.

Бу қондадан хабарсиз бўлганим учун мен биринчи кун мактабга ион олиб бормагандим. Бир қиз томонидан берилган ионни отиншибиби менга бериб.

— Букун сени мен зиёфат қиласай, эрта эса сен ионни кўпроқ келтириб, мени кўпроқ ион билан зиёфат қилассан,— деди.

Ионхўрақдан кейин шогирдлар отиншибининг уйи ва ҳовли юзларини тоза қилиб сунуриб берар эдилар.

Баъзи кунларда отиншибиби қизларга кир ҳам ювдирап эди. Ҳатто мени ҳам кир ювишга ундав:

— Кир ювишини ўрганиб ол, катта бўлиб ўқиш учун Бухоро мадрасаларига борганингда, сенга керак бўларажак,— дер эди.

Отишибиби ҳам аввалги домла сингари бир неча узун-қисқа таёқларни ўз орқасига, деворга тираб қўйтан эди. Лекин бу таёқлар билан отиншибининг бирорта ўқувчини урганини кўрмадим. Агар бирор қиз мактаб «одоби»га қарши бирор шўхлик қиласа ёки сабоқни ўрганишига ҳаракат қиласаса, отиншибибни унинг бетига ўзининг енги билан бир марта урар эди. Отишибибни киядирган кўйлагининг енги ўша замондаги Бухоро хотинларининг енги каби кеңг ва узун бўлса ҳам, оқ сурн ёки нозик читдан тикилган бўлганидан, унинг зарбаси занф бир шамолнинг зарбасидан ортиқ таъсир қиласаси эди.

Мендан бошқа бутун ўқувчиларнинг ҳаммаси қизлар бўлганидан, улар шўхлик қиласаса, ёмон ўйинлар ўйинамас ва бир-бирларини урмас эдилар. Агар ионхўрақдан кейин уй сунуриш ёки кир ювиш ораларида фурсат тоисалар қўғирчоқ ўйнардилар. Уларнинг ўйинчиқлари ўз маҳсулотлари бўлган қўғирчоқлар бўлиб, менинг учун ҳар бири «ўғилча» қўғирчоқ ясад беришиди.

Улар синган сополлардан «қозон», «товоқ» ясад, тўй қилишар, менинг қўғирчогимни ўз қўғирчоқларига куёв қиласар эдилар. Менинг қўғирчогимдан бўлак «эр қўғирчоқ» бўлмагани учун унинг ёлғиз ўзига ўп-ӯп икки нафар «қиз» қўғирчоқ куёвга чиқар эди. Тўғриси, ўша вактларда шу ўйин менга жуда ёқар эди.

Баъзи қизлар беш-ўнталари бир эрга чиқаётган ўз қўғирчоқларини бир-бировлари билан уришитирар эдилар. «Қундошлар»

уришидан зериккан менинг қўғирчогимни уларниң баъзиларини қўйишга (талоқ қилишга) мажбур қиласар эдилар. Бу ҳоллардан менинг қўнглим бир оз қораланар, хафа бўлар эдим.

Кейинроқ бизнинг мактабга яна бир ўғил бола келиб кирди, бироқ у «куёвлик шарафига» етиша олмади. У бир қадар дагалроқ бўлганидан бўлса керак, қизлар уига қўғирчоқ ясаб бермадилар (ажойиб саргузаштларни бошидан кечирган бу бола хикоясини бошқа бир вақтда ёзарман).

XII

Мен отишиби мактабига давом қиласар эдим, «Ҳафтчилик»ни¹ тамом қилдим, унинг бир неча қисқа сураларини ёдладим, қуръонни ҳам бошдан охиригача ўқиб чиқдим. Хўжа Ҳофиз девонидан ҳам бирмуича ўқидим. Аммо ҳали ҳам отишиби томонидан ўқилган нарсалардан бўлак жойларини ҳеч ўқиёлмас эдим. Масалан, Ҳофиз девонидан мактабда ўқиб ўтганим бир газални қаерда ва кимнинг қўллэзмаси бўлса бўлсан ўқий олар эдим, аммо мактабда ўқимаганим бирон байтни ҳатто китобимда бўлса ҳам, ўқий олмас эдим, яъни ҳали ҳам саводим чиқмаган эди. Ҳат ёзиш бўлса ҳеч қўлимдан келмас, бирор ҳарфни ҳам ёзолмас эдим.

Лекин абжадни ўргандим, абжад расмий ҳат билан ёзилган бўлгани учун қуръонни ҳам секин-секин, шунингдек абжад расмий ҳати билан, яъни наех ҳати билан ёзилган ҳар бир нарсанни ҳам туртилиб бўлса-да, ўқий олар эдим.

Энди ўйлайманки, бунинг сабаби қуидагича экан:

Отам мени отишиби мактабига қўйган бўлса-да, унинг ўзи менга абжад ҳисобини ўргатишдан тўхтагани йўқ эди. У деярли ҳар кечча шомдан хуфтонга қадар, яъни тахминан бир соат мен билан шуғулланар эди.

Бошлиб менга «абжад» сўзидан «А», «Б», «Ж», «Д», ҳарфларни танитди, сўнгра бу ҳарфларни бир-бирларига уриштириб ва қандай ўқиш йўлини ўргатди, ундан кейин «А»,— бир, «Б»,— икки, «Ж» — уч, «Д» — тўрт деб буларниг ҳисобини тушунтириди... Шу йўл билан отам абжадни охиригача унинг ҳисоби билан бирга ўргатиб чиқди.

Шундай қилиб, бир ойда мен абжад ҳарфларини ўргандим ва ўқийдирган бўлдим, аввал бир-бир орттириб ўнгача, сўнгра ўн-ун орттириб юзгача, ундан кейин юз-юз орттириб минггача чиқадиган абжад ҳисобини ҳам ўргандим.

Буларни ўрганиб бўлганимдан кейин отам менга:

— Энди сенга қизиқ бир нарсанни ўргатаман, бу тўққиз рақам ва цифр (ноль) дирки, уни ҳинид ҳакимлари тошиб чиқаргаплар. Бу: тўққиз рақам ва цифр, яъни ўи шакл билан бутун дунёни ҳисоблаш, бу рақамларга жамлаш мумкин,— деди.

¹ «Ҳафтчилик» — қуръоннинг қисқароқ суралардан тўплланган еттидан бир бўлгаги.

Мен: «Бу қандай сеҳрли бир иш экан», деб унга ҳавас қилдим.

«Үн шакл билан бутун дунёнинг нарсаларини ҳисоблаш, ҳақиқатан ҳам ўрганарли бир илм. Менинг-ку, ўн бармогим бор, мен, ахир, булар билан ҳатто ҳафтанинг қунларини янгиша-янгиша зўрга санаб чиқаман...»

Мен отамдан бу жодугарларча бўлган ўи шаклни тезроқ ўргатишни қатъий равишда талаб қилдим.

Отам ўргатишни бошлади, аввал менга тўқиз рақамни бир-бир ёзиб кўрсатди. Ҳар қун бир рақамни танитар, унинг нечалигини ўргатар эди. Сўнгра цифр (ноль) ни ўргатди. Ундан қейин бир ноль билан «бир» нинг «ўн» бўлишини ўргатди ва шу йўл билан тўқиз рақамни ноль билан қўшиб англатди.

Бу дарс менга у қадар қийин бўлмади, негаки, мен абжад ҳисобида саноқларининг қандай қилиб бир-бир, ўн-ўн, юз-юз ортганларини кўриб ўтган эдим.

Буларни ўрганиб бўлганимдан кейин отам менга:

— Сен бизнинг қишлоқдаги кишиларнинг билмаган нарсаларини билдинг, абжад ҳисобини бўлса ҳатто сенинг илгариги домланг бўлган қишлоқ домласи ҳам билмайди, — деди.

Мен бу каби нодир илмларни ўрганиш билан фахрланар эдим.

Бу орада бир воқеа юз бердики, абжад ҳисоби ҳақиқатан ҳам менинг фахрланишимга сабаб бўлган. Воқеа шу равишда юз берди:

Бизнинг мозорда янги йил (наврўз) сайили бўлди. Бу сайилга қўшни қишлоқнинг адолиси ҳам йигилди. Сайилда қураш бошланди, тўпланган халқ иккига бўлинниб, тарафма-тараф бўлдилар. Менинг отам маъраканинг ичидаги ўз тарафларимизнинг энг олдида ўтирган ва мени ҳам ўз ёнига ўтказган эди.

Ҳар икки томондан полвонлар чиқиб бир-бировлари билан қурашар, кучизларини йиқитар эдилар. Шундай қилиб, биринчи вақтлар бизнинг қишлоқликлар голиб чиқди, бизниклардан ҳеч ким йиқилмас эди.

Бу орада бизнинг қишлоққа қарши бўлган тарафдан, Бухорода илм таҳсил қиласидаги бир муллавачча, ўзлари тарафдан бировни йиқитган бизнинг бир йигитта талабгор бўлиб чиқди. Бизнинг йигитимиз ҳам у билан қурашмоқчи бўлиб, яна даврага чиқди. Қураш бошланди.

Бир оз тортишув ва ёқалашувдан кейин бизнинг йигитимиз йиқилди.

Бу йиқилишдан сўнг бизнинг томондан яна бир йигит шу йиқитган муллаваччага талабгор бўлиб ўртага чиқди.

Бу йигит муллага ўзидан қўра кучлироқ қўринган бўлса керакки, у:

— Мен бу йигит билан қурашмайман,— деди.

— Нега бу билан қурашмайсан?— деб қичқиришди бизнинг томонликлар.

— Шунинг учунки, у чапани, мен мулла, чапани мулла билан қурашганда уламони таҳқир қилган бўлади,— деб жавоб берди муллавачча.

Отам муллаваччадан бу жавобни эшитгандан кейин мени ёнбо-

шига олгани ҳолда ўридан иргиб турди ва кураш майдонининг ўртасига бориб муллаваччани ўз олдига чақирди.

Муллавачча ўридан турди да, отамининг олдига келиб:

— Нима дейсиз? — деди.

— Сиз муллами, полвонми? — деб сўради муллаваччадан.

— Мен полвон-мулла! — деди у.

— Агар мулла бўлсангиз, — деди отам, — менинг саккиз яшар шу ўглим билан, унинг ёши ва гавдасига қарамасдан, мунозара қилинг. Халқ сизнинг муллалигингиzin кўрсени, агар полвон бўлсангиз ўзингизнинг тенгдошингиз бўлган, гавдаси ҳам сизнинг гавдангиздан катта бўлмаган анови йигит билан курашииг, халқ қайси бировингизнинг зўр эканлигингиzin билсин.

Отам у муллаваччадан ҳеч бир жавоб эшишмагандан кейин:

— Келинг, аввал бошлаб сизнинг муллалигингиzin синаб кўрайлик, — деди ва менга қараб:

— Бу мулладан абжад ҳисобидан бирор нарса сўра, ўглим! — деб буюрди.

Мен ҳам ҳеч бир ўйламасдан:

— «Т» нечадир? — деб мулладан сўрадим.

Бунга муллавачча жавоб беролмагандан сўнг отам мендан сўради.

— Ўзинг айт, «Т» нечадир?

— Тўрт юз, — дедим мен.

Шундай қилиб, отам бир неча ҳарфларни бир-бир атаб, ҳалиги муллаваччадан: «Бу нечадир, бу нечадир?» деб сўради, у жавоб беролмагандан сўнг унинг жавобини мендан сўради... ва мени жавоб қайтарар эдим.

Бизнинг томонликлар, муллаваччани: «Уят, уят...» дея масхараладилар. У уялди, қизарди, бўзарди. Ундан сўнг отам унга:

— Энди сизнинг муллалигингиzin битди, соб бўлди, сиз ҳам бир чапани каби шу йигит билан кураш туша беринг! — деди.

Муллаваччанинг ҳалиги бизнинг томонининг йигити билан кўрашувдан бошқа чораси қолмаган эди. Муллавачча билан бизнинг йигит курашга тушдилар, бироқ кураш тушишган ҳамон муллавачча гумбурлаб йиқилди.

Томошибинлар ўртасида гувиллаган шовқин кўтарилди, халқ ҳайқириб ўридан кўзгалди. Халқ ботирларча қадам ташлаб, маъракани айланиб юрган голиб йигитни қўлларига кўтаришиб, ҳавога отар ва илиб олишар эди.

Шу билан кураш тугади. Бизнинг томонининг йигитлари отамга:

— У муллани ҳақиқатда сизнинг ўглингиzin йиқитди, негаки, у мунозарада мулзам бўлиб, уялгани орқасида ўз кучини тўплаб курашга беролмади, — дейишиди.

Уларнинг бу сўзидаи гурурим тобора ортар, хаёлимда: «Ҳақиқатан ҳам мен иодир илмларни ўргангтан эканман», деб фахрлапар эдим. Аммо ҳақиқатда эса ҳали хат-саводим чиқмаган эди.

ЕТИМ



БИРИНЧИ ҚИСМ

1

1921 йилнинг февраль ойлари эди. Амударё қиргоқларидағи дөв-дараҳтесиз тақир дашту саҳролар ўлиқ биёбон манзарасини намоён этарди. Жанубдан увиљаб эсаётган «афғон шамоли»гина бу жонсиз биёбонни талвасали ҳаракатга келтирганди. Қучли шамол натижасида кўтарилиган чанг-тўзон тӯфони қуёш юзини қора булутдек қоплаб олар, кундузи бўлса-да, худди қоронги кечадек бу кенг биёбонда киши ҳеч нарсани кўра олмас эди.

Ҳали ўн икки ёшга тўлмаган Етим тӯфон бошланиши биланоқ бойининг қўйларини ҳовузга ўхшаш ертўла-қўрага киритиб, кираве-ришда қоровуллик қилиб турарди. Бола қўзи ва оғзини чанг-қумдан эҳтиёт қилиш учун қўллари билан қўзини бекитиб олиб, ерга қараб ётарди...

Шамол тўхтаганича ҳам йўқ эди, қор аралаш ёмғир ёға бошлади. Боланинг юпқа ва илма-тешик уст-бошидан ёмғир томчилари ўтиб, оловда қизитилган бигиз каби баданига санчиларди. Бола бу азобга бардош беролмай, бошини кўтариб ўтирди, ёмғир ёгиб, чанг тӯфони босилгач, даштнинг бир четидан қўй-эчки подалари, қорамол ва от тўдалари қўринди. Ҳайвонлар шимолдан жанубга — Амударё соҳилига томон югуришарди.

Қўрадаги қўйлар қочиб келаётган молларнинг шарпасини эшишиб, безовталаниб, қўзгала бошладилар. Бола қўрқди, унинг совуқдан қизиган баданини қўрқувдан титроқ босди: «Агар менга топширилган қўйлар бўронга учраб қочиб келаётган бу қўйларга қўшилиб кетса, хўжайин мени ўлдиримай қўймайди», дер эди бола ўз-ўзига. У қўранинг эшигига ҳар хил шоҳ-шабба ва шувоқ босиб, маҳкам беркитди-да, учи эгри говоронини қўлга олиб, қўранинг атрофини қўриқлай бошлади...

Қочиб келаётган қорамоллар қўранинг икки ёнидан ўтиб кета берди. Ҳуркиб қўрадан ҳатлаб чиқиб кетмоқчи бўлган қўйларни бола говорон билан уриб, яна қўрага қайтарарди. Қўй ва моллар галаси ўтиб кетгач, орқадан йигирма беш-ўттиз чамаси отлиқ қўринди. Қўрага етиб келган отлиқлардан бири отидан тушдида, қўра эшигидаги хашик ва шувоқларни бир чеккага иргитиб, қўйларнинг чиқиб кетишигига йўл очди. Бу ҳолни қўрган бола:

— Ҳой амаки, нима қилянсиз, нега қўйларимни чиқариб юборяниш? Агар булардан биронтаси йўқолса, бой мени ўлдиришай қўймайди,— деди.

— Жаноби олий,— деди у,— большевиклардан қочиб дарёдан ўтиб кетдилар, бойлар ҳам у кишининг ортидан бориб уйларидағи чорвалар ва мол-мулкларини олиб дарёдан ўтиб кетиши, биз бўлсан яйловда қолган молларни йигиб юрибмиз, сенинг қўйларингни ҳам бошқа моллар қаторида дарёдан ўтказамиз. Сен нимага қўрқасан?

Қўйлар қўрадан чиқиб бошқа молларга қўшилиб кетгач, отлик яна отига миниб пода ортидан йўлга тушди.

— Онам нима бўлди экан? Вой онажоним! У бойнинг қўлида эди. Қаерда қолдинг, онажонгинам!— деб йиғлай бошлади бола.

— Онанг ҳам дарёдан ўтиб кетди,— деди бола олдига етиб келган бошқа бир отлик.

Бола отлик томон ўгирилиб, уни таниди. У хўжайнининг қайиниси Шоқул эди. Бола онасининг дарёдан ўтиб кетганига шубҳаланмади. У онасига етиб олиш ниятида молларни дарё соҳили томон ҳайдаб бораётган кишилар изидан йиқила-тура йўлга тушди.

II

Амударё бўйидаги қишлоқларнинг бирида Эшонқул деган бир бой бўлар эди. У катта ер-сувга эга бўлиб, дехқончилигига жуда қўп етим батракларни ишлатса ҳам бойлигининг асосини чорвачилик ташкил қиласди.

Бойнинг етимлари қаторида Мурод номли бир киши ҳам бўлиб, у чўпонлик қиласди. Ёши қирққа яқинлашган бўлса ҳам, ҳали уйланмаган, тўғрироғи, уйлана олмаган, уйланиш учун сарфланадиган пулни топа олмасди. Йигирма йилдан бери бой даргоҳида ишлаб келётган бўлса ҳам, хизмат ҳақидан ҳеч нарса ортира олмаган, ҳар йили бой томонидан бериладиган хизмат ҳақи эса бувиси Фотимабиби ва отаси ўзгандан кейин кампирнинг қўлига қараб қолган невараси Сораларнинг кундалик овқатига тоҳ етар, тоҳ етмасди. Фотимабиби ҳам невараси Муроднинг бу яхшиликларини оқибатсиз қолдирмади: невараси Сорани қалин эвазига сотиб олмоқчи бўлган бойларга бермай, бир коса сув билан Муродга никоҳлаб берди, уни ичқуёв қилиб олди...

Уйланганидан кейин Мурод тоҳи-тоҳида уйга келиб тунаб қоллар, кун чиқмасданоқ, эрта азонда туриб хўжайнининг хизматига жўнаб кетарди...

Мурод уйлангандан кейин бир йил ўтар-ўтмас, Фотимабиби қазо қиласди. Мурод бувисининг вафоти хабарини даштда — бойнинг қўйларини боқиб юрганида эшилди. Аммо у дарҳол таъзияга жўнай олмасди. Бувисининг ўлимни хабарини олиб келган кишидан бу хабарни хўжайнинг ҳам етказиши ва ундан илтинос қилиб, қўйларга қараб туриш учун яйловга бирор кишини юборишни

ўтиниб сўради. Аммо кечгача ҳеч ким келмади. Мурод почор қўйларни бойнинг уйи томон ҳайдади ва кун ботишидан бир оз олдин, яъни қундалик вақтидан бир соат эртароқ қайтиб келди.

— Нега қўйларни бунчалик эрта олиб қайтдинг? — деди мачитга аср намозига чиқиб кетаётган Эшонқулбой.

— Бувимнинг оламдан ўтганини сизга хабар қилишмадими? — деб сўради Мурод.

— Хабар қилишди, хўш, нима бўпти, бир кампир ўлса ўлибдида, сен эртароқ борганинг билан у тирилармиди? Еки бувинг билан бирга қўйларимни ҳам очдан ўлдиromoқчимисан? — деди бой даргазаб бўлиб. — Ҳар бир қўйим сенинг ўнта бувингдан ҳам азизроқ менга, — илова қилди бой.

Мурод бойнинг бу гапларига ҳеч нима демади. Аммо қўйларни ҳовлига киритаётib:

— Қўйларнинг ўёқда турсин, сенга ўхшаган бойни мархума бувимнинг бир тола мўйига ҳам олмайман. — деб ғўлдираб қўиди.

Қўйларни ҳовлига киритгач, одатда ҳар куни кечқурун бойнинг уйида ичадиган ёвғонни ҳам ичмай, бувисининг қишлоғига югурди...

Фотимабибини дафи этиб, унинг бозор оқшомисини ўтказиб олгач, Мурод бу қишлоқдан тамоман кўчмоқчи бўлди, чунки ёш хотинини узоқ қишлоқда қолдириб, ўзи хўжайин уйига кетишига кўнгли бўлмади. Хотинидан кўнгли тўқ бўлса ҳам саёқ қишилардан кўрқарди. Бувисидан қолган шалосларни йигиштириб, хотини билан бойнинг қишлоғига келди ва қишлоқ чеккасида эгасиз қолган бир вайронга кулбанинг майдада-чуйда лой сувогини қилиб тузатиб, кўч-кўрони ва хотинини шу ерга жойлади, ўзи олдингидек бойнинг хизматини қилиб юра берди.

* * *

Бой Етимнинг ёш хотинини қўриш иштиёқида бир кун Муродга:

— Хотининг менинг келиним ҳисобланади, келин чақирди қилишимиз лозим, эртага уйга олиб кел, меҳмон қилайлик, — деди.

Эртаси куни Мурод хотинини хўжайнининг уйида қолдириб, қўйларни далага ҳайдаб кетди.

Бойнинг хотинлари Сорани уйга олиб кириб, зиёфат қилишиди. Бу уй бойнинг кичик хотининики бўлса ҳам уй эгасидан кўра бойнинг катта хотини меҳмонга кўпроқ иззат-икром қилишига интиларди: энг яхши ва энг лаззатли таомларни меҳмон олдига сурисиб қўйиб, ейшига ундар, лаҳм гўшт узатар, иликни ион юзига қоқиб, олдига қўяр, совиб қолган чойни пойгаҳга тўкиб, иссиқ чой қўйиб узатарди.

Лекин хўжайнининг хотини қилаётган бу хушомадгўйлик, иззат-икромдан Сора ўзини йўқотмас, катталарга хос вазминлик билан гўё бойнинг янги туширган келинидек, бошини қуян солиб

ўтиради. Лекин шунга қарамай, янги келинларга ўхшаш уй эгаси олдида ўзини хор тутмас, уларга ҳадеб ўрнидан туриб салом қиласвермасди. У жуда кам овқат ерди. Хўжайнинг хотини узатган гўштни эҳтиром билан олиб, бош силкитиб миннатдорлик билдирав, уни емай нон устига қўяр, қоқиб берилган иликка эса ақалли қўл ҳам тегизмасди. Хўжайнинг хотини совиб қолган чойни уч марта янгила бузатган бўлса ҳам, Сора пиёлага бирон марта ҳам лаб тегизмади, косадаги совуқ сувдан бир-икки қултум ҳўплади, холос. Даастурхонга фотиҳа ўқилганди:

— Ҳамдам, Ҳамдам! — деган овоз эшилди.

Бу Эшонқулбойнинг овози эди. Хотиниари Сорани меҳмон қилаётганди бой катта хотинининг уйида ўғилчаси билан ошемоқда эди.

Катта хотини бойнинг овозини эшитиши билан:

— Лаббай, ҳозир! — деб ўрнидан иргиб туриб, эрининг олдига югорди.

Эҳтимол, китобхон, «бойнинг хотинининг исми Ҳамдам экан, шунинг учун у бу сўзни эшитиши билан югуриб кетди», деб ўйлар. Йўқ, унинг исми Ҳамдам эмас эди. У вақтларда хотинларни ҳеч ким, шу жумладан, эри ҳам ўз номи билан чақирмасди. Чунки, хотиннинг юзини яширганларидек, номини ҳам пинҳон тутиш лозим деб билардилар. Номи билан чақирганда эҳтимол бирон по-маҳрамнинг қулоғига етиб қолар, деб эҳтиёт қилишарди. Девор, ҳовлини ҳам хотинга номаҳрам ва бегона деб билар, шунинг учун ҳатто уйда ҳам хотини ўз номи билан чақирмасдилар.

Хотин кишининг номи умр бўйи икки марта тилга олинарди. У ҳам бўлса домла-имомлар томонидан: биринчи марта эрга берилаётган вақтда — никоҳ кечасида: иккинчи марта ўлтанида унинг гуноҳларини садақа бадалига сотиш пайтида тилга олинарди.

Бойнинг катта хотинидан тугилган ўглининг номи Ҳамдам бўлиб, у гўдаклигига ўлиб кетган бўлса ҳам катта хотинини шу ном билан чақирали. Кичик хотинига уйлангандан кейин уни катта хотинидан фарқлаш учун «Ҳамдамча», деб атайдиган бўлди. Кичик хотинидан бир ўғил қўриб, унга Истам деб ном бергандан кейин, энди кичик хотинини «Истам» деб чақирадиган бўлди.

Қўлида бир гўраша новвот билан бой олдидан чиқиб келган «Ҳамдам» — катта хотин, новвотни чойнакка сола туриб, Сорага:

— Амакингиз шу кунгача ҳеч биримизга новвотларидан бермагандилар, бу бир гўрашани бериб: «Келинга новвот чой қилиб бер, ундан сўнг юз кўриш учун олиб кел», дедилар, — деди.

Сора бу гойибона «марҳамат»га жавобан ҳеч нима демади, юзи ва авзойида ўзгариш сезилмади: на курсандлик ва на хафалик алломати кўринмади. Лекин бойнинг кичик хотинининг турки ўзгариб кетди, у ўз кундошига ер остидан ўқрайиб қаарди. Катта хотин бўлса ўзини подонликка солиб, новвот чойни қайтариб-қайтариб икки пиёлага қўйди-да, бирини Сорага узатди, иккинчиини купдошнинг олдига қўйди.

— Мен новвот чой ичмайман, — деди кичик хотин қизишиб, —

келинга бераверинг! Новвотни амакилари у кишига юборган.

— Сиз ичмайдиган бўлсангиз, мен ича қолай,— деб катта хотини пиёлани кундоши олдидан олди-да:

— Амакилари келинга юборган бўлсалар ҳам, «шолининг орқасидан курмак сув ичади», деган гап бор,— деб қўйди.

— Лекин мен сизга ўхшашиб курмак эмасман, жавдари гуруч сингари ёзилиб ўсяпман,— деди кичик хотин яна ўша вазиятда. У орқасига ўгирилиб, деворда осигулик турган ойнада ўз аксини кўрди-да, кўзини ойнадан узиб, ер остидан Сорага қаради. Унга Сора ўзидан ёшроқ ва гўзалроқ кўринди шекилли, унинг оташин вазияти гамгинлик билан алмашинди, кўзини ерга тикди, алам билан гиламни тирнай бошлади.

— Эҳтиёт бўлинг, яна ёзила-ёзила ланж бўлиб кетманг,— деди катта хотин кундошининг аҳволидан завқланиб:

Бу икки кундошининг даҳанаки жанги ёқа йиртишгача бориб етган бўларди-ю, лекин бойнинг:

— Ҳамдам! Келинни тезроқ олиб кел!— дегани бу жанжалнинг олдини олди.

— Мана, ҳозир!— деб ўрнидан турган катта хотин Сора олдига қўйилган новвот чойни ҳам бир ҳўплади-да:

— Туринг, келин, амакингизни кўп мунтазир қилмайлик,— деб Соранинг қўлидан ушлаб, ўрнидан зўрга турғизиб, судрагандек қилиб эрининг олдига олиб чиқиб кетди.

«Мендан ўч олмоқчи»,— деди кичик хотин улар уйдан чиқиб кетгач ўз-ўзига ва ўрнидан туриб ойна олдига борди-да, юз-бетини, қош-кўзини хотиржамлик билан назардан ўтказиб: «Йўқ, уddeлай олмайди»,— деб ўз-ўзига тасалли берган бўлди.

— Ая! Янга дадам олдига кетди,— деб Истамнинг уйга кириб келиши унинг бу ҳолатини ўзгартирди. У Истамга қараб:

— У янга эмас, у ҳам сенга она бўлади,— деди.

— У ёмон экан, мени муччи қилмади,— деди Истам нохуш оҳангда.

Хотин ўғлининг Сорани «ёмон» деганидан бир оз тасалли топиб, новвот чойли чойнак олдига ўтириб, Истамни қучогига олиб эркалатиб суяркан: «Мен энг суюкли хотини бўлсам, ўғлим азиз фарзанди, қанчалик новвотхўр ва ҳою ҳавасли бўлса ҳам, юзимиздан ўта олмайди, бир гадо қиз учун биздан кечмайди», деган фикр қўнглидан ўтди.

У шу зайлда ўзини-ўзи овутиб, бир оз очилди-да, қолган новвот чойни икки пиёлага қуйиб, бирини ўзи ичди, иккинчисини Истамга берди...

* * *

Катта хотин Сорани бойнинг олдига киритиб:

— Амакингизга салом беринг!— деди.

Сора юзини енги билан бекитиб, бош қимирлатиш билан бойга салом берган бўлди.

Бой Сорага тиржайиб қараб:

— Ўтиринг, келин! — деди.

Сора эса қимир этмай тураверди, бойнинг хотини унинг елкасидан босиб, ўтиришга мажбур қилди.

Бойнинг катта хотини Сорани ўтқазганда у ўзини орқага тортиб, мумкин қадар бойдан узоқроққа — чап тиззасини ўнг тиззасининг устига қўйиб, ўнг қўли билан пешонасини тўсив девор томонга ярим ўғирилган холда ўтириди.

Бой қанчалик диққат билан қараса ҳам Соранинг юзини яхши кўролмади, чунки унинг бир юзи деворга ўғирилган, иккинчи юзини эса кенг енглари яшириб турарди.

Бой ёнида ўтирган уч яшар Истамни ўрнидан турғазиб:

— Янгангнинг олдига бор, сени ўпади! — деб уни Сора томон юборди.

Бола уялиб-тортиниб Соранинг олдига борди, лекин Сора уни кўнгилхушлик билан қарши олмади: болани оғушига босмади, ҳатто унга қайрилиб қарамади ҳам. Бола эса отасига қараб қолди. Бу билан у гўё: «Энди нима қиласай?» деб сўрагандек бўлди.

— Онангнинг олдига бор, у сени ўнади, — деди отаси. Бола юрганича уйдан чиқиб кетди.

Бой ёстиқнинг устидаги тўрт буқланган анор гулли рўмолни олиб Сорага узатди:

— Ма, бу рўмолни ол, қизим, бу мендан сенга кўрмана! — деди.

Сора бойнинг бу ганини гўё эшитмагандек, индамай ўтираверди.

Бой ўтирган жойида чўккалаб Сора томон чўзилди-да, рўмол тутган қўлини унга яқинлашириб, иккинчи марта таклиф қилди:

— Ма, азизим, жон қизим, бу рўмолчани ол, кўрманани ол!

Бу гал Сора бир нарсадан ҳурккан кишидек, деворга қапишиб, ени остидан кўзларини олайтириб бойга тикди. У худди чиябўри кўрган товуқдай ҳис-ҳаракатсиз турарди.

Бу вазиятдан ҳайратга тушган бой нима қиласини билмасди: агарда у Сорага янада яқинлашиб, рўмолни қўлига мажбуран берса, ёки қўлига қўйса унинг қочиб чиқиб кетишидан чўчирди; аввалгидек ўтириб олиб таклифидан қайтай деса, ор қиласиди, чунки камбағалнинг хотини бўлган бир гадой қиз томонидан «марҳамат»нинг рад этилишини ўзига нисбатан ҳақорат деб биларди.

Лекин катта хотини бойни бу оғир вазиятдан қутқарди: у Сорани ҳол-жонига қўймай ўрнидан турғазди-да:

— Бориб рўмолни ўз қўлинг билан ол, бой амакингга қуллуқ қили, уйингга олиб бориб, бўлажак фарзандинг учун асра: «Менинг болам ҳам бой амаким сингари бадавлат бўлсин», деб ният қилгин, — деди.

Сора уялиб-қизариб бориб бойнинг қўлидан рўмолни олди, қайта ўтирмай, уйдан чиқди ва аввал мөҳмон бўлиб ўтирган уйига томон кетди.

Бой олдин Сорани кўра олмаган бўлса ҳам, рўмолни қўлидан

олган пайтда унга «харидор»ларча назар билан қараб-қараб олди: унинг қоп-кора қош ва кўзлари, узун, жингала-жингала қиприкли, майдалаб ўрилган кора сочларию нақш олмадек қизил юзлари бойни ҳайратда қолдирди. Сора кўхна лиbosлар ичидаги унинг назарида тупроқ-қум орасида қолган яхлит олтин сингари товланиб кўринди, унинг нур тўла юзи бошидаги рўмоли тагидан бамисоли булат остидан ярим кўриниб турган ўн тўрт кунлик ой каби жилваланар, кора қоплари остидаги чақнаб турган кўзлари тонг юлдузлари каби кўзни қамаштиради...

* * *

Зиёфат бўлган қундан бошлиб бой Сорани қўлга киритиш пайига тушди. Бунда у хотинлари ўртасидаги зиддиятдан фойдалашмоқчи бўлди. Кичик хотинига уйлангандан сўнг катта хотини бойнинг назаридан қолган, кичик хотини эса ўзининг ёшлиги ва ҳусни жамолидан фойдаланиб, эри орқали қундошига азоб бердирап, уни хўрларди. Ўзаро жанжалда катта хотин қундошидан қолишмаса-да, бой олдида ўз сўзини ўтказа олмас, ҳар бир жанжалдан сўнг бой кичик хотинининг тарафини олиб, катта хотинини койир, баъзан уради ҳам.

Энди катта хотинга қундошидан ўч олиш вақти етганди. У ўзи воситачилик қилиб, бойни бирон ёши хотинга ром қилиш, қундошини азобга гирифторм этиш ва ўзи ёниб келаётган рашик оташида рақибасини кўйдиришни истарди.

Сора ва бойнинг унга бўлган ҳаваси катта хотинга жуда қўй келди. У бойнинг ифлос ниятини амалга оширишда воситачи бўлишни бой олдида рўйи рост ўз зиммасига олиб, астойдил ишга киришди: зиёфат куни Соранинг қўлига рўмолни қўйишда дастлабки фаолиятини кўрсатди. Шундан сўнг эри билан гапни бир қилиб, Сорани тузоққа илинтириш пайига тушди.

У ҳар куни Сорани чакириб келиб, уй ишларига ёрдам беришни сўпар, иш вақтида ёки чой ичиш пайтида фурсатни топиб, бойни таърифлар: унинг «софдил»лиги, хотин-қизларни яхши қўриши, ҳусусан, Сорага бўлган «оталарча» меҳр-муҳаббати тўгрисида сўзларди. Айниқса, у Сорани бойдан уялмаслик ва ундан қочмасликка ундан, бойнинг гапига тортинимай-уялмай жавоб бериш ҳақида насиҳат қиласарди. Бир куни ана шундай насиҳатлардан кейин:

— Агар бойнинг сенга нисбатан бирон ўзга мақсади бўлса ҳовлимизга келишинингга йўл берармидим, қайси хотин эрининг бошқа хотинлар билан ёмон алоқада бўлишига йўл қўйибдики, мен йўл берсам,— деди.

Бой хотини зиддан тайёрлаётган ана шу заминга таяниб, Сорага «дўстона» ва «мехрибонона» муомала қиласар: унга гап ташлар ва баъзан уни ҳазил ва шўхликка йўярди.

Сора эса бойга нисбатан бўлган муомаласини ҳеч ўзгартирмади, унинг гапларини ҳаммавақт чўчиб, нафрат билан тинглар, сўровларига «ҳа» ёки «йўқ», деб қисқагина жавоб қайтарар, юзига ҳеч қарамас ва ҳазиломуз гапларини эшитмагандек бўлиб юради.

Сора катта хотиннинг гаплари билан бой ҳақидаги шубҳаларни бир қадар унумтоқчи бўлганида, кичик хотиннинг муомалалири унинг шубҳасини янада кучайтиарди. У ҳаммавақт Сорага пичинг отар, бойнинг уйига унинг келиб-кетишини ёқтирмас ва баъзан рўйи рост койирди. Қисқаси, бойнинг кичик хотини Сорага худди кундошдек муомала қиласиди.

Бой Сорага бир неча вақт шубҳали гаплар ташлаб юргач, бир куни унга муддаосини рўйи рост айтмоқчи бўлди: Сора бойнинг ховлисидан чиқиб кетаётганида ички ва ташқи ҳовли ўртасидаги йўлакда бой учраб, бир қўли билан Соранинг билагини ушладида, иккинчи қўли билан унинг бармоғига қумуш узукни солмоқчи бўлди.

Сора қўлини тортиб олиб, ғазабланиб:

— Сизга бу иш айб, ҳайф сизга, уялинг! — деди.

Бу гапларни Сора шу даражада баланд овоз билан айтди, бойнинг катта хотини ўзини эшилмаганликка солса ҳам, уйда ўтирган кичик хотини эшитиб:

— Нима гап, нима гап? — деб йўлакка югуриб чиқди.

Аммо у етиб келгунча Сора ҳовлидан чиқиб кетган эди. Эрхотин уришиб қолдилар.

Сора уйига бориб бой «кўрмана» деб берган ва ҳали бошига илмаган рўмолни қўйган жойидан олиб келиб бойнинг дарвозаси йўлагидан ҳовлисидан иргитиб кетди. Шундан сўнг у бойникига қадам босмади.

III

Сора бойникидан қатъий оёқ тортган бўлса ҳам, бой ундан умидини узмаган эди. Энди у Сорани батамом қўлга олиш йўлини ахтарарди. Ҳатто бу мақсадга эришиш учун у Муродни орадан қўтариши ҳам кўнглидан ўтказганди. Лекин Муродни орадан йўқотиш учун уни ранжитмаслик, кўнглини қўтариб, ширин муомалалар билан уни ўзига янада тортиш керак эди.

Уша куни кеч кириб, Мурод қўйларни яйловдан олиб келгандан сўнг бой уни меҳмонхонага чақириб, ўзи билан Сора ўртасидаги рўй берган воқеани қўйидагича ҳикоя қилди:

— Мен хотинингни ўз қизим ва келинимдек билардим ва унга оталарча муомала қиласиди. Бугун бир қумуш узукни «оталик ёдгорлиги» деб бермоқчи бўлсан, у қандайдир шубҳаларга берилиб, менга қаттиқ гаплар айтди, янгаларинг олдида мени шарманда қилди...

Бу гап Муродни ўйлантириб қўйди. Бой Муродни ҳар хил хаёллардан холи қилиш мақсадида янада гапида давом этди:

— Сенга бу воқеани Сора ўзи тушунганича айтса, мендан бехудага хафа бўлиб юрма, гапнинг ростини айтдим. Унга айтиб қўй, бундан кейин менинг ҳовлимга келмасин.

Бойнинг охирги сўзидан Мурод, «бой мени ишдан ҳайдаса керак», деган фикрга келиб, хаёл суриб, хомуш кўринди, бой эса унинг кўнглини олмоқчи бўлиб:

— Бу гапимдан мени Сорадан ёки мендан ранжибди, деб ўйла-ма. Борди-келдини тугатишдан мақсад хотинлар ўртасида пайдо бўлган гап-сўёларни босишидир. Мен болалик қилди, деб ўзимга олмадим. Бундан кейин ҳам сизларга яхшилигимни аямайман. Олдин сўқабош эдинг, «бунга мол ва пул нимага даркор», деб дурустроқ ёрдам бермасдим, энди сен уйланиб, яна бир кишининг юки бўйнингга тушди, мен ҳам шунга қараб иш тутаман,— деди-да, жим бўлди.

Мурод бой гапини тугатди деб ўйлаб, ўрнидан турмоқчи бўлганди, бой яна гапини давом эттириб, уни ўтиришга мажбур қилди.

— Эшлишимча,— деди бой,— яқинда фарзанд кўрармишсизлар, шу гапни эшиганимдан кейин бир серсут эчкини бўлажак фарзандинг учун боғлаб қўйдим. Гўдак туғилган куниёқ, ана шу эчкини сенга тошираман, уйингга элтиб боғлаб қўясан, она-бала согиб ичиб юрадилар. Яхшиликларимни Сора билмаса, майли, у билмаса, худо билар, ахир... Майли,— деди бой бир оз жим тургач,— энди уйингга бориб дам ол, Сорага тушунтир...

Мурод минг хил хаёл ва шубҳалар билан уйига қайтди. Бу ерда ҳамма шубҳалари бартараф бўлди: Сора бойнинг ўзига нисбатан қилган муомалалари хақида ҳозиргacha ҳеч нарса демаганди. Бугунги воқеадан кейин бой ва унинг хотини билан бўлган гапларни тўкиб солди. Энди Мурод бойнинг ниятига шак-шубҳасиз ишонганди.

Мурод оиласига чанг солган кишининг даргоҳида бундан кейин хизмат қилмасликка аҳд қилган бўлса-да, бу фикрини тезда амалга ошира олмади ва амалга ошира олмас эди ҳам. Бой даргоҳидан кетишдан олдин бирон иш топиш лозим эди, ваҳоланки, қишлоқ бойлари Эшонқулбойни рўйхотир қилиб, унинг хизматини ташлаб кетган кимсанни ишга олмасдилар: қишлоқ камбагаллари эса, ўзлари бирорларнинг хизматини қилиб кун кечиришга мажбур эдилар. У узоқ қишлоқларга иш ахтариб боришга жазм қилмади, чунки ўзга қишлоққа иш ва жой ахтариб бориш учун хотинини қолдириб кетиши лозим эди. Лекин қишлоқнинг энг катта бойи унинг хотинига кўз олайтирган бир пайтда бой хизматини ташлаб, хотинини йида ёлғиз қолдириб кетиши ҳам хавфли эди. Бойнинг: «Мен сенинг хотинингга ёмон кўз билан қарамайман, уни ўз қизим ва келинимдек биламан», деган гапига ишонгандек, ўзини нодонликка солиб юра бериш афзалроқ, муносиб жой топилса, бу ердан кутулиш осон.

Шу хил мулоҳазалар билан Мурод: «Болта тушгунча, кунда дам олади», деб бой даргоҳида юра берди...

Узук можаросидан тўрт-беш ой ўтгач, Сора бир ўғилчанинг онаси бўлди. Чақалоқнинг оламга келиши ота-онага бир дунё шодлик багишилади. Шунинг учун унга «Шоди» деб ном қўйдилар.

Гунчадек боланинг онаси бўлиш, бола кўриш вақтида рўй берадиган азоб, айниқса, биринчи марта туғишдаги хавф-хатар вахимаси Эшонқулбойнинг номуссизларча муомаласини Соранинг хотиридан деярли чиқарди. Айниқса, ўша воқеадан кейин бой Сорани ҳеч тилга олмай, моддий ёрдамини камайтиrmай, Муродга

нисбатан муомаласини борган сари яхшилаётгани ўша мудхиш воқеани Соранинг ҳам, Муроднинг ҳам эсидан чиқараёзган эди. Ҳар икковлари ҳам бойнинг бу ҳаракатини «шайтон»нинг васвасасидан билиб, энди у тавба қилган, деб гумон қиласадилар.

Бой Муроднинг фарзанд кўрганини эшишиб, янги туққан серсуг очкини унинг уйига юборди. Бойнинг тўғри одам бўлиб қолганлигига Муроднинг ишончи янада ошди.

Бойнинг катта хотини одатга кўра Соранинг уйига чақалоқ кўргани келди. У янги туғилган ўғилча учун сурп кўйлак келтириб, чақалоққа узоқ умр ва давлат, Сорага сиҳат-саломатлик тилаб чиқиб кетди. Лекин бу сафар у бойдан ҳам, унинг «яхшилиги», «мехрибонлиги»дан ҳам оғиз очмади. У ўзини шундай тутдикни, гўё у Сорага бойни таърифлаб гапирган гапларидан хижолатда-ю бой «шайтон»нинг иғвоси билан уни Сора олдида шарманда қилган. Бу муомаладан бойбабининг «нодонларча» қилган ҳаракати ва бойнинг «шайтон» вассасасига тушганига Сорада ишонч ҳосил қилдириб, уни бойни кечиришга уннади. Сора доясиз туғиб, дармонсизланиб, оғир кунларни бошидан кечиргандан сўнг тезда соғайиб қолди: иштаҳаси очилди, еган овқати нуқул сут ва гўшт бўлаётгандек эди. Жондан ширин ўғли сутига тўяр, ўзининг гўштига гўшт қўшилиб, заифлашган бадани тўлишар, кучига куч қўшилиб борар эди.

У ҳар кун чақалоқни кўрпачага ўраб, тоза ва очиқ ҳавога олиб чиқар эди. Чашалоқ даладаги лолаларни, экинлар атрофидаги майсаларни кўриб хушхол бўлар, уларнинг яқинлашганини сезган чумчук ва капалаклар ўтлар ичидан учиб кетардилар. Шоди ҳам она қучогида худди улар кетидан учадигандек талпинарди.

Гуллар, лолалар, майсалар ва паррандалар янги туғилган болага қанчалар завқ бағишлишини билиш қийин: у лабларини ним очиқ гунчадек очиб куларди.

Мехрибон она — Сора жондан азиз ўғлига меҳр билан термилиб, гулоб аралаш қандни шимгандек, унинг юз ва пешоналаридан ўпар, бош бармоғи билан чақалоқ оғзининг икки томонидан юмшоққина сиқиб, унинг кулгисини янада ширин ва янада оромбахш қиласадилар.

Хатто Сора ана шундай хурсандлик пайтларида ўғилчасига атаб қўшиқ ҳам тўқирди:

Шодижонгинам,
Мехрибонгинам.
Дард кўрмасдан ўс,
Хуррам жонгинам!
Лола ўсибдир,
Сабза унибдир,
Гулдек кулибдир,
Шодижонгинам.
Баҳор насимин
Жон дегай олам.

Шоди сал катта бўлиб, оёқ-қўлларини эркин ҳаракат қилдира оладиган бўлганда Соранинг шодлиги янада ошди. Баъзан Сора оёқларини майсалар устига узатиб ўтирас, нуридийдасини ўзига қаратиб тиззасига ўтиргизарди. Ана шундай дамларда у кўпинча қўшиқ тўқишига киришарди. Сора болаларга хос қисқа оҳангда, ҳижоларни дона-дона ва равон қилиб:

Шодижонгинам,
Мехрибонгинам,
Дард кўрмасдан ёс,
Хуррам жонгинам!—

деганида, Шоди бошини сарак-сарак қилиб, қўли ва тамом аъзоси билан гўё қўшиқка жўр бўларди: у худди чапак чаладигандай кафтини очиб, қўлларини юқори кўтарар, бармоқларини қўшиқ оҳангига ҳаракат эттирас, бошини ҳам қўл ҳаракатига ва қўшиқ оҳангига мувофиқ қимирлатар; шу оҳангга мувофиқ худди ўрнидан туриб рақс этмоқчи бўлгандек дикангларди.

Шодининг бу зайдаги ўйини ва хуррамлиги Сорага оламолам завқ-шавқ баҳш этар ва у ашула тўқий бошларди:

Қора кўзинг қоп-қора зоғ,
Онанг сендан кўрмасин доғ,
Еритасан, чирогбоним,
Кўзим сану сенсан чироғ!

Сора ашула айтганда Шоди ҳам бир оз ором олиб, ашулага қулоқ солар, қўшиқ оҳангига қараб ўз ҳаракатини ўзгартиради.

Ана шундай болаларча базм охирида Сора доим зўр маҳорат билан болаларбоп жарангдор шу шеърни «Рези уфар» қуида қуйларди.

Ҳа дурси, дурси, дурси,
Чиқа қол, мана курси!
Гулим эрур жамолинг!
Жамолингда камолинг.
Кам бўлмасин висолинг.

Ҳа, дурси, дурси, дурси,
Чиқа қол, мана курси!
Ҳидинг гўёки баҳор,
Юзларинг худди анор,
Мушкин сочлар сенда бор.

¹ Повестда учрайдиган шеър ва қўшиқларни М. Муинзода таржима қилган.

Ҳа дурси, дурси, дурси,
Чиқа қол, мана курси!
Юзларинг бўлсии порлок,
Гам сендан бўлсии узоқ,
Душманинг ўлсин шу чоғ.

Ҳа, дурси, дурси, дурси,
Чиқа қол, мана курси!

Сора бу ашулани айтгандан сўнг Шоди ҳам аъзойи баданини ҳаракатга келтириб, ўз жойида гирдибод сингари тез ҳаракат қиласарди. Бундай пайтларда у қўл ва бошинигина эмас, тамом аъзосини бир оҳангда қимирлатаради.

Соранинг шавқ-завқи бениҳоя ошар, ўрнидан туриб ўғилчасини қўлига олиб ўйнатар, ҳавога отар ва энчилик билан илиб олар, қўл-оёқларидан, юз-бош, қоши-кўзларидан тўйиб-тўйиб ўпарди.

Шоди ҳам онасиининг бу мушғиқлигидан завқ олгацдек қиқирилаб қулиб, тили чиқмаган бўлса ҳам ўз мақсадларини онасига тушунтироқчи бўлиб, «гангур-гунгур» қиласар ва танглоу тилидан тушунарсиз овозлар чиқараради.

Сора ҳам дилбаид фарзандининг оғзини бош бармоги учи билан секин-секин очиб, унинг гапларига жавоб қайтарарди. Бу овозларнинг маъноси бизга тушунарсиз бўлса ҳам тилсиз Шодига маълум эди. Шунинг учун ҳам у онаси ана шундай овоз чиқарган пайтда қулоқ солиб туар, у жим бўлган ҳамон қийқириб қулар ва яна ўша мажхул овозлар билан меҳрибон онасииниг «айтган» ларидан хурсанд эканлигини унга тушунтиради.

* * *

Эчки-улоқлар ҳам Сора ва Шоди учун катта бир эрмак эди: ўғли ухлаган пайтларда Сора экинзор ва ариқ бўйларидан барра ўтларни юлиб, эчкига олиб келиб берар, эчки эса борган сари семириб, серсут бўлиб борарди.

Сора Шодини кўтариб эчкининг олдига олиб борганида эчкини, айниқса, улоқни кўрган бола бениҳоя шодланарди. Улоқча сакраб-сакраб ҳар томонга югуар, сакраб тандир устига чиқиб, дарҳол кантар сингари «учиб», ўзини ерга муаллақ ташлар, олд оёқларидан кўтариб, одамдек тик туар, ҳатто дарахтга чиқмоқчи бўлиб унинг танасига ёпишарди. Муродининг кўримсиз наст қулбасининг девори эса улоқчанинг ўйнаши учун мисоли бир дордай эди: у бир сакраб девор устига чиқиб, чаққон дорбоздек чонқиллар, гоҳ орқаси билан югуаради, ингичкароқ ерга келганда эса орқа ва олд оёқларини мих қилиб тираб оларди.

Кўча томондаги тутнинг девор устига ёнирилган шохи улоқча учун ҳам овқат, ҳам ўйни: у ингичка девор устида кейинги икки оёғи билан тик туриб, олд оёқларий билан тут шохларини босиб, лаблари билан кўм-кўк баргларни терар, арасимон майдада тишлари билан «курт-курт» чайнаб ерди.

Эчки шўх фарзандининг бу ҳаракатларини қузатиб, томдан дарахтга чиқсан фарзандининг йиқилиб кетиши ваҳмида бетоқатланган она каби норозигиз билан маърар эди.

Аммо улоқча онасининг ганига қулоқ солмайдиган, ўзбошимча болалар сингари она бетоқатлигини писанд қилмай, ўз ўйинини зериккунича давом эттиради. Ўйин кўнглига ургач, чўмилётган бола тол устидан чуқур сувга сакрагандек ўзини ерга отар, қуш сингари чаққонлик билан дарҳол ўнгланиб онаси томон югуради.

Ў онасининг олдига еттач, олд оёқлари билан чўкка тушиб, тумшуқларини онасининг елинига чўзарди. Аммо унинг елинига тортилган халта эмишга имкон бермаеди. Онасининг елинини тумшуғи билан бир-икки туртиб, эмчакни топишдан умидини узгач, тик турган онасининг ёнида ухлаб дам оларди.

Улоқча ётганда Шоди учун у билан ўйнашини мусассар бўларди. Сора чақалоқни кўтариб бориб улоқ олдига ўтирад, қундуздек жингала жунларини бармоқлари билан тараар, юз-бошларини, нешоналарини қашларди.

Шоди ҳам онасига тақлид қилиб, тенгдош улоқчасини эркалани иштар, буни сезган Сора уни улоқчага яқинлаштиради. Шоди маржон шохчалари сингари қизил ва нозик бармоқларини олдинга чўзиб, улоқчанинг жунидан тортар, гунча япроқларидек юмшоқ тирноқларини улоқчанинг лаб ва тишларига тегизиб қитиқларди.

Еш боланинг бу иши улоқчага ёқиб тушгандек, у ҳам бу хизмат эвазига Шодининг бармоқларини эгар, кафтларини ҳидлар ва тоғ-тоғо «балли» дегандек, майин овоз билан «ба-а-а» деб кўярди.

Шоди ҳам унинг «ба-а-а»сидан завқланиб, гувранар, қўл ва оёқларини қимиirlатиб улоқча ҳақида онасига ганираётгандай бўларди.

Сора эса кўп тил билувчи таржимон сингари Шодининг гапларини улоқчага ва унинг сўзларини Шодига таржима қилиб берар эди. У улоқча тилидан Шодига:

— Мен сени севаман, икковимиз бир вақтда туғилганмиз, онам ҳам сени яхши кўради, у сенга ўз онангдай сут беради. Икковимиз бирга ўйнайдиган дўстмиз, эмуқдош огайнилармиз,— дер эди.

Шоди тилидан улоқчага:

Мен севаман ўзингни ҳам,
Шу юнгингни,
Хидингни ҳам,
Юзингни ҳам
Жуда севаман.
Мен юнгингни ҳам, кўзингни ҳам
Ошпоқ туёгингни ҳам,
Ювош юзингни ҳам
Жуда севаман.
Хулқу атворингни,
Ишингни, кирдикорингни,

Юришинг, рафторингни,
Кўзингни, хумморингни
жуда севаман,—

дер эди.

Мурод чирогиоя ясади. Чирогиоя жуда содда бўлиб, чорак метрли тўртта ёгочнинг устига тўрт томонига бир қаричли тахта қоқилганди.

Кунлардан бир кун улоқча девор бошида ўйнаётганида Сора чирогиояни олиб чиқиб ҳовлига қўйди-да, кўк ўтии кўреатиб, улоқчани девордан туширди. Уч-тўрт оғиз ўт едирагач, Сора улогини чирогиоя устига қўйди. Улоқчанинг тўрт оёғи чирогиоя тахтаси устида гуж бўлиб турарди. Сора лайлакбоzlарга ўхшаб, ашула айтиб, чарап чалди. Энди ўтирадиган бўлиб қолган Шоди ҳам онасига тақлид қилиб чарап чалишта киришди:

Ха, дурси, дурси, дурси,
Чиқа қол, мана курси!

Ашула ва чапак овозига бир оз қулоқ солиб турган улоқча, чирогиоя устида айланга бошлади. У тўрт оёғи гуж ҳолда тор жойда ўз ўқи атрофида айланадиган нарракдек айланарди.

Бу ўйин Сорага ҳам, Щодига ҳам ва улоқчанинг ўзига ҳам жуда ёқди. Дастлабки кунларда Сора улоқчани чирогиояга кўтариб чиқариб қўярди. Зийрак ҳайвон боласи бу машгулотга одатлангач, ўзи сакраб чирогиояга чиқадиган бўлди.

Сора:

Ха, дурси, дурси, дурси,
Чиқа қол, мана курси!—

деб чарап чалиши билан улоқча югуриб келиб, мушук сингари сакраб чирогиояга чиқар ва гир айланаб ўйин туша бошларди.

IV

Бора-бора Муроднинг бой ҳақидаги фикри батамом ўзгарди. Бунинг устига, бой ҳамиша Муродга яхши муомала қилас, унинг ўғли Шодини ҳам эътибордан четда қолдирмас эди. Баъзан овқатдан кейин Муродга бир парча ёғлиқ гўшт бериб:

— Ма, буни ўтичага олиб бор,— дерди.

Бозор оқшомлари эса Шоди учун бир коса налов беришни ҳеч унумасди. Узук можаросидан бери икки йил ўтиб кетган, бу можаро ҳамманинг хотиридан, ҳатто Соранинг хаёлидан ҳам тамоман чиқиб кетган бўлса-да, бой Сорани ҳаргиз тилга отмасди. Бу эса Муродни борган сари «бой шини шайтоннинг «игвоси» билан қилас, энди уялиб, пушаймон қилиб юрибди» деган хаёлга чиндан ишонтиарди.

Ўттиз йиллик хизмати давомида бой Муродга қаттиқ ва мөгор босган арна ион ёки зогора берар, иссанқ овқат ўриига совиб қолган сарқит ош ёки ювинди, унинг насибаси эди. Эди уни юмшоқ ион ва иссанқ ош билан тўйдирар, ҳатто баъзан даштга — яйловга Мурод учун иссанқ ион ёки ош юбортираш эди.

Бу овқатларни яйловга бойниңг катта хотинининг иниси — Шоқул олиб борарди.

Шоқул бойвачча йигит бўлиб, отасининг ягона ўғли эди. Шоқулнинг отаси Субҳонқулнинг давлати ва ер-суви Эшонқулбойни кичка бўлмаса ҳам қишлоқнинг катта бойларидан ҳисобланарди. У биринчи фарзанди — қизи Сонияни қишлоқнинг катта бойларидан бири Эшонқулбойга бериб, ўз обрў-эътиборини янада юқори кўтарганди.

Субҳонқулбой бир неча етим ва чўпонларни ишлатиб, хўжалик ишларини ўзи бошиқаар ва ягона ўғли Шоқулга ҳеч қандай иш буюрмасди. Шоқул доим отасининг отларидан бирини миниб, тўйтомошаларда юради.

Субҳонқул вафотидан сўнг унинг ҳамма молу мулки Шоқулга қозди. Эшонқулбой ундан хотини Сониянинг меросини талаб қилиди, лекин у ҳеч нарса бермади. Эр-хотин анча вақт қозибозлик қилиб юрса ҳам натижা чиқмади. Бир томондан, Шоқул ён ва киссаси тўла бойвачча бўлганлиги учун қози ва ҳоким эшитига кўн пул сарфлади, иккинчидан, ота меросининг даъвогарин Сония эрининг ўз устига хотин олганлигидан рањиган эди. Шунинг учун у: «Менинг мерое молим иним қўлида тураверсин», деди.

Эшонқулбой билан Шоқул ўртасида қариндошлик алоқаси узилди. Шоқул опасини кўриш учун мумкин қадар бой уйида бўлмаган вақтда борарди. Агарда унинг бу ерга келиши бойниңг уйдалигига тўғри кёлиб қолса, Шоқул унга қуруққина салом бериб, опасининг хонасига ўтиб кетар ва ўша ердан чиқиб кетарди.

Отаси ўлгандан кейин Шоқулнинг хўжалиги харобаликка юз тутди. Отаси тирик бўлганда одатланмаганилиги учун Шоқул ўзи хўжалик ишларига шахсан қарамас, кеча-кундуз сайру томоша билан банд бўлар, баъзан шалоқ ов миљигини олиб, овга ҳам чиқарди.

Ҳозир ҳам у от минмай кўчага чиқмасди. Бу от отасининг даврида минган бедов отлардан бўлмай, жайдари от эди. У на овда ва на улоқда иш бермасди. Лекин шунга қарамай, Шоқул доим сайр ва томошадан қишлоққа қайтишида отини, миљигини ва ўзининг билимдонлигини мақтарди. Улоққа боргандан оти ўнта эчки олганини мақтар, овдан қайтайдан кунлари эса: «Мен бугун уч кийик отдим, икки кийикни отда қувиб ушладим», деб оғиз кўпиртирарди.

Бу лоғининг ёлғонлигини билган қишлоқ одамларидан бири ундан:

— Қани у кийиклар, биттасини бизга беринг, кабоб қилиб еб,

дую қилайлик, токи отингиз бундан ҳам чопқир, милтиғингиз бундан ҳам нишонга урадиган бўлсин,— дерди.

Шоқул эса ҳеч ўйлаб ўлтирмай, қайтишда фалон қишлоқдаги бир ошинасикига тушгани, кийиклардан бирини кабоб қилиб егани ва қолганларини эса ўша ошинасига инъом қилиб ташлаб келаётганини ҳикоя қиласар ва охирида:

— Кўлимга бирон нарса тушса, йўлда учраган биринчи кишига бераман, уйга қўтариб келтирмайман — менинг одатим шу,— дерди.

Вахоланки, Шоқул бир товуғини ўлдириб қўйган етимнинг тишини уриб синдириди. Воқеа бундай юз берганди:

Бир куни Шоқул етимларидан бирига кўчатзор орасини чопиб, йўнғичқа сепишини буюрди ва то йўнғичқа қўкариб, ўзини тутиб олгунча уни товуқдан эҳтиёт қилишни уқтириди.

Етим йўнғичқани Шоқул айтгандек қилиб сепди. Бир вақт йўнғичқадан хабар олгани чиқса, хўжайнининг бир тўда товуқлари ери титкалаб, янги қўкарган йўнғичқани узиб еб турган экан, у товуқларни ҳайдамоқчи бўлиб, ердан олмадек тошни олди да, уларга қараб отди. Тош тўсатдан бир товуқнинг бошига тегиб, у патирлаганича жон берди.

Буни эшиктан Шоқул етимни айвон устунига боғлаб қўйди ва бир неча қадам нари бориб ўша тошни унга отди. Етим қўллари билан қўэ-бошларини мухофаза қилган бўлса ҳам, тош тумшуғига келиб тегиб, лаблари қонади ва икки олд тиши синди.

Бу етимнинг оти Эргаш эди, лекин ана шу воқеадан бошлаб уни Эргаш бедандон¹ дейдиган бўлдилар.

* * *

Кейинги вақтларда Эшонқулбой билан Шоқул иноқлашиб қолди. Бу иноқлик Эшонқулбойнинг ташаббуси, интилиш билан бўлган эди:

Кунлардан бир кун Эшонқулбой хотини Сонияга:

— Укангга айт, мендан ўпкаланиб юрмасин, у менга қанчалик ёмонлик қилган бўлса ҳам, мен уни аллақачонлар кечирганди. Мен билан қариндошларча борди-келди қилаверсин, яхши отларимдан бирини минисин. Мен хотинимнинг укаси қирчангифи отга миниб, улоқقا боргандা энг кейинда ола тозидек ўёқ-буёққа югуриб юрса, кишилардан номус қиламан,— деди.

Сония орага тушиб, почча билан қайинни яратириди: яратили учун бой Шоқул шарафига зиёфат берди, тўн кийдирди.

Шундан сўнг Шоқул ҳар куни бойникига бир келиб кетар, улоққа ёки овга бормоқчи бўлса, бойнинг бедов отларидан бирини

¹ Эргаш кемшик.

миниб борарди. Баъзан овга бойнинг бешотар мильтигини олиб бориб, кийик, бўри ва тулки сингари катта ҳайвонларни отиб келарди.

Энди қишлоқ одамлари Шоқулнинг ўзини мақтаб айтган гапларига чиндан қулоқ солардилар. Чунки энди у улоққа борса бир-икки эчкини тақимига босиб келар, овдан ҳам қуруқ қайтмасди, баъзан тулки, гоҳо тустовуқ, баъзан тулки ёки бўрининг териси эгар қошини безаб кёларди.

Шоқул етим ва чўпонларининг ҳол-аҳволидан, уларнинг очу тўқидан, уст-бошидан хабар олмаса-да, Эшонқулбойнинг хўжалик ишларига кўмаклашарди. Жумладан, ов ёки улоққа бориши олдидан Муродга нон ёки ош олиб бориб, унинг ҳол-аҳволидан хабар олиб турарди.

Сора ва Муродларнинг тирикчиликлари ёмон эмасди. Шоди туғилгандан Эшонқулбой берган она-бала эчки уч йилда ўн бошга етиб, опла суту қаймоқ, қатигу ёққа сероб бўлди. Сут-қаймоқ, ёгу қатиқ еб ўсан уч яшар Шоди тўрт-беш яшар болалардан каттароқ ва тўлароқ кўринарди. Муродга ҳам йигитлик қуввати қайтиб келгандек бўлди. Чунки соҳибжамол, итоаткор хотини, соғлом ва ақл-идроқли ўғли, ўз кулбаси бор. Ўнта эчкини эса тирикчилигига ярар, айниқса, ўғли ва хотинини таъминларди, унинг вақтини хуш, қўнглини осоиишта ва бошини тирикчилик ташвишидан тинчитганди.

Мурод ҳар куни эрталаб хўжайнинкига бориб, ионуштадан кейин қўйларни яйловга элтар, кечқурунлари қўйларни қўрага киритиб, кечки овқатни егач, уйига қайтарди. Баъзан бойнинидан ўғилласига гўшт ёки овқат келтиради. Бу хилдаги тирикчилик бутун хизматкорлик даврида Муродга муюссар бўлмаган, бундай хушбахт бўлишини хаёлига ҳам келтирманди.

Мурод буничилик баҳтили бўлишининг боиси хотинининг муборак пойқадами ва ўгининг баҳтидан деб биларди. Шунинг учун уларни беҳад севарди.

Уйига келиши билан Муроднинг узузуқун қилган меҳнати чарвоқлиги кўтариларди: хотини олдига сут-қатиқ қўяр, ўғли тиззасига ўтириб, соқолини ўйнар, юзларидан ўпар, отасига ўтиради.

Шоди отасига шу қадар ўрганган ва уни шунчалик севардики, Мурод уйда бўлганда унинг бағридан бир дақиқа ҳам тушмасди: уйқуси келса ҳам ўрнига кириб ётмас, отасининг бағрида ухлаб қолар ва шундан сўнггина уни ўз ўрнига ётқизишарди. Сора ҳам ўзини беҳад баҳтили ҳис этарди. Агар у Муродга турмушга чиқиб, ёлтизлик гамидан қутулган бўлса, Шоди туғилгандан сўнг ота-онаси ва ўлган қариндош-уругларининг догоҳасратини унугтанди. Шодиси бор — ҳамма нарсаси бор. У ҳам Мурод сингари уйдаги яхшиликларнинг боиси ўзининг муборак пойқадами ва ўзи туққан Шодининг шарофати деб фарҳланарди.

Шоди энди уч ёнига кирган бўлса ҳам, лекин катталарча

ҳаракат қиласарди. Бир томондан, у ўзини оиланинг мустақил аъзоси деб билса, иккинчи томондан, ўзини бурчли киши ҳисобларди. Энди у рўзгор ишларида онаслига ёрдамлашишга ҳаракат қиласарди: агар онаси эчкиларни соммоқчи бўлса, улоқчаларни ушлаб турарди, кув нишириб, маска ажратмоқчи бўлса, офтобани кув олдига келтирас: онаси кир ювгудай бўлса, қўлқовоқда қозондан иссиқ сув ташиб тогорага қуярди...

* * *

Бир куни Мурод хотинидан эртароқ уйқудан турди. Юз-қўлларини ювгач, хотинини уйғотиб:

— Мен бу кечака хўжайниникида овқатланмайман, келиб сизлар билан овқатланаман. Сен бугун сутларингни пишириб қаттиқ ивтимай, кечқурун бир серсут ширгуруч қилгин, эртароқ тайёрлагини, мен бугун шомдан олдинроқ келаман,— деди.

Мурод ишга жўнаб кетди. Сора ҳам ўрнидан туриб рўзгор ишларига киришиб кетди. Шоди уйғонгунга қадар ионушта тайёрлаб қўйди.

Шоди уйғониб, ётган жойида:

— Ойи, эчкиларни согдингизми? — деб сўради.

— Согдим, нима эди? — деди ховли супуриб юрган Сора.

— Ола эчкини ҳам согдингизми? — яна сўради у.

— Уни келгуси йили согаман, ҳали у бола, она бўлганидан сўнг сут беради, — жавоб берди Сора.

— Йўқ, мен кўрдим, у ҳам сут беради, — деди-да, ўрнидан туриб, чироғпояга ёпишди ва уни ташқарига қўтариб чиқмоқчи бўлди. Лекин уддалай олмай, йиқилиб тушди, унинг устидаги қора чироқ силкиниб, ёғи ҳар томонга сачради, уй палосини ёққа булғади. Шоди йиғлай бошлади.

Чироғпоянинг тарақлаши ва Шодининг йиғисини эшитган Сора:

— Нима бўлди, нима бўлди? — деб югуриб уйга кирди.

Сора хона ўртасидаги чироғпоя ва чироғни олиб:

— Йиғлама, бу сафар урмайман, бундан сўнг ҳушёр бўлиб юр, яна бирон нарсани уриб йиқитма, — деди.

— Нега ола эчкича сут бермайди, дейсан. Мен чироғпояни қўтариб чиқмоқчи бўлувдим, ўзи йиқилди-да, — деди у.

Сора таажжубланиб қараса Шодининг қоп-қора кўзлари кўз ёши билан чараклаб, энди офтоб ўз сепини ёйган усти шабнам билан қопланган наргисга ўхшаб кетганди. Қўрқув ва уят ҳиссидан оқ-қизил товланиб кетган юзи атиргулдай жилваланиб турарди.

Сора жондан азиз ўғилчасини багрига босиб, юз-қўзларидан тўйғунча ўнди.

Боланинг этаги Сорага теккандан сўнг унинг ҳўл эканлигини сезиб, уни ўзидан нарироқда тутди ва:

— Сен бу кечагуноҳ қилибсан, шунинг учун йиглар экансанды.— деб тахмондан Шодининг тоза қўйлагини олди.

— Мен ҳўл қилганим йўқ, ола эчкининг сути тегди,— деб Сорани таажжубда қолдирди Шоди.

— Айт-чи, қандай қилиб ола эчкичанинг сути этагингга тегди?— сўради Сора унга қўйлакни қийгиза туриб:

— Мен уйқумда чирогнояни ҳовли ўртасига қўйиб:

Ҳа, дурси, дурси, дурси,
Чика қол, мана курси!—

десам, ола эчкича чироғноя устига чиқди ва эмчакларидан сут оқа бошлади. Мен унинг сути ерга тўқилмасин, деб этагимни тутдим. Лекин сут этагимдан ўтиб, оёқларимни ҳўл қилиб, ерга оқиб тушди,— деди Шоди.

Сора ўғлининг туши ва ишидан зақланиб, унинг тушига қўйидаги ашула билан таъбир айтди:

Ўзи қора эчкигинаинг,
Бути ола эчкигинанг.
Келгуси йил берар сенга,
Сутни роса эчкигинаинг!

— Йўқ, менинг ола түёгим шу йил сут беради, ҳозир сут беради. Сен чирогнояни ҳовлига чиқазиб бер, сут беришини кўрасан,— туриб олди Шоди. Чунки онасининг урмаслиги ва уришмаслигини биларди.

Сора севимли ўғлининг шаштини қайтармади, гапини қайтаришга кўигли бўлмади — чирогнояни ҳовлига чиқазиб қўйди-да:

— Мана, ола эчкингий сога бер,— деди.

Шоди чироғноя ёнинг ўтириб олиб:

Ҳа, дурси, дурси, дурси,
Чика қол, мана курси!—

деб ашула айта бошлади.

Ашулани эшитгач, Шоди билан тенгдош ва ҳозир иккни улоқининг опаси бўлган эчки югуриб келиб, чирогнояга чиқди ва гир айланга бошлади.

Шу эчкининг иккинчи боласи ола улоқча ҳам онасининг орқасидан келиб, чирогноя устига чиқмоқчи бўлиб сакраганида онаси унга жой бўшатди — иргиб ерга тушди. Ола эчкича чирогноя устида ўйинга тушди, лекин сут бермади. Шоди синчиклаб қараса ҳам унинг елинини кўра олмади.

— Ойи, бу сут бермади, әмчаги ҳам йўқ,— деди Шоди маъюс оҳангда.

— Мен бу йил у сут бермайди демабмидим,— таъкидлади Сора.

Шоди тушида уни алдаган алдамчи ола эчкичани чирогноя

устидан ҳайдаб тушириб, унинг ўрнига бир неча улоқларни келтириб, чирогпояга бирма-бир чиқариб ўйнатаверди...

— Кел, овқат еймиз,— деди ҳовлини сунуриб бўлиб қўлни ювиб турган Сора.

Шоди эчкибозликни қўйиб, онаси томон югурди. Сора ўғли-нинг юз-қўлларини ювиб, дастурхон бошига ўтқазди...

* * *

Сора овқатдан сўнг уй эшигини қулфлаб, эчкиларни ҳовлидан чиқариб, далага олиб бормоқчи бўлди.

Шоди ҳам отаси ясаб берган боши эгри таёқачани ушлаб, эчкилар ортидан йўлга тушди.

Шоди қўча эшигидан чиққач, Сора эшик орқасига тамба қўйиб, ўзи ҳовлининг пастки деворидан қўчага ошиб тушди.

Она-бала эчкиларни далага, ҳар куни ўтлатадиган ерга олиб бордилар. Шоди қалтагини қўлига олиб, эчкилар киниларнинг экининг кириб кетмасин деб, ўтлоқнинг экинзорга туташган томонида турар, экинзор четидан ёввойи ўтларни юлиб, эчкиларга иргитарди.

Сора сунага ўхшаган бир баландликка ўтириб, урчуқ йигиришга киришди. Унинг урчуғи ниҳоятда содда: узунчоқ қайроқтонга қўйдаланғ бояланган бир ёғоччадан иборат эди, холос. У этағидаги тараалган эчки юнгларидан бир ҳовучини чапгалига олиб, унинг бир учини ишга ўхшатиб ўраб, урчуқнинг чўнchasига боялади ва юнгли қўлини баланд кўтариб, иккинчи қўли билан қайроқни гир айлантириб қўйиб юборди. Урчуқ айланини билан юнг чийралиб иш бўларди. Ҳар сафар бир чангал юнг чўзилиб ингичка бўлиб, чийралиб ишишилган иш узайтанида урчуқ ерга тегарди. Сора ишишган ишини қайроқка ўраб, яна бир чангал юнг олиб, ишини давом эттиради...

Офтоб қиёмга келганда эчкилар тўйиб, овқат ейинни тўхтатдилар. Сора юнг ва урчуқни йигиширига туриб ўғлига:

— Эчкиларни ҳайда, булоқ бошига борамиз,— деди.

Она-бала эчкиларни олиб бориб булоқдан сугордилар: эчкилар сув ичгач, ётипди. Сора билан ўғилчаси уйдан олиб келган нонларини булоқ сувинга ивтиб едилар ва булоқдан ҳовучлаб сув ичдилар.

Овқатдан сўнг Сора яна урчуқ йигиришга киришди. Бу сафар Шоди унга ёрдамлашди. Шоди урчуқнинг ёғоччасига бояланган ишдан ушлаб айлантирас, Сора эса этағидаги юнгларни кетма-кет улаб турарди. Пишиган иш қанча узайса, Шоди дам шунча онасидан узоқлашарди. Эллик қадамча бориғач, онасининг рухеати билан ишишган ишин ўраб-ўраб, қайтиб келарди-да, яна ишининг учидан ушлаб ортиб кетарди.. Сора шешингчача ўзи ёлгиз қанча иш йигирган бўлса, эчкилар бир соат дам олган пайтда ўғли ёрдамида ўшанча иш йигирди.

Эчкилар ётганларида кавш қайтарардилар. Ўтлаб юрганда чала чайнаб ютган овқатларини иккинчи марта чайнаб ҳазм қилардилар.

Шу йўсида, улар қоринларини бир оз бўшатиб, ўринларидан турдилар-да, ўтлашга киришидилар.

Сора ҳам ишни йигиштириб, ўгли билан эчкиларни ҳайдаб серўт жарликка олиб борди...

V

Сора пешиндан сўнг молларини узоқ боқа олмади: қаттиқ шамол туриб, ўтлоқ ва экинзорларни чанг-тўзон қонлади: кўп ўтмай, тоғ бошида катта булут пайдо бўлди, поезднинг ўтхонасидан чиқсан тутунга ўхшаб тезлик билан қинилоқ томон ёпирилиб кела бошлиди.

Ҳавонинг авзойидан тезда ёмғир, тўфон бошланажагини сезган Сора пригуб ўрнидан туриб, ўгли билан бирга эчкиларни уйи томон ҳайдади...

Уйига етмасданоқ Сора момақалдироқнинг тўп овозига ўхшаш гулдуру-гулдуруни эшилди. Молларни ҳовлига киритганида ёмғир ҳам ёға бошлиди.

Сора эчкиларни жойлаб, сел остида қолиб кетган ўғилчасини уйга олиб кирди, унга қуруқ кийим кийизди, ўзи ҳам уст-боштарини алмаштириди.

Ёмғир юз минглаб челякдан бирваракайига сув қуяётгандек шиддат билан ёгар, шамолнинг гувиллаши, ҳаво ва булутнинг гулдураши ёмғирнинг шариллашига қўшилиб, ваҳимали бир гулгула кашф этар эди.

Она-бола Сора билан Шоди қия очиқ эшикдан ёмғирнинг ёгишини томоша қиласарди. Ҳавонинг гулдураши шиддатли тус олганда Шоди онасининг пиижига тиқилиб, бошини унинг этаги остига яширади.

Кеч пешинда ёмғир тинди. Сора ҳовли юзида ҳалқоб сувларни бир чеккага ҳайдаб, ўзоқ бошини қурилгач, ширгуруч ишиширишга киришиди. У эрининг хоҳишига мувофиқ бугун овқатни вақтлироқ тайёрлаб, бутун оила жам бўлиб овқатланамиз, деган умидда эди. У ўчоққа олов ёқди. Шоди эса опасининг рад этишига қарамай, ўзоқ бошига ўтии келтирмоқчи бўлиб уйдан чиқди. Ҳовли юзидаги ўтинлар жиққа хўл бўлганидан ёнмас ёки тутаб ёнарди.

— Менга дастёрлик қилмоқчи бўлсанг,— деди Сора Шодига қараб,— молхонадан ўтии келтир, у ерда қуруқ ўтии бор.

Шоди ҳовли юзидаги сувда шалонлаб юриб ўтии ташир, онаси овқат пиширади...

Ширгуруч қайнагач, Сора қозоннинг ўтини бир оз тортиб қўйиб, уйни йигиштиришга киришиди: Шоди бугун ёғ тўйкан кигизни доклари кўринимасин учун тескари қилиб солди, ёмғирда пивиган чирогнояни латта билан артиб, уйга киризди: чироқни артиб, ёғ қуйиб, чирогноя устига қўйди, пахтадан ишилик ясаб, чироқка солди; уйнинг тўрига овқат пайтида эри учун кўрначани икки қаватлаб солиб дастурхон ёзди-да, унга битта нон қўйиб, устини сочиқ билан ёпди.

Сора ўйни саранжомлаб бўлгач, яна қозон бошига борди, ўчоққа бир-иккни дона ўтиш ташлаб, қайнови тўхтаган қозонни яна қайнатиб қўйди.

Қозонни ковлагач, косага сариёт солиб, иллини учун ўчоқ ёнига қўйди-да, ўзи эчки согишга кетди. Эчки согишда Шоди унга қўмаклашди.

* * *

Кун ботиб, ширгурууч пишган бўлса ҳам Муроддан ҳамон дарак йўқ эди.

Сора қозоннинг оловини тамоман ўчириб, ўйга кириб чироқ ёқди ва ўғли билан бирга эрини кутиб олиш учун кўча эшигига чиқди.

Коронги оқном. Ўтган-кетганларининг ким эканлигини аниқлаб бўлмайди. Шунинг учун Сора узоқдан келувчи ҳар бир кишини эри деб ўйлар, у дарвозага яқинлашиб ўтиб кетгандан сўнг бошқа киши эканлигини биларди.

Шодини уйқу босиб, мудрай бошлади, йиқилиб ҳам тушди, аммо опасӣ уйготгач, уйқуси қочди. У юраги сиқилган ҳолда:

— Дадам қачон келади? — деб сўради.

Аммо вақт хуфтондан ўтса ҳам Муроддан дарак бўлмади. Сора болани олиб ўйга киришга маҷбур бўлди.

Сора Шодини уйда қолдириб, қозон бошига борди, ширгурууч берч лойдай қотиб қолганди. Бир товоққа бир қангир сузиб, Шодига олиб кирди. Шоди ухлаб қолганди. Уйготиб овқат едирмоқчи бўлди, аммо у уйғонмади. Сора ўйнинг бир бурчагига жой солиб, болани ётқизиб, ўзи эрини кутиб олиш учун яна қўчага чиқди...

Энди кўчадан ҳеч кимса ўтмас, ҳамма аллақачон уй-уйига кетган эди... Сора бўм-бўш кўчада бир неча соат Муроднинг йўлига кўз тикиб ўтиргач, «бала қўрқмасин», деб ўйга кирди.

Бола тинч ухларди. Аммо Соранинг кўнгли тинчимади. У уйда ўтира олмай, кўчага чиқди, яна ўйга кирди...

Бир неча бор кўчага чиқиб, ўйга киргач, ўзининг ёнига ўтириб, унинг юзига термилиб хаёлта толди:

— Уйга нима бўлди экан?..

Сора ўз-ўзига берган бу саволга жавоб топа олмасди. Шу вақт ташқарида оёқ товуши эшистилди.

«Хайрнят келди,» — деб ўйлади Сора ва юраги шодлиқдан тепа бошлади. ўзини сал босгач, эрига пешвоз чиқиш учун ўрнидан турди.

Сора эшикка чиққанда, қаршисида бойнинг катта хотини пайдо бўлди. Сора, бошидан бир чеълак муздай сув қуийб юборилгандай, бирдан қалтираб кетди.

Бир вақтининг ўзида бир-бирига қарама-қарши икки ҳолатга: ўта хурсандлик ва қаттиқ хафаликка дучор бўлган Сора ўзини йўқотаёзди. У ўзини тутиб, бойвуччадан эрини сўрашга улгурмаган эди ҳамки, унинг ўзи:

— Мурод ака қаерда? — деб сўраб қолди.

Бу ган Сорага бошидан бир чеълак қайноқ сув қўйиб юборганидай таъсир этди. Бошидан оёғигача жизиллаб қўйиб кетгандай бўлди. У зўрга:

— Унинг хабарини мен сиздан билмоқчи эдим, — деда олди, холос.

Бойвучча маълумот бера бошлади:

— Бўрон бошлигандан сўнг бой амакингиз Шоқулни чақириб Муроддан хабар олиш учун чўлга юбордилар. Агар қўйлар бўронда қочиб кетган бўлса, уларни тошиб келишада Муродга ёрдам бергин, деб тайинладилар. Мен: «Мурод оч қолгандир», деб Шоқулдан унга иккита ион бериб юбордим...

— Шоқул уни даштдан топмабдими? — деда унинг сўзини бўлди қалтираб Сора.

— Сабр қилинг, ҳаммасини айтиб бераман, — деда бойвучча ганини давом эттириди, — Шоқул яйловга бориб на Муродни тошибди, на қўйларни. Шундан сўнг у даштнинг ҳамма томонини: қамишзорларни, чакалакзорларни бир бошдан қидирибди. Кун ботиш олдида қўйларнинг бир қисмини бир қамишзорда кўрибди...

— Отаси қўйларнинг олдида йўқ эканми? — сўради Сора.

— Сабр қилинг, айтаман. Шоқул бир бўрининг бир қўйни ёриб еб ётганини қўриб қолибди ва дарҳол уни отиб ўлдирибдида, яна Муродни ва қолган қўйларни қидира бошлабди. Лекин қанча ахтарса ҳам ҳеч дарак тона олмабди, шундан сўнг тонган қўйларни олиб келаверибди. — деди бойбibi.

— Ахир Муродга нима бўити? — деди Сора, гўё дунёнинг тамом оғирликлари бошида тегирмон тошидай айланётган каби бир ҳолатда.

— Айтдим-ку, — деди бойвучча овозини бир оз баландроқ қўтариби, — ундан дарак топмабди.

— Унинг бошига қандай қулфат тушди экан, деб сиздан сўрамоқчи эдим, — деди Сора ҳам овозини баралла қўйиб.

— Бой амакингиз кўн қўйлар побуд бўлганидан қўрқиб мендан яширинган бўлса ажаб эмас ёки бирон тарафга кетиб қолгандир. Лекин осмондан келган қазо учун мен уни койимайман. Сорага айтгии, агар хабарини тонсан, уни олдимга юборсан, кўнглини юнатиб, яна ўз ишини қила беринини буюраман, дедилар, — деб таъкидлadi бойвучча.

— Унинг дарагини мен қайдан тонаман? — деди Сора наст товушда.

— Эрта азонда биз Шоқулни уни ахтарини учун яна даштга юборамиз, — дегач, бойвучча чиқиб кетди.

* * *

Иккичи қуни ҳам Мурод уйга қайтмади. Бугун ҳам бойбibi бемаҳалда Соранинг уйига кириб келди. Бугун келтирган хабари кечагидан ҳам даҳшатлироқ эди.

Унинг айтишича, Шоқул даштга бориб эртадан кечгача ҳам-

маёқни ахтарибди, лекин ҳеч қаерда Муроддан бирон ишиона топмабди. Умиди узилгандан сўнг қўйлар қочиб яширинган тўқайизорга кириб, у ерни ҳам бошдан-оёқ қидирибди, бариндай ундан асар тополмабди. Аммо кўлдан қайтиб чиқаётганида қамишлар остида қон изини, йиртилиб майдаланган кийимлар ва одам суюига ўхшаш устихонларни кўрибди...

Бу хабарни эшитиб Сорада юз берган аҳволни, дард билан тўла диљининг изтиробини тасвирилашга қалам ожизлик қиласди.

Сора «вой» деб икки қўли билан кўксини чангллади, гўё қинига сигмай турган юрагини узиб ташламоқчи бўлди. У кўксини гижимлади, оёғи остида динамит портлагандек бир сакраб тушди-да, йиқилди. У худди заҳарли илон чаққандек тўлганиб, оқариб, қўл-оёқлари ҳолсизланниб чўзилиб қолди.

Бойвучча Соранинг ўлганлигига муқаррар ишонганди, лекин чўнтағидаги кўзгусини олиб оғзига тутганида, ойна юзида губор пайдо бўлди. Шундагина бойвучча унинг ҳали тириклигини билди.

Бойвучча кетганда, уйда ёлғиз боланинггина йигиси эшитиларди, холос...

VI

Мурод йўқолгандан сўнг орадан бир ҳафта ўтгач, Эшонқулбой қишлоқнинг имом ва оқсоқолини Соранинг олдига совчиликка юборди. Улар Муродни «бўри еганига» афсус-надомат қилгандан сўнг, бойнинг истагини Сорага маълум қилдилар.

Уларнинг айтишича, бой Муроднинг ҳалок бўлганидан жуда хафа бўлибди, унинг арвоҳини шод этиш ва бир неча йиллик хизмати эвазига унинг ўғлига оталик қилмоқчи бўлибди. Шунинг учун Сорани шаръий никоҳ билан ўзига хотин қилиб олишга қарор қилибди.

Бу гапни эшитган Сора бирданига йиглаб юборди ва бир оз қўнглини бўшатгач:

— Авваламбор эримни бўри еганми, йўқми? Бу ҳали маълум эмас. Иккинчидан, борди-ю, бўри еган бўлса, ҳали-бери мен эрга чиқишни хоҳламайман, ўғилчамга ўтгай ота керак эмас. Агар умри узоқ бўлса, ўсиб улғаяр. Юртимизда бунга ўхшаган отасиз ва кимсасиз болалар оз эмас,— деди.

Эшонқулбой ўз талабини рад этган Сорани қўлга киритиши учун бирон қатъий тадбир ўйлаб юрганида, қишлоқда шундай овози тарқалди: Амударё лабидаги бир қишлоқ аҳолиси бойнинг қишлоғидан анча пастроқда — дарё четида сув оқизиб келган бир мурдани топибдилар. Ўша қишлоқдан хабар келтирган кипи ўликни ўз қўзи билан кўрибди, ўлик Муродга жуда ҳам ўхшаркан.

— Муродни кимдир отиб, сувга ташлаб юборганга ўхшайди,— дебди у.

Бу хабарни эшитгач, Сора ўғилчасини оничлаб, дарё бўйлаб ўша қишлоққа борди. Дарё лабидан ахтариб бориб, Муроднинг қабрини очиб кўрди: ўлик шишиб, ёрилган, асл қиёфасини йўқот-

ган эди. Шунинг учун Сора бу ўзикнинг эрининг мурдасими ёки ўзганикими, аниқ била олмади. Бунинг устига у ўзикни кўриши билан ҳушдан кетди ва ўзига келгач, ўқнинг изи борми-йўқми, деб мурдани ҳар томонга ағдариб кўрди. Мурда чириғанлиги сабабли кўп ери илма-тешик бўлиб кетганидан ўқ теккан ерини аниқлай олмади.

Сора эрининг тақдиринима бўлганини аниқлай олмай, кўз ёши тўка-тўка, юраги юз пора бўлиб уйнига қайтди. Лекин эрининг йўқолганига анча бўлганилиги, унинг бўри еган ёки ўлдирилгани аниқ эканлиги учун у аза очди.

Соранинг аза қуилари ўтмасданоқ, Эшонқулбой иккичи марта унга одам юбориб хотиликка сўраттириди ва муддаосини дуруст-роқ айттириди. Бу сафар бой:

«Сора эрининг мурдасини ўз кўзи билан кўрибди. Энди эрга чиқмаслик учун унда ҳеч қандай баҳона йўқ. Агар яна у «эрга чиқмайман» деса, унинг бу қишлоқда туришига йўл қўймайман. Чунки менинг қишлоғимда бир жувонининг эрсиз тириқчилик қилиб, жувонларнинг ҳаромга юришига сабаб бўлишини истамайман. Модомики эрга чиқиши керак экан, мен ҳаммадан яхшироқман: агар у бирон кишини мендан ортиқ билса, мен оёқ қўйган даргоҳга оёқ босадиган одам бу қишлоқдан топилмайди», — дебди.

Сора ҳам бу сафар ганинг оҳангини ўзгартирди: бир бено-мус, эрининг күшандаси помидан келган совчиларга узр сўраб, баҳона ахтариб ўтиради — оғзига нима келса, ўщани айтиб, ҳайдаб юборди.

Лекин бой булар билан тинчиб кетмади: у аввал қишлоқ катталарининг томогини мойлади ва ундан сўнг Шоқул бошчилигида бир печа бевошларни Соранинга юборди. Улар Сорани кечаси ўғирлаб бойга олиб бориб бердилар. Бой имомни чақириб, никоҳ қилдирди, Сора бойнинг никоҳидаги хотилилари қаторига кирди.

* * *

Шундай қилиб, Сора бойнинг никоҳига ўтди. Лекин ҳали бой уни ўз хотини деб ҳисобламас, ҳатто Сорани биринчи кўрганида унга ишебатан пайдо бўлган ҳавасдан ҳам асар кўринмасди. Бойнинг Сорани қўлга киритишдан икки мақсади бор эди:

Эшонқулбой биринчидан, бойлар ва шахсан ўзи бирон нарсага оғиз солса ва чанг урса айтганини албатта қилмай қўймаслигини, агар бирор киши қаршилик кўрсатса, охири Сорадек бош этишига мажбур бўлажагини ҳаммага кўз-кўз қилмоқчи эди, иккичидан, оз бўлса-да, ҳақ олиб ишловчи Муроднинг ўрнига текинга ишловчи икки кишини — бир канизак ва бир қулбаҷчани қўлга киритиши иятида эди.

Шунинг учун ҳам бой никоҳнинг иккичи қуниданоқ Сорани уйнинг оғир ишларига, ҳатто дала ишларига ҳам буюра бошлади.

Сора ҳам аввалдан бойнинг хотини бўлишни хоҳламаганидек, ҳозир ҳам ўзини ҳеч қачон бойнинг хотини ҳисобламасди. Шунинг



учун ҳам урф-одатга кўра, никоҳ кечаси зўрлик билан кийдирилган кўйлакни ўша заҳотиёқ улоқтириб юбориб, ўзининг йиртиқ ямоқ уст-бошларини кийиб юра берди.

Соранинг бой эшигидаги заҳматли меҳнат остидаги тирикчилиги ўша вақтдаги меҳнаткаш хотин-қизларнинг ҳаётидан ҳам оғир ва аянчли эди. У қулдорлик давридаги ишлатиш учун сотиб олинган канизаклар сингари эртадан-кечгача ишлар, қорни тўйиб овқат емас, усти ёлчиб кийим киймасди, бой ва унинг хотинларининг ўша оғир таҳқирлари остида ишларди.

Шоди ҳам бойнинг уйида кимсасиз, ота-онасизларча дарбадарликда туғилган кучукбачча сингари яшарди. Унинг тирикчилиги сувдан чиқиб, қизиб турган қумга тушиб жон бераётган балиқчани эслатарди.

Уни ҳаммадан кўра бойнинг ўғли Истам азобларди. У Шодидан уч ёш катта бўлиб, уни ҳар куни бир неча бор тутиб урар, бундай пайтларда Шоди қонқақшаб йиглар, Истамнинг онаси келиб: «Нега йиглайсан?» деб бола бечорани яна қалтакларди.

Шоди бир оз улғайгач, кунларнинг бирида ўзининг ҳимоя қила олиш қудратини синааб кўрди — Истам яна ура бошлаганида унинг оёғидан кўтариб, супадан ағдариб юборди.

Истамнинг онаси бу «гуноҳи» учун Шодини ҳам ўзи урди, ҳам эрига урдириди. Гўдақ айиқдай барзангининг қалтаги зарбидан касал бўлиб қолди ва бир ойдан сўнг оёқقا турди. Бир неча вақтгача бой ва унинг хотини қўзларига Шоди кўрингундек бўлса уни уриб юрдилар.

Шоди бундай ҳақорат ва қалтакларга бардош бера олмай, хўжайнинларга кўринмасликка қарор қилди: у беда ва сомон фарамларининг ичига, шох-шаббаларнинг орқасига бекиниб ётиб юрди.

Бутун ҳаёти ўғли билан пайванд бўлган ва уни жонидан ҳам азиз қўрадиган меҳрибон онаси унга ёрдам бера олмас, ҳатто бир парча қотгаи ионни ҳам унга яширинча берарди. Бой Сорани ўз никоҳига олган кундан бери Шодини бирон марта ҳам ўз исми билан чақирмас, доим уни «етимча» деб чақира, «етимча» деб ишга буюар ва ҳатто «етимча» деб урар эди.

Бойнинг бошқа оила аъзолари ҳам уни «етимча» деб чақирадиган бўлиб қолишли.

Шоди улғайгач, кичикликни ифодалайдиган «ча» қўшимчасини тушириб қолдирив, «етим», деб атайдиган бўлдилар.

Бора-бора унинг асл исми хотирдан қўтарилди. Ҳатто Шодининг ўзидан ҳам: «Номинг нима?» деб сўрасалар: «Етим», деб жавоб берадиган бўлиб қолди.

Шунинг учун ҳам биз энди ҳикоямиз давомида уни «Етим» деб атаемиз, баъзан отасининг номини қўшиб: «Етим Мурод ўғли», деб юритамиз.

Февраль ойи. Қор аралаш ёмғир ёғиб турарди, баъзан қаттиқ изгирин шамол эсарди. Қенг, очиқ майдонда жуда кўп кишилар ана шу қор-ёмғир остида тик турардилар. Дарё лабида улар жон сақлайдиган бирон бошнана йўқ: на қишилоқ, на гор ва на иморат бор. Фақат карбосдан¹ тикилган жигарранг чодир кўзга ташланарди, холос. Унинг устига қизил матодан гул тикилган бўлиб, олд қисмига йўл-йўл матодан (шомиёна) айвонга ўхшаш бир жой хозирланганди.

Чодирда ҳеч ким йўқ эди, лекин унинг олдида шомиёна сипоҳларникidek шолғомсимон салла ўраган, эгнига баҳяли бухороча чопон ва ёғига пошнаси баланд амиркон этик кийган уч-тўрт нафар қоровулномо кишилар турарди. Улар белларига оқ фўта боғлаган бўлиб, бу уларнинг амир саройининг паст табақадаги хизматчилиаридан эканини қўрсатиб турарди.

Улар чодир атрофини қўриқлашар, бу ерга тўпланиб турган кишиларни чодирга юз қадамдан берига йўлатмас, ҳатто бирон киши чодирга тикилиб қараса, улардан бири:

— Бу томонга қарама! Қўзингни юм!— деб бақирав эди.

Узоқдан чопиб келаётган отлиқ қўринди: тўпланганларнинг диққати бир зум ўша томонга жалб бўлди. Отлиқ чодир олдига етиб келиб, шомиёна остидаги кишиларга қараб:

— Ҳазрати олийнинг кўчлари йўлга тушди,— деди-да, отини орқага буриб, чоптириб кетди.

Бир-икки дақиқадан сўнг бошқа бир киши от чоптириб келиб:

— Улуғ зот от сўрабдилар,— деди-ю, бу ҳам келган йўлига қайтиб кетди.

Сал фурсат ўтмай яна бир отлиқ келиб:

— Зоти ҳумоюн отлари эгарини зийнатладилар (яъни отларига миндилар),— деб келган изига равона бўлди.

Шундан сўнг бу ҳаракат бир неча бор такрорланди. Ҳар икки-уч минутда бир-икки киши от чоптириб келиб, изига яна қайтар эди.

Лекин бу хилдаги бекордан-бекорга от чопишлар узоқ вақт давом этмади. Эгар орқасига гиламга ўралган каравот бойлаб олган бир киши от чоптириб келди.

Йиғилганлардан бири — оёғида чориқ, юпунгина кийинган бир киши ёнида турган сипоҳинамо бир одамдан:

— Бу нимаси?— деб сўради.

— Бу каравот гоят мўътабар. Жаноби олий ҳар гал бирон жойда ётмоқчи бўлсалар, шу каравотда ётадилар,— деб жавоб берди у.

Каравот келтирганинг орқасидан бир отлиқ қўринди. У бир қозонни қонга солиб, эгар қошида ушлаган ҳолда чопиб келарди.

— Бу нима?— яна сўради ҳалиги киши.

— Бу қозон. Унда янги дамланган шалов бор, ўчоқ бошидан

¹ Карабос — жайдари шахта ишидан тўқилган мата, бўз. (Ред.)

кўтариб келаётир,— деди бояги синоҳи,— агар жаноби олийлари бирор манзилда налов сўрагудек бўлсалар, сузиб берадилар.

Яна бир отлиқ чониб келди. Унинг оти устида гишт қолип сингари бир жуфт иккни кўзли чорчўб бўлиб, унинг ҳар бирига биттадан сонол кўза ўрнатилган (ҳаммаси тўрт кўза) отлиқ эса уларнинг ўртасига иккни оёгини отининг гарданига осилтириб, қўлига хитой чиннисини ушлаган ҳолда келарди.

— Бу нима?— деб сўради бояги юнуни одам.

— Бу кишини «сўфиобкаш» дейдилар, бу кўзалар тиниқ сув билан тўлдирилган, жаноби олий сув сўраганларида ўша кўзалардан ана шу косага қўйиб берадилар,— деди.

Унинг орқасидан бир отлиқ белбогига коса солиб, унинг тўрт бурчагидан ушлаб, осилтириб олган ҳолда чониб келди.

— Бу нима?— яна сўради ҳалиғи киши.

— Бу одам шарбатдордир. Белбогидаги коса шарбатга тўла. Мабодо жаноби олий шарбат талаб қиласалар, шарбатдор шу косани тутади.

Шу пайт йўл четидаги бир ковакдан юмронқозик кўриниб қолди. Томошабинилардан бир неча киши тошкесак олиб унга ҳужум қилдилар, у эса одамлардан кўрқиб ўзини йўл ўртасига ташлади. Шарбатдорнинг оти хуркиб, орқага тисарилди. Шарбатдор отдан ийқилди, қўлидаги коса томошабинилар олдига тушиб чил-чил бўлди. Ичиди шарбат йўқ экан.

— Коса бўш экан-ку,— деди юпун одам синоҳига қараб, «ёлғончи экансан-ку», деган оҳангда.

Синоҳинамо уялиб, қизариб, изза бўлиб кетди. Шу вақт унинг ёнидаги бир киши гапга аралашди.

— Балким амир ўша каравотда ҳам умрида бирон марта ётмагандир. Қозон ҳам бўш, кўзалар ҳам сувсиэдир. Лекин буларни эл назарида «подшозик дабдабасини жилвалантироқ» учун олиб юрадилар ва югур-югур қиласадилар.

Энди йўлдан якка-ёлғиз отлиқлар эмас, балки гурух-гурух от-аравалар, тўрт томонга лой сачратиб, бир-бирини сурниб ўта бошлиди. Ана шу аравалар қаторида соябонли бир арава кўринди. Араванинг соябони кигиздан бўлиб, ҳамма томони маҳкамланганди.

— Бу ўрда араваси,— деди синоҳинамо,— ҳеч ким ундан бу қандай арава деб сўрамаган бўлса ҳам, яна давом этди.

— Унинг ичиди жаноби олийнинг муҳтарам ҳарамлари ва азиз хотинлари ўтирибдилар. Уларни номаҳрамларнинг назаридан асрароқ учун соябонни маҳкам бекитганлар.

Арава чодир олдига бориб тўхтади. Соябон тагида турган хизматкорлардан бироқ кигизининг бир четини кўтариб очди — аравадан ўн олти-ўн етти яшар бир неча ўғил бола бирин-кетини тушиб, чодирга кирди. Уларнинг уст-боши тоза бўлса-да, ранги заъфарондай саргайиб кетган, заҳил эдики, худди узоқ йиллар зиндоида ётиб чиққан ёки бир неча йиллик беморликдан эди боши кўтарган кишини эслатарди.

— Булар кимлар?— деб сўради бояги юнуни кипши,— у ҳар

бир нарсани сўраб билиб олишни истарди. Аммо ҳар бир нарсага изоҳ бериб турган маҳмадона сиҳоҳинамо киши у аравани яқиндангина «ўрда араваси» деган бўлса ҳам, бу саволни жавобсиз қолдирди. Сўзи ёлғон чиқиб шарманда бўлгани учун тескари қараб, ўзини эшитмаганга солди.

Лекин бу саволга бошқа бир киши жавоб берди.

— Булар амир зулм-зўрлик билан ота-оналаридан тортиб олган болалар: улар шундай мазлум асиirlарки, амир уларни ўзининг мурдор даргоҳида даҳшатли асиirlикда сақлайди: улар ниҳоллардирким, амирнинг ифлос оёғи остида поймол бўлганлар: улар янги очила бошлигаган гуячалардирким, зулм исканжасида маъруҳланганлар, улар сарой ҳаётидан нафратланадилар, азоб чекадилар, алам кўрадилар, шунинг учун ҳам улар гарчи тирик бўлсалар ҳам, ранглари мурдага ўхшайди.

Аравалар ва отлиқлар ўтиб бўлгач, орқадан амирнинг аскарлари кўринди. Уларнинг уст-бошлари кавказча бўлиб, ўзлари ҳам «Кавказ» аскарлар деб аталардилар.

Кавказ аскарлари ортидан амирининг удайчи ва шиговуллари пайдо бўлди. Уларнинг қўлида боши зарҳал қилинган тўқмоқлар бўлиб, тилла эгар-жабдуқли отларга миниб олгандилар. Аммо бу-лар от чоптирмай, аста-секин келардилар.

Улардан бири:

— Амир ҳазратлари музaffer ва мансур бўлсинлар,— деса, бошқа бирори:

— Ҳазрати амир жаҳонгир бўлсинлар! Қиличлари бурро, сафарлари бехатар бўлсин,— дерди.

Учинчиси худди уларга жавоб бергандек:

— Илоҳи омин!— дер эди.

Чориқ кийган юпун киши бу сўзларни эшитиб, ҳахолаб кулиб юборди.

— Нега қуласан?— деб сўради бирор.

— Амир қўлига қурол олиб ўзини йўқотишга аҳд қилган мазлум меҳнаткашларга қарши юришда зафар тополмади, тона олмайди ҳам. Шунинг учун, кўриб турибмизки, мамлакатдан қувилиб, шармандаларча бегона юртларга қочиб кетаётир. Улар ҳали ҳам: «Амир ҳазратлари музafferу мансур бўлсинлар, қиличлари бурро бўлсин, жаҳонгир бўлсинлар», деб бақирмоқдалар. Ахир бу қуяғили эмасми,— деди у.

— Қуролланган ситамдийда меҳнаткашлар қўлидан бошини қутқариб қочиб кетиши ҳам амир учун бир зафардир,— деди бошқа бир киши ва сўзини давом эттириди,— у жаҳонгир бўлмаса ҳам бегона юртда дарбадар юриб, «жаҳонгард» бўлади.

Яна бир тўда аскарлар кўринди. Ўртасида «амир келаётir» десалар ҳам, уларни қуролланган афғонлар ўраб олгани учун, ҳеч ким уни қўра олмасди.

— Нега амир ўзига афғонлардан посбоилар ташлади экан?— сўради чориқ кийган юпун.

— Чунки у ҳалқа кўн зулм қилган, ҳаммадан қўрқади, ўзининг содиқ сарой лашкарларидан ҳам кўнгли тўқ эмас. Шунинг

учун ҳам ҳалқин талон-тарож қилиб йиққан пулларга ёллаб олган бегона аскарлар хизмәти остида қочиб кетаётир, — деб таъкидлари томошабинлардан бири.

Амир чодир олдида отдан тушиб, ичкари кириб кўздан гойиб бўлди. Бир оздан кейин хизматкорлардан бири бир амалдорни амир олдига чақириб кетди. У амалдор беш дақиқадан сўнг чиқиб, бир гурӯх томошабинлар олдига бориб, бойлар маҳаллий амалдорлар, муллаларни, арбобу оқсоқларни ажратиб, бир четга чиқариб, уларга амирининг салом ва тошириқларини етказди:

«Жаноби олий тақдири ион-насиб ҳамда оллоҳи таолонинг иродасига кўра, қўшни мамлакат түпрогига ўтадилар. У кини ўзларининг содик қўлларининг бољшевиклар қўлида азоб тортишларини истамайдилар. Шунинг учун ҳам сизларга раҳм айлаб, «бойлар барча қимматбахо моллари, нақд пуллари, қуролларини ва бола-чақаларини олиб, ортимдан дарёдан ўтенилар», дедилар. Ичунин, ҳазрати олий марҳамат айладиларки, бойлар етим, чўпон ва хизматкорларини ҳам дарёдан олиб ўтенилар, токи қадрдан дўстимиз бўлган қўшни мамлакат түпрогида ҳам дехқончилик, чорвачилик ва савдогарликни йўлга қўяоленилар: муллалар бу ерда қолиб бизнинг ҳаққимизга дуо қўлсинлар ва ҳалқни бизга қарши тиг кўтартган бољшевиклар ҳамда ялангоёқларга қарши қўзгатсинлар: маҳаллий амалдорлар эса қўлларига қурол олиб, қишилоқларни талон-тарож қўлсинлар, бинолар ва экиззорларга ўт қўйенилар, ҳалқни кириб, хошавайрон этенилар, токи ҳамма жонидан тўйиб, бизнинг давлатимизни шод этени: арбоб ва оқсоқлар ниқобланиб, бољшевиклар ҳукуматининг ичига кириб оленилар ва имконияти борича уларининг ишини қўноришга ҳаракат қўлсинлар...»

«Мамлакат аъёнлари» амирининг тошириғини эшиштагач:

— Ҳаммамиз, мол-жонимиз, хотин, бола-чақаларимиз билан ҳазрати олий фармонларининг бандасимиз ва умид қиласими, якин қунларда «ўз» мамлакатимизни қўлга киритамиз — деб гала-говур кўтардилар.

Уларининг бу шовқин-суронига жавобан, қўпчилигини юпунилар ташкил этган омма орасидан бирор қўлини оғзига қилиб ҳуштак чалди, бошقا бирори:

— Бундан бўён бу мамлакатни фақат тушингизда кўра оласиз холос, — деди.

Аммо амир ва унинг амалдорлари уларни таҳқирлаган шахени ҳалқ орасидан тониб жаёзолашлари учун фурсат қолмаганди: узоқдан тўн садоси эшитилди, амир ва амалдорлар ўзлари учун тайёрланган кемаларга тушидилар ва кемачилар кемаларини Афғонистонига томон сурдилар.

Амир кўздан гойиб бўлгач, бойлар ўғиллари ва ўзларига якин қишиларга ҷўлга бориб, учраган нода ва қўйларни ҳайдаб, дарёдан олиб ўтишни буюрдилар, ўзлари эса қимматбахо матолади, цул, хотин-халаж, фарзандларини, хизматкорларини олиб келини учун қишилоқларига жўнадилар. Шу жумладан, Эшонқулбой ҳам молларини ҳайдаш учун Шоқулни яйловга жўнатиб, ўзи қиншлоп томон от чонтириб кетди.

Дарё лабида елқаили бир неча маҳаллий кемалтар тайёр турарди. Чопарлар даншдан ва яйловдан хайдаб келган пода, қўй-эчкиларни сиққанича кемаларга жойладилар. Шунга қарамай, дарё лабида талайгина қўй қолган — улар учун кемада жой йўқ эди. Хайдаб келган қўйларининг оёғидан боғлаб, жонсиз парсадек, устма-уст тахламоқчи бўйдилар, лекин кемачилар буига розилик бермадилар.

— Агар кемага меъёридан ортиқча юк ортсангиз, гарқ бўла-ди,— дедилар.

Қўйлар кетидан югура-йиқила дарё лабига етиб келган Етим Мурод қўйлар қатори кемага тушиб олди. Кемага қўпроқ қўй сиғдириш мақсадида кемачилар билан жанжаллаштагиларининг бири Етимнинг кемага тушиб олганини қўриб, югуриб борди-да, уни даст кўтариб дарё қиргогига отди:

— Кимнинг дардига малҳам бўласан, сенинг ўрнингга бир қўй ўтса, бизга фойда,— деди-да,— четда қолган қўйлардан бирини тутиб кемага солди ва кемачига қараб:

— Мана бу қўй анови боланинг ўрнига жойлашиди,— деди.

Етим йиқилган жойидан туриб, югуриб келиб кемага тирмашиб чиқмоқчи бўлди:

— Онажон, онажонгинамга бораман,— деб фарёд уриб йигла-ди. Аммо мол ҳайдаб келган бояти киши уни кемага чиқазмади.

Лекин Етимнинг оху ноласига раҳми келган кемачи уни қўта-риб кемага олди-да, ўз ёнига ўтқазиб деди:

— Майли, кема юки огирилашиб, гарқ бўлса, бойларининг мол-мулки побуд бўлади, менга нима? Сени эса кема гарқ бўлганда омон-эсон қутқариб онангга тошираман.

* * *

Етим Мурод дарёдан ўтгач, мусофиirlар яшайдиган жойларни бирма-бир қидириб чиқди, тог этаклари, дара, далаю қирларни, сою жилгаларни, жар ва горларни кўздан кечирди. Аммо бу жойларда онасидан — дарё кечиб етиб олмоқчи бўлгани ягона мушфиқи меҳрибонидан асар тоиммади.

Дарёга яқин жойлардан онасини тона олмагач, Етим ёт маммла-катнинг ичкарилогига кириб бормоқчи бўлиб йўлга тушди. У йўл-йўлакай оқ муҳожирлар яшайдиган жойлардан ўтди. Кеч киргандан очликдан лоҳасланди, дармони қуриди. Бир муҳожирнинг уйига бориб, почорлиқдан нон сўради. Ўй эгаси бир шарча нон берини ўрнита:

— Бу мусофиirlичиларда ўзимизни тўйғиздигу сен қолдингми,— деб қувиб солди.

Ваҳоланки, бу опла аъзолари уц тўла қопларни тахлар, қочини олдидан ёнган нонларини шамоллатар, гўшт тузларди. Қўйларни согиб қатиқ ивтиши, кув шиниш ва курт қуритишга тайёргарлик кўрарди.

Етим ўша кечаки чаклари буралиб оғриган ҳолда бир унгурга кириб ётди, лекин уйқуси келмади, уёқдан-буёққа аганаб, унгур деворига бошини уриб, меҳрибон онасини ёд этиб, фарёд чекиб йиглади. Аммо унинг фарёдини эшигадиган, нолаю афгонига қулоқ соладиган кимса йўқ эди...

У азонга яқин ухлаб қолдими ёки ҳушидан кетдими, буни ўзи ҳам билмайди, кўзини очиб қараганида қуёш нури унгур ичини тўлдирганди. Етим унгурдан чиқиб, оч-наҳор йўлида давом этди.

Чошгоҳга келиб тамоман оёқдан қолди, тинкаси қуриб, ўтган йилги қуруқ буталари кўриниб турган ўтзорга чўзилди-да, қорёмирда қолиб ивиган шохчани беихтиёр оғзига солиб шимди. Лекин юта олмади, шохча аччиқ ва кўнгил айнитувчи бир маза берди. Шохчани ташлаб, кетма-кет тунура бошлади, лекин кўнглиниг айниши ва оғзининг бемазалиги йўқолмасди.

Бир неча дақиқадан сўнг қорни ва оғзи ўз ўрнига келиб, очлик шиддати уни бирон нарса ейишга унданди. У чўп билан ерни қазиб, баҳор нами билан сув юргурган бир илдизни ковлаб олиб, шимди. Бу ҳам аччиқ ва бемаза эди. Лекин шимганда ундан бир шира чиқди, Етимда уни ютиб юбориш майли уйғонди. У кўзларини чирт юмиди, афтини буриштириб туриб, шимаётган илдизини ютиб юборди. Бу сафар кўнгли айнимади.

Энди Етим дадилланиб яна бир неча илдизни ковлаб олиб, чайнаб ютди. Нафси ҳам бир оз ором олди, ўзи ҳам сал тетикланниб йўлга тушди.

Бугун Етим ўз қорнини кўлмак сув ва қўкат илдизи билан бир неча бор миннатдор этиб, кечгача онасини қидириб, яна унгурга кириб ётди.

Бу кечаки чакларини ухлаб қолди, лекин ярим кечада уйғонса қорни қаттиқ бураб оғрир, кўнгли айниб, қайт қилгиси келди: қайт қила олмасди. У кечани шу алпозда ўтга тушган қилдек жизғанак бўлиб, сувдан узоқлашган балиқ сингари питирлаб ўтказди ва қуёш нури билан унгурдан чиқди. Аммо қорнининг бураб оғриши, оёқларидаги қавариқлар йўл юришга қўймас, кечаги қаварган жойлар ёрилиб, ярага айланган эди.

Энди унинг олдида икки йўл бор эди: ё шу ерда қолиб, ўз ўлимини кутиши, ёки эмаклаб бўлса ҳам ўз мақсади йўлидан — меҳрибон онасини топиб кўриш йўлидан бориши керак эди.

У: «Шу ерда қолсам ҳам, юра берсам ҳам, насибам ўлимдир, аммо бир жойда умидсизликда қолиб ўлгандан кўра, мақсадга эришиш — онамни топиш йўлида ўлмоқ афзалдир», деб кўнглидан ўтказди-да, ўрнидан туриб йўлга тушди, лекин беш-олти қадам босгач йиқилди, оёқ ва қўлларининг оғриги уни тик туришга қўймасди. Энди у эмаклашга киришди, кафтларию тиззаларини ерга маҳкам тираб эмаклайверди.

Бир соатдан кейин чақир тошлар, буталар ва тиканлар бутун қўлу тиззаларини тирнаб қип-қизил қонга бўяди. Аммо у йўлидан қайтмай, тирсакларини ерга тираб, яна эмаклай бошлади...

Етим шу зайлда эмаклашнинг тўртинчи купида онасини учратди. У кенг саҳронинг қоқ ўртасига қурилган улкан бир равотнинг олдида қўй боқиб юрар эди.

У онасини қўриши биланоқ:

— Онажон! — деб ўрнидан сакраб турди-ю, қушдай учди. Лекин беш-олти қадам юргургач, беҳуш бўлиб йиқилди, фавқулодда шодликданми, оёқ ҳамда қоринларининг кучли оғригиданми, йиқилди.

Сора жондан азиз ўглининг овозини таниди ва говронини бир томонга улоқтириб, жўжаси томон қанот ёзиб ютурган товуқ сингари икки қўлини ёзиб, қулоч очиб юурди.

— Жонгинам, азизгинам, ширингинам! — дерди у.

Етим мушфиқ онасининг қучогида, унинг ҳаётбахши бўсалари остида ҳушига келди-да, қақраган лабларини мунис онасининг лабларига босди. Кейин худди хумори бўлиб, май тўла қадаҳни бир кўтариб ҳушидан кетган майхўрдек, яна ўзини йўқотди...

Сора Етимни ўз оғушида илиқ бўсалар билан яна ҳушга келтиргач, уни суюб равотга киргиэди. Бу ерда бой ҳам, унинг ўғли ҳам, хотини ҳам йўқ эди.

IX

- Бу равот кимники? — деб гап бошлади Етим.
- Маҳаллий бойлардан бириники экан, у кузда қишлоқдаги ҳовлисига кўчибди, бой ундан сўраб, шу ерга жойлаши.
- Бойнинг ўзи қаерда?
- Қолган молларини олиб ўтиш учун дарё лабига кетди.
- Қундошларингиз қаерда?
- Ҳалок бўлдилар.— деди Сора ва қандай ҳалок бўлганини бирма-бир ҳикоя қилиб берди.

Соранинг айтишича, Эшонқулбой моллари ва хотинларини дарё лабига олиб келганда у ерда фақат битта кема бор экан, холос. Бой қорамоллари, рўзгор буюмлари, дон-дун ва шу сингари бор нарсаларини кемага ортибди: кеманинг юки меъёрдан ортиб кетгани учун кемачилар бой ва хотинларининг кемага тупишларига розилик бермабдилар. Бой ўзи ва оила аъзоларини дарёдан гунсарда¹ олиб ўтишга мажбур бўлибди. Эшонқулбой уч хотинини учта гунсарга ўтқазиб, ўзи бир гунсарга минибди, ўғели Истамни орқасига мингаштирибди-да:

— Кўзларингни юм, икки қўлингни қўлтиғим остидан ўтказиб мени қучоқлаб ол,— дебди.

¹ Гуисар — меннга ўхшаш бўлиб, ичига дам бериб, катта сувлардан миниб ўтадилар.

Бой олдинда, хотинлари кейинда дарёдан ўта бошлабдилар. Дарёning ўртасигача гунсар бир қадар тинч борибди. Аммо дарёнинг тўзиқини жойига етганда, бойнинг икки хотини гунсарларини бошқара олмабдилар: аввал катта хотини, унинг кетидан кичиги гунсардан йиқилиб, икки-уч марта сувга чўкиб юзага чиққа, тез оқар сувда гойиб бўлибди. Факат бой, Сора ва Истам дарёдан эсон-омон ўтибдилар.

Сора ҳикоясининг охирида:

— Шундай қилиб, мен бойининг ягона хотини, канизаги, чўпони ва ягона хизматкори бўлиб қолдим,— деб таъкидлади.

— Истам нима бўлди?— деди Етим.

— Истам дарёдан саломат ўтди, уні отаси ўзи билан бирга олиб кетди. Бой ҳеч қачон уни менинг олдимда ёлғиз қолдирмайди, менга ишонмайди, «дунималик қилиб, ўғлимга шіқаст етказмасин», деб кўрқади.

— Бойининг чўпон, ва етимлари қани?— яна сўради Етим.

Сора бу сўроққа жавоб бериш ўрнинг, қочиб келинган кун ҳикоясини айтиб берди.

Соранинг айшигига қараганда, қишлоқ бойлари, шу жумладан Эшонқулбой ҳам амирни қузатгач, қишлоққа қайтиб, молларини йигиб, галлаларни қоп-қанорларга солибдилар, ион ётириб ва қўй сўйдириб бир неча кунлик озиқ-овқатларини гамлабдилар: «Мамлакатимиз кофиристон бўлди, бизга ҳамроҳ бўлиб юринглар, мусулмонободга борамиз», деб етим ва чўпонларига иғво қилибдилар. Шу пайт қишлоқда анчадан бери кўринимаган бир одам пайдо бўлибди. Бу Муроднинг ўлиги дарё лабидан тоцилгани ҳақидаги хабарни олиб келиб, ўша воқеадан сўнг гойиб бўлган киши экан. У хотини, бола-чақасини кўргани йилига бир-икки марта келса ҳам бир кеча ётиб кетиб қоларкан.

Ана шу одам амир қочаётган ва бойлар қочишга ҳозирланап-ётган куни қишлоққа кириб келибди. У камбагаллар оммасини, етимлар ва чўпонларини бир жойга йигиб, революция ҳақида ганирибди ва халқни бойлар кетидан бормасликка чақириб, бундай дебди:

— Совет ҳукумати — ишчи-деҳқонлар ҳукуматидир, у камбагалларга ҳамиша ёрдам беради, уларни бойлар қуллигидан халос этади, ер-сув беради. Камбагалларнинг фарзандларини ва ота-онасиз, кимсасиз болаларни сагирхоналарда тарбиялайди, уларни ўқитади, иш ва ҳунар ўргатади.

— Бойлар сизларни большевиклардан қўрқитмоқдалар, хўш, большевиклар ким?— деб ўртага савол ташлабди ва ўзи жавоб берибди:

— Большевиклар бир партияга бирлашган инчиларининг илгор қисми. Уларнинг асосий вазифаси — бойлар, амир ва амалдорлар зулмидан кишиларни озод этиш. Улар барча инчиларни ўз атрофларига жинелантириб, Россия аҳодиини подно, амалдорлар ва тикинхўр бойлар зулмидан халос қилдилар. Большевиклар партияси инччи-деҳқон ҳукуматига раҳбарлик қиласади. Большевиклар партиясига Лениндеқ дунёнинг энг доинишманд киниси раҳбарлик

қилаётир. У бутун умрини меҳнаткашлариниг баҳт-саодати учун сарф қилган кишидир.

Нотиқ бир оз сукут қилиб, ҳалқни қўздан кечирибди: одамлар узумни дона-дона қилиб егандек, унинг ҳар бир сўзининг магзини чақишибди. У ўз нутқининг таъсиридан завқтаниб, давом этибди:

— Бойлар, «Энди мамлақатимиз кофиристон бўлди», деб сизларни қўрқитармиш. Аммо бозищевиклар ва Совет ҳукуматида «мусулмон» ва «кофир» деган сўз йўқ. Больщевиклар одамларни икки гурухга: бойлар ва бечоралар, яъни текинхўрлар ва меҳнаткашларга ажкоратадилар. Совет ҳукумати бозищевиклар партияси раҳбарлпигда бутун дунё меҳнаткашларини ўзининг азиз дўсти ва фарзанди деб билади. Шунинг учун ҳам Совет ҳукуматини барно этган улуг рус ҳалқи Бухоро меҳнаткашларига ўз ёрдам қўлни чўзди ва уларни амирнинг зулм истибодидан ҳалос этди, бундан кейин ҳам бизга ҳамиша қўмаклашади.

Ҳаммадан олдин Шоқулнинг бир тоvuқ учун икки тиши уриб синдирилган етими сўз олиб, нотиқ йигитнинг айтганларини тасдиқлади ва Шоқулнинг дастидан кўрган азобларини ҳикоя қилиб берибди. У сўзининг охирида:

— Мен ўн беш йилдан бери Шоқулбойвачча эшигига хизмат қилдим, аммо тўйиб нон емадим, янги кийим киймадим. Бу текий меҳнатим эвазига битта тош мукофот олдимки, бу билан икки тишимни уриб синдириди. Агар олдин одамлар мени «Эргаш» деб атасалар, ана шу «мукофот»дан сўнг «Эргаш бедандон» деб атайдиган бўлиб қолдилар.

Эргаш бедандон жим бўлгач, бояги киши:

— Сиравка,— деб гап бошлиди,— агар Шоқул сенинг хизматларинг эвазига бир тош «мукофот» бериб, тишларингни синдириган бўлса, Эшонқулбойнинг буйрўги билан у Муродга бир ўқ мукофот бериб, ёруг дунёдан йўқотди, унинг хотинини ўзига чўри, ўглини етим қилиб олди.

Халқ йигитнинг бу сиравкасидан галаёнга келди, уларнинг ҳар бири ҳозиргача Муроднинг Эшонқулбой фармойшини билан ўлдирилганлиги ҳақида гумонсираб юрган бўлсалар ҳам, лекин бу хиладаги аниқ хабарни эшитмагандилар.

Бу хабар Сорага ҳам бориб етди. У ҳам меҳрибон ёстиқдошининг кушандаси қонхўр Шоқул ва йиртқич бой эканлигини аниқ билди.

Йигиндан сўнг халқ шу қадар газаблангандики, агар ҳозир уларнинг қўлида қурол бўлганда қочишга тайёрланган бойларни қириб ташлаб, мол-мўлжаларини талон-торож қиларди. Афсуски, уларда белқурак ва кетмоидан бошқа қурол йўқ эди, ҳар қайси бойда эса икки-учтадан бешибтар бор эди. Шунга қарамай, меҳнаткаш ҳалиқдан ҳеч ким бойларга эргашиб қочиб кетмади.

Сора қочиб ўтилган қуни воқеасини ҳикоя қиласкан деди:

— Шундай қилиб, Эшонқулбойнинг етим ва чўпонлари ҳам бошқа одамлар сингари Совет ҳукуматига қўнгил қўйиб, бойиниг

орқасидан кетмадилар ва мен ҳам кетмоқчи эмас эдим. Аммо бу қонхўр бой мени ўзидан бир қадам ҳам нари силжитмади, елкасига милтиқ осган, белига қилич боғлагап ва қўлига тўппонча ушлаган ҳолда олдиға солиб ҳайдаб келиб гунсарга ўтқазди. У дарёда бошқа хотинларининг гунсарини ўз ҳолига қўйиб юборса ҳам, қочиб кетмасин деб, мен мингани гунсарнинг арқонини ўз қўлига ушлаб олди.

— Бойларга қарши чиқсан одам ким экан, мен уни танимайманми? — деб сўради Етим.

— Сен танимайсан, у қишлоққа жуда кам келарди, сен уни ҳеч кўрмаган бўлсанг керак,— деди Сора ва бир оз сукутдан сўнг: — Э...Э... танимасанг ҳам биласан. Қурбон деган бола бор-ку...

— Ҳа, ҳа, биламан,— деб онасининг сўзини бўлди Етим,— у жуда яхши бола, мен уни «Қурбон ака» дер эдим. Яйловда мени қўйларни эплай олмай қолсам, менга ёрдамлашарди.

— Тўғри айтасан,— сўзида давом этди Сора,— ана шу одам Қурбоннинг отаси, исми Рўзимурод.

— Энди танидим, мен у кишини бир марта кўрганман. Бола уни менга кўрсатиб: «Мана шу киши менинг отам», деган эди. Лекин мен ишонмагандим. Чунки у болалардек ёш кўринар, бўйи баланд бўлса ҳам соқолсиз, озгина мўйлови бор эди, холос.

— Унинг ёши ўттиздан ошган. Доим соқолини қирдириб юради, шунинг учун сенинг кўзинига ёш боладай кўринган,— деди Сора.

— Яхши экан,— деди Етим.

Сухбат охирида Сора ўғлига:

— Сен менинг орқамдан келмаганингда яхши бўларди. Рўзимуроднинг айтишига қараганда, у ерда колганингда большевиклар сени етимхонага олиб бориб тарбиялар эди, ўқитиб, одам қилиб чиқаардилар. Агар умримиз боқий бўлса яна қўришардик.

Етим Мурод ўғли онаси билан бўлган ана шу сухбатдан сўнг большевиклар мамлакати — ўз она-Ватанига яна қайтиш фикрига тушди. У ўз диёрига бориб, етимхонада тарбияланиб, одам бўлиб чиқишни орзу қилди, лекин ёш бўлгани учун бу мақсадини амалга ошириш йўлини топишга ожизлик қиласарди.

X

Рўзимуроднинг қишлоқ камбагаллари умумий йигинида берган справкасига кўра. Мурод йўқолган куни эрта саҳарда уйидан чиқиб Эшонқулбойнинг ҳовлисига бориб, қўйларни ўтлатиш учун дашту ҳайдаб кетганди.

Қўйлар ҳали тўймай туриб, ҳавонинг авзойи бузилди. Аввал қаттиқ шамол турди. Сал ўтмай шимоли-тарбдан қора булатлар кўтарилиб кела бошлиди. Момақалдироқнинг қасир-қусури дашту дараларга даҳшатли гулгула солди.

Ҳар томондан гирдибод шамол қучли қуюн ҳосил қилиб, чангу тупроқ, хас-чўиларни фалакка кўтарди, ҳатто илдизи

мустаҳкам ҳўл гиёхлар ҳам ердан узилиб, қуюнда осмонга кўтарилиди. Қуюн шу даражада қучли бўлди, уни кузатувчи осмон билан ер ўртасида қунгурадор минора қурилиб таги ердаю боши осмонга етибди, деб гумон қиларди. Қўп ўтмай, қуюн ғенг саҳрони ана шундай қунгурадор минораларга тўлдириб ташлади.

Фавқулодда фалокатга учраган Мурод қўлидаги қўйларни энлай олмай, ҳар томонга тўзғитиб юборди. У нима қиларини билмай, саросимага тушиб қолди. Қўйларнинг тумтарақай бўлиб қочганини кўриб турса ҳам, лекин қай тарафга кетганини билмасди, чунки кўз очиб атрофга қараш ва ўзидан бир қадам наридаги нарсани кўриш мумкин эмасди.

Мурод бир соатча ҳар томонга кўр-кўрона юргурдан сўнг, жазиллаб ачишаётган кўзларини кўллари билан бекитиб, бир жойда ўтириди, бўроннинг тинишини кутишга мажбур бўлди...

Гарби-шимолдан эсаётган, қучли шамол ҳайдаб келаётган булутлардан сел қуила бошлади. Чакмоқ чақилиши қундуз куни коронги кечага айланган даштда онда-сонда равшанлик берарди. Қуюнда кўтарилиган чанг-тўзонни ёмғир босди. Ҳали шамол тинмаган бўлса ҳам энди кўз очиш, чор атрофга бориб қўйларни ахтариш мумкин эди.

Мурод қўйларни ахтариб топиш ҳаракатига тушди. Қўп югуриб-елиб у қўйларни бир қамишзордан тоңди. Қўйлар бу ерда ҳам жим турмас, лой ва ботқоққа ботиб, тўрт томонга югуришар, қочардилар.

Мурод қўйлардаги бу безовталиқдан ҳайратда қолди ва дикқат билан қараса, қўйларга бўри оралаб, бирининг қорнини ёриб еб турган экан. Қўйлар «ёмғирдан қочиб, қорга тутилган» кишидек бўрондан қочиб, бўри чангалига дучор бўлгандилар.

Бу аҳволни кўрган Мурод нима қилишини билмай қолди: қўлида қурол йўқ эдикни бўри билан олишса, қўлидаги бирдан-бир говрони бўри билан олишувга ярамасди. Агар бу қурол билан бўрига ҳамла қилса, унга емиш бўлиши турган гап.

Шу пайт қишлоқ томондан Шоқул кўринди. У орқасига миљтиқ осган ҳолда от чоптириб келарди. У қамишзорга яқинлашганда оти бир заҳкаш ерга ботиб қолди. Шоқул сакраб тушди-да, отини судраб чиқармоқчи бўлди, лекин иложи бўлмади, от заҳкашдан чиқишга уринган сари ботиб кетаверди. Шоқул отини қутқариб колиш учун кўп куч сарф этса ҳам бўлмади, жиққа терга ботиб, заҳкаш четида ўтириб қолди.

Мурод Шоқулга ва унинг отига ёрдам бериш учун югурди. У заҳкалига кириб, отининг олд томонига, кўқрагига кифтини тираған ҳолда тиззаларини заҳкашнинг чим босган ерига қўйиб отининг сийнасидан кўтариди, от икки оёгини лойдан сугуриб заҳкаш чеккасига қўйди. Мурод эса ўзини четга олди. От икки оёғи куруқликка етгач, бир сакраб чиқди.

Бу ҳолни кузатиб турган Шоқул Муроднинг кучига қойил қолди. У ичида Муроднинг бу мўъжизакор ишига «оффарин» айттан бўлса ҳам, қўнглида: «Мен бу одамнинг марди майдони эмасман,

агар орамизда очиқ-ошкора олишув бошланса кулимни кўкка совуради», деб ўлади.

Шоқул отини етаклаб Мурод билан қамишзор олдига борди-да, қўйнидаш иккита нон олиб унга узатиб, бугунги бўрон натижалари-ни сўради.

Бугунги югур-югур ва очликдан чарчаб, тинкаси қуриган Мурод дармонсизланиб ўтириб, бир нонни тишлаган ҳолда бўрон ҳикоясини ва бўрининг бир қўйни еяётганини айтиб берди.

Шоқул бўрининг қаердалигини сўради. Мурод бўри қўйни бўғизлаган жойни кўрсатди. Шоқул милтигини олиб, бўри томон эмаклади ва ўзи йиртқич кўрмайдиган бир насқамликка ётиб уни нишонга олди. Порохининг тутуни Шоқулнинг кўз олдидан тараалганда бўрининг ўзи ёрган қўй олдида жон бераётгани қўринди.

Бўриининг даҳшатидан ҳали тинчимаган қўйлар милтиқнинг то-вушидан бешбаттар хуркиб, ҳар томонга қоча бердилар. Мурод эса уларни тинчитиб, қамишзордан чиқаришга ҳаракат қиласар эди. Аммо шу пайт Шоқул унга қараб:

— Ортиқча ташвишланиб, бекорга овора бўлма, ҳозир уларни тинчтиши мумкин эмас. Уларни ўз ҳолига қўйиб, бери кел, дарё лабига борамиз. Сен нонингни сувга ботириб ейсан, мен эса биронта қирговул отиб, бугунги хизматнинг учун сенга бераман, уйингга элтиб бола-чақсанг билан кабоб қилиб ейсан, унгача қўйлар ҳам тинчби қолади,— деди.

Шоқулнинг бу маслаҳати Муродга маъкул тушиди. Шоқул отини тушовлаб, қамишзор ёнидаги майсазорга қўйиб юборди-да, иккени дарё лабига кетди.

* * *

Ёмғир тинган, лекин ҳаво ҳамон булат эди. Бугунги ёмғир, бўрои ва қуюндан кейин даштда бирон тирик жон қўринимасди. Бунинг устига, йўлда кетаётиб Шоқул бирон нарсани ёки бирон кишини ахтаргандек тўрт томонга олазарак бўлиб қаарди. Шоқулнинг бу безовталингидан таажжубланган Мурод:

— Нега ҳар томонга алантгайсан, ё бирон киши, ёки бирон нарсадан хавотирланипсанми?— деб сўради.

— Йўг-е, мен ҳеч нарсадан хавотирда эмасман, умримда кўнглим паришон бўлмаган, ҳеч ким ва ҳеч нарсадан қўрқмаганини ва қўрқмайман ҳам. Бирон ўлжа учармикан, деб тўрт томонга қараётирман,— жавоб берди Шоқул.

— Шундай қунида даштда ов нима қиласин,— деди Мурод,— ҳаммаси бўрон ва ёмғирдан қочиб кетган.

— Шояд бўрон ва ёмғирдан қочиб, бизга дуч келса...

Мурод билан Шоқул дарё лабига етиб, бир жойга ўтирдилар. Мурод нон ея бошлади. Шоқул эса милтигининг уёқ-буёгини кўздан кечириб, овчиликни таърифлаб кетди.

— Овчилик жуда яхши ҳунар, овчи ҳар қуни янги ва мазали гўшит ейди: оҳу ва тулки каби ҳайвонларининг терисини сотиб,

киссанси пулга тўлади, чиябўри ва бўриларни отиб, одамларни ва молларни бу йиртқичларнинг чаңгалида ҳалок бўлинидан ҳолос этади. Агар мен ўша бўрини отмаганимда, ҳозиргача кўп қўйни ҳалок этарди, ўзингга ҳам ҳужум қилиши турган гап эди.

Шоқул ўрнидан туриб тўрт ёққа назар ташлади ва яна ўрнига ўтириб, ўзини мақтаб кетди.

— Ўзим ҳам шунчали мерган бўлибманки, агар булбулнинг кўзини нишонга олсан, ўқим хато кетмайди...

Шоқул бир оз хомуш тургач, милтигининг ўқини кўздан кечириб яна гап бошлиди:

— Лекин мен бу ҳунарни осонлик билан эгаллаганим йўқ: кўп машқ қилдим, қанчадан-қанча ўқларни бекорга кетказдим, ниҳоят, яхши овчи бўлиб етишдим. Ҳозир ҳам бўши қолгаи вақтларимда кўзим нишонга олишдан, қўлим милтиқ ушлашдан узоқлашиб қолмасин учун машқ қилиб турман. Агар саҳрого чиқсаму бирон ов учрамаса, фақат машқ билан машгул бўлиб қайтаман. Бу ерда ҳам бир оз машқ қилиб туришга тўғри келади, ҳеч нарса кўринмаётир.

Ўқларни жойлаб, чор атрофии кўздан кечирган Шоқул Муродга қараб:

— Ўрнингдан тур, говронингни олиб бориб ҳов анови лойга тикка қилиб санчиб қўй! Бир жойини кўрсат, сен кўрсатган жойини ура оламанми, йўқми? — деди.

Мурод говронини Шоқул айтган жойга олиб бориб санчиб қўйди-да, унинг думалоқ бошини кўрсатиб:

— Ана шу ерни нишонга ол! — деб таёқдан четлашмоқчи бўлди. Милтиқни тайёр тутиб турган Шоқул Муроднинг нари кетишини кутмай, тенкини босди. Мурод ийқилди: ўқ таёққа эмас, Муроднинг биқинига текканди. Шоқул милтиқни бир тарафга иргитиб, Муроднинг олдига югуриб борди ва тиширчилааб турган танани оёғидан судраб, дарёга ташлаб юборди ва:

«Ана энди бедов от ҳам, бешотар милтиқ ҳам ўзимниги бўлди», деб кўнглидан ўтказди.

XI

Эшонқулбой бутун мол-мулкини дарёдан ўтказиб бўлгач, қўшни мамлакатнинг ичкарирогига кўчди. Бу ерда у янги равот қурди, Шоқулни ҳам ўз равотига олди.

Янги равотга жойлашгандан сўнг бой оқ танли муҳожирлардан бирининг қизига уйланди. Бойининг янги хотини билан Шоқулини хотини равот ичида бойбека бўлиб ўтиришаради. Рўзгор ишлари, молларга қарап ва уларни далага олиб чиқиш каби оғир ишларни Сора бажаар, Етим бу оғир ишларда онасига ёрдамлашар эди.

Бой бу ерда сирли тириклик ўтказа бошлиди: у Шоқул ва ўғли Истами олиб ярим кечаларда от миниб чиқиб кетар, бир неча кун гойиб бўлгач, яна ярим кечада равотда шайдо бўлиб қоларди.

Бой равотда бўлган пайтларда унинг олдига кечалари кўк салла ўраган одамлар тез-тез келиб турардилар. Улар бойга миљтиқ, тўйинонча ва ўқ тўэдирилган халталар берар, бой эса уларга Николайнинг тилла пулларидан ёки афғон рунияларидан берарди.

Ана шундай яроқтар тўйлангач, бой Шоқул ва ўғли билан биргаликда тўйинонча ва ўқларни хуржунларга жойлар, миљтиқларни эса даста-даста қилиб шомчаларга ўрар, ҳар учовлари хуржунларни отга ортиб, миљтиқларни эгар олдига қўйиб, ярим кечада равотдан чикиб кетишар: бир неча кундан кейин яна қайтиб келишарди, қайтганиларида уларнинг қўлида хуржун ҳам, миљтиқ ҳам бўлмасди.

Бу хатти-ҳаракатни кўрган Етим уйинги сирини билолмай, ҳайрон эди. Қунлардан бир кун у буни онасидан сўради.

— Менимча, бу мамлакатда қурол-ярогфурушик сердаромад иш бўлса керак, шунинг учун бой қурол-ярогфурушик билан шугуллана бошлаган бўлса ажаб эмас,— деди Сора.

Шу орада бир воқеа юз бериб, Етим бойининг ғойиб бўлиш сабабини ҳам, унинг қурол-ярог тўйлаб боришининг сирини ҳам билди олди.

Қунлардан бир куни шомдан кейин Етим онаси билан қўйларни яйловдан олиб келди. Сора ичкари ҳовлига кириб кетгач, Етим қўйларни қўйхоналарга киритди. Шундан сўнг у қўйхона олдидаги турроқларни текислаб, ўзига жой тайёрлади ва хашак устига чордона-қуриб ўтирди.

Бир соатдан кейин бойининг ўғли Истам бир бурда пих бойлаган нон билан бир коса сув келтириб берди. Етим ионни ивитиб егач, ухлагани чўзилди.

Аммо ҳеч ухлай олмади: бир томондан, ҳаво иссиқ ва дим; иккинчи томондан, молхонанинг ўткир наизали чивинлари унга хужум қилиб, юз, кўзи, бўйинларини чақарди. Чивин чақсан жойлар куйганинг устига туз сенгаандай ловуллаб ёниб, қичир эди.

Қашиган сари оғриқ кучаярди...

Тун ярим бўлиб қолганига қарамай Етим ухлай олмади. Шу орада равотнинг дарвозасини бирор тақиллатди. Овозни эшиятган Шоқул дарвозани очди — икки отлиқ ичкарига кириб, отдан тушди.

Шоқул отларни деворларга қоқиб қўйилган қозиқларга қантариб, меҳмонларни молхона олдидаги сунага бошлаб келди-да, чироқ ва налос олиб чиқини ҳамда бойга хабар бериш учун ичкарига кириб кетди.

Бир оздан сўнг бой чироқ кўтариб чиқди. Шоқул бир шомча келтириб сунага тўшади. Бой чироқни ўртага қўйиб, кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашгач, ҳаммалари чироқ атрофида давра қуриб ўтирилар.

Сұхбат бошланди. Уларнинг гапи дарёнинг нариги бети — Етим туғилиб ўсган мамлакат одамларининг гапига ўхшарди. Сұхбат дошлар гап орасида Ҳисор, Регар, Қўктош, Қабодиён, Дехнав ва Термиз қаби район ва қишлоқларининг номини кўпроқ тилга олардилар.

Улар гап орасида Етимга нотаниш бўлган кишиларнинг номини, ҳам тилга олдилар. Бундай номлар ичида Иброҳимбек, Фузайил маҳсум, эпон Султон, Анварпошо, Жабборхўжайин, Давлатманий ва Кўршермат кабилар кўпроқ тақорорланарди. Суҳбат орасида босмачи ва қўрбоши каби сўзлар ҳам кўп тилга олинди.

Етим уларнинг оғиздан «большевик» сўзини ҳам кўп эшилди. У бу калимани онасидан ҳам бир-икки марта эшилган эди. Онаси большевикларнинг таърифини Рӯзимурод тилидан нақл этган эди. Аммо бу тунги меҳмонлар большевикларни ёмонлаб гапирдилар.

Суҳбатдошларнинг гапидан Етим билдики, дарёning нариги бетида большевиклар ишчи ва дехқонлар ҳукумати барпо этибдилар, бу ҳукумат оёқялангларни, камбағал, етим, чўпонларни, амир вақтида бойлар қўлида ишлаган чоракор ва қаролларни ўз атрофига жисплаштириб, уларга ер-сув ва иш бериди. Бойлар, эшону муллалар ва амир амалдорларининг камбағаллар устидан ҳукмронлигини бекор қилибди.

Бойлар, судхўрлар, эшонлар, муллалар ва амир амалдорлари босмачи деб аталадиган аскарлар тўплаб, ишчи-дехқон ҳукуматига, большевикларга қарши қиқардилар. Юқорида номлари тилга олинган кишилар ана шу босмачиларнинг бошлиқлари экан. Босмачиларнинг мақсади ишчи-дехқон ҳукуматини йўқотиб, камбағалларни бойларга яна қул қилиб бериш ва амирни яна подшо тахтига ўтказиши экан.

Гап навбати Эшонқулбойга етгач, насиҳатомуз деди:

— Босмачилар ишчи-дехқон ҳукуматини ағдариш йўлида большевиклар ҳукуматига ёрдам берадиган кишиларнинг ўлдирами, деб юравермасинлар. Балки қўлларига тушган ҳар бир камбағал ва ҳар бир етиму чўпонни бемулоҳаза ўлдираверсинлар. Негаки, ишчи-дехқон ҳукумати ва большевикларнинг суюнчиги аҳолининг кўичилигини ташкил этган ана шу етиму чўпон ва камбағаллардир. Агарда ишчилар ва камбағаллар бўлмагандан эди, большевик ҳам майдонга келмасди, ишчи-дехқон ҳукумати ҳам.

Меҳмонлардан бири гапга аралашди:

— Ҳозиргача камбағалларни бола-чақалари билан қириб ташлашдан қўлимиз толмаган, қалтирамаган. Биз кўпинча қизил аскарларнинг либосини кийиб олиб, қишлоқларга ўт қўямиз. Камбағалларни ўлдирами. Шундай қилиб, биз бир ўқ билан икки қарғани урамиз: бир томондан камбағалларни йўқотами, иккинчи томондан, халқ орасида Большевикларга ва қизил аскарларга қарши нафрат уйғотами,— деди.

Меҳмонлар ичкаридан Шоқул олиб чиқсан таомни егач, йўлга отландилар. Шоқул ичкаридан бир неча милтиқ, тўппонча ва бир неча халта ўқ олиб чиқди. У тўппонча ва ўқларни меҳмонларнинг хуржунларига жойлади, милтиқларни эса шолчага ўраб бойлаб берди.

Кетиш олдидан меҳмонларнинг бири бойга деди:

— Ер-сувларидан, мулклари, уй-жойларидан жудо бўлиб, гарибликка тушган бойларнинг вазифаси босмачиларга ёрдам беришидир. Улар қўлларидаги ҳамма нарсаларини, ҳатто лозим

бўлса уст-бошларини ҳам сотиб, унинг пулига қурол-аслаҳа олиб, босмачиларга берсинлар. Биз зафар топганимизан сўнг бойлар яна ер-сувларига, мол-мулкларига, етиму чўпонларига эга бўладилар, эртага бугун қилган харажатларининг бирини ўн, ўнини юз, юзини мингта қилиб оладилар.

— Бу йўлда биз мол-дунёмизни аямаймиз, лозим бўлса ҳатто жонимизни ҳам фидо этамиз,— деди бой.

Шу пайт тўппончанинг қарс этган овози эшитилди.

— Вой ўлдим! — деб ерга йиқилди бой. Шоқул ва меҳмонлар роса кулишди.

Мальум бўлишича, меҳмонлардан бирни тўппончасининг ўқи тўлами ёки тўла эмаслигини билмоқ учун ҳавога ўқ узиб кўрган экан, тўппончада ўқ тўла бўлиб, унинг, бирни отилганди.

Ўша меҳмон хуржунидан бир дона ўқ олиб, тўппончасининг ўқдопини тўлдириб олди. Улар отларига миниб, равотдан чиқиб кетишди. Бой эса ҳовли юзида ҳамон ҳушсиз ётар эди.

Бу сұхбатнинг магзини чаққан Етим: «Бойлар, босмачиларни қуроллантириб, камбағал ва етимларни ўлдирап экан, ўз ватанинга қаҷон бўлмасин қайтишим биланоқ, биринчи вазифам бойларни ишчи-дехқон хукуматига тутиб бериш бўлсин» деб кўнглидан ўтказиб қўйди.

XII

Орадан икки йил ўтди. Эшонқулбой даромадининг асосини ташкил этган қўйларининг сони анча қамайиб қолди. Қўйларнинг қўнчилиги равотнинг иморатига, уйланишга ва айниқса босмачиларни қуроллантиришга кетди.

Бой қолган қўйларни Соранинг ўзи ҳам боқа олишини кўриб, Етимга ҳар куни бериладиган бир бурда қотган нонни ортиқча ҳаражат ҳисоблаб, уни эрта тонгда равотдан ҳайдаб юборди.

— Бор, қаерга борсанг ўша ерга бор! Сенга берадиган ортиқча ноним йўқ,— деди у.

Сора Етимнинг эски-туски кийимларини олиб чиқиб кийгизди, бир кулчани латтага ўраб қўйнига тиқиб қўйди-да, жигарпорасини бағрига босиб, юм-юм йиглади. У қўзларидан оққан ёшлари билан ўглининг юз-кўзларини, соchlарини нам этгач, нуридийдасининг кўзларини артаркан:

— Бу мамлакатда сарсон бўлиб юрма, қандай қилиб бўлса ҳам дарёдан ўтиб ўз ватанингга бор. Бирор етимхонани ахтариб топ. У ерда сени тарбиялаб, ўқитиб-ўстирадилар, хафа бўлма. Агар умрим боқий бўлса мен ҳам орқангдан етиб бораман,— деди.

Етим оёқ яланг йўлга тушди. То равот кўздан гойиб бўлгунча ҳар қадамда орқасига ўгирилиб, бино олдида турган меҳрибон онасини кўриб, юраги эзилиб йиглар ва кўзларини артиб, яна истар-истамас олдинга қадам ташларди.

Бу жудолик Етим учун ниҳоят даражада оғир эди. Чунки у

бидан-бир сунчиги. меҳрибони, оғир қуиларида тасалли берадиган ва овутадиган кишисидан ажаралаётган эди.

У бир неча марта йўлдан қайтиб, онасининг олдида қолинга қасд қилди, аммо бир оз мулоҳаза юритиб, бундай қилиш мумкин эмаслигига қўзи етди: хўжайин равотдан жой бермаса қаерда ётади хўжайин унинг учун бир бурда қотған нонни ҳайф кўргач, нима еб тирикчилик қиласди?

Бахтсиз онанинг аҳволи Етимнинг ҳолидан ҳам ачинарли: у жондан азиз ўғлиниң кўз олдидан абадий йироқлашаётганини кўриб турибди, аммо уни ўз олдида олиб қолиш имконияти йўқ. Гўё унинг жони танидан чиқиб кетаётган эди-ю, уни сақлаб қолишига қудрати етмас эди.

Сора ўғли билан бирга равотдан чиқиб кетмоқчи ҳам бўлди. Лекин бунга журъат этолмади. Чунки бой унинг йўлини тўсибгина қолмай, ўлгудек калтаклашини билар эди. Шунинг учун ҳам у ўғлига берган ваъдага мувофиқ муносиб фурсат топгунча, бу муддаосини поилож кечикиришига мажбур бўлди.

Сора кўзини Етимдан узмас, у узоқлашган сари кўз олди қоронғилашарди. Бора-бора Етим кўздан гойиб бўлди. У Сора учун кун бўйи олами нурафшон этган қуёш эди-ю, энди у уфқ орқасига ўтиб кетди. Дунё Соранинг кўзига шу даражада қоронги кўриндики, худди кун ботиб, олами зулмат қоплагандек туюлди.

— Мочагар! Нега қўриқчилик ёдайиб турибсан, вақт пешин бўлди, қўйларни ҳали ҳам далага олиб чиқмабсан?!

Сора ҳушига ёелиб қараса, бой уни ҳақорат қилияпти, офтоб ҳам найза бўйи кўтарилиб, заррин нурини коинотга сочаёттир.

Бойнинг даҳшатидан қўрқсан Сора шошибиб қўйларни далага ҳайдади. Лекин унинг фикр-хәли ўғли билан банд эди. У фурсат топиб, бойнинг уйидан қочиши мўлжаллаб қўйди.

Соранинг бу ниятини бой ҳам фаҳмлаб қолган эди. Шунинг учун ўғлини Сорага пойлоқчи қилиб қўйди ва уни бирон зарурат туғилиб қолмаса, уйдан узоқлаштиримади. Истам ҳам отасининг топшириғини бажариш учун Соранинг атрофида ўргимчақдек айланарди.

* * *

Етим йўл юрди, йўл юрса ҳам мўл юрди. Лекин қаерга кетаётганини билмасди. У дарё бўйига бориб, ўз ватанига тезроқ ўтишга қарор қилган, аммо бу йўл уни дарё бўйига олиб борадими, йўқми, буни билмасди.

У бир томонни дарё деб, мўлжаллаб, тоғ-тошлардан, тепа-қирлардан, даралардан, жару ариқлардан ўтиб борарди. Чарчаганида бирон сув олдига ўтириб, онаси берган нондан бир бурдасини сувга ботириб еб олар ва яна йўлга тушарди...

Кеч кириб, олами қоронғилик қоплади. Етим тунаб қолиш мақсадида йўлда дуч келган бир кулбага кирди. Кулбанинг саҳнига

бир эчки боғлаб қўйилган бўлиб, улоқчаси уни эмиб турар, ҳовлининг четида бир хотин билан эркак рўбарў ўтириб, овқатланар эди.

Ҳалиги киши Етимдан кимлигини ва бу ерга нима учун кирганлигини сўради.

— Мен дарёнинг нариги тарафидан келган мусо фирмани, онами йўқотиб қўйиб, ахтариб юрибман, бу ерга кечаси тунаш учун кирдим,— деб жавоб берди Етим ва кўнглида: «Бу ганим ёлғон эмас, ўз туқсан онамини ахтармасам ҳам, мени ўз оғушига олиб, ардоқлаб, вояга етказадиган онамини — она-Ватанимни, бутун камбағал ва етимларнинг ҳақиқий ватани бўлган онамини ахтараётиман», деб қўйди.

Жўду соз,— деди уй эгаси ва Етимни дастурхон олдига ўтқазди. Унга ҳам нону қатиқ беришди. Етим овқатланиб бўлгач, ҳалиги аёл бир чеккага пўстак ташлаб, уни ётқизди.

Етим эрта туриб қўл-юзини ювди-да, йўлга ҳозирланди. Аммо хотин унинг наҳор йўлга чиқишига рухсат бермай, бир коса сутга бир бурда ионни тўғраб едирди ва қўлига ҳам бир кулча бериб жўнатмоқчи бўлди. Етим йўлга тушди, лекин қадам босишидан оёғи оғриётгани сезилиб турарди. Хотин уни йўлдан тўхтатиб оёқларини кўздан кечирди: оёғининг ости қавариб-қавариб кетган, баъзи жойлари ёрилиб, ийринги оқиб турарди.

— Бу оёғинг билан юз қадам ҳам босолмайсан,— деди-да, уни ўтқазиб, латта ва шолчалар билан оёғини чориқсимон қилиб ўради, каноп билан боғлаб:

— Энди кетавер, худо ўзи паноҳида арасасин,— деди.

Етим сафарининг иккинчи кунида саховатли аёл берган ионни еб, кечгacha йўл юрди. Оқшомга яқин у бир ободроқ қишлоққа дуч келиб, қишлоққа кираверишда учраган бир дарвозага кирди. Бу катта ҳовлида бир нечта хона, молхона ва айвон бор эди. Ҳовли юзи эса қўй ва қорамоллар билан тўла.

Бир киши ундан кимлигини ва нима учун келганини сўради. Етим кечагидек сохта жавоб берди.

— Бу ерда мусо фирмани учун жой йўқ,— деди шубҳали бир оҳангда ҳалиги киши.

Етим унинг шубҳаланаётганини сезиб:

— Шунча ҳайвон сиққан катта ҳовлида наҳотки ўн тўрт яшар бир бола учун бир кечага бошпана топилмаса. Менимча, сиз мени ўгри деб ўйлайпсиз, мен ўгри бўлсам шу ёшимда, шу аҳволим билан қўлимдан нима иш келарди,— деб нолиди.

Ҳалиги киши уялиб қолди ва бир бурчакни кўрсатди:

— Бор, анови ерда ёта қол,— деди.

Бу кеча ҳам ўтди. Етим эрта саҳарда туриб кетишга ҳозирланди. Кечаси Етимда хеч қандай ножӯя ҳаракат сезмаган ҳовли эгаси ундан фойдаланмоқчи бўлиб:

— Чарчаганга ўҳшайсан, менинг ҳовлимда қолиб бир неча кун дам ола қол: чўпоним касал бўлиб кетиб қолди, тузалиб қелгунча қўйларимни боқиб юрасан,— деди.

Бу таклиф Етимга маъқул тушди. Ҳақиқатда ҳам икки қуслик

ниёда юришдан жуда чарчаган эди. Шунингдек у «бу кишида бир неча кун чўпонлик қилиб, берган ионининг бир қисмини ейман, қолганини йигаман. Бир неча кунлик овқат гамлаб, йўлга тушаман, гиёҳ еб касал бўлмай дарё бўйига етиб оламан. Дарёнига нариги томони эса менинг поз-неъмат тўла ватаним», деган мулоҳазалар билан:

— Майли, қоламан,— деб розилик берди.

Ховли эгаси молхона олдидағи бир ҳужрани ётиб туриш учун Етимга берди. Етим янги хўжайнининг уйида эртадан-кечгача чўпонлик қиласди. Унинг кундалик овқати битта нон ва бир дона қуртдан иборат эди. Етим қуртни емас, ионнинг ярмини еб, ярмини онаси нон ўраб берган латтага ўраб, уйчасида сақлар эди.

Ўнинчи куни Етим қурт ва яримта нонни латтага тутмоқчи бўлган эди, қараса, у бўшаб қолибди: бир неча кундан бери йигиб юрган нону қуртлари йўқ. Бунинг сабабини хўжайниндан сўради:

Янганг ҳужрангта кириб, ёмай қолдирган қурт ва ионларингни «увол бўлмасин» деб олибди,— деб жавоб берди хўжайн.

Етим ҳеч нарса демади. Аммо кўнглидан овқат тўйлашни яѓитдан бошлиймиз, энди тўйлаган овқатларимни тоға олмайдиган жойга яшираман, деб ўйлади. Лекин шу кундан бошлаб хўжайн қурт бермай қўйди ва бир бурдадан нон берид:

— Сен яхши бола экансаи, оз овқат ер экансаи, баракалла,— деб уни мақтади.

Шундан сўнг Етим бошқа бир фикрга келди: қулай фурсат тошиб, хўжайнининг икки-учта ионини ўғирлаб, қочиб кетмоқчи бўлди.

* * *

Етим қочиш учун қулай пайт тошиб, янги хўжайнининг чўпонлигини қилиб юраверди. Кўп ўтмай, қутилган фурсат ҳам етиб келди. Етим бир куни шомдан сўнг қўйларни даладан олиб келди. Хўжайн ҳам, унинг оти ҳам уйда йўқ эди, у хўжайн узоқ жойга от миниб кетган бўлса керак, деб ўйлади. Қўйларни қўрага киритгач, Етим ичкари ховлига кирди. Уйда чироқ ёқилган, болалар ухлаб ётар, хўжайнининг хотини уйда йўқ эди. У ховлини айланиб чиқди, ҳеч ким кўринмади. Қўшни ховлига очилган туйнукдан қандайдир овоз эштилди, холос. Етим бориб қулоқ солса, хўжайнининг хотини қўшни хотин билан гаплашиб ўтирган экан.

«Қулай фурсат келди»,— деди Етим дилида ва югуриб уйга кириб ҳар томонни қидира бошлади. Унинг тахмонида устига ўрин-кўриша йигилган сандик кўринди. Сандикни очса, ичи тўла нон экан. Етим беш кунлик сафарини мўлжаллаб бешта нонни олди-да, уйдан чиқди. Унинг кўзи айвонга осиб қўйилган саватга тушди. Саватга қараса, нами қочмаган қурт билан тўла экан, қуртдан ўнтасини танлаб, ионларинг устига терди ва ҳужрага бориб, уларни ўз латтасига боғлади-да, йиртиқ-ямоқ кийимларини кийиб, чўпонлик таёгини қўлга олиб, тугунни қўйнига тиқиб йўлга тушди...

Етим ҳали қишлоқдан чиқишига улгурмаган ҳам эдики, қарши-
сидан от минган хўжайин чиқиб қолди.

— Йўл бўлсин, қаёққа кетяпсан?— деб сўради у.

— Ҳеч қаерга! Шунчаки тоза ҳаво олай деб чиқиб эдим,—
деди Етим қўрқиб, қалтироқ овоз билан.

— Тоза ҳаво олиш учун?! Кун бўйи шамолга тўймаган экан-
сан-да,— деб хўжайин отдан тушди ва Етимнинг қўйнидаги ту-
гунни очиб кўрди.— Нон емасдан юриб, бир йўла беш нон ва
ўнта курт емоқчи бўлибсан-да,— деди хўжайин дагдага билан.
Етим индамади. Хўжайин тугунни ўраб Етимнинг қўлига тут-
қазди-да, отига миниб:

— Қани, олдимга туш!— деди.

Етим олдинда пиёда, хўжайин орқада от миниб қишлоқ ичка-
рисига равона бўлдилар. Дарвоза олдига боргандা Етим хўжайин-
нинг ҳовлисига кирмоқчи бўлганди, хўжайин йўлини тўси:

— Энди менинг ҳовлимда сенга жой йўқ, катта йўл, кета-
вергин,— деди. Етим йўлга тушди, лекин хўжайин ҳам унинг ор-
қасидан қолмади. Тахминан беш километр йўл юргач, бир ҳовли
олдига етдилар. Дарвоза олдида милтиқ ушлаган коровул турарди.

— Тўхта!— деб буйруқ берди хўжайин.

Етим тўхтади. Хўжайин отдан тушшиб, отини кўча четидаги
бир дарахтга боғлади-да, Етимни олдига солиб, ҳовлига олиб
кирди. Ҳовлининг ўртасида бир неча киши чой ичиб ўтиради.

— Нима гап?— деб сўради ўтирганлардан бири хўжайниндан.

— Мана бу бола қўлидаги нарсаларни уйимдан ўғирлаб
чиқиб кетаётганида қўлга туширдим. Жазоланишини сўрайман,—
деб Етимнинг қўлидаги тугун билан уларга топширди.

— Миршаб ухлаб ётибдилар, сиз ишингизга кетаверинг, эртага
ишга чиқишлиари билан биз айтиб, жазо бердирамиз,— деб жавоб
берди улардан бири.

Хўжайин чиқиб кетди. Миршабнинг одамлари Етимни бир ер-
тўлага киргизиб, эшигини қулфлаб куйдилар ва ўзлари тугундаги
ону қурт билан яна чой ишишга киришдилар.

* * *

Етим қамаб қўйилган ертўла ниҳоятда тор ва қаронғи эди.
Бу ерда Етимдан бошқа яна беш-олти киши ётарди. Етим ҳам
уларнинг ҳақорати ва бир-икки тепкисини тотиб, бўш бир бурчак
топиб чўзилди. У: «Энди ёш бошимга яна қандай қулфатлар тушар
экан», деган ҳаёл билан тунни ўтказиб, тонготарга яқин ухлаб
қолди...

Етим қўзини очса, ертўланинг эшиги очиқ, қуёш ёғдуси
иҷкаридан қўриниб турар, бирор эшик олдида гоз туриб «ўгри бола»
деб уни чақираш эди. У одам Етимни супа олдига олиб борди.
Ўтирганлардан бири ўриндан туриб келиб қамчи билан унинг ялан-
гоч баданига ура бошлади. Етим фарёд чекар, ўтирганлар эса
қотиб-қотиб қулинишарди. Улардан бири:

— Қамчига бардош беролмас экансан, иега ўғрилик қилдинг? — деди. Уришдан чарчагач, яна уни ертўлага элтиб ташлаб, устидан эшикни бекитдилар. Етим сўроқсиз калтакланишининг сабабини билмай, буни бандиларнинг биридан сўради.

Уларнинг айтишича, маҳаллий хукуматнинг қонунига мувофиқ ўғри ва бошқа жиноятчилар бир неча кун давомида сўроқсиз калтакланар эканлар. Шундан сўнг лозим топишса сўроқ киляр, агарда ҳокимлар маҳбуснинг жинояти аниқланди деб билса, сўроққа эҳтиёж қолмай, унга сўроқсиз жазо белгилар эканлар.

Ана шу «қонунга» мувофиқ, Етимни уч кун олиб чиқиб калтаклаб, яна қамаб қўйдилар. Тўртинчи куни ертўладан олиб чиқиб, соқоллари тарашланган, шои мўйловли кишининг олдига олиб бордилар. У ҳовли ўртасида, курсида ўтиради.

— Сенга юз рупия жарима белгиланди,— деди мўйловдор киши,— агар шу маблагни ҳозир тўласанг, қутуласан, ёнингда пуллинг бўлмаса, ота-онанг ёки бошқа қавм-қариндошларингни айтсанг, биз одам юбориб, жаримани ўшалардан ундирамиз ва шундан сўнг озод қиласиз.

— Менда пул ҳам, қавм-қариндош ҳам йўқ,— деб жавоб берди Етим,— фақат бир онам бор, холос, лекин унинг ҳам қадердалигини билмайман, уни ахтариб юриб, мана шу балога гирифтор бўлдим.

— Бўлмаса ҳар куни қамчи еб ётаверасанми?— деб сўради ҳалиги одам.— Шу орада ё ўласан, ёки пулни топиб бerasan.

— Нима бўлса ҳам тақдиримдан кўрдим,— деди Етим ва ҳўнграб йиғлаб юборди.

Аммо унинг кўз ёшига ҳеч кимнинг раҳми келмади — уни ётқизиб урдилар. Бу сафар боланинг кўз ёщлари тиниб, унинг ўрнини газабкор отаи алангаси эгаллади. Оғриқ қанчалик қучайишига қарамай, тишни тишига қўйиб, гинг этмай ётаверди. Уришдан чарчаган қоровуллар:

— Тур,— дейиши.

— Uriib тўйдингизми?— деб сўради Етим ўрнидан турар экан.

Улардан бири унга жавобан Етимни бир мушт тушириди, у оғзи билан ерга йиқилди. Лекин Етим ўрнидан турди-да, урган одамга тикилиб турди. У яна бир шаполоқ уриб:

— Бор қамоқхонага!— деди.

Етим ертўлада ўзига юз рупия жарима солинганлигини маҳбусларга ҳикоя килиб берди.

— Сенга енгил жазо тайинлабдилар,— деди маҳбусларнинг бири,— бизнинг ҳар биримизга минг рупиядан жарима солинган.

— Сизларнинг пулларингиз бўлса керак, топиб берасизлар, мен қаердан топиб бераман?— деди Етим.

— Биронтамиэда ҳам пул йўқ,— деди улардан бири.

— Ундей бўлса бу ерда ётаверасизларми?

— Ёки ётаверамиз, ёки бизни озод қиласизлар,— деди ўша маҳбус...

Етим маҳбусликнинг олтинчи куни ярим кечада кучли галаёндан, шовқин-сурондан уйғонди. Күэларини уқалаб-уқалаб, галаёнга қулоқ солиб турганида, милтиқдан икки-уч марта ўқ узилганини эшилди. Орадан сал ўтмай, ғалаёнчилар маҳбусхона олдига етиб келиб, эшикни уриб синдиришди, ичкарига кириб, маҳбусларни озод қилиб олиб кетишиди.

Етим ҳам уларнинг кетидан ташқари чиқди. Миршабхона ҳовлисида жуда кўп одам қўлларида машъала кўтариб турадилар. Етимнинг кўзи машъалаларнинг ёруғида ҳовли ўртасида ётган уч ўликка тушди. Ғалаёнчилар икки ўликни кўтариб олдилар, учинчи ўлик миршабхона одамларидан бири бўлса керак, унга ҳеч ким қарамади.

Ғалаёнчилар ўликларни қўтарган ҳолда маҳбусларни олдига солиб миршабхонадан чиқдилар. Етим ҳам уларнинг кетидан эргашди. Дарвоза олдиди бир ўлик қонга беланган ҳолда ётарди, у миршабхона қоровули бўлса керакки, ҳеч ким унга эътибор бермади.

Ғалаёнчилар машъалаларни баланд қилиб ўликларни қўтарган ҳолда бир томонга кетдилар. Етим эса улардан ажралиб, бошқа томонга жўнади...

Тонг ёриша бошлаган маҳалда Етим бир тог этагига етди. У ҳам очиқкан, ҳам чарчаган эди. Ерга чўзилиб, бир оз ухламоқчи бўлди, лекин очлик мижжа қоқтирмади.

Офтоб чиққач, у ўрнидан туриб, овқат қидиришга тушди. Ёввойи ўтларнинг илдизларидан бошқа ҳеч нарса тополмади, уларни ейишга эса кўнгли йўл қўймас, чунки икки йил бурун илдиз еб, ўлгудек тортган азоби ҳали хотиридан кўтаришмаган эди. Шундан сўнг у янги чиққан кўкатларни узуб чайнаб кўрди, улар ҳам аччиқ эди, ютолмай, тупуриб ташлади.

Аммо бирон нарса тошиб ейиш лозим эди. Жуда чарчаган ва кучсиз бўлса ҳам бирор егулик нарса тониш умидида олдинга интилди. Олдиндан бир қумлоқ, сувсиз сой чиқди. У дам олиш учун қум устига чўзилди, шу пайт Етимнинг кўзи қумни кўтариб чиққан сарғиш қуббасимон нарсаларга тушди. У қўл узатиб, улардан бирини узуб кўрди-ю, кўзи чараклаб, оғзидан сўлак оқиб кетди. Бу унга олдиндан таниш бўлган лаззатли таом — қўзиқорин эди.

Етим ўз ватанида чўпонлик қилиб юрганида баҳор пайтларида қўзиқоринларни териб, чўғга кўмиб пиширап ва мазза қилиб ер эди. Ҳозир унинг қўлида на туз, на олов ва на гугурт бор эди. «Зарари йўқ, ўзи ҳам ейишли нарса, хом еб, синааб қўраман», деди ўз-ўзига ва икки-уч қўзиқорини юлиб, кўлмак сувга ювди-да, оғзига солди. Нафси бром олиб, ухлаб қолди...

Етим уйқудан турганда кун пешиндан оққан, ўзи эса жуда чарчаб қолган эди. Тошлоқ лаби билан юқорига кўтарилиб, тоза сув тониб ичди ва яна қўзиқоринларга келиб, юз донага яқин териб, қўйнини, устма-уст кийган эски кийимларининг киссалари ни тўлдириб, яна йўлга тушди...

XIII

Етим тўрт кечаю тўрт кундуз йўл юрди. Яна қўлга тушиб колишдан қўрқиб, кундузлари гор ва жарларда, тоғ камарларида ётар, тунда эса йўл босарди. Қўзиқорин унга йўл озиги бўлди.

У сафарининг бешинчи куни тоғ ёриши олдидан бир тенага чиқиб, ўзи учун гор ахтариб юрганда бир дарёга кўзи тушди. У Амударё эди. Унинг Аму эканлигини Етим дарҳол билди. Чунки у кишилардан бу атрофларда Амудан бошқа катта дарё йўқлигини эшитганди. Лекин бу жой дарёning бундан икки йил бурун Етим кечиб ўтган жойи бўлмай, ўша ўтиш жойидан сал юқорироқ ёки қувироқ қисми эканлиги сезилиб турар эди. Ҳарҳолда бу дарёning нариги бетида Етимнинг ватани борлиги аниқ эди.

Етим она-Ватанининг уфқларини, унинг дарёга келиб тушган этакларини кўриб, сел оқибатида тошган дарё каби жўш уриб кетди ва ўзини тута олмай, баланд овоз билан хитоб этди:

— Эй, азиз ватаним! Ҳақиқий онам, мени тезроқ шафқатли оғушингга тор! Онам мени туқдан бўлса, сен парваришилаб вояга етказдинг. Больщевиклар қўлига ўтганингдан сўнг, сен, айниқса яна ҳам меҳрибонроқ, марҳаматли, янада шафқатли бўлиб гўзаллашиб кетибсан! Туқдан онам деб мен балоларга гирифтор бўлган бўлсам, сен мени ва менга ўхшаган фарзандларингни балолардан қутқариб, тарбиялаб, одам қилиб етиштираётисан! Мен то танимда жоним бор экан, хизматингдан боши тортмайман, агар лозим бўлса бошимни, танимни, қонимни ва жонимни йўлингга фидо қиласман!.. Афсуски, мен ҳозир сузишни билмайман, бу сермавж дарёни кесиб ўтиб, муқаддас тупроғингдан бўсалар олсан; афсуски, паррандалар сингари қанотим йўқ, токи бу беомон сув устидан парвоз этиб бориб, руҳ бағишловчи ҳавонгдан қониб-қониб нафас олсанму у танимга қувват бахш этса...

Етим ана шу хилдаги хитоблар билан ич-ичидан қайнаб келаётган қувонч хисларидан қалбини бўшатгач, дарёдан ўтиш фикрига тушди ва дарё лабининг ҳар томонига кўз ташлади: на бирон кема, на бирон гупсар ва на бирон одам кўринди. Фақат дарёдан узоқдаги қамишзор этагида бир қора уй куринар эди, холос. У тенадан тушиб, ўша қора уй томон равона бўлди. Қора уйга етгач, Етим ичкарига мўралади. Уйда қорачадан келган ўрта ёшли бир туркман гулханинг тепасига чойдишни осиб қўйиб тагига ўтин қалаб ўт ёқарди. Етим туркманга салом берди.

— Ваалайкум ассалом, кел, ўғлим,— деди туркман.

Етим уйга кирди. Туркман у билан қўл бериб қўришида ва

ўтиришга жой кўрсатди. Уй эгаси туркман тилида хол-аҳвол сўрагач, Етимнинг кимлиги ва мақсадини суриншириди.

Етим ўзининг нариги қирғоқ мамлакати фарзанди эканлигини, онасини кўрмоқ учун бу томонга ўтмоқчи эканлигини айтди.

— Бунинг учун бир оз сабр қилмогинг лозим,— деди туркман.
— менинг бу ердаги асосий қасбим дехқончилик бўлса-да, тўгри келиб қолса, баъзан одамларни дарёдан ўтказиб ҳам қўяман. Лекин бу ердан тўгри кишилар ўтмайди, қочоқлар ва қочиб ўтганларнинг малайлари ўтказилади. Уларнинг молини дарёдан ўтказиш учун ўз жонингдан кечишинг керак. Шунинг учун ҳам мен бу ишни хун баҳоим миқдорида нуялган вақтимдагина адо этаман.

Туркман бир оз жум бўлиб, гулханга ўтин ташлади ва ўчиб қолган оловни пуфлаб ёндиригач, гапини давом эттириди:

— Сен бирон сернул қочоқ найдо бўлгунча сабр эт, менинг хизматимни қилиб, дехқончилигимга ёрдамлашиб юр.

Етим туркманинг таклифига рози бўлди ва: «Кечроқ бўлса ҳам мақсадим шу ерда амалга ошади», деб қўнглидан ўтказди.

Чойдиш ҳам қайнади. Туркман икки чойнакка чой дамлаб, бир пиёла чойни Етимнинг олдига ва иккинчисини ўз олдига қўйди. Қора ўйнинг панжарасидан бир йиртиқ латтани олиб, ўртага ёзди, унда иккита зогора бор эди. Туркман унинг бирини Етимнинг олдига ва иккинчисини ўз олдига ушатиб, ҳар икковлари чой ичишга киришдилар.

Чойдан сўнг туркман Етимга қараб:

— Кел, ўғлим, энди сени экинзоримга олиб бориб, экинларими кўрсатай,— деди.

Туркман олдинда, Етим орқада экинзорга жўнадилар.

Қора уй олди қамишзор бўлиб, унинг бир учи уйга туташган эди. Қамишзор ўртасида ҳовузга ўхшаган бир қўлча ҳам бўлиб, унинг бир томони кема юрадиган анҳор орқали дарёга туташган эди. Йўлнинг уйга яқинроқ жойида қайиқда ўхшаш бир кемача михга боғлоқлик турарди.

Туркман Етимга кемани кўрсатиб:

— Сени дарёдан ўтказишда мана шу кема иш беради,— деди.

Туркманинг гаплари ва кема Етимнинг мақсадга етишига ишончини орттириди ва у туркманинг орқасидан ишонч билан катта-катта қадам ташлаб борди.

Улар экинзорга етишиди. Туркманинг экинзори кичик-кичик полчалардан иборат бўлиб, бир полга қовун-тарвуз, уларнинг ўртасига ловия ва иўхат эккан, бошқа полчаларга эса мош, тариқ, қўноқ, жўхори, кунжут ва зифир каби дуккакли ва мойли экинлар экилган, бўш жойларни ёввойи ўтлар босиб ётарди.

Туркман экинларини Етимга кўрсатиб:

— Сенинг қиласиган ишинг шу: экинзорни ўтоқ қилиб, қовун-тарвузни чопиб юмшатасан, жўхорининг тагига турроқ тортиб, сугорганда ётиб қолмайдиган қиласан,— деб уқтириди.

У бир дақиқада ўттиз-қирқ кунлик иш режасини айтиб, Етимни қизиқтириш мақсадида:

— Бу ишларни тугатгунингча серпулроқ бирон қочоқ ҳам келиб қолар, мен сени худо йўлига дарёдан нулсиз ўтказиб қўяман,— деди.

— Майли,— деб Етим ёввойи ўтларни юлишга киришмоқчи бўлганда, туркман уни тўхтатиб:

— Бугун дамингни ол, эртага тушасан, «чарчаганда қилинган иш ярим иш», деганлар,— деди.

Икковлари қора уйга қайтишиди. Туркман қора уйга кирганларидан сўнг Етимга:

— Мен энди қишлоққа кетаман. Сен бу ерда ётиб дам оласан. Лекин кун ботгач, эҳтиёт бўлишинг лозим, яна ўгрилар кемани ечиб олиб кетишмасин,— деди.

Етим боши билан «хўп» деган ишорани қилди.

Туркман михда осиглиқ турган жомасини кияётиб, яна гаига киришиди:

— Тонг отиши билан ишга туш. Мен эрталаб қишлоқдан ион олиб келиб, чой қайнатиб, қорнингни тўйғизаман,— деб жома осилган михдаги гунсарни Етимга кўрсатиб:

— Бунга ҳам эҳтиёт бўл, яна ит-пит келиб, ғажиб ташламасин,— деди-да, уйдан чиқиб кетди.

* * *

Етим қора уйда бир оз чўзилиб ётди-да, туркман назардан гойиб бўлгандан сўнг ўрнидан турди, гунсарни михдан олиб, кўл сари равона бўлди. Гунсарни сувга солиб ивитгач, уни пуфлаб шиширди ва оғзини бояглаб, сувга тушириди. Сўнгра кийимларини ечиб сувга кирди ва гунсарга миниб олди. Лекин у велосипед минишни янги ўрганаётган кишилардек, гунсар ҳар қимирилаганда бир томонга йиқилиб, сувга чўқар ва яна сув юзига чиқиб, гунсарни миниб олар, уни ҳайдашга уринар эди.

Бир соатча машқ қилгач, гунсарнинг устида ўтиришини сал ўрганди ва уни олдинга сурдӣ. Унинг назаридан гунсарни миниб бир жойда туришдан кўра олға қараб сузиш осон туюлди. Бу кай-фийт уни шердил қилиб юборди ва гунсарни тезроқ ҳайдайверди, гунсар қанчалик тез кетса, у шунчалик ўзини тинч ҳис этар, ҳатто бир томонга оғмасди ҳам. Етим шу зайлда кўлнинг дарё билан туташган жойигача бориб, яна орқасига қайтиб, гунсарни олиб чиқди, дамини бўшатиб, ўз ўрнига осиб қўйди-да, кўл бўйига келиб, кема ҳайдашни машқ қилишга киришди.

Бундан олдин кема ҳайдамаган кичик қўллари дастлабки дақиқаларда бир-икки эшиккаш эшигандага толиқиб қолди, лекин бир оз дам бериб, яна ишга тушгач, олдинигига нисбатан кўпига чидар эди. Шундай қилиб ўша куни кечгacha Етим ўн марта кўл бўйига бориб келди.

Кун ботди. У жуда чарчаганига қарамай, бугунги машиқ келтирган хурсандчилик билан яйраб: «Туркман бирон серпул қочоқ келса мени у билан биргага дарёдан ўтказиб қўяди, агар тез орада кела-вермаса, дарёдан ўтиш ўйланин ўзим ҳам тоидим», деди. У кўлнинг

лабидан қора уйга келиб чўзилди, чўзилди-ю, қотиб ухлаб қолди.

Ярим кечада Етим от түёқларйнинг тапир-тунуридан уйгонис кетди ва: «Кемага ўгри келмадими», деб ўрнидан туриб, ташқари чиқди. У кемани туркман учунгина эмас, ўзи учун ҳам ўгридан сақлаши керак эди. Чунки кема унинг дарёдан ўтиши учун зарур эди.

У қора уйнинг эшиги олдида туриб, туёқ товуши қелган томонга қаради — икки отлиқ келар эди. Аммо отлиқлар кема боғланган кўл томон бормай, тўғри қора уй олдига келдилар. Ҳар икки отлиқ ҳам милтиқ ва қилич билан қуролланган эди.

— Қайиқчини чақир,— деди Етимнинг олдига келиб тўхтаган отлиқ.

— Кемачи уйда йўқ,— жавоб берди Етим.

— Қаерга кетди?

— Қишлоққа.

— Зогора-погора бўлса бизга чиқазиб бер.

— Бор зогорани еб кетган эди, менинг ўзим ҳам оч ётибман.

— Хотин талоқ! — деб ион қолдирмай кетган кемачини ҳақорат қилди бояги отлиқ ва улар қамишзор атрофини бир айланиб, дарёнинг пастки томонига қараб кетишиди.

Етим кўнглида: «Мен буларни ўгри десам, гадой экан, қуролли гадойни умримда биринчи марта қўришим», деди ва уйга кириб яна чўзилди.

Бу кеча Етимни ўша икки отлиқдан бошқа ҳеч ким безовта қильмади. У уйкуга тўйиб, ўрнидан турганида, қуёш анча баланд кўтарилиб қолганди.

Етимнинг бугунги асосий иши экинзорни ўташ бўлмай, гунсар билан кема ҳайдашни машқ қилишдан иборат бўлди. Икки соат машқ қилгач, туркман келиб қолиб хафа қилишидан қўрқиб, экинзорга борди-да, экинларни ўтай бошлиди.

* * *

Қуёш тиккага келиб, соат ўн иккилар бўлган пайтларда туркман қишлоқдан қайтиб келди. У қора уйга кириб, ўт ёқиб, чой қайнатди, сўнгра экинзор бошига бориб Етимнинг бугунги ишини пазардан ўтказди.

— Ҷуғун ишинг баракасиз бўлибди,— деб Етимни қойигандай бўлди-ю, гап оҳангини тезда ўзгартди:

— Майли, зарари ўйқ, бу сенинг учун янгӣ иш, аста-секин ўрганиб оласан, ишинг ҳам баракали бўлиб кетади,— деб уни овутгандай бўлди ва:— Қани, кел, чой ичайлик,— деб Етимни қора уйга бошлиб борди.

Чой ичиши пайтида Етим кечаги қуролли гадойлар ҳақида сўзлаб берди.

Туркман қах-қах уриб кулди, ва:

— Улар тўғри келса ўгрилик ва қароқчиликдан ҳам қайтмайдилар, кимсасиз бева-бечораларни талайдилар, менга ўхшаш бир

ўқларига икки ўқ билан жавоб берадиганларга эса бир пофона наст тушиб гапирадилар,— деди.

Чойдан сўнг туркман яна қишлоққа қайтмоқчи бўлиб:

— Менинг йўқлигимда бирор сўраб келса, қишлоққа юбор.

Кечагига ўҳашаш одам келса: шу ерда ётинг, эрталаб келадилар,— дегин,— деб уқтириди.

Туркман қайтаётиб, чойдан ортган битта зогорани Етимга бериб:

— Оч қолсанг, ейсан, эҳтиёт бўл, яна «қуролли итлар» қўлингдан тортиб олиб емасин, яхшироқ ишла,— деб тайнинлаб чиқиб кетди.

Чойдан кейин ҳам Етим қўп вақтини гупсар ва қайиқ ҳайдашга сарф этди, яъни туркманнинг қавлига унинг бугун пешиндан кейин қилган иши ҳам «унчалик баракали бўлмади»...

Етим ҳаммадан кўра туркманнинг қишлоққа бориб келишини ҳисоблашга эътибор берди: у ҳар куни соат ўн бир, ўн иккilarда қишлоқдан келиб, Етимнинг иш унумини кўздан кечирав ва у билан бирга чой ичиб, кечки овқат учун битта зогора қолдирар, баракалироқ ишлашга даъват этиб, яна қишлоғига кетарди.

Етим туркманнинг келиб-кетиш вақтини аниқ билиб олгач, ўзининг иш вақтларини ҳам белгилади: у ҳар куни эрталабки бир неча соатлик вақтини гупсар ва қайиқ ҳайдашга сарфлаб, куннинг ўрталарида тўрт-беш соат экинзорда ишлар эди.

Бора-бора у гупсар ва қемани дарё ўрталарига олиб бориб, сувнинг оқимида ҳам ҳайдай бошлади ва бунда ҳам анча тажриба орттириди. Бундан ташқари, у сувда сузишни, сув остига шўнгеб, нафас олмай узоқ туришни ҳам машқ қилди. Экинзорлардаги ишлари ҳам анча юришиб кетди. Етим экинзорни ўтоқ қилиб, экинларни гулдай яшинатиб юборди. Туркман ҳам Етимнинг бу ишларидан жуда хурсанд бўлар, баъзан уни «Офарин», «Бара-кала», деб мақтар:

— Яхшироқ ишлайвер, худо хоҳласа, яқин орада бирон серпул қочоқ келиб қолар, сени у билан бирга сувдан бепул ўтказиб қўяман,— деб Етимни умидвор қилар, яхши ишлаш учун шавқ-завқини оширав эди.

Туркман Етимнинг бўйига мос қилиб бир белқурак ясатиб олиб келди, унга ерларни чопишини ва жўхори остига тупроқ тортишни тошириди...

Қирқ кунда Етим уста гупсарчи ва эпчил қемачи бўлиб олди, ҳатто у гупсар билан қемани сув оқимиға қарши бошқарадиган ҳам бўлиб қолди.

Экинзор ишлари тамом бўлгач, туркман бир чимзорни кўрсатиб, Етимга белқурак билан ағдариб, илдизларни териб, кузда беда экишга тайёрлаб қўйишни тайнинлади, яна:

— Унгача бирон серпул қочоқ келиб қолар,— деб умидвор қилиб қўйди.

Етим янги ишини ҳам бошлади. Лекин ҳамон серпул қочоқдан дарак йўқ эди. «Наҳотки ёз кунлари ўтиб, экинларни йигиб-териб олгунча серпулроқ қочоқ келмаса?» — деб ўйларди Етим.

Етим кунлардан бирида ана шу хаёллар билан ухлай олмади. Ярим кечага бориб камишзордан одам шарпаси эшитилди. Етим ўрнидан турди-да, уйдан чиқиб кема томонга югурди. Икки киши кемани ечаётган эди.

— Кимсизлар? — деб сўради Етим.

— Мен, қўрқма, — деди таниш овоз. Бу туркман эди.

Етим қувониб кетиб, у томонга югурди.

— Серпул қочоқ топилдими? — деб сўради Етим. — Мен ҳам тайёрланаверайми?

— Бу одам дарёдан ўтмайди, сув ўртасидаги ороллардан бирига кузги қовунга боряни, — деди туркман.

Етим бу гапларнинг ёлғонлигини сезди, чунки кечаси қовунга борилмаслиги унга маълум эди. «Ким билсин, дарёдан ўтиш умидида қирқ кундан бери ишлаб юрибман, мен ухлаб қолганимда бу фирибгар қанчадан-қанча қочоқларни ўтказиб қўйганикин. Мени эса алдаб, ҳозиргача бирон серпул қочоқнинг келишига кўз туттиради», деб ўйлади Етим.

XIV

Бир куни Етим ҳеч ишламади, дам олди. Туркман келадиган вақтда ўзини касаллика солиб, ўралиб ётди. Туркман қишлоқдан келиб қўрдики, Етим «вой-войлаб» касал бўлиб ётиби. У дарров чой қайнатиб, ўзи ичди, касалга ҳам ичирди. Етим ҳеч нарса емади. Туркманинг: «Нон егин,» — деб қисташига:

— Кўнглим тортмаянти, бошим қаттиқ оғрияпти, — деб жавоб берди.

Бугун туркман кўп турмай, Етимнинг кундузги ва кечги овқати учун иккита зогора қолдириб, қишлоққа қайтиб кетди. Туркман кетиши баланоқ Етим тайёргарликка киришди: гупсарни михдан олиб, тикилган чокларни бирма-бир кўздан кечирди, унинг мустаҳкамлиги ва сувнинг ҳар қандай зарбига ҳам бардош бера олишига ишонди. Шундан сўнг кема олдига бориб, унинг ҳамма томонини кўздан кечирди, йиртилган эски тўинининг пахтасини олиб келиб учи наиза қилинган чўп билан унинг дарз кетган жойларига, тешикларига ивитиб тиқиб, маҳкам қилди. У яна қора уйга бордида, зогоралардан бирини чойдишдаги қайноқ сувга ботириб еди ва бир оз ухлаб олиш учун чўзилди. Лекин ухлай олмади. Унинг бутун фикру зикри Амударёдан якка ва ҳаётида биринчи марта ўтиши ҳақидаги ўйлар билан банд эди. Ана шундай ҳис-ҳаяжон билан ҳар лаҳзада илондай тўлганиб кунни кеч килди.

Кун ботгандан сўнг Етим зогора ва гупсарни олиб кемага тушиб ўтириди ва унинг арқонини михдан ечиб, эшкак эша бошлади,



кўл билан дарё бир-бирига туташган жойга бориб, лангар ташлаб қоронғилик қуюқлашувини кутиб турди.

Шу пайт маҳаллий ҳуқуматнинг икки қоровули дарё лаби билан Етим томон кела бошлади. Етимнинг кўзи улар билан тўқнашганда у қўрқиб кетди ва: «Мақсадга эришаман деб турганимда қўлга тушсам-а», деб ўйлади.

— Ҳа, қочок, хорма! — деб бир посбон отдан тушиб кемага чиқди-да кемадан гупсар, Етимнинг йиртиқ-ямоқ уст-бошлари ва бир дона зогорадан бошқа ҳеч нарса топмади. У зогорани қўлида ушлаб турган ҳолда Етимдан кимлигини, бу ерда нима қилаётганини сўради.

— Нема ҳайдашни машқ қилиб юриб эдим, сизларни кўриб тўхтаб қолдим, — деди Етим. У Етимнинг қўл-оёғини боғлаб, кемадан чиқармоқчи бўлганда, иккинчи посбон:

— Қўявер! Бу бола қочгани билан нима иш қила олар эди. Зогорани олиб келавер, — деди.

Ҳалиги одам Етимни ўз ҳолига қўйиб, кемадан чиқиб, отига минди ва зогорани иккига бўлиб, бир бўлагини еб, отини елдириб кетди. Улар кўл ва қамишзорни бир айланиб, яна дарё лабида гойиб бўлдилар. Етим посбонлар олдида кемани қора уй томонга қараб ҳайдади, лекин посбонлар узоқлашгач, яна дарё лабига келиб тўхтади.

Қоронғилик тушди. Осмондаги юлдузлар милтиллашидан бошқа ҳеч қандай ёруғлик йўқ. Ҳатто Амунинг сарғиш лойқа сувида юлдузларнинг акси ҳам кўринмас эди. Етим учун улкан ишни бошлаш фурсати етган эди. У кемасини дарёнинг ўртасига қараб ҳайдади ва бирон одам қўриб қолмасин деб, ҳар эшкак эшганда ортда қолаётган дарё қирғогини кўздан ке-чирарди...

У дарё лабида икки кишининг қорасини кўрди, «аввал менга шундай кўринаётгандир, шу қоронғи кечада бу ерда одам нима қилади», деб ўйлади. Лекин кўп ўтмай ўша қоранинг одам экани аниқ билинди. Уларнинг бири ютурганича, иккинчиси секинроқ дарё томон келар эди.

Югуриб келаётган киши дарё лабига етиб келиб:

— Тўхта, ўғри! Орқангга қайт! Бўлмаса отаман, — деди баланд овоз билан. Етим бу овозни таниди — у охирги хўжайнини — кемачи туркманинг овози эди.

Етим хўжайнининг доимий одатига хилоф равишда келишидан бирон серпул қочоқ топилибдимикан, деб ўйларди. Эҳтимол орқада аста-секин келаётган одам қочоқдир. «Агар ҳозир унинг қўлига тушсам, мени отиб ташлайди, вақтини ганимат билиб, қочганим маъқул», деб ўйлади ичиди Етим. У ана шундай мулоҳаза билан кемани қўш эшқақлаб дарё ичкарисига ҳайдади.

Туркман милтигини Етим томонга қаратиб отди. Шу пайт қаршидан — Етимнинг ватани томондан бир неча милтиқ кетма-кет отилгани эшитилди. Шундан сўнг ҳар икки томондан ҳам отишмаларнинг овози эшитила берди.

Туркманинг ўқи кемага яқинлашмай, бошқа томонларга учиб

кетаётган бўлса ҳам, қаршидан отилаётган ўқлар кеманинг чор атрофидан вазиллади.

Бундан Етим қўрқди ва дастлабки ўқлар тепароқдан ўтиб кетган бўлса ҳам, «кейингиларининг менинг бошимга ёки кемага келиб тегиши муқаррар», деб кемани сувнинг оқишига — ўз ҳолига қўйиб юборди. Ўзи эса кеманинг остига чўзилди, қўл узатиб гупсарни олди ва ётган жойида уни пуллаб шишира бошлади.

Қарши томондан келаётган ўқлар кемага ва унинг ичига келиб тега бошлади. Етим хавфли ва оғир вазиятда қолган эди: бир томондан, ўқ тегиб ҳалок бўлиш хавфи: иккинчи томондан, ўқ тешган жойлардан кемага сув кириб, гарқ бўлиш хавфи туғилганди. У бу фалокатдан қутулиш учун дам берган гупсарнинг бандини билагига ўради ва кеманинг бир четидан гупсар билан сувга тушди.

* * *

Етим гупсарга минмай, уни билагига боғлаган ҳолда, сувнинг оқишига қараб бораверди. У кўпинча сув остида борар, нафаси қайтар, сув юзига чиқиб нафас олиб, яна сувга шўнғир эди...

Қарши томондан отилган ўқларнинг овози ҳамон эшитилар, уларнинг кўпчилиги келиб кемага тегар эди. Бу ҳолат кема тўлиб, чўкиб кетгунча давом этди. Етим тахминан икки соатча гупсарга минмади, гоҳ шўнғиб, гоҳ юзага чиқиб, сув оқимига томон кетаверди. Милтиқларнинг овози тамом тингач, у гупсарга минди ва пастроққа бориб сувдан чиқмоқчи бўлиб, сув оқимига қараб кетиша давом этди.

Яна бир соатлардан кейин Етимнинг қаршисида бир оролча кўринди. Етим жуда чарчаган ва ҳолдан тойгани учун шу оролда дам олмоқчи бўлиб сувдан чиқди ва гупсарни ҳам олиб чиқди. Лекин оролга чиқиши билан оёғи ботиб қолди, чунки орол яқинда пайдо бўлган бўлиб, чеккалари ҳали лой экан. Етим оёқларини зўрга лойдан сугуриб, оролнинг ўртарогига борди, у ер қуруқ эди. У дам берилган гупсарни бошига қўйиб чўзилди. У ҳам чарчаган, ҳам очиқлан, ҳам совқотган эди. Шунинг учун Етим худди безгак тутган одамдай қалтирас, тишлари бир-бирига тегиб такилларди.

Етим бир неча минут ухлади, лекин ором олиш ўрнига аҳволи тобора ёмонлашаверди. У бошини кўтариб азиз ватани томонни кўздан кечирди, қирғоқ яқин эди. Дарё лабидаги қамиш ва ўтлар аниқ-таниқ кўриниб турар эди.

«Бу ерда ўлиб кетишим ҳеч гап эмас. Аммо мақсад бўсағасида ўлиб кетмоқ жуда аламли. Сафаримни давом эттирганим яхши, агар ўлсам ҳам меҳрибон онам — азиз ватанимга бир қадам бўлса ҳам яқинлашиб ўламан», деди кўнглида у.

Ватанига бўлган муҳаббат унга қувват баҳш этди. Ўриндан туриб гупсарни кўтариб орол чеккасига борди, гупсарни сувга туширди-да, қирғоққа қараб суза бошлади. У гупсар устига ётиб олиб сувни ҳам қўллари билан, ҳам оёқлари билан эшиб, ўрдак сингари сузид борар эди...

Дарёнинг лаби яқин эди, орол билан қирғоқ ўртасидан ўтадиган сув жуда секин оқар, ҳатто қўл ва ҳовуздан фарқи йўқ деса бўларди. Етим икки қўзини дарё қирғогидан узмас, у ерда бирон киши бор-йўқлигини аниқлишга интиларди. «Мабодо қирғоқда босмачилар қўлига тушиб қолсан, мен бир етим ва камбағалваччаман, уларнинг қўлидан қутулиш мумкин эмас», — деб хаёл сурив бораарди.

Аммо қирғоқда ҳеч ким қўринмас, ҳамма ерда жимжитлик, ҳатто қамиш ва кўкатларнинг баргларини қимирилатадиган дараҷада ҳам шамол эсмасди. Беғубор осмондаги чарақлаган юлдузларнинг ёғдусида Етимга ҳамма нарса яққол қўринди. У азиз ватанига тезроқ етиш завқ-шавқи билан гунсар ҳайдашни тезлатди.

Ниҳоят, гунсар қирғоққа бориб етди. Етим бирор ўт ёки қамиш илдизни ушлаб, сувдан чиқмоқчи бўлиб қўлини узатган эди, бир бақувват қўл унинг билагидан, иккинчи бири эса гунсарнинг бандидан тутди. Етим қўлга тушган эди, лекин уни ким қўлга туширганини билмасди. Чунки уни ущлаган одамнинг гавдаси қамиш ва дарё лабининг кўкат буталари ортига яширинган эди.

ИККИНЧИ ҚИСМ

I

Етим ва гунсарни бақувват қўл билан сувдан тортиб қуруқликка чиқарган одам ўрнидан турди, сал пастроқдаги қамишзордан яна икки киши чиқиб келиб, боланинг бошида турдилар.

Буларнинг учови ҳам Етимга иотаниш кийимларда бўлиб, у бунақа кишиларни биринчи кўриши эди: уларнинг кийими европа-ча, бир хил тусда, бир андозада эди: ҳар учови ҳам миљтиқ, тўпопча ва гранаталар билан қуролләнган эдилар.

Етимни сувдан тортиб олган киши уни ўз ҳолига қўйиб, гунсарнинг оғзини очиб, ичига қаради, титкилаб ҳам кўрди, унда ҳеч нарса йўқ эди.

Шундан сўнг у Етимдан кимлигини, қаердан ва нима мақсад билан дарёдан ўтганлигини сўради. Етим унинг сўзларига тушунмади ва юзига қараб индамай тураверди. Қамишзор ичидан чиқиб келган кишилардан бири Етимнинг рус тилини билмаслигини сёзиз, берилган саволни Етимга таржима қилиб берди. Етим саволларга жавоб бериши вақтида бошидан кечган ҳодисаларни бирма-бир ҳикоя қилди ва қандай мақсад билан дарёдан ўтганлигини қўйидагича ифодалади:

— Мен ўзимнинг азиз ватанимга — большевиклар раҳбарлигида камбағаллар ва етимлар ҳақ-хуқуқини бойлардан ўз қўлига олаётган ватанимга етиб, етимхонада тарбияланиб, ўқиб, одам бўлиб, большевикларга қарши боши кўтарганларга қарши курашмоқчиман, босмачиларга курол бериб, камбағалларни ўлдираётган ва ватанимни қўйдираётган бойларни қўлга тушириб, уларни большевикларга тошириш мақсадида дарёдан ўтдим.

— Агар гапларинг рост бўлса, мақсадларингниң ҳаммасига эришасан,— деди таржимон орқали сўроқ қилаётган киши ва сумкасини очиб, ичидан бир чақмоқ қанд ва бир дона шоколад олиб, Етимга берди ва:

— Буларни егин, бир оз дармонинг кирса кетамиз,— деди.

Етим қандни оғзига солиб, шимний бошлади. Ҳозиргача у бойнинг уйида қандни кўрган бўлса ҳам мазасини татимаган эди. Қанд ишоятда мазали нарсадек туюлди, у нафсига ором баҳш этди, кўнглига осойишталиқ, совуқдан қақшаётган баданига ҳарорат берди.

Етим қандни шимар экан, конфетнинг ранги ва қумушсимон қоғозларини очиб, бир қўлида қоғозларни ва бир қўлида жигарранг шоколадни ушлаб, қофоз ва конфетга таажжуб ва шубҳа билан қарап эди, чунки у бунақа нарсани ҳаётида биринчи марта кўрмоқда эди.

Таржимон Етимга кулумсираб қаради ва конфетни кўрсатиб:

— Бунисини егин,— қоғозларни кўрсатиб:

— Бунисини ташлагин,— деди.

Етим конфетни оғзига солди. У қанддан ҳам лаззатли ва ёқимли туюлди. У конфетни чайнаётганда қоғозларни бирма-бир назардан ўтказди ва зар қоғозни тирногига суркаб кўрди.

— Буларни нима қиласан, ташла! Бу керакмас қоғозлар!— деди таржимон Етимга.

У конфетнинг охирги бўлакларини ютар экан, унинг қоғозларини истар-истамас, кўзи қиймай ерга ташлади, лекин кўзларини қоғоздан узмас эди. Ёнидагилар бирон нарсани сўраса, жавоб берар ва яна конфет қоғозларига кўз ташларди. Шоколодни етак, Етимда куч пайдо бўлди: энди у қалтирамас, ранг-рўйига ҳам сал қон ютурганди.

Етимни ушлаган кишилар уни таржимон билан заставага олиб бормоқчи бўлиб йўлга тушдилар.

* * *

Чегарачилар Етимни заставага олиб келганда, унинг эгнида бир чоловордан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Бу ерда унга тоза ва янги уст-бош кийгизиб, кичкина хонага олиб кирдилар. Хонада Етимни ушлаб келган кишиларга ўхшаш кийинган бир киши ўтирап эди.

Бу киши ҳам бояги саволларнинг худди ўзини такрорлади. Етим ҳам дарё лабидаги жавобини қайтарди. Олдинги сўроқдан бунинг фарқи шунда эдик, савол-жавобларнинг ҳаммасини бир қоғозга ёзиб туришди...

Савол-жавоб тугагач, сўроқ қилувчилар:

— Олиб чиқинглар, овқат беринглар, ухласин, дам олсин. Уёгини кейин кўрамиз,— деди.

Етимни бошқа хонага олиб чиқдилар. Ўйга кирганда қоп-қоронги эди, бирданига равшан бўйиб кетди.

Бу аҳволдан Етим сесканиб қалтираб кетди, ҳущдан кетаёди,

ранги ўчиб, лаблари оқарди. У гоҳ шифтда осилиб турган лампочкага, гоҳ уни уйга олиб кирган соқчига тикилар эди.

— Қўрқма! Бу ўзи ёнар чироқ, унинг номини электр дейдилар,— деди ва девор олдига бориб чироқни икки-уч марта ўчириб-ёндириб кўрди.

Энди Етим цексиз хурсанд, азоб-уқубатли қоропғилиқдан мўъжизакор ёргулликка етган мурғак кўнгли шодлигини ўзига сиғдира олмасди. У хозир беҳад хурсандлигини бирон кишига баён этиб, кўнглини бўшатишни истарди.

Шу пайт Етимнинг хотирига меҳрибон онаси ва Қурбон акаси тушди. Қани энди ҳозир улар бўлсалар, ўз қўли билан электрини ўчириб-ёндириб, ўз хунарини, болъшевиклар келтирган бу ажойиб нарсани уларга — энг яқин дўстларига намойиш этса.

Электрни кўриб, уни ёқиб-ўчириши ўргангандан сўнгги ҳаяжони бир оз босилгач, Етим хонани кўздан кечирди: хона жуда тор бўлиб, уни хужра деса бўларди. Лекин у жуда озода, деворлари опиоқ, тагига ҳамда шифтига тахта қоқилган ва мойли бўёқлар билан бўялган эди. Ҳужранинг бир четига каравот қўйилган бўлиб, унинг устига юмшоқ тўшак солинган, яна бир бурчакка стол қўйилган, унинг устига клеёнка ташланган, ёнида кичик курсича турарди.

Етим бунақа жиҳозали хонани умрида биринчи марта қўрмоқда эди. «Большевикларнинг етимхонаси бўлса керак», деб ўйлади у.

Ваҳоланки, бу хужра қамоқхона эди. Агар шу топда бирон киши Етимга: «Бу хужра қамоқхона», деса, уйинг тилини узиб ташлагиси келарди. Чунки у бундан бир ярим ой бурун қўшни давлатнинг қамоқхонасини кўрган эди. У қамоқхона бойниг итини боғлаб қўядиган жойдан қоронғи, ифлос, деворлари қоп-қора бўлган молхонадан ҳам ёмонроқ эди. У ерда маҳбусларга кийим кийгизмас, дуруст муомала қилишмас, уст-бошларини ечиб олиб, қамчи билан савалаб қамаб қўйишарди.

Етим етимхонага бунчалик тез жойлашганидан хурсанд бўлиб турганида ҳужаранинг эшиги очилиб, бир киши чой, нон, қанд кўтариб кириб, уларни стол устига қўйди ва Етимга курсини кўрсатиб:

— Кел, ўтириб чой ич, нон егин,— деди-да, яна эшикни ёпиб чиқиб кетди.

Етим чойга қанд солиб, нон ейишга киришди... Қоринин тўйғазини биланоқ эшик очилиб, яна боянги одам кириб келиб, стакан ва тарелкаларни йиғишириб олди-да, каравотни кўрсатиб:

— Бу сенинг ётадиган жойинг,— деди.

У эшикдан чиқиб кетиш олдида Етимни штепсель¹ олдига олиб бориб, ўчириб-ёндиришни ўргатди ва:

— Ётиш олдидан чироқни ўчириб қўй,— деди.

Етим бошини мағруона силкитди-да, чироқни бир-икки марта ўчириб-ёндириб:

— Бу ишни мен аллақачон ўрганиб олганиман,— деди.

¹ Штепсель — Электр асбоб.

— Молодец, офарин! — деди ҳалиги киши ва эшикни ёпиб чиқиб кетди.

Етим кийимларини ечиб, юмшоқ каравот устига чўзилди. Бу унинг умрида биринчи марта каравотда ва юмшоқ тўшакда ётиши эди. Шунинг учун ҳам бошини қўйиши билан уйқу элтди.

* * *

Етим ҳужрада ўёқ-буёққа юраётган посбоннинг оёқ товушидан уйтениб кетди. Қуёш деразалардан мўралаб, ҳужрани иситган, соат ўн иккиларга бориб қолган эди.

Кийимларини кийгач, уни посбон эшикка чиқарди. У тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди. Қўл-юзини ювиб, яна ҳужрага қайтди. Посбон эшикни беркитиб кетди. Бир неча дақиқадан сўнг нонушта олиб келган киши яна чой-нон, қанд олиб кириб, Етимнинг олдига қўйиб кетди.

Овқатланиб бўлгач, Етим яна каравотга чўзилиб. шифтга қараб ётган ҳолда кўзини бир оз илинтириб олди. Лекин энди унинг юраги сиқила бошлади:

— Ахир, етимхонада ўқитади дейишарди, ўқиш қачон бошланар экан, бошқа болалар қаерда экан? Елғизлик жонга тегдидику! — деди ўзига-ўзи.

У ўрнидан туриб, темир панжарали дераза ёнига борди, ташқарига қармоқчи бўлди, аммо ҳеч нарсани кўролмади. Чунки дераза ойнасига оқ нарса суртилган бўлиб, ташқари кўринмас эди. Шундан сўнг у ҳовлига чиқмоқчи бўлиб, эшикни тортди, эшик очилмади ташқаридан қулфланганди. Юраги баттарроқ қисилиб кетди:

— Ажабо! — деди у ўз-ўзига,— етимхонада болаларни бир уйга ёлгиз қамаб қўяр эканлар-да? Бу яхши эмас. Буни катталарга айтиб тартиби ўзгартириш керак...

У яна каравотга чўзилди, ўрнидан туриб хонада ўёқдан-буёққа юра бошлади... Юраги қисилиши ниҳоятига етганда, эшик очилиб, чой-нон келтирган киши стол устига нон билан шўрва келтириб қўйди-да, чойнак-пиёлани йигиштириб олди.

У эшикдан чиқиб кетаётгандаги Етим:

— Тўхтаб туринг, амаки! Ўқиш қачон бошланади? — деб сўради.

У одам Етимнинг юзига таажжубланиб қараб қолди ва:

— Бу ерда ўқимайдилар,— деди.

— Бошқа болалар қаерда? — яна сўради Етим.

— Бу ерда сендан бошқа бола йўқ,— жавоб берди у.

У одам таажжубланган ҳолда эшикни қулфлаб кетди. Етим ҳам «бolasiz ва ўқиhsiz етимхона»га ҳайрон бўлиб, курсига бориб ўтириди ва шўрва ичишга киришди. У нонни шўрвага тўтраб еди, картошка ва гўштларни ҳам пок-покиза тушириди.

«Шўрваси мазали экан,— деди у ўз-ўзига.— Ҳар куни бир қўй сўйиб ейдиган Эшонқулбойнинг уйида менга пих бойлаган қок

ион берардилар. У ҳам тўйимли эмасди. Ҳафта-ёи беш кунда бир марта ўйрва берсалар ҳам у илиқ-милиқ бўларди. Гўшт бергудек бўлсалар, суякнинг гўштларини тараашлаб олиб, қуруқ суякни менга берар эдилар. Бу ерда ҳам лаззатли ўйрва, ҳам гўшт бердилар».

Етим ўйрвани ўз-ўзича таърифлагач:

— «Булар яхшику-я, лекин бу ерда об-ичиб ётишдан бошқа иш йўқ экан-да, бунга чидаб бўлмайди. Ҳеч бўлмаса олдимда бирорта бола бўлгандайди, у билан гоҳ ўйнаб, гоҳ гаплашиб ўтирас эдик», — деди ва ўрнидан туриб, каравотга чўзилди...

* * *

Етим қаттиқ ухлаб қолган эди. Уни пособон қелиб уйготди ва: «Менинг кетимдан буёққа кел», деб аввал куни сўроқ қилинган уйга олиб кирди.

Хонада эрталаб Етимни сўроқ қилган кишидан бошқа яна икки киши ўтирас эди. Бугун ҳам ўша саволлар ва ўша жавоблар айтилиб, қофозга ёзилди.

Терговчи қоровулга қараб:

— Буни олиб чиқиб туринг, яна чақирамиз,— деди.

Қоровул Етимни эшник олдидаги дивангага ўтқазиб, ўзи ҳам унинг ёнига ўтириди. Орадан кўп вақт ўтмай, уни яна ичкарига чақиришди.

— Сени қўйиб юборамиз, уйнингга борасанми? — деди терговчи Етимга қараб.

— Менинг уйим йўқ-ку,— деб жавоб берди Етим.

— Қариндош-уругинг бўлса уларникига борарсан?

— Қариндош-уругим ҳам йўқ!

— Ундай бўлса, қўйиб юборсак, қаерга борасан?

— Мен бу ердан ҳеч қаерга кетмайман, шу ерда қолиб, ўқийман. Фақат мен ётган хонанинг эшигини очиб қўйишса бас,— деди Етим.

Хозир бўлганлар бир-бирларига қараб қулишгач, терговчи Етимга:

— Бу ерда ўқимайдилар-ку,— деди.

— Нега, етимхонада ўқийдилар дейишган эди-ку,— деди Етим.

— Бу ер етимхона эмас,— деди қулгисини боса олмаган ҳолда терговчи. Бошқалар ҳам қотиб қулишар эди.

— Етимхонага юборсак, борасанми? — деб сўради терговчи.

— Бораман! — деди Етим ҳам хурсанд бўлиб, ҳам таажжубланниб.

Хозир бўлганлар ўзаро қулишиб, маслаҳатлашишиди.

— Бу боланинг ёши каттага ўхшайди, гапларидан ўн олти ёшдан кам эмас. Бу ёшдаги болаларни қондага кўра етимхонадан чиқарадилар, қандай қилиб биз уни етимхонага юборамиз? — деди улардан бири.

— Бўйи новча бўлса ҳам берган жавобларига кўра ўн тўртдан ошмаган. Бундан ташқари, унинг уй-жойи, қавм-қариндоши йўқ, уни ўқитиш керак. Ҳозирча бизда етимхонадан бўлак ебичиб, ўқиб, тарбия оладиган муассаса йўқ. Шунинг учун расмийатчилик қилиб ўтирумай, болани етимхонага юбориш лозим,— деди терговчи.

Бошқалар ҳам бу таклифга қўшилишди. Терговчи Етимга қараб:

— Эшикка чиқиб тур. Ҳозир биз хат ёзиб сени етимхонага юбортирашим,— деди.

Етим ташқарига чиқиб турди. Бир неча дақиқадан сўнг эшикдан қўлида конверт ушлаган бир пособон чиқиб, уни етимхонага олиб кетди.

Пособон Етимни етимхонадаги уйлардан бирига олиб кириб, қўлидаги конвертни у ерда ўтирган кишига берди ва Етим билан бирга юмшоқ диванга ўтиреди. У одам конвертни очиб, хатни ўқиди ва бошини кўтартмаган ҳолда:

— Жуда соз,— деди-да, қалам билан хатнинг юзига ниманидир ёзди ва орқасидаги деворга ўрнатилган қуббачалардан бирини босди.

Қўшни хонадан бир киши чиқди. Ҳаракатидан етимхона бошлиги эканлиги кўриниб турган ҳалиги киши янги келган одамга хатни бериб:

— Буни расмийлаштиринг,— деди.

Келган одам хатни қўздан кечиргач, Етимга қараб:

— Шу болами? — деб сўради бошлиғидан.

— Ха, шу! — деди у дафтар ва рақлаб турган ҳолатда бошини кўтартмай.

— Қани, юринглар,— деб уларни бир хонага олиб бориб, ўзи стула га ўтиреди ва уларга скамейкани кўрсатди. Улар ҳам ўтиришди.

Ҳаракатларидан бу одам етимхонанинг секретарига ўхшарди. У қўлидаги хатга қараб, бир дафтарга нималарнидир ёзди. Шундан сўнг бир варақ оқ қогоз олиб штами босди, бир неча сатр хат ёзгач, муҳр ҳам босди. Сўнгра уйдан чиқиб халат кийган ўрта ўшли бир хотинни бошлаб кирди, ўзи ёзган хатни унга берди-да, Етим билан пособонга ишора қилиб:

— Буларни олиб боринг, болага уст-бош кийгизиб, эгнидаги кийимларини бу кишига — пособонга беринг, хатга ҳам измо қўйиб, шу кишига топширинг,— деди.

Оқ халат кийган хотин Етим билан пособонни бир уйга олиб борди. Ҳона жуда кенг бўлиб, бир томонига кийим осадиган шкафлар қатор териб қўйилганди. У хотин шкафлардан бирини очиб, бир тўп кийим олди ва Етимнинг бўйига ўлчаб кўрди. Улар Етимга ҳам калта, ҳам тордек кўринди. Уларни жойига қўйиб, яна бошқа бир тўшини ола тўриб:

— Ҳозирча шундан бошқа узуи ва кенг уст-бошимиз йўқ, калта келса ҳам, торлик қиласа ҳам шуни кийиб турасан, кейинроқ

қадди-бастингга мос кийим буютирамиз,— деди у Етимга ва посбонга қараб:

— Сиз яна бир оз турасиз, мен боланинг эгнидаги кийимларини ечиб чиқазиб бераман,— деди ва Етимни бир тўп кийим билан кийимхона ичидан кириладиган бир уйта олиб кириб кетди.

— Майли,— деди посбон диққинафас бўлаётган кишилардек ва хуштак чалиб, хона ичидан ўёқдан-буёққа юра бошлади.

Посбон кўп мунтазир бўлиб қолмади. Ҳалиги хотин Етимнинг уст-бошини олиб чиқиб, бир газетага ўради ва секретарь берган хатга ҳам имзо чекиб, посбонга тутқазди.

Агар посбоннинг Етимга кўзи тушса, унинг ўзи олиб келган болалигига ишонмас эди: у иссиқ сувда қўл-оёқларини, бошини ювиб топ-тоза бўлган, соchlари тарагиб, қўл-оёқларининг тирноқлари олинниб, оқ кўйлак, оқ чолвор, оқ костюм, оқ шим, оқ қалпоқ, оқ туфли, оқ пайпоқ кийиб олган эди.

— Ойна олдига бориб қара-чи, ўзингни танийсанми? — деди хотин Етимга кулиб.

— Мен бундан олдин ўзимни ойнада кўрмаган бўлсам, қанчалик ўзгарганимни қандай аниқлай,— деди Етим, ойна томон кетаётиб ва ойнага қараб туриб илова қилди:— Ўзимни ойнада кўрганимда эди, албатта, ҳозир бу кийимларда ўзимни таний олмас эдим.— У илжайган лабларини ростлай олмай, бир неча дақиқа ойнага қараб туриб қолди...

* * *

Етим ойнага қараётганда, қаршидаги дераза олдига бир бола келиб унга тикилиб қолди. У Етимдан новчароқ, гавдаси ва қадди-қомати келишган, қўл-оёқлари ҳам унивидан каттароқ эди. Лекин Етимга ўхшаб кетарди: қўзлари ҳам Етимнидек қоп-қора, Етим сингари лоларухсор, соchlари ҳам унивидек ярқираб турар ва қўли ҳам топ-тоза эди.

Бола Етимга яна бир оз қараб турди-да, уйнинг эшиги олдига келиб:

— Хола, кирсам мумкинми? — деди.

— Мумкин, кираверинг — деди аёл.

Бола уйга кирди. Бироқ уйга кириб келганини сезган Етим унга ўгирилиб қаради. Кириб келган бола Етимга бир оз диққат билан қараб турди-да:

— Кечирасиз, ўртоқ! Сиз Мурод амакининг ўгли Етим эмас-мисиз? — деб сўради.

Етим қўққисдан отасининг, ўзининг номини эшишиб, берилган сўроққа жавоб беришни ҳам унтиб, бир зум бақрайиб қолди-да, ниҳоят:

— Вой, сен Қурбон акам-ку, ўзимнинг акажоним-ку,— деб унга ташланди.

Икки ёш ўсирин бир-бирларини қучоқлаб, самимий кўришгач, ҳол-ахвол сўранша кетдилар.

— Менинг бошимдан кечганларни сўрама! Уни ҳикоя қилиб

бериш учун тонги отмайдиган тун, қуёш ботмайдиган кунлар керак. Мен онамдан жудо бўлганда у соғ-саломат, тцрик эди-ю, гўрда эди. Ҳозир мен мана шу етимхонага жойлашдим,— деди Етим ва:

— Қани, ўзинг гапири! Аҳволинг яхшими, ота-онанг саломатми? Қишлоқнинг аҳволи қандай? Сен бу ерда нима қилиб юрибсан? — деб сўради.

— Менинг бу ёш бошим ҳам қўп балоларни кўрди. Ота-онам босмачилар томонидан ўлдирилдијар, босмачилар қишлоққа ўт қўйди.

Ғамимни айтмоқ учун
Узун кечалар керак,
Мен йигласам, сен қулсанг,
Фақат сен ва мен бўлсак!

Шу етимхонада тарбияланиб, хат-саводли бўлдим, комсомолга кирдим. Бу етимхонани чегарачиларнинг комсомол ташкилоти оталиққа олган. Мен бу ерга етимхонанинг баъзи ишларини текшириш учун шу ташкилот томонидан келдим,— деди Қурбон ва Етимга қўл узатиб:

— Хайр, ҳозирча яхши қол. Сен бу ерга жойлашиб, хотиржам бўлиб ол. Мен ҳам комсомол ташкилоти берган топшириқни бажарай. Сўнг бафуржа ўтириб қўнгил ҳасратларини, саргузаштларни баҳам кўрамиз,— деди-да, Етимнинг қўлинин маҳкам қисиб, чиқиб кетди.

Етим, Қурбон аъзо бўлган ва улкан етимхона ҳам унга қарайдиган комсомол дегани ким ёки нима экани ҳақида ўйлаб қолди.

Хурматли ўқувчиларимиз эса, Қурбон ва унинг отаси саргузаштларини эшитишга ошишаётган бўлсалар керак. Биз ана шу воқеаларни бирма-бир баён этиб, китобхонларнинг ҳавас ва истакларини қондирмоққа ҳаракат қиласмиш.

II

Қурбоннинг отаси — Рўэимурод, авваллари Бухоро томонларида мардикорлик қилас, беш-олти таңга ортиригач, қишлоғига келиб, хотин, бола-чақасини кўриб, уларнинг озиқ-овқатини тўғрилаб, яна қайтиб кетар эди.

У ана шундай сафарларидан бирида — Бухородан ўз қишлоғига қайтиб келаётганда сув четга чиқариб ташлаган Муроднинг ўлигини кўмайтганлар устидан чиқиб қолди. Ўликни у таниди, ҳатто дарёга ўзи тушиб кетмай, бирор томонида отиб ўлдирилтанилигини ҳам биқинидаги ўқ изидан аниқ билди.

Бу хабарни у қишлоққа етказди ва қўп суриштиришлардан

сўнг Муродни Эшонқулбойнииг буйргуи билан Шоқул отиб ўлдириб, дарёга ташлаб юборганини аниқлашга мувваффақ бўлди. Лекин у жиноятчиларга қарши кураша олмади. Чунки амир ҳукумати ва унинг амалдорлари бойларни химоя қилас, уларга қарши чиқсан, ҳатто қарши ганирган камбағалларниң кунини қундан кўрсатар эди. Аммо амир қочган ва бойлар қочишга тайёргарлик кўраётганда, у халқ ўртасида бойларга қарши ташвиқот юргизиб, жиноятчиларни ва жиноятниң сирини сиравка тарзида очиб ташлади.

Бухоро — Термиз темир йўл қурилиш пайтида Рўзимурод мардикорларни ташлаб, темир йўлниң ер қазувчи ишчилари қаторига ишга кирди. Йўл битиб, фойдаланишга тоширилгач, у Термиз депосида бир неча вақт қора ишчи бўлиб, кейинроқ темирчи шогириди, ундан сўнг мастер бўлиб ишлади.

Рўзимурод февраль ва Октябрь революциясини Термиз темир йўлчилари билан биргаликда кутиб олди, темир йўлчилар орасида тарбияланди, унинг синфий онги ҳам шу ерда улғайиб, камол топди. Эшонқулбой ва Шоқул томонидан Муродниң ўлдирилиши сабабини ўша вақтдаёқ тушунди: улар Муродни ўлдириш билан камбағалларга шуни билдиromoқчи эдикӣ, камбағаллар бойларга тобе бўлиб, уларниң фармонларини бажаришлари, чизган чизигидан чиқмасликлари, бойлар талаб қилган вақтда, ҳатто хотинларини аямасликлари керак, аке ҳолда Мурод каби ўлиб кетишларини кўз-кўз қилиб, уларни чўчитмоқчи бўлганилар.

Рўзимурод Термиз депосида ишлаб юрган вақтида Бухорода Колесов воқеаси рўй берди. Бунда жадидлар авантюристик, хоинлик ва иккюзламачилик ролини ўйнадилар: бир томондан, улар, «биз революционерлармиз», деб халқ ҳаракатига раҳбарликни ўз қўлларига олмоқчи бўлдилар, иккинчи томондан, амир билан муросачилик ва ярашувчилик нозициясини тутиб, халқ ҳаракатини бўғишига интидилар.

Амир эса жадидларнинг сулҳ ва ярашишларидан фойдаланиб, бор кучларини сафарбар этиб, ўзига қарши бош кўтарган халқни тор-мор этди, ташкилий бирлашмаган, лекин амир ва бошқа эксплуататорларга нафрат назари билан қарайдиган кишиларни уйма-уй юриб, тошиб қатл қилди.

Амир ўзининг бу контреволюцион ҳаракати вақтида Бухоро меҳнаткашларини улуғ рус халқининг ва қизил аскарларнииг ёрдамидан маҳрум қилиш учун ҳаммадан олдин амирлик территориясидан ўтадиган темир йўлларни бузиб ташлади, темир йўл ишчиларини бола-чақалари билан ваҳшийларча ўлдирди. Жумладан, Бухоро — Термиз темир йўли ишчиларини, хотин-қизларни, ҳатто, қўлдаги гўдакларни бошини олди.

Амир территориясида соғ-саломат қолгани ишчилардан бири Рўзимурод эди. У рус ишчилари ва большевиклари билан мустаҳкам алоқа боғлаб, Бухоро музофотида меҳнаткашларни амир зулмига қарши янгитдан бош кўтариб чиқишга тайёрлаш ўйлида жонбозлик қилди: Бухоро революциясида қўлига қурол олиб иштирок этди. Шарқий Бухорода — Тоҷикистонда бу ерлардан амир

изини қириш учун курашаётган қизил партизанлар сафида туриб жангларда қатнашиди; амир қочаётган вақтда шарқий Бухоро меҳнаткашлари ўртасида ташвиқот-тарғибот ишлари олиб бориб, халқини бойларнинг игвосидан қутқазди, жумладан, чегарада жойлашган ўз қишлоғига бориб, қишлоқ аҳолисини бойларга эргашиб кетишдан сақлаб қолди.

Рўзимурод меҳнаткашларни бойларга эргашиб кетишдан асрабгина қолмай, уларни бойларнинг ер-сувига, дехқончилик асбобускуналарига хўжайишлиқ қилиб, ўз қишлоқларини обод қилишларига ҳам раҳбарлик қилди.

Лекин Рўзимуроддининг қишлоқ ободончилиги йўлида қилаётган ишлари узоққа чўзилмади. Кўп ўтмай амир, унинг амалдорлари бой ва жадидлар босмачиликни ташкил этиб, большевикларга, камбагалларга, умуман барча меҳнаткашларга — мамлакатга хўжайишлиқ қилиб, уни обод қилиш ва қайта қуриш учун курашаётгандарга қарши хужум бошладилар. Жумладан, Эшонқулбой ва Шоқуллар чет мамлакатда яроғ гамлаб, босмачиларга ёрдам бердилар, биринчи галда уларни Рўзимурод бошчилигига камбагаллар ёзалик қилаётган собиқ қишлоқларига юбордилар.

Қочоқ бойларнинг бу хониона ташаббусига Рўзимурод томошабин бўлиб турмади: у дарҳол район партия ташкилоти ва ревком билан алоқа bogлаб, қурол-яроғ олди, қишлоқ камбагалларидан мудофаачи отряд тузди.

III

1920 йилнинг декабри. Ҳаво унчалик совуқ эмас, лайлакқор ёғмоқда. Лекин қор нешма-неш эриб, Аму қирғоқларининг сирачсимон тупроқларини ёпишқоқ лойга айлантиради.

Қишлоқ сув қўйтгандек жимжит. Фақат мудофаачи отряднинг шалип-шали оёқ ташлашигини бу жимликини бузарди. Отряд ҳавонинг бузуқлигига, лойгарчиликка қарамай, қишлоқ атрофида шаронадек айланар ва уни босмачиларнинг фавқулодда ҳужумидан мудофаа қилас әди.

Вақт ярим кечадан ошди. Қор ва лой кечиб юрган отряд аъзолари ишҳоятда совқотдилар. Шунинг учун отряд командири Рўзимурод қишлоқ атрофига ҳар жой-ҳар жойга соқчи қўйиб, қолганиларга исениб келингта ва дам олишга руҳсат берди. Ўзи ҳам уйига кириб, ўчоқда оёқларини иситиб, кийимларини қурита бошлади...

Гулхан олдида ухлаб қолган Рўзимуродни узоқдан отилган миљтиқ овози уйготди. У шу заҳоти миљтигини олиб, уйдан ҳовлига сакраб чиқди ва кўчага отилди. Кўча бошида, қишлоқ ташқарисига қўйилган қоровуллардан бири от чонтириб келиб, маълумот берди:

-- Шеригим билан ўзимизга тайинланган жойларда кузатувчилик қилиб юрганимизда қўйқисдан босмачилар ҳужум қилиб, ўқ уза бошладилар. Шеригим биринчи ўқ биланоқ йиқилди, мен сенга хабар етказмоқ учун келдим.

Шу пайт қишлоқнинг тўрт томонидан отишмалар эшитила бошлиди, отряд аззоларини бориб уйғотишининг ҳожати йўқ эди: улар ҳам биринчи миљтиқ садоси билан уйғониб, Рўзимурод соқчи билан гапни тамом қилмай туриб, бирин-кетин келиб, унинг атрофига тўпланиб, бўйруқ кутиб турдилар.

Рўзимурод отрядни бир неча групнага бўлиб, ҳар бир групнага биттадан бошлиқ тайинлади ва уларни қишлоқнинг турли томонига юборди. Ўзи ҳам бир групнани олиб, босмачилар томонидан соқчи ўлдирилган тарафга кетди.

Рўзимурод қишлоқдан чиқа туриб босмачиларга дуч келди: соқчими ўлдирган босмачилар қишлоққа бостириб кириб, дунё қиргогидаги ҳовлиларни талар, «бекитиб қўйган молларингизни тониб беринг», деб дехқонларни қийнардилар, қамчи билан миљтиқ қўндоги ва қиличининг сопи билан урар эдилар. Ҳужумга ўтган Рўзимурод ўн беш дақиқада уларга зарба бериб, чекинингга мажбур қилди.

Босмачилар майдонда икки одам ва бир от ўлиги қолдириб қочдилар, уларнинг қанчаси ярадор бўлгани маълум эмасди. Рўзимуроднинг отрядидан икки кишигини енгил ярадор бўлган эди, холос.

Рўзимурод отлиқ йигитларини қишлоқнинг бошқа томонларидан хабар олишга жўнатиб, ўзи лиёдалар билан бирга босмачиларни қувиб кетди. Лекин улар отлиқ босмачиларга етолмадилар, босмачилар қишлоқ четидаги тепа орқасига ўтиб, кўздан гойиб бўлдилар. Рўзимурод тепа устига чиқиб, қишлоқнинг чор атрофидан келадиган хабарга мунтазир бўлиб турди.

Қор тинган, ҳаво очилиб, булутлар ҳам тарқалган эди. Юлдузлар шифтдаги чироқлар сингари чарақлар эди: совуқ туриб, эсаётган кучсиз шамоқ киши юзини ялар, худди муз парчаларини суркаётгандек юзни жунжитарди. Лойни музлатадиган даражада совуқ бўлмаса ҳам, уст-боши юпун одамларни қалтиратар эди.

Кўн ўтмай, чопарлар бирин-кетин кела бошлишиди. Улар келтирган маълумотларга қараганда, у томонларда осойишталик, босмачилардан асар ҳам йўқ экан, босмачилар ҳеч кимга ва ҳеч ерга ҳужум қилмабдилар.

— Айтидан, босмачилар бизни чалғитиш ва кучларимизни бўлиб юбориш мақсадида ҳар томондан ўқ узгаилар, ҳақиқий ҳужумни эса фақат шу томондан бошлабдилар,— дер эди чопарлар. Чопарлар тўрт томонга от чоптириб бориб ҳам биронта босмачини учратмабдилар.

Бу хабарни эшитгач, Рўзимурод бир оз тинчланган бўлса ҳам, лекин батамом хотиржамланмади, балки фурсатдан фойдаланиб, босмачиларнинг ҳавбатдаги ҳужумига қарши янада дурустроқ тайёрлана бошлиди. Шу мақсадда у қишлоқ атрофидаги посбонларга хабар юбориб, муҳим жойларга соқчи қўйиб, уларнинг қишлоқ марказига тўпланишларини буюрди, ўзи ҳам йигитлари билан қишлоққа қайтди...

Рўзимурод қишлоқ аҳолисининг ҳаммасини — қари бўлса ҳам, ёш бўлса ҳам, қуроллию қуролсиз бўлса ҳам қишлоқ мачити олдига тўплади, ҳалқ йигилиб бўлгач, у йигилишни очиб, нутқ сўзлади:

— Душман ҳали тириқ, ҳатто у кўпайиб кучайиб бормоқда. Босмачиларнинг зарба еб, қочиб кетишига алданиб, жим ўтираеверсан, гўдаклик қилган бўламиз. Шунинг учун ҳам ҳаммамиз қўлга қурол олиб, жанг қилишни ўрганмогимиш лозим,— деди у.

— Ҳаммамизнинг машқ қилишимиз учун қаердан қурол топамиш? — деб унинг сўзини бўлди бирор.

— Сабр қил, ҳамманинг қандай қилиб машқ қилишини ҳозир мен сенга айтиб бераман,— деди Рўзимурод, овоз чиқсан томонга қараб ва сўзида давом этди: — Қўлларига миљтиқ олиб жанг машқини эгаллаган ўртоқлар қуролларини ҳали малиқ қилмаган кишиларга берадилар. Ўзлари эса қўлларига кетмон ва белкурак олиб, қишлоқ атрофида хандақ ковладилар. Ҳамма миљтиқ отишни ўргангунча биз районга одам юбориб, қурол олдрамиз, ҳаммани қуроллантирамиз.

Ундан сўнг Эргац бедандон сўз олиб, Рўзимуроднинг гапларини қўллаб-қувватлади. Яна бир неча киши гапиргач, Рўзимуроднинг таклифи билан оғзаки қарор қабул этилди.

Йигилишдан сўнг Рўзимурод қурол талаб қилиб районга одам жўнатди, қишлоқда ишни бошлаб юборди. Йигилиш карорига мувофиқ, ҳали жанг кўрмаган кишилар отиш машқига, қолгандар эса хандақ қазишга киришдилар. Рўзимурод отда тоғ ҳандақ ковлаётганлар, тоғ машқ қилаётганлар олдига бориб, ишни кузатиб туради.

Кундуз соат ўн иккиларгача иш анча олдинга силжиди, бир неча хандақ қазилиб, олдига тутироқдан тўсинлар ясалди, ҳанузгача қўлларига миљтиқ олмаган кишилар миљтиқ овозидан чўчимайдиган, ҳатто бальзилари нишонга олган нарсаларини урадиган бўлиб қолишиди. Рўзимурод бу муваффақиятдан хурсанд бўлиб, ҳалқقا икки соат дам олиш ва овқатланиш учун жавоб берди, ўзи ҳам овқатланишга ўтирди...

Рўзимурод ҳали овқатини еб бўлмаган эди ҳамки, бир кини келиб, унинг қулоғига нималардир гапира бошлади. Унинг маълумотига кўра, улар турган жойдан тахминан йигирма беш километр наридаги бир қишлоқда босмачилар яширинча ҳаракат бошлабдилар. Улар ҳанузгача ниқобланиб, яширинча йигилишлар ўтказиб туришаркан, турли жойларга яшириниб юрган ўз одамларини қуроллантириб бўлгач, очиқдан-очиқ боши кўтарармиш.

— Босмачилар қуролни қаердан олади? — деб унинг сўзини бўлди Рўзимурод.

Рўзимуроднинг саволига ҳалиги одам берган жавобдан маълум бўлдики, босмачилар қуролни ҳозиргacha қўшинча қўшни мамлакатдан олар эканлар. Улар учун четдан юборилган қуролларнинг бир қисми чегарачилар қўлига тушса-да, бошқа йўллар билан яна келиб турад экан. Лекин шу кунларда улар мамлакатимиз ичидан улгуржи қуролни қўлга киритиш ва ўз одамларининг ҳаммасини қуроллантириш умидида эканлар. Ҳато улар: «Агар сафимиизга яна минг киши қўшилса ҳам қурол етарли», — дебдилар.

Хабарчининг айтишича, босмачиларнинг яқинда бўладиган хужумидан огоҳ бўлган қишлоқ камбагаллари атроф қишлоқларга одам юбориб, аҳолини огоҳ қилибдилар. Рўзимуроднинг олдига келган одамни ҳам ўшалар юборган экан.

Бу хабарни эшитган Рўзимурод, тайёргарликни янада қучайтириб юбориб, қурол келтириш учун районга — ревкомга яна бир одамни жўнатди.

* * *

Ишнинг иккинчи кунида қишлоқ атрофи ҳандақ ва окоплар билан ўраб олингандек бўлди. Ҳандақ қазишни тезлаштиришда эски захқашлар ҳам ёрдам берди: тепалик ёнида қамишзор қўлга туташган қатта захқаш бўлиб, у қишлоқ айланасининг қарийб тўртдан бир қисмини ташкил этарди. Уни ковлаш ва сувга тўлдириш учун жуда оз меҳнат сарф қилинди.

Милтиқ машқи ҳам қўнгилдагидек давом этди, милтиқни кўтара олиш қобилиятига эга бўлган қишиларнинг деярли ҳаммаси навбатма-навбат машқ қилиб, отиш ва нишонга уришини ўргандилар.

Қишлоқ аҳолисининг эндиги ютуқлари райондан келтириладиган қуролга қараб қолганди. Аммо райондан хунук хабар келди: қурол учун борган ҳар иккичопар ҳам қуруқ қайтди. Уларнинг айтишига қараганда, ревком раиси:

«Босмачиларнинг қишлоқларга қўққисдан ҳужум қилиш эҳтимоли борлиги ҳақидаги овозалар асоссиз ва ёлғон. Бундай овозаларни босмачиларнинг ўзлари жўрттага тарқатганлар. Улар ана шундай овозалар воситаси билан қишлоқларнинг мудофаачи отрядларини райондан қурол сўрашга мажбур этиб, шу йўл билан райондаги қуролларни қишлоқларга тарқаттириб, сўнгра қуролсиз ёки кам қурол районни осонлик билан босиб олиш ниятида», — дебди.

Ревком раисининг фикрича, район маркази босмачилар томонидан босиб олингач, қишлоқлар ўз-ўзидан ўшаларники бўлармиш, бинобарин, район марказидаги қуролларни қишлоқларга тарқатиб юбориш яхши бўлмас эмиш. Агарда бирон қишлоқда таҳликали ҳолат юз берса, ревком қуролгина эмас, балки қуролланган кучлар ҳам юборишга тайёр эмиш.

Рўзимурод ревком раисининг бу жавобидан шубҳаланган

бўлса ҳам, поумид бўлмади. У ўз қучига — қишлоқ камбағаларининг қучига суюниб туриб, мудофаага жиҳдий тайёргарлик кўраверди.

IV

Оқоплар қазилиб, уларга қуролланган йигитлар ўринашдилар. Милтиқ отишни цухта билган қишилар бел, кетмон, болта, теша ушлаган ҳодда запасда турдилар. Рўзимурод от миниб ҳамма хандақларни ва уларда ўтирган йигитларни кўздан кечиргач, ўзи теналик устидаги марказий оқонга ўринашди.

Шу кеча тинчлик ва осойишталаик билан ўтди. Фақат жимликини отларнинг оёқ товуши, «Ухлаб қолма! Ҳушёр бўл!» — деб оқопма-окон юрган мудофаачи чопарлариниг овозигина бузар эди, холос.

Лекин кун чиқиншига тахминан иккى соатлар қолганда қишлоқ атрофидан милтиқ овозлари эшитила бошлади. Шундан сўнг чопарлар от чоптириб келиб, қишлоқдан узоқроқда онда-сонда милтиқ отиб келаётган босмачилар қорасини кўрганиларини Рўзимуродга хабар қилдилар. Шу пайт улар турган тепалик қаршисида ҳам босмачилар кўрипди — улар тепалик томон шошилмай келардилар.

Рўзимурод ўз одамларига милтиқларни отишга шайлаб туришини буюрди. Босмачилар тешага етиб келиб, қишлоқ томон ўтмоқчи бўлганда, ўт очиши ҳақида фармойиш берди. Тена этағидаги хандақларда ётган милтиқлilar бир йўла ўқ уздишар. Бир босмачи отдан учиб тушди, оти эса қишлоқ томонга қочди. Қолган босмачилар отларини орқага буриб, келган йўлларидан қочдилар.

Тепанинг олд томонида турган мудофаачи йигитлар Рўзимурод буйруғи билан қочиб кетаётган босмачиларни ўққа тутдилар. Аммо ўқлари зое кетди. Босмачилар ўқ етиб бормайдиган дараҷада узоқлашгач, Рўзимурод ўқ узишини тўхтатди...

Тоиг ёриша бошлагач, бир тўда босмачи тенага яқинлашиб келиб, отишмани бошлаб юбордилар. Мудофаачилар отряди ҳам уларга жавобан ўқ отаверди, лекин ҳар икки томонининг ўқи ҳам бекорга кетмоқда эди. Мудофаачиларни ўқи тобора камая бошлади, отишмани давом эттиrsa, ўқсиз қолишлари турган гап эди. Бинобарин, Рўзимурод ўз аскарларига ўқ узмай, босмачиларнинг оқонларга яқинлашувини кутиб туриш ҳақида буйруқ берди ва хавф ҳақида хабар етказиш, «қуролли куч» талаб этиши. ҳеч бўлмаганди, ярог беришини сўраб район марказига — ревкомга одам юборди. Бу сафар у ревкомга ўзининг энг яқин ва ҳушёр кишиси Эргаш бедандонни юборди.

Кун чиққунча босмачилар тенага бир неча марта ҳужум қилган бўлсалар ҳам ҳеч патижага эриша олмадилар. Ҳар сафар тенага яқинлашганиларида майдонда икки-уч ўлиқ қолдириб, орқага чекиншига мажбур бўлдилар.

Лекин бора-бора Рўзимурод отрядининг ўқлари озайди, буни

босмачилар ҳам сезиб қолиши. Улар мудофаачиларни янада ўқ кеткизишга мажбур қилиш мақсадида кетма-кет ҳужумга ўтдилар, қишлоқнинг бошқа томонларига ҳам ҳужум қилиб, у ердаги соқчиларни ҳам ўқ сарф қилишга мажбур этдилар. Кўп ўтмай у томонлардан ҳам ўқ талаб қилиб чопарлар кела бошлади. Рўзимурод райондан ўқ келтирилиши билан дархол юборишга ваъда бериб, уларни қайтариб юборар эди. Бир оздан сўнг атрофдаги ўқи тугаб қолган соқчилардан бир гурухи бирин-кетин тепага келиб, Рўзимуроднинг ёнига тўплана бошладилар. Тепада жонли куч кўпайди, лекин бу кучдан фойдаланиш учун керак бўлган энг муҳим нарса — қурол йўқ эди. Қуролсиз соқчилар кетидан келган босмачилар тепани ўраб олдилар.

Босмачиларнинг ҳужуми шиддатли тус олди. Оқондагиларнинг бу ҳужумга қарши ўқ отишлари тобора сусайиб борди. Уларнинг кўпчилиги душманни милтиқнинг қўндоғи ва бел билан уриб қайтариб туарди. Рўзимурод ҳозир райондан қурол келишини ваъда қилиб, уларни тиш-тироқлари билан бўлса ҳам жанг қилиб, чидаш ва бардош беришга чақирав эди.

* * *

Рўзимуроднинг райондан қурол келишига тиккан умиди ва йигитларига берган ваъдалари ҳам пучга чиқди: Эргаш бедандон қамишзор ичидан келиб захкашга тушди ва сув ичидан энгашиб келиб ўзини тепаликка олди-да, бир мудҳиҳ хабарни етказди.

Эргаш бедандоннинг айтишича, у районга бориб, ревком раисининг олдига кирибди ва қишлоқ бошига тушган ҳақиқий хавфни айтиб, ундан қуролли куч, чеч бўлмаса, милтиқ ва ўқ сўрабди. Ревкомнинг раиси Эргашга:

— Босмачиларнинг район марказига ҳужум қилишга тайёргарлик кўраётганлиги ҳақида хабар бор. Шунинг учун мен қуролли куч у ёқда турсин, қишлоққа бирон дона ўқ ҳам беромайман,— дебди.

Эргаш ўз талабини яна такрорлаб, қатъий туриб олганда, раиснинг хизматкори кириб келиб:

— Марказдан Бухоро Халқ Шўросининг муҳтор вакили келди. Сиз билан маҳфий сұхбатлашмоқчи,— дебди.

Раис Эргаш бедандонга қараб:

— Сен ташқарига чиқиб тур,— ва хизматкорига,— муҳтор вакилнинг одамига айт, олдимга кирсин,— дебди.

Муҳтор вакилнинг одами ревком билан самимий сұхбатлашгач, ҳовлига чиқибди. Раис ўз одамларига:

— Ҳаммангиз отланинг, бир жойга борамиз. Бу ерга ерлик кишилардан қуролсиз икки қоровул қўйилади,— деб ўзи отга минибди.

— Мен нима қиласай, менга нима жавоб берасиз? — деб сўрабди Эргаш бедандон раисга яқинлашиб.

— Сен шу ерда тур, биз бирон соатдан сўнг қайтиб келамиз, келиб сенинг ишинг тўғрисида гаплашамиз,— дебди-да, отини

елдириб, ревком идораси ҳовлисидан чиқиб кетибди, одамлар ҳам отларига миниб, унинг кетидан эргашибдилар...

Раис чиқиб кетиб, орадан ярим соатча вақт ўтгач, бир гурух отлик, пиёда, қуролли ва бекурол босмачилар ревком идорасига бостириб кирибдилар. Уларниң қўрбошиси супага қалин тўшак-кўрпача солдириб, унинг устига чиқиб, амирниң ҳокимларидек чордона қуриб ўтирибди. Қўрбошининг йигитлари амир ҳокимларининг хизматкорлари сингари, супа олдида — унинг рўпарасида таъзим-тавозе қилиб турибдилар.

— Қани, ҳамма нарсани бир жойга тўплланглар-чи,— дея фармойиш берибди қўрбоши ўз одамларига.

Босмачилар худди ўзлари бекитиб қўйган нарсаларни топиб чиқмоқчи бўлгандек, тўппа-тўғри бориб бир чеккада ётган беда ва хашакларни бир томонга иргитиб, остидан сандиқ, қутилар ва тойлаб боғлаб қўйилган юкларни ола бошлабдилар, уларни бир-бир кўтариб, қўрбошининг олдига элтиб қўйибдилар. Қўрбоши киссасидан бир даста қалит чиқариб, йигитларидан бирига берибди-да, омборларни очишни буюрибди.

— Ҳар бир қулфга ўз қалитини топиб солинглар, қулфларни бузиб қўйманглар,— деб таъкидлабди қўрбоши.

Қўрбоши одамларига сандиқ, қути ва ўраб боғланган юкларни очишни буюрибди. У қўлидаги рўйхатга қараб, сандиқ ва қутилар ичидан олинаётган милтиқ, тўппонча, ўқ ва қиличларни текшириб турибди. Эргаш бедандон бу ҳолга ҳайрон бўлиб қараб турварибди. Эргашга ногоҳ қўзи тушган қўрбоши:

— Сен кимсан, нима қилиб турибсан бу ерда? — деб сўрабди.

— Мен ревкомининг одамлариданман: «Бек келгунларича сен шу ерда посбонлик қилиб тур», деб мени қолдириб кетувдилар,— деб соҳта жавоб берибди Эргаш.

— Жуда соз,— дебди қўрбоши.— Бек келдилар, энди ревком раиси одамининг бу ерда қоровуллик қилиб туришининг ҳожати йўқ. Қўлингдаги милтиқни ўқлари билан бизга топшир-да, ўзинг рансинг орқасидан «сиҳат-саломат» кетавер!

Эргаш милтиқ ва патронларни ташлаб, отини қантарилган жойидан еча бошлабди.

— От бизга керак. Сен пиёда борсанг ҳам раисингни топиб ола оласан,— дебди қўрбоши Эргашга қараб:

* * *

Эргаш бедандон ревкомдан чиқиб, пиёда йўлга тушибди. У тезроқ қишлоқка етиб бориб, бу даҳшатли хабарни Рўзимуродга етказишини истабди. Аммо от йўқлиги бу истагини амалга оширишга тўсқинлик қилибди. Шунинг учун ҳам қуввати борича ҳаракат қилиб, чопоғон отдек югурибди. Аммо ярим йўлга бормай туриб, жуда чарчабди, бир чашма лабига тушиб сув ичибди-да, дам олмоқчи бўлиб ўтирибди. Чашма бир жарлик ичидан бўлиб, унинг тепасидан катта йўл ўтар, йўлнинг нариги бети эса чакалакзор экан.

Эргаш чашма бўйида оёқларини уқалаб ўтирганда қаердандир бир хотин киши пайдо бўлибди. Ўёшгина, қош-кўзлари қоп-кора, соchlари узун, жуда нозапин ва гўзал экан. Унинг қўлидаги кўзаси сувга келганидан далолат бераркан. Аёл чашма лабига яқинлашгач, Эргашга кўзи тушиб, тўхтаб қолибди. У бошидаги рўмолини тушириб, бир учини тишлаган ҳолда юзини беркитибди, рўмол остидан кўз қири билан Эргашга ҳадикесираб тез-тез қарай берибди.

Аёлнинг қўрқиб-уялаётганини сезган Эргаш ундан кўзини узиб, ўзини деч нарсани кўрмаганликка солиб, оёгини уқалай бошлабди.

Аёл Эргашнинг одоб ва назокатидан дадилланиб, чашма олдига келибди, кўзасини ерга қўйиб, Эргашдан:

— Бу атрофда босмачи кўрмадингизми, амаки? — деб сўрабди.

— Якин ўртада кўрмадим, аммо район марказини босиб олишди,— деб жавоб берибди Эргаш.

— Худо кўтарсан уларни, уйлари қуйсин, халқни хонавайрон қилдилар,— дебди аёл ва булоқ бўйига тушиб, кўзасини тўлдириб, ҳовучида сув олиб ичибди.

— Сизларнинг қишлоғингизда босмачилар нима қилдилар? — деб сўрабди Эргаш аёлдан.

Аёл сувга тўлдирилган кўзасини бир чеккага қўйибди-да, ўнгланиб олиб, жавоб берибди.

— Мол-ашёларни, қорамолларни тортиб олиб кетдилар, хотин-қизларнинг номусини булғадилар. Қаршилик кўрсатгани учун икки кишини ўлдирдилар, уч эркакнинг қўл-оёгини боғлаб қўрбошига олиб кетдилар. Қолган эркаклар тоқقا қочиб кетишиди.

У сўзини шартта кесиб, кўзасини елкасига қўйибди-да:

— Кечадан бери болаларим ташна, томоқлари қақраб кетганига раҳмим келиб, кўрқа-писа сувга чиқдим,— дебди.

— Бирон эркак кишининг изўқмиди, шундай қўрқинчли кунда ўзингиз сувга чиқибсиз? — сўрабди Эргаш.

— Эрим бор. У болаларим билан мени бир форга яшириб, ўзи тоқقا қочди. Бир эчки билан бир қўйимиз бор эди, уни ҳам босмачилардан олиб қочиб кетди.— дебди-да, жарлик четига — катта йўлга чиқибди.

Худди шу пайт узоқда бир отлиқ кўринибди. Ўрта ёшлардаги бу одамнинг қорни ниҳоятда катта экан, унинг белида қиличи, орқасида милтиги бор экан. Пешанасини рўмолча билан тангиб олгани босмачилигидан далолат бериб тураркан.

Аёл отлиқни кўрибди-ю, қадамини тезлатибди. Аммо босмачи отига бир-икки қамчи босиб, унга етибди-да:

— Тўхта! — деб буйруқ берибди.

Аёл қўлидаги кўзани ерга улоқтириб, чакалакзорга қочибди. Босмачи отдан тушиб, отини бир шохга боғлабди-да, аёлнинг орқасидан қувиб кетибди.

Аёл буталар ва чакалаклар орасида шамолдек учиб, юзи, боши, оёқ-кўлларининг тилиниши ва кийимларининг йиртилишига

қарамай, югурибди. Семиз босмачи эса тез югурлмас, тиканли дарахтлар орасидан тез ўтолмас экан.

Босмачи қарасаки, унга етолмайди, хотин билан ўзи орасидаги масофа борган сари узоқлашмоқда. У милтигини қўлга олиб:

— Тўхта! Йўқса отаман! — деб қичқирибди.

Буни эшитган аёл қадамини яна тезлатибди. Босмачи ҳавога қараб ўқ узибди. Милтиқ овозини эшитган аёл ўқ едим, деб ўйлаб фарёд чекибди-да, ерга юзтубан ийқилибди. Босмачи ўлжасини қўлга киритиш умидида бамайлихотирлик билан унга қараб бораөверибди.

Булоқ лабидан йўл четига чиқиб, буни томоша қиласётган Эргашнинг ғазаби қайнаб кетибди. Аммо босмачи билан олишиб, аёлни халос этиш учун қўлида ҳеч қанақа қуроли йўқ экан. Лекин ҳадемай аёл чиябўри чангалига тушган товуқдек босмачи чангалига тушажагини сезган Эргаш ғазабланган шер сингари тишини ғижирлатибди. Лекин унда бўрини — босмачини ғажиб ташловчи чангаль йўқ экан.

Шу пайт Эргашнинг эсига бир фикр келибди: бу фикрнинг пайдо бўлиши билан унинг ғазаб алансасида ёнаётган кўзлари чараклаб кетиб, лабида табассум пайдо бўлибди. У ўз-ўзига:

— Бир ўқ билан икки қарғани уриш қандай яхши,— деб от томон югурибди-да, дарахт шохидан ечиб олиб, устига миниб бақирибди:

— Ҳой, бўри, билиб қўй, отингдан ажралдинг,— деб от биқининг ниқтаб йўлга тушибди.

Босмачи Эргашнинг овозини эшитиб, орқасига қайрилиб қараса, ҳақиқатан ҳам отини бирор олиб қочиб кетяпти. У аёлни ўз ҳолига қўйиб, йўлга қараб югурибди. Аммо у то ўзининг семиз гавдасини тиканли дарахтлар орасидан олиб чиққунча Эргаш анча узоқлашиб кетибди.

— Тўхта! Йўқса отиб ташлайман! — дея бақирибди босмачи. Бунга жавобан Эргаш от биқининг яна бир-икки ниқтабди, от аввалгидан ҳам илдамроқ чопа кетибди. Босмачи бирин-кетин ўқ узса, от милтиқ товушидан чўчиб, тобора тезроқ югурибди...

Ўқ ета олмайдиган масофани босиб ўтгач, Эргаш бир баландликка чиқиб, отни тўхтатиб, орқасига қарабди. Босмачи отини сақлаб қолиш умидида ўқ отаверибди, хотин эса чакалакзорлардан чиқиб, тоғ этагига қараб югурибди. Эргаш аёлнинг тог этагига етиб, бир туйнукка кириб кетганини кўргандан сўнг отни ўз қишлоғи томон буриб чоптириб кетибди...

У қишлоқни ҳар томондан босмачилар ўраб олган ҳолда кўрибди. Қишлоқнинг фақат қамишзор кўл томони очиқ экан, у отни қўйиб юбориб, қамиш ичига кириб кетибди, у ердан заҳкаш ичига тушиб, тепачага — Рўзимуроднинг олдига етиб борибди.

V

Эргаш қурол сўраб ревком раиси билан учрашганини, ревком рансиининг жавобини ва район марказида ҳамда йўлда рўй бер-

ган воқеалар ҳақидағи ҳикоясини энді тамомлаган әдікі, бир киши захкашдан чиқиб, Рўзимуроднинг олдига югуриб келди. У келтирган хабар Эргаш ҳикоя қилган хабардан ҳам машъумроқ, кишини ғазаблантирадиган эди.

Унинг айтишича, Бухоро Ҳалқ Шўролар ҳукуматининг мухтор вакили Шарқий Бухорода Совет ҳукуматига қарши исён кўтарибди. У ўз қўлидаги ҳамма қуроллар, тилла танга ва ҳукуматнинг бошқа нарсаларини босмачиларга топширибди, ўзига содик одамлар билан бирга Анварпошто ва Иброҳимбекка қўшилиб кетибди.

Бу хабардан ғазабланган Рўзимурод ўзига-ўзи:

— Мухтор вакил ким? — деб савол берди.

Бир оз жим тургач, ўз саволига ўзи жавоб бермоқчи бўлиб:

«Мухтор вакил ҳийла-найранг билан Бухоро Ҳалқ Шўролар ҳукуматини қўлга киритган, Бухоро жадидларининг бошлиғи бўлган бир миллионернинг тоғаваччаси. Демак, бу сотқин шарқий Бухорога босмачиликни ташкил этиш ва кучайтириш учун мухтор вакил бўлиб келган экан», — деди.

Рўзимурод бир оз сукут қилгандан сўнг гапни ревком раисига буриб, ўз-ўзига:

«Районнимиз ревкомнинг раиси ҳам Бухоро бойваччаларидан бири эди, ўша хоинларнинг ювиндихўр ити ва фармонбардорларидан», — деди.

Рўзимурод хоинларнинг қисқача, лекин тўла таржимаи ҳолини баён этгач, муштларини тугиб, газабдан камондек тортилган қўлларини икки томонга ёзиб, ўз-ўзича гаплашишини давом эттирди.

«Бу хоинлардан бундан бошқа нарсани кутиши мумкин эмас эди. Агар бўрининг қўй билан, чиябўрининг товуқ билан, қалхатнинг капитар билан дўст бўлиши мумкин бўлганда эди, уларнинг Совет ҳукумати билан дўст бўлиши мумкин эди. Афсуски, ҳаётда ҳали бунақа дўстлик учратилмаган».

Рўзимурод гапини тўхтатиб, ҳалққа мурожаат қилди:

— Ўртоқлар! Бизнинг олдимиздаги асосий вазифа бу хоинларнинг ёрдамидан умидни узиб, Ленин партиясига, большевиклар партиясиага, Совет ҳукуматига ва улуғ рус ҳалқи пролетарларига суюниб туриб, ҳалқ душманларига, босмачилар ва уларнинг суюнчиқларига қарши жанг қилишдан, қурол тополмасак, тиш-тироғимиз билан бўлса ҳам курашишдан иборат. Агар биз шу йўлда ҳалок бўлсак, улуғ рус ҳалқи пролетарларининг ёрдами билан фарзандларимиз, ишчи-дехқонларимиз мақсадларига етадилар. Ўртоқлар! Танангида жонингиз бор экан, олга!

— Курашамиз! Сўнгги томчи қонимиз қолгунча жанг қиламиз. Қурол тополмасак, тиш-тироғларимиз билан ҳам урушамиз! — деб жавоб берди қўичиплик бир овоздан.

Рўзимурод халқ ёрдамига суюниб аввалдагидан ҳам гайрат ва шижаот билан мудофаа ишларига кириши...

* * *

Қуролнинг етишмаслиги, ўқ-дорининг камлиги натижасида мудофаачиларнинг аҳволи оғирлашди, босмачилар окопларни ҳар томондан ўраб олиб, ёмғирдек ўқ ёғдирар эдилар. Аммо окопдагилар юз ўққа бир ўқ билан жавоб берар, у ҳам бўлса, босмачилардан биронтаси окопга тушмоқчи бўлганда отардилар. Шу пайтда босмачиларга янги қучлар келиб қўшилди, қуроллар етиб келди. Натижада Рўзимуроднинг отряди ночор аҳволда қолди.

Мудофаачиларнинг ўқи тугади. Энди Рўзимурод айтганидек, тиш-тирноқ билан жанг қилишга тўғри келди: улар окопларга бостириб кирган босмачиларни бел ва милтиқ қўндоғи билан калтаклар, милтиқсизлар эса қўлга тушган босмачини бўғиб, дуч келган ерини тишлар, мушлашардилар. Бора-бора Рўзимуроднинг одамлари камайиб, саноқли кишиларгина қолди. У янада гайрат ва шижаот билан жанг қиласарди. Қўшини окопда танҳо қолган Эргаш бедандон хандақ ичидан эмаклаб, Рўзимуроднинг олдига келди. Унинг келиши, бир томондан Рўзимуроднинг руҳини кўтариб юборган бўлса, иккинчи томондан, унинг қучига яна икки жанговор қўл қўшди. Рўзимурод билан Эргаш бедандон шердек жанг қиласардилар, окопга яқинлашган босмачи омон қолмасди.

Шу пайт босмачилар бошлиғи окопга яқинлашиб қелиб, ўз йигитларига:

— Қолганларни тириқ қўлга туширинглар! Улоқ чопамиз,— деб фармойиш берди.

Бу буйруқни эшитган босмачилар ўқ отишни тўхтатиб, тўрт томондан Рўзимурод билан Эргаш бедандон устига ёпирилдилар, лекин Рўзимурод: «Большевик душман қўлига тириқ тушмайди!» — деб Эргаш билан орқама-орқа туриб, окопга кирган босмачиларни бирма-бир калла қилиб урас, ўлдирав, ўлимтиқни олдиндан улоқтириб ташлаган шердек уларнинг ўлигини окопдан ташқарига иргитар эди.

Босмачилар кўрдики, уларни тириқ қўлга тушириш мумкин эмас. Шунинг учун ҳар томондан ўқ ёғдира бошладилар. Аввал Эргаш кўкрагидан ўқ еб йиқилди. Ёлғиз қолган Рўзимурод бир неча жойидан ўқ еб, кучсизланиб қолган бўлса-да, окопнинг деворига суюниб тик туар, баданидан тирқираб чиқсан қон кийимини лоларанг қилганди. Бошига урилган қилич зарбидан у ҳам ерга йиқилди, босмачилар унинг ерда ётган мурдасини ҳамон ўққа тутар эдилар. Рўзимуроднинг бадани галвир каби илма-тешик бўлгандан сўнггина босмачилар уни ўз ҳолига қўйиб, нимжон қолган ҳамма мудофаачиларнинг баданини ҳам тўрдек тешиб ташладилар.

Вақтингча ғалаба қозонган босмачилар бу зафардан маст-аласт бўлдилар: ҳимоясиз қолган қишлоққа ёнирилиб ҳужум қилдилар. Қишлоқдаги жонли ва жонсиз молларни таладилар, жангда қатнаша олмай, уйда қолган қарияларни, хотин-халажларни, беморлар ва болаларни қишлоқдан ҳайдаб чиқиб, бир майдонга тўплаб, уларга қоровул қўйдилар-да, кимсасиз, мол-мулксиз қолган қишлоққа ўт қўйдилар. Бу шундай бир ваҳшиёна зулм бўлдики, ёнгин алангаси мазлум халқ оҳ-фигонининг дуди билан қўшилиб, фалакка кўтарилди.

Нихоят, тинчиган босмачилар асириларга ёпишдилар: чиройли хотин-қизларни бир чеккага ажратиб қўйдилар; қариялар, камипирлар ва ўзларига керак бўлмаган аёлларни жарлиқка тушириб, отиб ташладилар. Баъзиларни тирик эчкидек бирма-бир улоқ чопиш учун тела олдига ҳайдаб бордилар.

Босмачилар улоқ чопишни энди бошлаб, бир одамни торт-торт қилаётгандан узоқдан бир тўда отлиқ кўринди. Босмачилар отлиқларни ўз одамлари фаҳмлаб, уларга ўз ғалабаларини намойиш қилиш мақсадида «улоқ чопишни» завқ-шавқ билан давом эттиравердилар.

Улар нимжон асири тепасига отда тўпланиб, бири оёғидан, бошқаси қўлидан, учинчиси бўйнидан, тўртинчиси белидан ушлаб, ҳар бири ўзига тортар, четроқда қолганлар эса отларига қамчи босиб асири устига етиб бориб, бирон жойидан ушлаб тортишга ҳаракат қиласди: ҳар бири ҳам асири жасадини ўртадан олиб чиқиб, янги келаётган босмачилар олдига пояндоз қилишга интиларди.

Лекин асири бошига олақарғадек тўплаинган босмачиларни пулемётнинг «та-та-та»лаган овози тарқатиб юборди. Пулемётдан ёмғирдек ёғилаётган ўқ босмачиларни тутдек тўкар эди.

Босмачилар келаётган отлиқлар ўз одамлари эмаслигини билдилар, лекин вақт ўтган эди: улар тўрт томондан ўраб олинган, ҳар томондан пулемёт ва милтиқ ўқи ёғиб турарди.

Тирик қолган босмачилар отларидан тушиб, Рўзимуроддинг буйруғи билан тепалиқда қаздирилган окопларга бекиндилар. Улар қўлларидағи милтиқларни олиб, душманларининг окопларга яқинлашувини кутиб турди...

Лекин улар окопларга яқинлашмай, босмачиларга қараб гранаталар отдиilar: ер-кўкка кўтарилиган чапг-тўзон ичиди босмачиларининг парчаланган гавдалари кўринди.

Бир соатли жанг натижасида кўп босмачилар ўз қилмишларига яраша жазоларини тортдилар. Кочиб қутулиб қолиш улардан жуда камдан-кам кишига насиб бўлди.

Бу отряд чегарачилар, комсомол ташкилоти аъзоларидан иборат отряд эди. Улар қишлоқнинг босмачилар ҳужумига гирифт-тор бўлганини эшитгач, чегарачилар раҳбари ва комсомол ташкилотининг рухсати билан кўнгилли равишда Семён Семёнович

деган бир комсомол раҳбарлигига қишлоқ аҳолисига ёрдам бериш учун отланган эканлар.

Кўнгилли комсомоллар босмачиларни тор-мор қилгандан сўнг, ярадорлар ва беморларни чегарачилар касалхонасига юбордилар, соғ-саломат қолган хотин-қизлар учун чегара яқинида артель ташкил қилиб, уларни шу ерга жойлаштиридилар: қариялар ва оёқдан қолганлар учун эса ётоқхона қуриб, уларни овқат ва кийим билан таъминладилар. Ёш болалар учун чегарачи комсомоллар оталигига етимхона ташкил этилди. Болалар шу ерда тарбияланана бошладилар.

Рўзимуроднинг ўғли — Қурбон (ҳикоямизнинг қаҳрамони Етим Мурод ўғли уни «Қурбон ака» деб атар эди) ҳам ўша куни комсомолнинг ёрдами туфайли босмачилардан халос бўлиб, бошқа болалар қаторида етимхонага келтирилган эди. Етим Мурод ҳам ана шу етимхонага жойлаштирилди.

VI

Бу болалар уйи интернационал етимхона эди: унда тоҷик, туркман, ўзбек, қозоқ каби маҳаллий миллатларнинг болалари, шунингдек рус, украин, поляк, латиш каби европалик болалар ҳам тарбияланардилар. Лекин тарбияланувчиларнинг кўпчилиги маҳаллий миллат фарзандлари бўлиб, аксариятни ота-онасини босмачилар ўлдирган болалар ташкил қиласкан.

Маҳаллий миллат болаларидан Норбибиш исмли қизча Етим билан жуда дўст бўлиб қолди. У Етим билан тенгдош бўлса ҳам, бўйи уникуидан пастроқ, қомати нозикроқ эди. Унинг калта қилиб қирқилган қўнгироқ сочи, ширмондай юмалоқ юзлари, чаросдай чаракләгган қоп-қора кўзлари ҳар қандай одамнинг ҳам диққатини ўзига жалб этарди. Бурни ва пешанасидаги икки-уч доғ қизнинг ҳусн-латофатига заррача таъсири этмас, балки ялтираб турган бир парча олтинга ўйиб қўйилган нокдек уни янада гўзалроқ, янада ҳусндорроқ қилиб кўрсатарди.

Норбибиш чехрасининг ўзига хос ҳусусиятларидан янабири шу эдикни, унинг бўйнида кулранг товланиб турган чизиқча бор эди. Бу доғ — чизиқ унинг оқ бўйнида, қўнгироқ сочлари остида бўлганлиги учун ҳар кимнинг назарига тушавермас, бирорнинг қўзи тушганда ҳам ҳуснидаги бир инжудек туюларди. Зоро, бу чизиқча қизнинг оппоқ бўйнида худди қумуш тахтачага ёзилган савод жадвалини эслатарди. Бу қизчани етимхонада каттадан-кичиккacha, тарбиясидан тортиб оддий ходимларгача ҳамма суръ, ҳурмат қиласар, ўйин-кулги вақтида ҳам, овқатланиши пайтида ҳам ҳамма уни эъзоз-эҳтиром қиласкан.

Ҳамманинг қизни бу қадар яхши қўришига сабаб унинг ҳусн-латофати бўлмай, бу меҳр-муҳаббат унинг саргузашти туфайли эди Норбибишининг саргузашти шу даража фожиалики, эшитган одам ўзини йигидан тўхтатолмайди. Қизчанинг камганлиги, маъюс ва ҳазин юришининг боиси ҳам ана шу аччиқ саргузаштдан бўлса керак. Етимхонадагилар бу саргузаштини унинг тутинган

онаси — рус хотиндан эшитган эдилар. Қейинчалик у оғиздан оғизга кўчиб, ҳаммага маълум бўлиб кетганди.

Норбиши ҳаммадан кўра Етим билан иноқ эди. Улар яшайдиган хоналар бўлак-бўлак бўлса ҳам қизча қўпинча Етим билан ўйнарди, овқатланишда ҳам унинг ёнида ўтирас, экспурсияларда ҳам Етим билан ёнма-ён юради. У етимхонага Етимдан бир неча йил бурун келганлиги учун хат-саводи чиқиб қолган эди.

Шунинг учун ҳам у хат-савод чиқаришда Етимга ёрдам берарди. Етим дарсдан чиққач, Норбишининг ёнига югуриб борар, тушунмай қолганларини ундан сўраб билиб оларди.

Етимнинг саргузашти Норбишига жуда таъсир этган, уни Етимнинг ўз тилидан бирма-бир эшитиб, билиб олган эди. Етим онасидан қандай қилиб жудо бўлгани, онасининг ўз фарзандини нақадар севишини ҳикоя қилиб, оҳ тортганда, Норбиши:

— Афсуски, менинг онам йўқ, бўлса ҳам кимлигини билмайман,— деди.

— Отанг борми? — деб сўради ундан Етим.

— Отам ҳам йўқ, балки бордир, лекин кимлигини билмайман,— деди Норбиши.

Норбишидан эшитган бу бир-икки қалима Етимнинг қалбини эзиб ташлади, унинг бу ахволига чин кўнгилдан қуюниб, йиғлаб юборишига сал қолди. Аммо етимхонадаги шодликлари ва баҳтиёрликлари уни йиғидан тўхтатди. Бу баҳтиёрлик ва шодликлар Етим учун шундай бир нур эдики, ҳар қандай ғам-қулфат зулматини кўз ўнгидан йўқотарди. Лекин Етим Норбишининг саргузаштига қизиқиб, аста-секин сўраб, қизчанинг кечмиш-кечирмишларининг бир қисмини билиб олди. Етимнинг саргузаштидан қаттиқ таъсирланган Норбиши ҳам ўз бошидан ўтганиларни биринчи марта унга сўзлаб берди. Биз Норбиши Етимга айтиб берган ўзи ҳақидаги ҳикоясини қуида баён этамиз.

* * *

Бухоро — Термиз темир йўли Термиз станциясининг яқинида Иван Иванович Самарский деган бир рус қоровуллик қиласар эди. Унинг хотини, саккиз-ён яшар икки ўғли ва олти яшар қизчаси бор эди. Иваннинг тирикчилиги анча яхши эди. Унинг қоровулхона олдида боғчаси ҳам бўлиб, унга картошка, карам, бодринг, помидор каби сабзавот экинлари, маккажӯхори ва қунгабоқар сингари экинлар экар эди. Бундан ташқари, унинг серсут сигири бўлиб, сут-ёғ етиб-ортиб ётарди. Аммо Самарскийнинг тинч тирикчилиги узоқда чўзилмади, амирнинг 1918 йилги хуружи унинг оиласини барбод қилди. Чунки, биз юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, 1918 йилги Колесов воқеаси муносабати билан Бухоро амири ўз территориясидаги темир йўлларни батамом бузиб ташлади, қўлга тушган ишчиларни эса хотин-болалари билан бирга ўлдирди.

Ана шу фожиали қуилардан бирида амирнинг одамлари Иван Самарскийнинг қоровулхонасига бостириб кириб, қоровул-

хонага ўт қўйдилар, Иваннинг қўл-оёғини боғлаб, болалари билан бирга Термиздан узоқроқдаги бир станцияга олиб кетдилар. Амирнинг одамлари бошқа қоровулхоналардан ушлаб олган одамларни ҳам шу ерга олиб келиб, бир жойга тўплаган эдилар. Улар орасида руслар, тоҷиклар, ўзбеклар, татарлар, қозоқ ва туркманлар ҳам бор эди. Ҳар бир ишчининг хотин-болаларни ҳам бирга олиб келингган эди.

Амирининг одамлари темир йўлларни бузиб, рельсларни эгиб-букиб ташлаб, қоровулхоналар ва шпалларни ёқиб юборгандан кейин асиirlарни ўлдиришга киришдилар. Улар қўл-оёғи боғланган ишчилар ва уларнинг хотин-болаларини бир жойга тўплаб, қиличлар билан чопдилар, бўғизладилар, калтаклаб ўлдиридилар.

Ана шу бемаҳал ажалдан қутулиб қолганларнинг бири Иваннинг хотини Мария эди. У мана шу ваҳшиёна фожиа юз берган куни эрта тонгда сигирини қоровулхонадан узоқроққа ўтлатгани олиб кетганди. Амир одамларининг темир йўлни бузадётганлари ҳақидаги хабарни у пешинга яқин бир чўпон боладан әшитиб, сигирни далада қолдириб, қоровулхонага югурди. У ерда на қоровулхона, на уй қолганди, ҳаммаси ёндирилган, ҳамон тутаб ётарди.

Мария бу даҳшатли воқеадан шу дараҷада қўрқдики, телба бўлишига сал қолди. Лекин ўзини тутиб олиб, эри ва болаларини қидиришга тушди, улардан дарак топмади. Мария кул ва чўгларни титиб қўрди, лекин кўйдирилган одамнинг суюклари ҳам кўринмади.

Шундан сўнг у тутуни бурқсиг фалакка қўтарилаётган қўшни қоровулхонага қараб югурди. У бу ерда янада даҳшатлироқ манзарага дуч келди: ишчилар, ишчи хотин-қизлар ва болаларнинг ўликлари тўпланиб ётарди.

Мария ҳушидан кетиб йиқилди. Ҳушига келгач, мурдаларнинг ичига кириб, улар орасидан ўз эри ва болаларини ахтара бошлади. Шу пайт у даҳшатли манзарага дуч келди: қилич билан бурдалаб ташланган эри ва болаларининг жасадини қўрди. У яна ҳушидан кетиб йиқилди. Бир оздан сўнг ҳушига келиб, эри ва болаларининг жасадини мурдалар ичидан судраб чиқиб, уларни қўмиш чорасини қўрди. Болалар жасади орасидан бир қизча ҳам чиқиб қолди. Тахминан уч яшар бўлган бу қизчанинг бўйнига қилич урилган, тирқираб қон оқиб туради, лекин бола ҳали тирик эди, ҳушини йўқотган бўлса-да, тоғ-гоҳ қимирлаб қўярди.

Мария болаларининг жасади орасидан топилган бу қизчани ёдгорлик сифатида сақлаб қолишни эри ва болаларини қўмишдан ҳам зарурроқ деб билди.

«Улар ўлдилар, уларнинг ўлигини ҳозир кўмсан ҳам, бир кундан сўнг дағн әтсам ҳам барибир. Лекин тез чора кўрмасам бу бола ҳам ўлиб кетади», — деди Мария ўз-ўзига.

У ана шундай мулоҳазалар билан қизчани мурдалар орасидан чеккага олиб чиқиб, бошидаги рўмоли билан унинг ярасини боғлади. Қизни сақлаб қолиш учун уни бирон врач, ҳеч бўлмаса фельдшерга кўрсатмоқ керак эди. Врач ва фельшерни фақат

Термиздангина топиш мумкин эди. Лекин у ерда ахвол қандай эканлиги Мария учун қоронғи. «У ерда ҳам шу фожиа рўй бериб, ҳамма ўлдирилгандир. Врач ва фельдшерлар тирик қолганимкан?» — дер эди Мария ўз-ўзига.

Мария ҳайрон бўлиб қолди: у ердаги ҳақиқий ахволни билмай туриб бориш ўзим учун ҳам, тасодифан тирик қолган қизча учун ҳам хавфли, аммо боланинг жароҳатини дурустлоқ даволатиш учун уни қаерга олиб борсан экан? Шу пайт унинг хотирига бир киши келди. У қизчани кўтариб ўша кишининг қишлоғи томон югуради.

Бу қишлоқ темир йўл яқинида эди. У ерда бир хотин бўлиб, унинг эри ҳам Мариянинг эри сингари қоровуллик қиларди. Шу сабабдан Мария уницида кўп бўлган, унинг эри икки йил бурун ўлган бўлса ҳам у билан борди-кеидисини узмаганди.

У қизчани кўтариб, югурга-югурга етиб борди. Бу ерда хотин бир парча кигизни қуидириб, кулини қизчанинг ярасига босди, устидан латта билан боғлаб қўйди. Ундан сўнг атала пишириб, боланинг оғзиға қошиқ билан қўйди. Бола бирон соатлардан кейин қўзини очиб, тилга кирди:

— Ача! — деб маҳаллий тилда овоз чиқарди у. Шундан маълум бўлдики, у маҳаллий ишчилардан бирининг қизи экан.

Атрофида онасини топа олмаган қизча йиглай бошлади. Мария ва уй эгаси қанча ҳаракат қилсалар ҳам уни овута олмадилар. Лекин қизча кўп қон оқиши натижасида дармони қуригани учун бир оз йиглаб яна ҳушдан кетди. Йигининг зўридан бўйнидаги латта очилиб кетиб, яна қон оқа бошлади. Уй эгаси иккичи марта кигиз қуидириб босиб, боғлади ва болани ётқизиб қўйди. Бола жимгина ухлаб қолди.

* * *

Қизчани ухлатгач, уй эгаси Мариянинг илтимоси билан Термиздаги ахволни билмоқ учун қишлоққа чиқди. Бир неча дақиқадан сўнг хушхабар олиб келди.

Бир деҳқоннинг айтишича, Термиз станцияси соғ-саломат экан. Ўша куни у деҳқон Термизга тухум сотгани борган экан, амирнинг одамлари Термиз станциясига хужум қилибдилар. Лекин ишчиларнинг қуролли кучига бардош беролмай, жанг майдонида бир неча ўлик қолдириб, кочибдилар.

Мария бу хабарни аёлдан кун ботин олдида эшитгани учун ўша маҳалда йўлга чиқишни лозим топмади. У эри ва болаларининг гами билан ёниб, кечани тўлганини ўтказди ва тонг ёриши билан Термизга йўл олди.

Мария Термизга етиб борганда ишчилар қуролланган ҳолда амирнинг одамлари ўлдириб кетган ўликларни дағн этишга жўнаш олдида турган эдилар. Мария ҳам дағн маросимида қатнашди, бошқалар қатори унинг эри ва болалари ҳам дағн этилди.

Мария ишчилар ёрдамида Термизда уй топиб, ишга жойлашгач, қизни олиб келиш учун қишлоққа жўнади. Қизча батамом соғай-

маган бўлса ҳам тинч ётар, зўр иштаҳа билан овқат ер, аста-аста юар ва ҳатто ўйинқароқлик ҳам қиласади.

Кизча тамоман соғайиб, қувватга киргунча Мария қишлоқда қолди. Боланинг яраси битиб, латтасини ечиб ташлагандан сўнг уни Термизга олиб кетди. У Термизга кетиш олдидан уй эгасидан қизга бирон маҳаллий ном қўйишни сўради.

— Менинг бир қизим бор эди. Унинг бир юзида қизил доғи бўлгани учун отаси унга Норбишиш деб ном қўйганди. Аммо у отасидан олдин вафот этиб кетди. Мен бу болага ўша қизимниң ҳурмати учун Норбишиш деган ном қўяман,— деди у. Бу ном Марияга ҳам маъқул бўлди.

* * *

Бухоро — Термиз темир йўли ишга тушгунга қадар Мария Норбишишни тарбия қилди. Бухоро революциясидан — амир қочиб кетгандан сўнг у эрининг қоровулхонасида посбонлик қилди. Норбишиш саккиз ёшга кирганд пайтларда кимсасизлик, эри ва фарзандларининг доғи Марияни адойи тамом қилди. У Самара (хозирги Қўйшибес) даги қириндошларининг олдига кўчиб кетмоқчи бўлди. Аммо серқуёш ўлкага ўрганганд, маҳаллий миллатниң қизаси бўлмиш Норбишишни ўзи билан бирга олиб кетишни лозим тоғмади. Шунинг учун уни Амударё лабидаги застава комсомол ташкилотининг оталигига очилган етимхонага тошириб, ўзи сафарга жўнади.

Норбишишнинг бўйнидаги қорамтири чизиқча уч яшарлигида қилич билан чопилган жойига босилган кигиз куясининг доғи эди.

VII

Етим Мурод етимхонада тўрт йил тарбияланди, хат-саводини чиқарди, етти йиллик мактаб ҳажмида билим ҳам олди. У қундаклик дарслардан сўнг мустақил ўқиб, илм эгаллашга интиларди. Еши улуғроқ бўлгани учун ортиқча дарс унинг саломатлигига таъсир этмасди.

Хат-савод чиқариш, дарс тайёрлаш ва программадан ташқари ўқиш пайтларида унга Норбишиш ёрдам берган бўлса ҳам, маълумоти ошган сари унга сабоқ берувчилар ҳам кўпайди: Қурбон унга ёрдам берар, қурбонларни босмачилар чангалидан қутқарган комсомоллар кўнгилли отрядининг бошлиғи ҳам ундан ўз ёрдамини аямасди.

Семён Семёнович партия аъзоси бўлиб, чегарачилар комсомол ташкилотига раҳбарлик қиласади. У комсомол ташкилоти оталик қиласидаги етимхонадаги болаларни интернационализм, большевизм руҳида тарбиялаб, комсомол сафиға қабул қиласади.

Саргишдан келган, кўк кўз, юзлари сепкилли бу йигит жуда мулойим, хушмуомала эди, лекин ҳар доим жиддий ва қатъий гапиради. Семён ҳаммавақт умум иши билан банд бўлар, шахсий

ишини ҳам умум ишига мослаб олиб борарди. У ҳар бир ёш йигитни коммунистларнинг содик ёрдамчиси қилиб етиширишга итиларди.

Тенгқурлари ҳам, ўзидан катталар ҳам, ҳатто болалар ҳам Семён Семёновични Сеня деб атардилар. Маҳаллий кишилар эса бу сўзни «сийна» деб тушуниб: «Ҳақиқатан ҳам бу йигит инсоннинг сийнасига ўхшайди, унинг кўксидаги юрак билан бир қаторда эмчаги ҳам бор, у гўдакларни эмизиб, вояга етказди», — дейишарди.

Етим Мурод умумий маълумот ва сиёсий тарбияни кўпинча ана шу Сенядан олди. У Етимни комсомолга киришга муносиб қилиб тарбиялади.

* * *

Етим Мурод ўқиши ва сиёсий онгини ошириш билан бирга физкультура ва спорт билан ҳам шуғулланди. Қайиқ хайдаш ва гупсарда сузишни аллақачонлар ўрганиб олган Етим машқни янада давом эттириб, сув ости ва устида балиқ сингари бемалол сузадиган бўлди. Энди у гупсар ва қайиқдагина эмас, Амудек тезоқар дарёда ўзи эркин сузар, сув оқимиға қарши сузар, ҳатто моҳир гаввос-водолазлар сингари ана шу тезоқар сув остига шўнгигиб, бир неча минут туради, ҳар томонга ҳаракат қиласи, умуман, сузишда камолотга етганди.

Етим Мурод сузишдан ташқари, жанг машқни билан ҳам машғул бўлди. Милтиқ отиш, от миниш, қиличбозлик ва граната отишни ҳам машқ қилди.

Жанг машқларида Етимга Юрий Сенчиков номли йигит ёрдам берарди. Юрий Сенчиков отлиқлар полкнинг кичик командири бўлиб, шу полк комсомол ташкилотининг секретари ҳам эди. Сенчиковнинг табиати жасоратлилик, қаҳрамонлик, социалистик Ватанга муҳаббат, кишиларга самимият ва меҳрибонлик билан тўлиботшганди. Ватан ва социалистик тузум мудофааси учун курашган ҳар бир кишининг ҳаётини сақлаб қолиш учун ўз жонини фидо қилишни Сенчиков ўзининг асосий бурчи деб ҳисобларди. Сенчиков катта ёшдаги болаларни йиғиб, жанг машқи ўтказар, ўзининг энт яхши ҳислатларини уларда ҳам шакллантиришга ҳаракат қиласи.

Босмачиларга қарши жангларда Юрий Сенчиков ҳамиша олдинда борар, тинч вақтларда эса доим чегарачилар орасида бўлиб, амалий ишларда уларга ҳамроҳ бўларди. Катта ёшдаги болалар билан жанг машқларини ҳам ана шундай бўш вақтларда ўтказарди. Етим ҳарбий таълимни ҳам, амалий жанг машғулотларини ҳам ана шу кишидан ўрганди.

* * *

Етим ўн саккиз ёшида комсомол сафига кирди. У комсомолга қабул қилинган пайтларда ҳам чегарачилар комсомол ташкилотини ҳам ана шу кишидан ўрганди.

нинг секретари Семён Семёнович — Сеня эди. Етим Муроднинг комсомолга қабул қилиш ҳақидаги аризасини кўришгага бағишиланган чегарачилар комсомол ташкилотининг бюро мажлисида Сеня ундан:

— Комсомолга киришдан мақсадинг нима? — деб сўради.

— Комсомолга киришдан мақсадим социалистик қурилишда янада активроқ ишлаб, коммунизм сари олға қадам ташлашдан, коммунизм йўлига гов бўлаётган душманларга қарши курашиб, Ленин фарзанди бўлмоқ, коммунистларнинг содик ёрдамчиси бўлишга ҳаракат қилишдан иборат,— деди Етим Мурод ва яна давом этди:— Мен ҳаммадан олдин четарачи бўлиб етишиб, қўлимга курол олиб, чет эл жосусларига қарши, чет эл душманларимизнинг агенти бўлган босмачиларга қарши, уларнинг суюнчиqlарига қарши курашмоқни истайман.

Етимнинг биринчи галда чегарачи бўлиб, жосуслар ва босмачиларга қарши курашиш истагини билдириши тасодифий эмасди: ўша вақтларда мамлакат ичкарисида босмачиларнинг кучли шайкалари қолмаган бўлса ҳам, уларнинг майдада-чуйда гурухлари мавжуд бўлиб, улар қочиб кетган босмачилар, амир ва чет эл жосуслари билан алоқа боғлаб, Совет ҳокимияти ичida қўпорувчилик ҳаракатларини олиб бораардилар. Буларга қарши курашишда чегарачилар алоҳида роль ўйнарди. Шунинг учун ҳам Етим Мурод комсомол сафига кириб, чегарачи бўлди.

VIII

Чет элда қочиб юрган Иброҳимбек қўрбоши бошчилигидаги босмачилар 1931 йилнинг баҳор ойларида чегарамиздан яширинча ўтиб, Совет Тоҷикистони ерларида қўпорувчилик ишларини бошлиди. Улар қизил аскарларга ва партизанларга рўйирост қарши чиқа олмасалар-да, камбағал дехқонларни тутиб олиб ўлдирав, ҳимоясиз хотин-қизларга ваҳшийларча ёпирилар, колхоз омборлари ва кооперативларнинг дўконларини талон-тарож қилиб, қоровулларни ўлдирадилар.

Аммо ҳамма меҳнаткашлар бек бошчилигидаги босмачиларга қарши қўзғалгандилар: Тоҷикистоннинг турли районларида, Ўзбекистоннинг чегарага яқин районларида меҳнаткаш дехқонлар ва колхозчилар қизил таёқчи отрядлари ташкил этиб, Иброҳимбекни ахтарардилар, тирик қўлга туширишга нитилар эдилар. Лекин Иброҳимбек илон ва чаёндек ғор ва қавакларда, харсанг тошлар орасида яширинар, тог чўққиларига қочар эди.

Совет мамлакати территориясида Иброҳимбекнинг ҳеч қандай суняничиги қолмаганди, аммо унинг чет элдаги хўжайинлари контрабандистлик йўли билан унга қурол ва куч юбориб турардилар. Шунинг учун ҳам ана шу йиллари чегарачиларнинг иши жуда қўпайиб, масъулияти ошган эди. Улар доим уйқуни тарқ этиб, соқчилик қилас — чегарани қўриқлардилар.

Шу жумладан Етим Мурод, Қурбон, Никитин, чегарачиликка янги келган Наврӯзлар ҳам Семёнович (Сеня) раҳбарлигида

кечаю кундуз ухламай, қамишэордан қамишзорга, ботқақликдан ботқоқликка ўтиб юрар, контрабандистларни ушлар, чегарага яқинлашган босмачи шайкалари билан жанг қилардилар.

Юрий Сенчиков эса гоҳ районларга чиқиб босмачиларга қарши жанг қилар, гоҳ эса чегарага қайтиб Етим ва Сеняларга ёрдамлашарди. Социалистик Ватанини мудофаа қилиш учун қаерда кураш бўлса, у ўша ерда тайёр эди.

* * *

Кейинги вақтларда Семён Семёнович отрядида бир қиз ҳам пайдо бўлиб қолди. Бу қиз энди ўн еттига тўлган бўлса ҳам гайратшижоат ва жасоратда йигирма беш яшар йигитлардан қолишмасди. Тўладан келган, ўрта бўйли бу қизнинг кўзлари каттакатта, юzlари оппоқ ва лўпигина, соchlари қўнғироқ эди. Унинг хурморанг қўнғироқ соchlари қоп-қора қайрилма қошлари устига тушиб, ажаб бир латофат кашф этган эдики, ҳар қандай кишини мафтун этарди.

Шу сабабдан ҳам отрядда у билан гаплашиб шўхлик қилишни хоҳламайдиган одам йўқ эди. Лекин у шўхликдан ҳам, ўйиндан ҳам ўзини тортиб юрар, негадир руҳида доим ғам изи сезилар эдики, биз бундай ҳолатни совет ёшлирининг ҳеч бирида кўрмагандик. Ўтоқлари ҳаммавақт уни хурсанд қилишга уринардилар, ундан ғамгинликни сал бўлса ҳам четлатиши мақсадида дам олиш вақтларида турли хил ўйинлар ташкил этар, қизиқ-қизиқ ҳикоялар айтардилар. Лекин у буларга ҳеч эътибор бермас, хушсиз одамлардек ҳар қандай гапга ҳам бепарволовча қаради. Аммо чегарачиликка оид бирон иш чиқиб қолса, ҳаммадан олдин майдонга тушар ва энг хавфли жойларда ҳаракат этарди. Ҳатто баъзан у бундай вақтларда командирнинг буйргуни кутиб ҳам ўтирасди. У командирнинг рухсатисиз иш тутгани учун бир неча бор огоҳлантирилган, ҳарбий жазо олган бўлса ҳам бирон ҳодиса рўй бергудек бўлса, рухсат ва буйруқни унубиб, отилиб олга ташланарди.

Бу қиз 1932 йилнинг 15 апрелида ўқиётган мактабини ташлаб, ҳеч кимдан рухсатсиз Тошкентдан чегарага келиб, чегарачилик ишига кирганди. Унинг мактабни ташлаб кетиш воқеаси қўйидагича бўлганди:

Тошкент таълим-тарбия техникумининг ўқувчилари кундуз соат ўн иккода йигирма минутлик танаффусга чиқдилар. Улар тезроқ чой ичиб олиш мақсадида буфет томон югуришди. Шу пайтда мактаб коридорига почтальон кириб келди. Узоқ жойлардан келган ва ота-оналарининг мактубига кўз тутиб юрган бир гурух ўқувчилар буфет олдини бўшатиб, почтальонга қараб югурдилар. Ўқувчилар почтальонни хатларнинг адресларини ўқиб, эгаларига тарқатишига ҳам сабр қилмай, уни ўраб олдилар ва: «Менга хат борми? Бугун ҳам менга хат олиб қелмадингизми? Кўпдан бери уйдан хат олмадим...» — деб бошини гантитиб юбордилар.

Улар орасида фақат бир қизча индамай турар, нима ҳақдадир ўйлаётгандек, хомуш кўринар эди.

Почтальон бир конвертга қараб туриб:

— Наташа Сенчикова ким? — деди.

— Мен,— деб қизча почтальонга яқинлашди ва унга қўл чўзди. Қизчанинг бақувват қўллари қалтиради. Бу қалтираш конвертга кўз ташлагунча давом этди. Конвертнинг адресини ўқигандан сўнг аъзойи бадани титроқдан тўхтади, лаблари гунчадек очилиб кетди. У кўнгли бир оз таскин топгач:

— Хайрият, саломат экан, ўзининг хати,— деб бир чеккага бориб, хатни ўқиш учун скамейкага ўтириди.

Конвертта кўп бурчакли печат босилган, у маркасиз — бепул келибди. Қизча конвертдаги адресни яна бир марта ўқиб чиққач, бир четини йиртиб, хатни олди. Хат бир парча блокнот варагига қалам билан шошилинч ва оғир пайтда ёзилган бўлиб, зўрга ўқиларди. Бу ҳолни кўрган қизча яна хавотирланиб, мактубнинг охирига кўз ташлади ва ўзига-ўзи: «Ўзининг имзоси», — деди-да, хатни ўқишга киришди. Хат рус тилида ёзилган эди, биз унинг мазмунини нақл қиласиз:

«Азизим Наташа!

Мен биламан, сен бу хатни ўқигач, жуда оғир ғам-ғуссага дучор бўласан. Лекин мен, сен ҳар қандай ғамни ҳам большевик-часига енгиб, чидамли бўласан, деб ишонаман.

Мен бу хатни атрофимни бир тўда бўрилар — босмачилар ўраб олган бир шаронтда ёзяйман. Бир неча минутлик умрим қолди. Мен ўз взводимни кутқариб қолиш учун жонимни фидо қилдим. Чунки улар саломат қолсалар, умрларининг охиригача Ватанимиз мудофааси ва социалистик қурниш йўлида фидокорона хизмат қиладилар. Менинг қурбон бўлишим билан Ватанимиз мудофаачилари ва социализм қурувчилар бир кишидангина жудо бўладилар, холос. Яшасин Социалистик Ватанимиз! Яшасин большевиклар партияси! Яшасин Ленин партиясининг содиқ ёрдамчилари — Ленин комсомоли!

Азизим Наташа! Сендан яна ўтиниб сўрайман, матонатли, чидамли бўл! Бу хабарни онамга етказма, менинг номимдан сохта хатлар ёзиб, унга тасалли бериб юр.

Салом билан ва видолашиб, сени жондан азиз кўрадиган аканг Юрий, Ниёзбулоқ 8/IV—31».

Мактубни ўқигандан сўнг Наташа ўтирган жойидан қимиirlай олмай қолди, аъзойи бадани ҳаракат қиласас, кўз ўнги қоронгилашган, ҳеч нарсани кўрмасди. Лекин у ҳушини йўқотмаганди, ҳушидан кетганда, скамейкадан аганаб тушган бўларди. Аммо беҳушларча ҳеч парсага парво қиласас, залда нима юз бераётганини пайқамасди.

Наташа ўзига қелиб кўзини очса, залда ҳеч ким қолмабди, почтальон аллақаҷон кетиб қолибди. Ўқувчилар синфларига кириб кетиб, буфетнинг олди ҳам бўшаб қолган, демак дарс давом этяти.

У ўрнидан туриб, мактубни яна бир марта кўздан кечирди,

вужуди ларзага кирди. Лекин бу ларза қўрқоқлик оқибати бўлмай, ғазаб ва нафрат нишонаси эди. Қизнинг йигидан ёшга тўлган қўк қўзларида жангга шайлланган шернинг кўзидағидай ғазаб алангала нарди.

У азиз акаси Юрийни қўз олдига келтириб, унга: «Сен жонингни ўз ўринида фидо этибсан, офарин сенга, азиз ақажон! Лекин сен мактубингниг бир жойида... «Менинг қурбон бўлишим билан Ватанимиз мудофаачилари ва социализм қурувчилар бир кишидангина жудо бўладилар», деб хато қилибсан. Чунки сенинг Ватан мудофааси йўлида ҳалок бўлишинг юзлаб-минглаб йигитларни Ватан мудофааси йўлида сенинг ўрнингни тўлдирадиганларнинг биринчиси мен бўламан», — деди.

Наташа ана шундан сўнг мактаб директоридан рухсат сўраб ҳам, мактабдошлари билан хайрлашиб ҳам ўтирмай, мактаб ҳовлисидан чиқиб, тўғри вокзалга борди. У онасига: «Акам телефонда чақиргани учун тезда унинг олдига жўнаб кетдим. Сиз билан кўришиб, хайрлашишга ҳам вақтим бўлмади. Кечирасиз, ойижон, у ерга боргач, батафсил ёзаман», деб бир парча хат ёзиб яшикка ташлади, акаси жангда ҳалок бўлган чегарага жўнаб кетди.

IX

1931 йилнинг 9 апрелида Юрий Сенчиков босмачиларга қарши курашиш учун районга чиққан эди. Сенчиков взводи комсомоллардан иборат бўлиб, унинг ўзи отлиқлар полки комсомол ташкилотининг секретари эди.

Сенчиков Ниёзбулоқ қишлоғи (Тожикистоннинг Данғара райони) да босмачиларнинг катта бир гурӯҳи билан қўққисдан тўқнашиб қолди. Босмачиларнинг сони чегарачилардан қарийб йигирма баравар ортиқ эди. Сенчиков бирон қулай жойга ўринашиб олиб, босмачиларга қарши курашишга фурсат тополмади, шунинг учун ҳам у очиқ майдонда жанг қилишга мажбур бўлди.

Даставвал чегарачилар милтиқ ва пулемёт воситаси билан жанг қилган бўлсалар ҳам, босмачилар қизил аскарларнинг озлигидан фойдаланиб, уларга яқин келиб, аралашиб кетдилар. Қизгин жанг бўлди. Одатда бундай жангларда ўқ ўрнига милтиқнинг қўндоғи, сарнайзаси ва қилич иш беради. Сенчиков олдинги сафда туриб, ҳар бир ҳамлада бир босмачининг бошини танасидан жудо қиласди. У босмачилар билан яккана-якка курашишни давом эттириш билан бирга, жанг майдонини қулай жойга суриш ва у ерда жойлашиб олиб мардонавор курашишни мўлжалларди. Лекин соат сайнин босмачиларга янги-янги кучлар қўшилаверди, взводнинг аҳволи танглашиб борди.

Сенчиков жангда босмачиларни алдаб, ўз взводини тепаликка чиқазиб, ўринашиб олиб, жангни давом эттироқчи эди. Аммо бунга эриша олмади: босмачилар янги келган кучлар воситаси билан взводни халқадай ўраб олдилар. Энди взводни холос этиш умиди батамом йўқолди.

Взводни қутқаришни ўйлаётган Сенчиковнинг миясиға бир

фикр келди ва у заводга тепаликка чиқиш ҳақида буйруқ берди. Лекин тепага чиқиш йўли берк эди.

Буйруқ бергандан сўнг Сенчиков от чоптириб тепалик олдига борди. Кўпчилик кучларини тепаликка чиқадиган йўлни муҳофаза қилишга сафарбар этган босмачилар Сенчиковнинг жасоратига бардош бера олмадилар: у босмачилар сафини ёриб ўтиб, ўзини бир чеккага олди. Сенчиков орқасидан унинг отлиқлари ҳам чопиб келардилар, лекин у отлиқларини орқага қайтариб юбориб, ўзи олға чопди.

Босмачилар Сенчиковнинг қолганини кўриб унинг орқасидан қувиб кетдилар. Босмачилар яқинлашиб келганда у отини тўхтатиб, уларнинг йўлни тўсар, бир ҳамла қилиб, икки-уч босмачини қулатар, яна олға кетар эди. Босмачилар орқага қараб қочар, яна кўплашиб қувишга тушардилар. Босмачиларнинг катта тўдаси Сенчиковни қувиб кетгач, душман халқаси бўшашди, взвод уни ёриб ўтиб, тепаликка ўрнашиб олди ва командирнинг буйругини бажаришга киришди: босмачилар милтиқ ва пулемётдан ўқса тутилди. Тўпланиб ҳужумга ўтган босмачилар сочма милтиқдан отилган қаргалардек тўклилардилар. Натижада улар кўп қурбон бериб, қочишга мажбур бўлди. Взвод жангчилари уларни қувиб, яна бир неча кишини қулатдилар, ярадор қилдилар. Взвод босмачиларни тор-мор этиб, тепаликка тўпланганда, улар орқасида командир Сенчиков йўқ эди. Қун ботиб, тун ер юзига ўз пардасини ёпган эди... Қоронги кечада бутун взвод мурдаларни бирма-бир кўздан кечирди, лекин Сенчиковдан нишона тонилмади. Взвод жангчилари кечани шу тепаликда ўтказиб, эрта тонг билан яна ўз командирларини ахтаришга киришдилар. Улар жанг майдонидан бир километр наридаги бир жарлиқдан Сенчиковнинг ўлигини топдилар: улар ёнида айримлари тўппонча билан отилган, баъзиси қилич билан чопилган уч босмачининг жасади ётарди. Буларни Сенчиковнинг бир ўзи ўлим олдида ўлдирган экан. Жангчилар унинг мурдасини қўтариб гарнизонга йўл олдилар. Қийим-кечакларини йиғишитириш пайтида ёнидан бир мактуб чиқди.

Бу мактуб Юрийнинг синглиси Наташа Сенчиковани акаси ўрнига Ватан мудофааси учун отлантирган ўша мактуб эди.

X

1931 йилнинг июнь ойи. Қоронги тун. Мусаффо осмонда юлдузлар чақнар, уларнинг акси эса қўлнинг тип-тиниқ сувини ойдинлаштириб юборган эди. Дарё суви мавжланиб оқар, унинг тўлқинлари бир метр баландликдаги узун зинаюяларни эслатарди. Амунинг қизгиш, бўтана сувида юлдузларнинг акси кўринимаса-да, уларнинг акси ана шу қизгиш сув зинапоялари юзини сайқал берилган олтиндек ярақлатарди.

Аму билан кўл ўртасида катта қамишзор ястаниб ётарди. Кўм-кўк қамишзорнинг ханжарсимон зумрад барглари кўлнинг

тиниң суви ва дарёнинг зинапоялари ўртасида ажоийи бир дилрабо манзара ҳосил қылганди.

Етим, Қурбон, Никитин, Наврўз ва Наташалар Семён Семёнович бошчилигидаги шу участкани қўриқлардилар. Етим ва Наврўз бир жойда, Қурбон ва Никитин бошқа жойда, Наташанинг якка ўзи боиңа жойда туриб, ҳам дарё томонни, ҳам дала ва қамишзорни қўздан кечириб турардилар. Улар қўршапалакларни ҳам, сувдаги балиқларнинг сузишини ҳам, ер остидаги қуртларнинг гивирлапини ҳам, хуллас, ҳар ерни ва ҳар бир жондорнинг ҳаракатини ҳушёрлик билан синчилаб назардан ўтказар эдилар.

Сеня эса застава томонидан ўзига топширилган участкани ҳар соатда юз бор айланиб чиқар, ҳар сафар ўз одамларини ҳушёрликка ва ухлаб қолмасликка даъват этарди.

Етим билан наврўз қўриқлаётган жой қамишзорнинг шарқ томонида бўлиб, бу ердан ҳам кўлнинг бир томони, ҳам дарё қиргоқлари кўриниб турарди. Хуфтондан ошган маҳалда кўл четида Етимнинг кўзига бир нареса кўринди. У кўлнинг лаби билан қамишзорга қараб келарди.

Етим Наврўзни ҳушёр бўлишга даъват этиб, ўзи қамишлар орасидан кўл томонига эмаклаб кетди. У қамишзордан кўл лабига чиқиб боргунча ҳатиги қора кўлнинг қамишзорга туташган қирғогига этиб келиб, дарё сувлогидан пастга тушиб, қўздан гойиб бўлди. Энди Етим бу қоранинг одам эканлигини аниқ билди, унинг сувга тушиб ёки қамишзор ичига кириб қочиб кетишидан хавфсираб, ўридан турди-да, нишонга қараб учган ўқ каби сувлоқ томон югурди.

Етим сувлоққа этиб борганда, одам сув бўйида юз-қўлини ювмоқда эди. Етим унинг устига ташланди ва ўлжасини ушлаган лочиндек чақонлик билан унинг икки қўлини орқасига қайриб туриб:

— Кимсан? Бу ерда нима қилиб юрибсан? — деб сўради.

Фавқулодда қўлга тушганидан қўрқиб-қалтираб кетган бегона одам Етимнинг овозини эшитгач, тинчлангандай бўлди:

— Мен жосусман! Сенинг қўлинингга тушиши учун келдим,— деди кулиб.

Етимнинг қўллари бўшашиб кетди. У «ўлжаси» ни ўзига қаратиб ўриидан тургазди ва сувлоқдан олиб чиқиб:

— Бу шиниг хавфли! Кечаси бу ерга келиб, яхши иш қилмабсан,— деди.

Бу одам Норбиини бўлиб, Етимнинг охирги сўзига жавобан:

— Ўз дўстини бир ойдан бери кўрмай юрган одам ҳеч қандай хавфдан қўрқмайди,— деди.

— Агар кундузи келганингда деярли ҳеч қандай хавф бўлмасди. Чунки сени чегарачиларнинг қўпчилиги танийди. Кечаси чи? Кечаси жуда ҳам хавфли. Мен овозинигни эшитмаганимда ҳеч танимасдим, қувлаб етолмаганимда, қочиб кетяпти, деб отиб ташлашим ҳам мумкин эди.

— Бу қўллар ва улар тутган милтиқ мени отмайди,— деди Норбиин ва Етимнинг қўлларини силаб туриб давом этди:

Булар бизнинг социалистик Ватанимизнинг Эшонқўлбой ва Шоқул каби душманларини тутиш ва отиш учун берилган.

— Шундай экан, нега қундузи келмадинг? — сўради Етим.

— Имтиҳон пайти. Мен бу йил давлат имтиҳони тошириаман, техникумни тамомлашим керак,— деб жавоб берди Норбиши.

— Бу йил техникумни тутгатаман?! — ажаблангандай бўлди Етим.

— Бераҳм! — деди Норбиши Етимни силтаб, — бу йил техникумни тамомлашимни билмасмидинг? Биласан? Лекин атайлаб ўзингни билмасликка солаётирсан.

— Рости ни айтсам, билмасдим, — деди Етим қулги аралаш. Лекин гапнинг оҳангни ва қулгисидан билажаги сезилиб турарди. Шунинг учун у ўзининг бу очиқ ёлғончилигини бир оз хаспӯшлаш мақсадида давом этди: — Билардиму, лекин чегарарадаги ишнинг кўплиги ва бутун вужудим билан ишга берилиб кетганлигим сабабли хотиримдан кўтарилибди. Бўлмаса ўзимни атайлаб билмасликка солармидим? — деб яна қулди.

— Ёлгон, ўзингни жўрттага билмасликка солганлигинг сабабини айт! — деди Норбиши жиддийлик ва газабланган оҳангда.

— Нега ёлгон экан, билмасликка солишдан менга нима фойда? — деди Етим қулги аралаш.

— Техникумни тамомлагандан сўнг, деб берган ваъданг эсинингдан чиқиб, бирон кишига кўнгил бериб кўйгандирсан? Сенинг большевичка, комсомолча кўнглингга тасанно-е! — деди Норбиши.

Етим қулишдан тўхтаб, жиддий оҳангда:

— Қулоқ сол, Норбиши! Мен сенга берган ваъдамни эсдан чиқарганим йўқ. Лекин мен у вақтда сен техникумни тагатгунингча мен ҳам кўнглимга тугиб қўйган бир қанча ишларимни тутгатаман, сўнгра синовдан ўтиб, турмуш қурамиз, деб ўйлаган эдим. Аммо мен ҳисобдан адашибман, ҳали мақсадимга эришганим йўқ. Ўша ваъдамнинг муддатини бир оз чўзишни сендан ўтиниб сўрайман! — деди Етим ва қўллари Норбишининг қўлларида турган ҳолда гапини тўхтатиб, диққат билан дарё томонга тикилди ва давом этди:

— Мен ваъдамдан ҳам қайтмаганман, бирон кишига кўнгил ҳам бермаганман, кўнгил қўймоқчи эмасман ҳам. Бу дунёда менинг икки севгилим бор: биринчиси сендан ҳам азиз бўлган Ватанимиз; иккинчиси сенинг ўзингсан, холос. Энди хоҳ ишон, хоҳ ишонма, ўзинг билласан!

Етим Мурод бу гапларни шундай сидқидилдан айтдики, унга Норбишининг ишонмаслиги мумкин эмас эди. Шунинг учун Норбиши ҳам:

— Ишонаман! Ваъданг муҳлатини чўзишга сабаб бўлган ишларингни менга айтиб бер,— деди.

— Бўпти, айтиб бераман,— деди Етим дарёдан кўзини узмай.— Менинг отамнинг қотилларини, онамни бадбахтликка гирифтор қўлганиларни, маънавий онам — Ватанимизнинг душманларини қўлга туширмасдан ҳеч қандай хурсандликни ихтиёр қилмайман,

деб аҳд қилганман. Шодлигимнинг шодлиги бўлган сен билан бирга яшаш ҳам хозирча тўхтаб туради.

Норбиши нимадир демоқчи эди, лекин Етим дарёга яна бир марта дикқат билан назар ташлагач:

— Тўхта! — деб уни гапиришдан тўхтатди-да, қўлларни бўшатиб, дарё лабига қараб эмаклаб кетди ва Норбишига шивирлади:

— Сен шу ерда чўзилиб ёт!.. Кел, яхшиси, менинг орқамдан эмаклаб келавер. Лекин эҳтиёт бўл, яқин атрофда бирон киши бўлса кўриб қолмасин,— деди.

XI

Етим Норбиши билан гаплашаётганида дарёning нариги қирғогида, қўшни мамлакат томондан тикка турган бир қорани кўрганди. У қора бир оз тик тургач, қўздан гойиб бўлди, унинг кетидан яна бир неча қора кўриниб, қўздан гойиб бўлди.

Бу қораларни кўргандан сўнг ҳам Етим Норбиши билан гапини давом эттираса-да, қўзини уёқдан узмади. Бир неча дақиқадан сўнг Етим сувда гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай шу томонга келаётган қорани кўриб қолди. Шунинг учун ҳам Етим Норбиши билан сухбатини узиб дарё томон эмаклаб кетганди.

Етим Наврўзниң ёнига етиб борганда ҳалиги қора анча яқинлашиб қолган, унинг бир маҳаллий кема эканлиги кўриниб турарди. Кема гоҳ сув тўлқини юзасига чиқар, гоҳ тўлқинлар орасида кўринмай қоларди. Лекин унинг сувни тезлик билан дадил кесиб, қирғоққа — қамишзорга қараб кела беришни уни бақувват ва тажрибали бирор бошқараётганидан далолат берарди.

Етим келганда Наврўз пинакка кетиб қолганди. Наврўзни койиб уйготди-да, кемани кўрсатди ва ўзи эмаклашни яна давом эттири.

Наврўз кемани кўрган бўлса ҳам, чегарачилик қоидасини бузиб, гуттурт чақиб, папиросини тутатди ва шу билан уйқусини қочирмоқчи бўлди. Бу ножӯя ҳаракатни кўрган Етим орқасига қайтиб келиб, папирос оловини шинель билан тўсиб туриб, Наврўзниң оғзидан уни тортиб олди-да, ерга ишқалаб ўчирди ва унга қараб:

— Чегарачилик қоидаларини қачон ўрганасан? — деб пичирлади-ю, яна дарё лабига қараб эмаклади. Лекин кемачилар буни фаҳмладилар шекилли, қирғоққа яқинлашиб қолган кемаларини орқага қайтириб, қўшни мамлакат томон суза бошладилар.

Етим минг афсус ва надомат билан дилида Наврўзни койиб, яшин тезлигига дарё лабига етиб борди. Бу ерга — кема нишонга олиб сузиб келаётган жойга Сеня, Никитин ва Наташалар ҳам етиб келган эдилар. Улар шох-шаббалар ва қамишлар ичида туриб кемани қузатган эканлар.

— Отиб ташлаймиз-да, кемани чўктириб юборамиз, бошқа илож йўқ,— деди Никитин.

— Тирик қўлга туширганимизда, кўп нарсани ўлжа қиласардик, сирдан воқиф бўлардик,— деди Сеня.

— Кўлга киритганимиз-ку яхши эди-я,— деди Никитин,— лекин қўлга тушира олмаганимиздан сўнг, отиб ташлаганимиз маъкул.

— Кўлга туширамиз,— деди Етим ва қамиш ичига кийимларини ечиб қўйиб, Сеняга қараб:

— Рухсат этинг! — деди.

— Бор! Эҳтиётлик билан қўлга ол! — рухсат берди Сеня.

Етим ечиниб, қамишзор ва буталарни оралаб, дарё лабига чиқди, товуш чиқармаслик учун секин сувга тушди. Ҳеч ким, ҳатто яқинда турган ўртоқлари хам сувда одам борлигини сезмадилар. Етим эллик-олтмиш метрдан сўнг балиқ сингари сув юзига бир чиқиб нафас олар, яна гойиб бўларди...

Етим Мурод кемага етиб борди. Чегарачилардан қўрқиб қочган кемачи эшкак эшишга кўп қуч сарфлагани учун энди жуда чарчаб қолган, қўллари шу даражада бўшашиб кетган эдики, кемани бошқара олмай қолди, натижада кема сувнинг оқишига қараб кетаверди.

Етим Мурод кемани арқон бойланадиган учига етиб боргач, бир қўли билан унинг бир четидан ушлади, иккинчи қўлини чўзиб халқасимон қилиб тўплаб қўйилган арқонни ечиб олиб сувга туширди-да, сувга шўнғиб арқоннинг бир учини белига боғлади.

У сув остидан сузиб кемани қирғоқ томон тортиб борар, кемачилар сезиб қолмасин учун уни ўн метр тортса, йигирма метр сув оқишига қараб ўз ихтиёрига қўйиб борар эди.

Лекин кемачи кеманинг Советлар мамлакати томон яқинлашиб бораётганини сезиб қолди. Буни у Аму сувининг бебош оқишидан деб билиб, зўр бериб эшкак эшиб «сув оқимининг бебошлигига» қарши қурашишга интилар, ҳеч бўлмаса, кемани фақат сув оқими томон йўналтиришга интиларди. Аммо унинг бу ҳаракатлари беҳуда кетар, кема тобора мамлакатимиз соҳилига яқинлашарди.

Кема соҳилга яқинлашиб қолганда кемачи уни бирор судраб олиб кетаётганини сезиб қолди ва бирданига:

— Арқонни кесинглар! — деди кемадагиларга ва ўзи жон талвасасида эшкак эша бошлади.

— Нима билан кесамиз? — деб сўради улардан бири.

— Кемада пичоқ бор, топиб ўша билан кесинглар,— деб жавоб берди кемачи.

Улар ахтариб-ахтариб пичоқни тондилар, лекин йўгон канон арқонни занглаган, ўтмас бўлиб қолган пичоқ билан кесиб бўлмади.

— Пичоқ кесмаяпти,— деди зўр бериб арқонни кесишга уринаётган киши.

— Ундай бўлса, арқонни ечиб юборинглар,— деди кемачи.

Лекин ўўғон арқоннинг сувда ивиб янада қотиб, маҳкамланган кўр тугунини қўрқувдан титраётган бармоқлар еча олмасди...

Кема соҳилга тобора яқинлашарди. Арқоннинг тезда ечилавермаганини кўрган кемачи кимнидир, «ифлос», деб қаттиқ койиди ва эшкакларни кема ичига иргитиб, ўзи арқонга қараб югурди. Лекин унинг қўллари эшкак эшишдан жуда чарчаб, увушиб қолгани сабабли тугунни ечолмади.

— Ифлослар, ҳаммаларинг ҳам нопокмидинглар, бундай бадбахтилка учрадик,— деб кемачи ҳаммани койиди ва милтиқ олиб, кема деворига қўйди-да, арқон тортилаётган томонга қараб, кемани тортиб кетувчининг сувдан бош қўтаришини кутиб турди.

Етим нафас олиш учун бошини сувдан қўтартганди, уни нишонга олиб отди. Милтиқ товуши билан Ётим яна гойиб бўлди. Шу пайт Советлар мамлакати соҳилидан бирин-кетин ўқ узилаверди. Лекин чегарачилар кемадагиларни отмай, уларни қўрқитиб саросимага солмоқчи бўлганлари учун ўқлар зое кетарди.

Кемани тортиб борувчининг бошига зарар етмади шекилли, кема аввалгидек соҳил томон бораверди.

— Гупсарларга дам беринглар, ифлослар! — деди кемачи саросимага тушиб, ўзи кема остига ётиб, арқонни нишонга олиб Ётимнинг бош қўтаришини кутиб турди.

Гупсар дам берилиб, таҳт этилгач, кемадагилардан бири миниб қочиш учун бир гупсарни сувга туширди. Лекин шу пайт қаршидан келган ўқ гупсарни илма-тешик қилди, унинг дами чиқиб, пуччайиб қолди.

Бу ҳолатни кўрган кемачи унга қараб:

— Ифлос! Мен гупсарни сенга тайёрлаганмидим? Ўзимнинг миниб қочишими учун пуфлатиб тайёрлагандим. Сиз, ифлослар, барибир қўлга тушасизлар,— деди-да, кийимларини ечиб, қипяланғоч бўлиб, ўзини сувга ташлади. Лекин у сувга тушиши билан унинг бўйни, қўл-оёқлари арқонга ўралиб, кучли қўллар билан соҳилга тортилди. Бу бақувват қўллар Қурбон билан Никитинларнинг қўллари эди.

Бу вактда кема ҳам соҳилга етай деб қолган, қаршидан отилган ўқлар унинг тепасидан ўтиб кетар эди. Кемада қолган учкиши ҳам кийимларини ечиб, сувга ташланмоқчи бўлдилар. Лекин:

— Қимирламанг! Бўлмаса ҳаммангиз отиласиз! — деган овоз уларни тўхтатди. Бу Сенянинг овози эди. Ана шу буйруқни таъкидлаш учун бўлса керак, соҳилдан уч милтиқнинг бир йўла бўшатилгани эшитилди: ўқлар кемадагиларнинг тумшуғи тагидан визиялаб ўтиб кетди, уларнинг ҳар учови ҳам тирик мурдалардек кемага ийқилдилар. Бу ўқлар Сенянинг фармони билан Наташа, Наврўз ва Норбишилар томонидан отилган ўқлар эди.

Кема дарё қирғогида лойга тегиб тўхтаб қолди, ундан нарига юрмади. Сеня, Наташа, Наврўз лойга ботиб-ботиб кема олдига етиб келдилар. Уларнинг ҳар бирида биттадан тўппонча бўлиб, кемадагиларга қаратилганди.

— Қўлларингни кўтариб, буёқка чиқинглар,— деб фармон берди Сеня.

Лекин сувга тушиб қочишни мўлжаллаб, шир-ялангоч бўлиб олганлари сабабли улар қўлларини кўтара олмадилар; бир қўлларини олдиларига, иккинчисини орқаларига қилиб, уят жойларни яшириб турардилар.

Улар ана шу ҳолда кемадан чиқиши. Бу шармандаликтан кулгиси қистаган Сеня уларни қўл кўтаришга мажбур этмади.

— Қани, олдимга тушинглар,— деб олдига солиб ҳайдаб чиқди.

Кемачи ҳам Никитин назорати остида дарё лабида бир қўлини олдига, иккинчи қўлини орқасига қилган ҳолда турарди. Сеня, Наташа ва Наврўзлар кемадан тушганларни ҳам унинг олдига келтириб қаторлаб қўйдилар.

Бир чўеккада Етим ўтиради. Норбибиш билан Қурбон унинг бошини дока билан боғладилар. Бу ҳолни кўрган Сеня:

— Э... Сенга нима бўлди? — деб Етимнинг олдига борди.

— Ҳеч нарса, кемачининг ўқи бошимнинг терисини сал шилиб кетибди. Шуни боғлатяпман,— деди Етим.

— Бир эмас, бошининг бир неча жойига ўқ тегиб, ярадор қилибди, лекин мияга зарар етмагани уччалик хавфли эмас,— деди Қурбон.

— Ярадор бўлса ҳам, зарари йўқ. Бунинг зарарсизлигини шундан ҳам билиш мумкинки, мен сувдан чиқиб, кўзимга қон оқиб тушгандан сўнгина яраланганинг сездим. Бу ишга бел боғлаганимда ярадор бўлишни асло ўйламагандим.

— Иш масъулиятли бўлгани учун ҳатто яраланганингни сезмагансан, сезган бўлсанг ҳам эътибор бермагансан,— деди Етимга Сеня,— офарин!

У Етимнинг яраларини боғлаб бўлган Қурбонга:

— Наташа билан бирга кемадаги молларни қуруқликка олиб чиқинглар. Норбибиш билан мен Етимга қараймиз,— деди-да, Етимнинг нарироқда турган кийимларини келтириб олдига қўйиб:

— Ҳўл трусингни ечиб, қуруқ кийимларингни кийиб ол,— деди ва ўзи чакалакзорга кириб кетди.

Уст-бош кийишда Норбибиш Етимга кўмаклашди. У кийимларини кийиб бўлгунча чакалакзор ичидан Сеня ҳарбий сумкасини кўтариб чиқиб келди ва уни Етимнинг олдидаги очиб, ичидан термоссимон бир идиш, бир стакан ва бир шиша олди.

Сеня шишани очиб, стаканга икки қошиқча коњяк қуиди, унинг устига стаканга тўлдириб кофе қуийиб, Етимга узатди. Етим коњяк аралаш кофени ичди-ю, бадани қизиб, кувват пайдо бўлди.

— Яна бир стакан қуй,— деди Етим Сеняга.

Сеня бир стаканга кофенинг ўзини қуийиб берди.

Иккинчи стакандан сўнг Етим батамом жонланиб кетиб:

— Асирларни текшириб, сўроқ қилини керак! — деди Сеняга.

— Сўроқ қиласиз,— деди Сеня,— лекин сўроқ қилишдан олдин кемадан олинган нарсаларни текшириб қўришимиш лозим.

Кемадан олиб чиқилган нарсалар: иккита оғир-оғир узунчоқ ўрама, иккита яшик, оғир нарсалар солиб тўлдирилган тўртта чарм халта, бир қучоқ эски пахта, дами қайтиб, ўтмас бўлиб қолган бир пичоқ, бир милтиқ ва ўқи тўла патронташ ҳамда кемада келганларнинг уст-бошларидан иборат эди.

Сеня аввал узун ўрамларни очтирди. Уларнинг ичидан элликта бешотар милтиқ, яшиклардан турли хил ва турли марказдаги тўппончалар чиқди. Чарм халталар эса милтиқ ва тўппонча ўқлари билан тўлдирилганди. Халталарнинг биридаги ўқ остидан бир хат ҳам чиқди. Хатни Қурбон чўнтақ чирогининг ёргида ўқиб, Сеняга таржима қилиб берди. У Иброҳимбек қўрбоши номига ёйилган бўлиб, хатнинг бошида қуролларнинг рўйхати келтирилган ва хат қўйидаги мазмунда давом эттирилган эди:

«Хозирча сизга мана шу қуроллар юборилди, яқинда яна юборамиз. Сиз қаттиққўл бўлинг, иложи борича қизил аскарлар ва қизил партизанларга рўпара келманг. Яашаш жойингизни тез-тез ўзгартиб туринг, кўпинча тог чўққиларида тунашга ҳаракат этинг. Қулай фурсат тоғанингизда дехқонларни талаш ва ўлдиришдан тортинманг, қишлоқларга ўт қўйинг, умуман, шундай иш тутингки, токи халқ тирикчиликдан безсин. Колхоз ва колхозчиларга нисбатан ҳеч қандай раҳм-шафқат қилманг. Хозирги вақтда Совет ҳукуматининг қишлоқдаги ягона таяничи колхоз ва колхозчилар эканлигини асло унумтманг...»

Хатнинг охирида муҳр ва имзо ўрнида бир қанча шартли белгилар бўлиб, ундан ҳеч нарсани тушуниб бўлмасди.

Кемадан олиб чиқилган нарсаларни текшириб бўлгач, Сеня телефонда асиirlарни ва буюмларни олиб кетиш учун заставадан машина сўради, сўнг асиirlарни сўроқ қилишга киришди.

Сеня асиirlардан номи ва отасининг номини, қаерлик ва қандай иш билан шугулланишларини, бу томонга нима мақсад билан ўтганликларини, яроқларни қаерда ва ким томонидан тайёрланганини, нихоят, кимга олиб бораётганликларини бирма-бир сўраб чиқди.

Сеня берган ҳар бир саволни Қурбон таржима қилиб турди. Лекин асиirlар бирон саволга ҳам жавоб бермас, медицина музейига қўйилган скелетлар қаби ҳаракатсиз қотиб туардилар. Сўроқлар турли формада бир неча бор такрорланса-да, улар гинг демай туравердилар... Тонг оқара бошлади, лекин улардан ҳеч қандай жавоб олинмади.

Сўроқнинг нитижасиз чўзилиб кетаётганидан зериккан Етим Норбишишнинг ман этиши ва тўсқинлигига қарамай, сўроқ қилишда қатнашиш ва асиirlардан бирон жавоб олиш мақсадида ўрнидан туриб, уларнинг олдига борди ва асиirlарни ёргуликда кўрди-да:

— Бўлди-бўлди, иш тамом! Сизлар сўроқ қилиб, овора бўлиб ўтирунглар, булар жавоб бермаган бўлса, уларнинг номидан мен жавоб бераман,— деди.

Ҳамма Етимга қараб, ҳайрон бўлиб жим туриб қолди. У асирларнинг кексарогини кўрсатиб:

— Мана бу менинг олдинги хўжайиним, отамни ўлдиришга буюрган ва онамин азоб-уқубатларга гирифтор қилган Эшонқулбой Мардон ўғли,— деди.

— Мана бу отамнинг кушандаси — Шоқул Субҳон ўғли,— деди Етим ўрта ёшлардаги асири кўрсатиб:— Мана буниси эса хўжайиним Эшонқулбойнинг ўғли Истам,— деб таъқидлади Етим, соқол-мўйловлари энди сабз урган болани кўрсатиб.

Кемачини кўрсатиб:

— Мана буниси мёнинг сўнгти хўжайиним Ўроз Авазмуродзода. У бутун умрини серпул қочоқларга хизмат қилиш билан ўтказган,— деди Етим.

Ҳар бир асирининг таржимаи ҳолини Етимдан эшитган чегарачилар ғоятда шодланиб: «Ура!» деб юбориши. Норбиши өса шодликдан рақсга тушиб кетди ва оҳиста Етимнинг олдига келиб, унинг қулогига:

— Ваъдангнинг муҳлати ҳам битди,— деди пицирлаб.

— Ваъдамга вафо қиласман,— деди Етим Норбишининг қўлларини қисаркан...

Чегарачилар шодликка ғарқ бўлиб турганда дарё томондан:

— Манови қочоқни четга чиқазиш учун ёрдам беринглар,— деган овоз этишилди. Ҳамма дарё томонга қаради: сувда ичиди одам ўтирган бир гупсарнинг тизимчасидан ушлаган ҳолда Наташа турарди. Сеня ёрдамга югурди ва икковлари гупсарчини сувдан чиқариб, бандилар қаторига келтириб қўшидилар.

Унинг кийимлари маҳаллий хотинларнинг уст-бошига ўхшаган бўлиб, башарасини рўмол билан ўраб олган. Фақат икки кўзигина кўринар эди, холос.

— Бу қочоқ ўзини танитмаслик учун яхши ниқоб тошибди,— деди Етим.

— Мен қочоқ эмасман, мен мана бу одамнинг (Эшонқулбойни кўрсатиб) қўлидан қочиб, большевиклар паноҳига келдим,— деди у.

Етим бу овозни эшитиши билан:

— Онам,вой, онажонгинам! Сени қўрадиган кун ҳам бор экан-ку,— деб югуриб унинг бағрига отилди...

Шу пайт жанубдан учиб келаётган самолётнинг овози эшитилди. Ҳамманинг диққати унга тортилди. Самолёт уларнинг тепасига пастланиб келиб бир даста қофоз ташлаб кетди. Сеня қоғозлардан бирини олиб, баланд овоз билан ўқиди. Унда қуйидагилар ёзилганди.


«Боботоғда қочиб бекиниб ётган Иброҳимбек қўрбошини кечакофарниҳон дарёси бўйида қизилтаёқчилар қўлга туширдилар».

Чегарачиларнинг шодиёна чапаклари ва: «Ура!» садолари осмонга ўрлади. Ҳанузгача хафа юрган Наташа ҳам меҳрибон акамнинг қотили ушланибди, деб беҳад қувониб кетди, унинг Никитин билан тушган рақси ҳамманинг диққатини ўзига жалб қилди. Етим ҳам онасини қўтариб ўйинга тушиб кетди. Норбиши

ўртага тушиши билан Етим онасини қўйиб, у билан чир айланди.
Ҳамма уларга қарсак чаларди...

Асиirlар ва молларни олиб кетиш учун юк автомашинаси
ҳам етиб келди.

Қўй билан ўпишган баланд тоғлар орқасидан кўтарилиб
келаётган қуёш ўзининг заррии нурларини коинот узра соча
бошлади.



МУНДАРИЖА

| | |
|---|-----|
| ОДИНА..... | 5 |
| ЭСКИ МАКТАБ..... | 105 |
| ЕТИМ. <i>Тожикчадан X. Xомида боев</i> <i>таржимаси.....</i> | 135 |

Для детей среднего школьного возраста

САДРИДДИН АЙНИ

СТАРАЯ ШКОЛА

П о в е с т и

На узбекском языке

Редактор Ш. ОДИЛОВ

Рассом А. ИБРАГИМОВ

Расмилар редактори Ф. БАШАРОВА

Тех. редактор Л. ХИЖОВА

Корректор Р. КАЮМОВ

ИБ № 0144

Босмахонага берилди 08.11.87. Босишга рухсат этилди 09.02.88. Формати
60×90 1/16. Босмахона когози № 1. Янги-оддий гарнитураси. Юкори
босма. Шартли босма л. 15,0. Шартли кр.-оттиск 15,125. Нашр л. 15,65.
Тиражи 50 000. Заказ № 4016. Шартнома № 37—87. Баҳоси 70 т.

«Юлдузча» нашриёти, 700000, Тошкент, Ленин кӯчаси, 41.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат
комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Баш
корхонаси. Тошкент — 700129, Навоий кӯчаси, 30.

Айний, Садриддин.

Эски мактаб: /Қиссалар; Ўрта ёшдаги мактаб болалари учун/
Тўпловчи М. Ҳасанов/.— Т.: Юлдузча, 1988.— 240 б.

Айни, Садриддин. Старая школа. Повести.

С(Тадж)2

ҚАДРЛИ БОЛАЛАР!

«Юлдузча» нашриёти 1988 йилда сизларга
атаб қуидаги китобларни нашрдан чиқаради.

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР УЧУН

**САМУИЛ МАРШАҚ
ОЙЛАР ҚАМАЛАГИ**

ШЕЪРЛАР

**НИКОЛАЙ НОСОВ
ЖОНЛИ ШЛЯПА**

ҲИҚОЯ

**ВАСИЛЬ СУХОМЛИНСКИЙ
БҮФДОЙ БОШОФИ**

ҲИҚОЯЛАР

**ЭРКИН ВОҲИДОВ
ДАРАХТЛАР СУҲБАТИ**

ШЕЪРЛАР

**ҲАМДАМ СОДИҚОВ
ПОСБОН**

*СОВЕТ АРМИЯСИ
ҲАҚИДА ҲИҚОЯЛАР*

**МАҲМУД МУРОДОВ
ТАДБИРКОР ҲАСАН**

ЭРТАК

**ҚУТБИ НОСИРОВА
ТИНЧЛИК БОБО**

ШЕЪРЛАР

**КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ
БОЛАЛАР УЧУН**

**ТҮПЛАМ
ҲАР ДОИМ БҮЛСИН ҚҮЁШ
ШЕҖРЛАР ВА ҲИКОЯЛАР**

**ТҮПЛАМ
ЧҮЛОҚ БҮРИ
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИ**

**Э. УСПЕНСКИЙ
ГЕНА ДЕГАН ТИМСОХ
ЭРТАК-ҚИССА**

**Л. ТОЛСТОЙ
ДАНАР
ҲИКОЯЛАР**

**УСМОН АЗИМОВ
ФАРОЙИБ АЖДАХО
ЭРТАК.**

**ЗОҲИР АЪЛЛАМ
АФАНДИНИНГ ҚИРҚ БИР ПАШИАСИ
ҲИКОЯЛАР**

ЎРТА МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР УЧУН

**ҲАМЗА
АҚЛ ЧИРОФИ**

ШЕҖРЛАР

**САДРИДДИН АЙНИЙ
ЭСКИ МАКТАБ**

ҚИССАЛАР

**ФАРХОД МУСАЖОНОВ
БҮШ КЕЛМА, АЛИҚУЛОВ**

ҚИССАЛАР

**МИРЗАКАЛОН ИСМОИЛИЙ
ҚАЙСАР БОЛАНИНГ ҲАЁТИ**

ҚИССАЛАР

**АЗИЗ АБДУРАЗЗОҚ
БОҒДА БИТГАН ЭРТАКЛАР**

ШЕҖРЛАР, ЭРТАКЛАР

**АЗИЗ НЕСИН
ФАРОЙИБ БОЛАЛАР**

РОМАН ВА ҲИКОЯЛАР